

# АБАДИЯТ ТОМОНИДАН

ҮН ИЙЛЛИК ЮБИЛЕЙ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН  
ЯНГИЛАНТАН ВА  
КЕНГАЙТИРИЛГАН НАШР

## БОШКАРИЛАЁТГАНЛАР



*Бугун ва агадийликда  
аҳамиятга эга  
бўлган ҳаёт*

# ЖОН БИВЕР

Азиз дўстим!

Мусо Забур китобининг 89:12 саносида Худога мурожаат қиласяпти: “Бизга кунларимизни санашни ўргат”. Ердаги ҳар қандай сон – абадийликнинг чексиз воқелигига қиёслаганда ҳеч нарса эмас, аммо вакт билан ўлчанадиган дунёдан кетганимизда, қанақа мукофотларга эришишимиз шу ерда инъом этилган вактни, қандай бошқара олганимизга боғлиқ бўлади.

“Абадият томонидан бошқарилаётгандар” китобининг мактуби – мен Худонинг Рухидан олган энг кучли ва инсонни ўзгартиришга қодир бўлган вахийлардан бири хисобланади. Бу ҳақиқатларни англаб етган бир талай жамоатлар, хизматкорлар ва алоҳида инсонлар, Осмон Шохлиги учун хизматларида янги мақсад, назар ва иштиёқка эришдилар. Ушбу қўлланмалар билан бўлишиши – мен учун катта баҳт.

Бу китобни бутун дунё бўйлаб, сизларга ва барча хизматкорларга севгим ва ёрдамим белгиси сифатида юбораямман. Илтимос, бу мавзууни ўрганинг ва танишларингиз орасида бошқа бор бўлган қўлланмалар билан бўлишинг. Китобнинг сахифаларидағи ҳақиқатларни чукурроқ тушуниб етганингизда, тилагим, сизга ҳаётингиз ва келажагингиз учун Худодан буюк рёжалар ва мақсадлар очилсин.

Дўстим, мен бу вахийни олганимда эришган ўзгаришларга, сиз ҳам эришишингиз учун ибодат қиласман. Абадийлик ҳақидаги вахийни англашга интилар экансиз, ишонаманки, сизнинг ҳаётингиз, ойлангиз ва хизматингиз ўзгармай қолмайди. Ушбу китоб сизга ва шогирдларингизга қандай таъсир этганини эшитишдан мамнун бўлиб қоламан.

Масиҳдаги биродарингиз



Жон Бивер  
JohnBevere@ymail.com



**MESSENGER**  
INTERNATIONAL  
[MessengerInternational.org](http://MessengerInternational.org)

АБАДИЯТ ТОМОНИДАН

БОШҚАРИЛАЁТГАНЛАР



↔ ЖОН БИВЕР ↔



«Замон ташвишлари орасида энг зарур мақсадни кўзлаб яшашни унитиб қўйиш ва муаммоларга қадалиб қолиш жуда осон. Жон Бивернинг “Абадият томонидан бошқарилаётганлар” кучли китоби, сизга мангулиқда аҳамиятта эга бўладиган, ердаги ҳаёт учун рағбат, илҳом ва отланишни қўшади».

— «LifeChurch.tv» жамоатининг бош чўпони ва китоблар муаллифи, КРЕЙГ ГРЕЧЕЛ

«“Абадият томонидан бошқарилаётганлар” китоби – комил ҳаётнинг мазмунини қидирувчилар учун жавоб бўлиб, у энг устун йўл тўғрисида муҳим мактубни ўз ичига олган. Бу китобни, албатта, ўқиб чиқиш зарур».

— Оммабоп китоблар муаллифи ва нотик, ЖОН МАКСВЕЛЛ

«Менинг дўстим, Жон Бивер томонидан ёзилган “Абадият томонидан бошқарилаётганлар” китобининг ўн йиллик нашри – умр шунчаки бир неча кунлардан иборат эмаслигини жуда соз равишда эсга солади. Ушбу китобни ўқиганингизда, сиз ором ва умидга эга бўласиз, негаки ҳаётда юқори даражадаги даъватга мувофиқ тарзда яшаш жоизлигини эста оласиз».

— «Elevation Church» жамоатининг чўпони ва «Нью-Йорк Таймс» газетасининг фикрича оммабоп китоблар муаллифи, СТИВЕН ФЕРТИК

«Жон “Абадият томонидан бошқарилаётганлар” китобида, абадият тоифасида фикр юритиш қанчалик муҳимлигини англатиш учун Муқаддас Китобдан фойдаланади. Унинг таълимоти Масиҳга ишонадиган кишиларга, қай тарзда бутунги кунда яшаб, абадият ҳақида мулоҳаза қилиш мумкинлиги тўғрисида кўпроқ донолик ва тушунчага эга бўлишга кўмаклашади деб ишонаман».

— Оммабоп китоблар муаллифи ва Муқаддас Китоб ўқитувчиси, ЖОЙС МАЙЕР

«“Абадият томонидан бошқарилаётганлар” китобида инсонацият ҳаётидаги улуғвор “сирлардан” бири – абадият жасурана ёритилган. Жон Бивер ушбу мавзу бўйича Муқаддас Китобдаги доноликни, ҳар доимгидек аниқ ва жон-жаҳди билан тадқиқ этади, ўқувчиларини ўз меъёрларидан нарини кўзлаган ҳолда, мангулик ҳақидаги ўйлар билан яшашга руҳлантиради».

— «Хиллсонг» жамоатининг бош чўпони, БРАЙАН ХЬЮСТОН

«“Абадият томонидан бошқарилаётганлар” китобини, мангу мерос барпо этишни ва Худо Шоҳлигини кенгайтиришини истайдиган ҳар бир киши ўқиб чиқиши лозим. Каломга таянган ҳолда, Жон ўз ўқувчиларини, ердаги энг бебаҳо имконият – вақтдан мумкин қадар тўғри фойдаланишга рағбатлантиради ва илҳомлантиради. Бу китоб – замонавий классика!»

— «Church of the Highlands» жамоатининг бош чўпони, «Тоза ҳаво» ва «Тўртта пиёла» китобларининг муаллифи, КРИС ХОДЖЕС

«Жон Бивер “Абадият томонидан бошқарилаётганлар” китобида мангуликнинг жумбоини очади ва бугунги қарорларимиз, охирги нафасимиздан кейинги ҳаётга қай тарзда акс этишига ишонарли далиллар келтиради. Бу китобни, ўзимизга четлаб ўтишга йўл қўймаслигимиз керак».

— «Нью-Йорк Таймс» газетасининг фикрича, «The Circle Maker» оммабоп китобининг муаллифи, «National Community Church» жамоатининг бош чўпони, МАРК БАТТЕРСОН

«Жон Бивер “Абадият томонидан бошқарилаётганлар” китобида ўқувчиларни, доимо абадий ҳаётни кўзлаб яшашга чорляяпти. Жон – менинг энг яхши дўстим ва бу китобни тавсия қилиш, мен учун катта шараф».

— Жоржия штати, Гейнесвилладаги «Free Chapel» жамоатининг бош чўпони ва «Нью-Йорк Таймс» газетасининг фикрича оммабоп китоблар муаллифи, ЖЕНТЕЗИН ФРАНКЛИН

# АБАДИЯТ ТОМОНИДАН

ҮН ИИЛЛИК ЮБИЛЕЙ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН  
ЯНГИЛАНГАН ВА  
КЕНГАЙТИРЛГАН НАШР

## БОШҚАРИЛАЁТГАНЛАР



↔ ЖОН БИВЕР ↔

Driven by Eternity by John Bevere, Uzbek

© 2017 Messenger International

[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)

Originally published in English as Driven by Eternity

Additional resources in Uzbek by John Bevere are available for free  
download at: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org)

To contact the author: [JohnBevere@ymail.com](mailto:JohnBevere@ymail.com)

«Абадият томонидан бошқарилаётганлар»

Жон Бивер, ўзбек тилида

© 2017 Messenger International

[www.MessengerInternational.org](http://www.MessengerInternational.org)

Биринчи марта инглиз тилида «Driven by Eternity»

номи остида чоп этилган

Жон Бивернинг ўзбек тилидаги қўшимча манбаларини бепул  
юклаб олиш учун: [www.CloudLibrary.org](http://www.CloudLibrary.org) сайтига ташриф буюринг  
Муаллиф билан боғланиш учун электрон манзил:

[JohnBevere@ymail.com](mailto:JohnBevere@ymail.com)

*Мен бу китобни, абадий ҳаётни  
барпо этишида тинмай меҳнат қилаётган  
кишиларга бағишлайман.*

*Изланишида толманглар. Унинг қайта  
келиши аниқ ва Унинг муроффоти Ўзи билан.  
«Абадий ҳаёт шуки – Сени – ягона, ҳақиқий  
Худони ва Сен юборгган Исо Масихни  
таниб-билишсин».*

ЮҲАННО 17:3



# МУНДАРИЖА

Китоб ҳақида ..... 11

Сўз боши ..... 13

Муқаддима ..... 15

## 1 БЎЛИМ

1 боб. Абадий ..... 21

► 2 боб. Аффабел Шоҳлиги: Энделдаги ҳаёт ..... 39

► 3 боб. Аффабел Шоҳлиги: биринчи суд куни ..... 63

## 2 БЎЛИМ

4 боб. Ўликлар учун мангу уй ..... 89

5 боб. Ёлғон устидан суд ..... 109

## 3 БЎЛИМ

6 боб. Буюк чекиниш ..... 143

7 боб. Пойдевор ..... 173

## 4 БЎЛИМ

► 8 боб. Аффабел Шоҳлиги: иккинчи суд куни ..... 187

9 боб. Само ..... 215

10 боб. Масиҳнинг Хукми ..... 235

## **5 БҮЛİM**

11 боб. Худонинг уйи.....	253
12 боб. Худо томонидан даъват этилганлар .....	269

## **6 БҮЛİM**

13 боб. Кўпайиш.....	297
14 боб. Шахсий таъсир кўрсатиш .....	329
Илова. Нажотга қандай эришиш мумкин .....	349

# КИТОБ ҲАҚИДА

«**А**бадият томонидан бошқарилаётганлар» ни бошмумкин. Китобдан, шахсан ёки гуруҳ бўлиб ўрганишда фойдаланмоқчи бўлган кишилар учун, у олтига қисмга бўлинган ва ҳар бир қисмнинг охирида мулоҳаза учун саволлар берилган. Бу дарслар олти ҳафтага мўлжалланган, бироқ бу тартибни ўз режангизга биноан ўзгартиришингиз мумкин.

Қисмлар ва уларга мувофиқ боблар:

- |                 |                |
|-----------------|----------------|
| <b>1 бўлим.</b> | 1-3 боблар.    |
| <b>2 бўлим.</b> | 4, 5 боблар.   |
| <b>3 бўлим.</b> | 6, 7 боблар.   |
| <b>4 бўлим.</b> | 8-10 боблар.   |
| <b>5 бўлим.</b> | 11, 12 боблар. |
| <b>6 бўлим.</b> | 13, 14 боблар. |

Агар сиз бу китобни «Абадият томонидан бошқарилаётганлар» ўқув дарсининг бир қисми сифатида ўқиётган бўлсангиз, ҳафтада битта ўқув дарсини гуруҳ бўлиб томоша қилишни ёки тинглашни ва тегишли қисмда жойлашган мулоҳаза учун келтирилган саволларга жавоб беришни тавсия этамиз. Шундан сўнг, ҳар бир гуруҳ аъзоси китобнинг мувофиқ бобини келгуси учрашувгача ўқиб келсин. Ҳар бир ҳафтага битта ўқув дарси берилган.

Ёқимли ўқишни тилаймиз!



# СҮЗ БОШИ

Хар биримиз Худонинг қаршисида турадиган кун кела-ди.

Биз шунга тайёрмизми?

Калом бизни огоҳлантирияпти: «Шунинг учун биродарлар, ўз даъватингизга ва танловингизга амин бўлиш учун янада астойдил ҳаракат қилинглар...» (2 Пётр1:10, инглиз тилидан тарж.). Бу ердаги асосий сўз – амин бўлиш ҳисобланади.

Сиз бирор нарсада ўта даражада амин бўлиб, сўнг адашганингизни англаб қолган пайт бўлганми? Ҳамма эркаклардек, мен ҳам аксарият ҳолларда, бирор нарсанинг йўналиши, йўриқномаси, таомили, тартиби ёки усулини билишимга ишончим комил бўлади, кейин тўсатдан бошқа жойга кириб қолганимни ёки лойиҳа, йифин ва тартиб-қоидани йўриқномага риоя қилган ҳолда қайтадан бошлаш лозимлигини тушуниб қоламан. Бундай ҳол мени ранжитади. Мен аллақачон ёқилғи, вақт ёки пул, қандайдир харажатлар сарфладим. Биламан деб амин бўлган нарсани, аслида билмаган бўлиб чиқаман.

Абадият билан ҳам шундай хатога йўл қўйишни истамайман.

Бу китобни устидан ишлар эканман, аввало ўзимга кўп нарсалар очилди. У ўн йил илгари нашр этилган эди, ўшандан буён мен ва жамоам ушбу мактуб инсонларнинг ҳаётини ўзгартираётгани ҳақида саноқсиз хатлар оламиз. Биз қайта кўриб чиқилган ва янгиланганди нашрнинг устида ишлаш каби осон бўлмаган вазифани муҳокама қилганимизда, мен бу нарса ўта муҳим эканини билар эдим. Ушбу

сақиfalардаги вақийлар шошилинч ва муҳим эканини күчли ҳис этдим. Биз Хушхабар қўриқчиларининг, бошқаларни иноят ва ҳақиқат билан, абадий ҳаётга тайёрлашдан юқорироқ даъватимиз йўқ.

Афсуски, Яратувчимизнинг қарписида турганимизда, бирор нарсани ўзгартириш учун жуда кеч бўлади. Китобни ўқиб ёки ўрганаётиб, сизни абадият учун ўта муҳим имкониятта – Ўзининг шавқати ва инояти билан батамом ўзгартириш келтирадиган, Муқаддас Руҳнинг ҳаракатига очиқ бўлишингизга умидворман ва шу нарса учун ибодат қиламан.

Чин юрақдан,  
Жон Бивер,  
2017 йил, май.

# МУҚАДДИМА

**Н**ега абадият сўзи дикқатимизни ўзига тортади, у қай тарзда бутун бошли миллатларга таъсир этишга қодир? Ўтган асрнинг ўрталарида, Биринчи жаҳон уруши ва Буюк касодлик оралиғидаги умидсиз вазиятда умр кечириш учун туғилган Австралиялик Артур Стэйснинг тарихи айнан шу ҳақда. Унинг ҳаёти муттасил жиноят содир этиш ва ич-киликбозлиқдан иборат эди, аммо 1930 йил 6 августдда Артур Исо Масиҳ билан учрашгандан сўнг, ҳаммаси бошқача тус олди. У янги имонли пайтида, унинг чўпони, Сиднейнинг ҳар битта кўчасида абадий ҳаётни эълон қилишни истаб, йиғлаганини ва ибодат қилганини эшитиб қолди. Артур ўзида бу ибодатни амалга оширишга ундовни ҳис этди.

У ҳар куни эрталаб тонг отмасдан уйғониб, тахминан бир соатлар ибодат қилар, сўнг соат 5.00 дан 5.30 орасида, Худо уни илҳомлантирган нарсани қилиш учун уйидан равона бўларди. У кўп соатлар давомида, ҳар юз қадамдан кейин Сиднейнинг йўловчилар юрадиган йўлларига ягона нарса – абадий ҳаёт жумласини ёзib чиқсан. Йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида, унинг бу иши ҳамма учун сирлигича қолиб кетган. Минглаб одамлар тўхтаб, маъноси ҳақида фикр юритишга мажбур этган «абадий ҳаёт» жумласини ким ёзган эди? У бу сўзниг таъсирини ва кучининг миқдорини тушунганими? Фақат 1956 йил ушбу сир ошкора бўлди.

Артурнинг ўлимидан сўнг сиднейлик шоир Дуглас Стюарт қўйидаги сўзларни босиб чиқарди ва бу ҳақ кишининг сўзини графит услубида абадийлаштириди:

Ушбу Артур Стэйс исмли уялчанг ва сирли шоир,  
Вақт ва замоннинг қаъридан чиқаётган

Ягона қудратли сўзни,  
Бутун умрининг юмушига айлантириди.  
Мана, унга абадий ҳаёт, абадий ҳаёт  
Деб айтилди ва у эшилди:  
У сўз самодан янграйдиган ва дўзахдан жавоб қайтарадиган  
Қўнғироқнинг овозидек, унинг қулоқларида қолиб кетди.

Битта жумладан иборат бўлган воизлик, бутун миллатга етиб борди. Унинг мактуби, Сиднейнинг марказий майдонида, «абадий ҳаёт» жумласи ўйиб ёзилган бронзадан бўлган ёдгорлик тошини ўрнатган, меъмор Рилди Смит томонидан келгусидаги авлодлар учун ҳам сақланиб қолди. Кейинроқ бу тошни, Сиднейдаги Олимпиаданинг очилиши маросимининг телетрансляцияси орқали, бутун дунё бўйлаб томоша қилаётган миллиардлаб одамлар кўришга муваффақ бўлдилар, ундан сўнг, Сидней портининг кўпригида, янги минг йилликка ўтар кечасидаги базмда, одамлар мушакбозлик кўринишида яна ўша жумлани кўрдилар.

Абадият бутун инсониятни аср этади. У ўзига жалб қилмаган бирон миллат, халқ ёки инсон йўқ. Биз юрагимизда абадият билан яратилганмиз ва ҳаётимизнинг ноъмалум давомини ҳам сезиб турамиз. Шундай экан, Яратувчимизнинг мангулик ҳақидаги сўзига катта аҳамият беришимиз зарур, боз устига Унинг Каломида айтилган: «Азалдан Мен Ўшаман... Мен амалга ошираман ва ким буни бекор қила олади?» (Ишаъе 43:13) (Инглиз тилидан таржимада «абадийликдан абадийликка». – тахминий тарж.). Айнан шу сабабга кўра, сиз бу китобни танладингиз. Сиз тўғри нарсани танладингиз, деб ишонаман.

Келинг, даставвал ибодат қиласиз. Мен овоз чиқариб ибодат қиласман, сиз ҳам менга қўшилишингизга умидворман:

Абадийликнинг азиз Худоси, борлиқнинг Яратувчиси, Коинот Раббийси, мен Сенинг қаршингта Ўғлинг Исо масиҳ

номи билан келаман. Кулинг Жон Бивер билан яқдилликда, Сендан күриш учун күзларимни, эшитиш учун кулоқларимни очишиңгни ва ушбу мактуб орқали айтаётган сўзларингни англайдиган ва қабул қиласидиган юрак беришиңгни сўрайман. Менинг ҳаётимдаги Сенинг иродангни ва йўлларингни билишим учун Муқаддас Руҳнинг ёрдамига муҳтожлигимни тан оламан. Ердаги ҳар бир кунимда ва абадийликда, Сенга маъқул инсон бўлишни истайман. Сени билишим учун, менга фақат йўлларингни эмас, балки юрагингни ҳам очгин, зеро Сени Самовий Ота сифатида таниб-билиш, абадий ҳаётни таниб-билишдир. Сенинг ажаб садоқатинг, иноятинг ва шавқатинг учун миннатдорман.

Келинг, Муқаддас Руҳ сизга, ўз кучингиз билан эриша олмайдиган зеҳнни ва фаҳмни беришини билган ҳолда, бошлиймиз. Бу нақадар ажойиб!



# 1 БҮЛИМ



## 1 БОБ

# АБАДИЙ

*Бизга қунларимизни санашиңи ўргат...*

*Кўлларимизнинг ишларида бизни  
кўллаб-кувватлагин, кўлларимизнинг ишларида  
бизни кўллаб-кувватлагин.*

— Сано 89:12,17

**А**ксарият инсонлар, умрини беҳуда яшаб ўтишни ис-  
тамайдилар. Бу Худодан келадиган тўғри истақдир.  
Юқоридаги оятда, Мусо мана шу ҳақда сўраган. Ҳаётдаги  
кўп йўқолган нарсаларни тиклаш мумкин, бироқ нотўғри  
сарфланган вақтни қайтариш имконсиз. Қуёш уфқ ортига  
ботганидан, кунимиз мангуликка йўл олади.

Мусо Худодан, меҳнатимизни муваффақиятли қили-  
шини сўраб ибодат қилияпти. У бу сўзларни икки маротаба  
қайтаряпти. Нима учун? Мусонинг хотираси паст ёки у сўз-  
лашда саводсиз бўлмаган. Аксинча, у бу ерда яхудий тили-  
да одат тусига киритилган, маълум бир услубни намойиш  
этяпти. Ўзбек ёки инглиз тилида компьютерда бирор гапни  
ажратиб кўрсатмоқчи бўлсак, буни бир неча йўсинда амал-  
га оширамиз, масалан, ҳарфларни йўғон, қия ёзмага айлан-  
тирадиган тутмаларни босамиз ёки ундов белгиси қўямиз.  
Буларнинг бари, ўқувчининг диққатини энг муҳим нарсага  
жалб қилиш учун ишлатилади. Бироқ яхудий тилида бирор  
сўз ёки жумлага ургу бериш учун, уни икки маротаба ёзиш-  
ган. Шу билан бирга, яхудий муаллифлари ҳиссиётни дои-  
мо, ўта даражада эҳтиёткорлик билан намоён этганлар. Ка-

ломда икки маротаба қайтарилигтан сўзлар, нафақат биз муваффақиятга эга бўлишимиз Худонинг иродаси, қолаверса, У буни кучли иштиёқ билан исташидан дарак беради. Мана нима учун, У бу сўзларга ургу берган.

Биз муваффақиятли бўлиш учун яратилганимиз. Худо бизнинг ҳаётимиз маъноли ўтишини истайди! Даставвал бу бизнинг эмас, Худонинг хоҳиши бўлган. У буни Калом орқали очаяпти. Рухсатингиз билан, иккита ана шундай оятларни келтираман: «Раббий Худойинг сенга қўлларингнинг барча ишларига мўл-кўлчилик билан муваффақият беради» (Қон. такрор. 30:9). Эътибор беринг, барча ишларига дейилган, айримларига эмас! Давом этиб, ўқиймиз: «Ушбу қонун китоби оғзингдан тушмасин; балки уни туну кун ўргангин, токи унда ёзилганларни аниқ бажаргин. Шунда ўз йўлларингда муваффақиятли бўласан ва доно ҳаракат қиласан» (Ёшуа1:8).

Муваффақиятдан роҳатланиш, илохий доноликни талаб этади. Калом айтган: «Доноликни қўлга киритадиган ўз жонини севади, соғлом ақлни сақладиган эзгуликка эришади» (Ҳикматлар 19:8). Донолик бизга билим ва керакли фурсатда тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини беради. Донолик маҳсус истеъодд эгаларига берилмайди, унга Раббийдан қўрқадиган кишилар эришишга хуқуқли ва у Масиҳда бўлганларга очилади. Абадий маънога эга ҳаёт кечириш учун илохий донолик талаб этилади, мана, аслида нима ҳақида, бу китоб.

Роҳат ва мукофот келтирадиган муваффақият, доноликдан дунёга келади: «Агар доно бўлсанг, донолигинг сени мукофотлайди» (Ҳикматлар 9:12). Худо сенга нафақат иқбол тилайди, балки сени мукофотлашни ҳам истайди. Яна қайта ўқиймиз: «Худо кундан кун ҳақларнинг эзгу ишларини кузатади ва уларга мангу мерос беради» (Сано 36:18, инг. тилидан. тарж.).

Охирги йиллар, аксарият жамоатлар, Худо бизни муваффақиятли бўлишимизни исташи ҳақидаги ҳақиқатга

диққатларини жамлаб, түгри қиляптилар. Бироқ мұваффақиятта Худонинг нұқтаи назарі билан әмас, балки жамиятнинг фикри бүйіча қаралмоқда. Мұваффақият мангулик билан әмас, вақт тоифасида ўлчанмоқда. Шу йүсінде, ноаниқ тушунчалар келиб чиқяпти, натижада, бу нотүгри мақсад вә интилишларга олиб келяпти. Бир куни ҳар бири миз, коинот Ҳукмдори, Исо Масиҳнинг қаршиисида турамиз вә агар илохий доноликка асосланған умр кечирған бўлсак, абадий меросга эга бўламиз.

Борди-ю, янглиш ниятлар билан бошқарилган бўлсак, жазоланамиз ёки боқий йўқотишни бошимиздан кечира миз. Шундай экан, бир неча соатларни сарфлаб, У нимани излаётганини аниқлаб олиш зарур.

Бу китобнинг мақсади вә маъноси – нафақат бугун, балки мангуликда аҳамият касб этадиган ҳаёт кечиришга кўмаклашиш ҳисобланади. Бунга қандай эришиш Муқаддас Китобда аниқ тарзда айтилган. Агар биз абадийликни кўзлаб яшашни истасак, келинг, бунинг нима эканини англашга уриниб кўрамиз.

## Абадият

Каломдан келтирилган қуйидаги иккита оятни диққат билан ўқинг:

«Ҳеч ким мангуликни тушуна олмайды» (Аюб 36:26, инглиз тилидан тарж.).

«У шунингдек, уларнинг юракларига абадиятни жойлаштири» (Воиз 3:11).

Абадийлик. Бу нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин? Уни қай тарзда англаш мумкин? Бир изоҳли луғатда бу сўз, поёнсиз вақт, бошқасида эса – вақтдан ташқари ҳолат деб таърифланган. Нега бир манба абадийликни вақт билан ўл-

чаяпти, бошқаси эса вақтдан ташқарида? Нега бу таърифлар саволсиз қоляпти? Наҳотки, ердаги бошқа мавжуд бўлган нарсага, икки илмий китоб мутлақо ҳар хил таъриф берса-ю, уларнинг битгаси шубҳа уйғотмаса? Олайлик, битта киботда балиққа, сувда кун кўрувчи, бошқасида қуруқликда кун кўрувчи мавжудот деб таъриф берилди, дейлик. Биз зудлик билан, китобларнинг бирида янглишиш бор, деган холосага келган ва у китобни ташлаб юборган бўлардик. Нега унда, абадиятга берилган таърифларни шубҳа остига қўймаймиз ва улардан бирини калламиздан олиб ташламаймиз?

Ҳақиқат шундаки, абадиятни онг билан англаш имконсиз. Бизнинг онгимиз мангуллик моҳиятини ва қоидаларини тушунишда чегараланган.

Қўйидагича мисол келтиришга рухсат беринг. Борлиқнинг адогини тасаввур этиб қўринг. Унинг ташқи чегарасини кўз олдингизга келтиринг. Борди-ю, бу қўлингиздан келса, ўша чегарани қандай тасаввур этган бўлардингиз? Бу нима ўзи? Деворми? У нимадан таркиб топган? Қалинлиги қанча? Бу деворнинг ташқи томони бутун коинотнинг якуни ҳисобланадими? Агар шундай бўлса, деворнинг ортида нима бор? Яна фазо давом этганими? Аслида, фазо борлиқнинг давоми эмасми? Охири қаерда? Сизнинг онгингиз чексиз оламни қуршаб ололадими? Булар тўғрисида ўйлаб қўринг.

Мисол учун тубсиз жарни олайлик. Узлуксиз қулашда давом этишни тасаввур эта оласизми? Сиз ҳеч қачон тубга етиб бора олмайсиз, ҳатто уни кўра олмайсиз ҳам, доимо қулашда давом этасиз. Икки нарса бизнинг соғлом ақлимизни қийнайди: биринчидан, тубсизлик, иккинчидан, тўхтовсиз қулаш. Буни англаш имконсиз ва бу илмий уйдирмага ўхшаб эшитилади, бироқ Каломда бундай жой ҳақида етти марта ёзилган.

Инсоннинг Яратувчиси, Худонинг йози ҳақида нима дейсиз? Унинг келиб чиқиши, тўғрироғи, Унинг «келиб чиқиши

нуқтаси йўқлиги» ҳақида ўйлаб кўринг. Калом Унинг «мангуликдан мангуликкача» эканини тасдиқлайди. Агар У туғилмаган ва Уни ҳеч ким яратмаган бўлса, қандай Худо бўлишни бошлади? У қандай ривожланиб борди?

Ҳақиқат шундаки, Забур қўшиқчиси айтганидек, У Худога айлангани йўқ: «Тоғлар туғилишидан олдин, ер ва коинотни яратишингдан олдин асрлардан асрларгача Сен – Худосан!» (Сано 89:3). Бу ҳақда мулоҳаза қилиб кўринг. Мулоҳазани бошлаб, Аюб ёзганидек, бу бизнинг тушунчамиздан юқорида эканини англаб етамиз: «Ҳеч ким мангуликни тушуна олмайди».

## Юраклардаги абадийлик

Яратувчимиз, тушунчамиздан юқорида бўлган ҳақиқатни юракларимизга жойлаган. Мангулик бизнинг юрагимизга таниш тушунча. У ҳар бир кишида туғилади. Шунинг учун айтилган: «Ақлсиз одам ўз юрагида: «Худо йўқ», – деди» (Сано 13:1). Эътибор беринг, Каломда: «Ақлсиз ўз онгига», деб айтилмаган. Аксарият, дарғазаб тарзда Худони борлигини рад этадиган худосизлар, юракларида Унинг борлигини биладилар, негаки бу билим юракларига жойланган. Уларнинг юраклари ҳали тўлиқ таназзулга юз тутиш даражасида бағритош эмас.

Менинг, узок йиллар илгари, ўзини худосизлигига ишончи комил деб ҳисоблаб юрган, дўстим бор. Бирор киши у билан Худо ҳақда гапиришига, ружсат бермаган, бир куни, у ҳатто ҳамкасбининг қўлидаги Муқаддас Китобни тортиб олиб, ерга улоқтирган-да, уни оёқлари билан босишни бошлаган ва ҳамкасбини ҳам, Муқаддас Китобни ҳам лаънатлаб кетган. У ўша масиҳийни, заифлиқда ва онги пастликда айبلاغан.

Кўп йиллар ўтиб, ўша худосиз, кўкрак қафасида даҳшатли оғриқни ҳис эта бошлади. Шифокорлар оғриқнинг сабаби

бини билиш учун унинг кўкрак қафасини очиши да шу заҳоти тикиб ташлашди, унга эса йигирма тўрт соатдан кўп яшамаслиги ҳақида айтишди.

Кечаси кроватида ётиб, боришни ҳеч истамайдиган манзилга йўл олаётганини англади. Ҳеч кимга, Каломда нималар ёзилганини айтишга рухсат бермаган одам, мангалик ҳақида қаердан билиши мумкин. Балки мангалик унинг юрагида бўлгандир, чунги Калом бутун инсоният ҳақида айтган: «Чунки Худо ҳақида нимани билиш мумкин бўлса, уларга аёндир, негаки Худо уларга очиб берган» (Римликларга 1:19).

Ўша кеча дўстимнинг юраги тўхтади. У танасидан чиқиб, чуқур зулматга ғарқ бўла бошлади. Зулмат шу қадар қуюқ эдики, у худди уни ўраб олгандек эди; бирорта ҳам ялт этган ёруғлик кўринмас эди. Узоқ вақт давомида зулматта қулар экан, азоб тортаётган жонларнинг музлатадиган қичқиригини эшитди. Шиддатли куч уни, тўғри дўзахнинг эшикларига тортаётганида, бирдан ўз танасига қайтди. У ҳаётга қайтди.

Эртасига, у билган ягона масиҳийга қўнгироқ қилди. Унинг таниши келди ва фақат Исо Масиҳ орқали келадиган нажот ҳақида воизлик қилди. У Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилиши билан, таниши у учун шифо сўраб ибодат қилди. У уч ҳафтадан сўнг, касалхонадан чиқди, бутун шу китобни ёзар эканман, ўша киши бугун тирик ва соғ-саломат. Бу ҳақиқий мўъжиза.

У худосизлигига, Худо йўқ деб юрган, шундай бўлса-да, мангалик унинг юрагида яшаган. Ақлсиз киши Худони, нафақат онгида рад этади, қолаверса юрагида, виждан савиясида Унга қарши турадиган одамдир. Бундай инсонга ҳақиқатни етказиши имконсиз. Онг даражасида ишониш бошқа, негаки буни тузатса бўлади, аммо юракни тош қилиш, умуман бошқа нарса. Юнгернинг Муқаддас Китобнинг

янги лугати қуйидагича таъриф беряпти: «Каломда айтилган ақлсиз – бу аввалом бор, Худонинг кўрқувини рад этувчи ҳамда фикрида ва ҳаётида Худо ҳақлигининг абадий қоидаларини бежазо менсимай яшовчи киши ҳисобланади».

Аслида эса ақлсиз, Худони фикран тан олиши, бироқ юрагида Унинг бор эканини рад этиши мумкин, буни ҳаёт тарзи билан кўрсатиб туради. Худодан қўрқиши – мана нима юрагимизни Муқаддас Рухнинг кўли етадиган тарзда сақлаб туради, уни йўқотсақ, бошқа чорамиз қолмайди. Повул айтган: «Эй, эркак ва биродарлар, Иброҳим авлодидан бўлгандар ва орангиздаги Худодан қўрқадиганларнинг барчаси! Бу нажот сўзи сизларга юборилгандир» (Ҳаворийлар 13:26). Фақат Худодан қўрқадиганлар абадий ҳаёт Сўзлари ни эшита олишади, холос.

### **Абадийликнинг таърифи**

Абадиятни онгимиз билан англай олмаслигимизга қарамай, у юракларимизга жойланган. Мангуликка таъриф бе- пар эканмиз, сизлардан ўз юракларингизга қулоқ солишни сўраб қоламан, бу ушбу китобдан наф топиш учун зарур. Буни қай тарзда амалга оширамиз? Аввал, Муқаддас Рухнинг кўмагига муҳтоҷ эканингизга икror бўлишингиз ва сўз бошида ёзилганидек, Ундан бу ҳақда сўраб ибодат қилишингиз лозим. У сизнинг онгингизга эмас, ички инсонингизга гапиради. Иккинчидан, юрагингизга ҳақиқатлар таъсир қилганида, мулоҳаза юритиш учун вақт олинг. Китобни ўқиш жараёнида шошилманг. Шошилиб ўқишдан кам фойда топасиз. Худо абадий Сўзининг тўлиқ таъсирини ҳис этиш учун юқоридаги иккита бандни кўлланг ва сиз буткул ўзгарасиз. Довуд айтган: «Сенинг қаршингда гуноҳ қиласлик учун, Сенинг сўзингни юрагимда яширдим» (Сано 118:11). Фақат онг билан ўқиманг, акс ҳолда ўқиганларин-

гизни тезда унитиб қўясиз, лекин ибодат ва ўрганиш орқали, Унинг сўзи юракка кириб боришига изн беринг.

Абадийликнинг охири йўқ. Ҳар ҳолда гап вақт ҳақида кетмаяпти, чунки абадийлик вақтта бўйсунмайди. Абадийлик вақтдан устун туради. Мангулик ҳақида, атиги узлуксиз муддат тоифасида қараш ҳам – унинг тўлиқ мазмунини кўздан қочириш дегани. Мангуликни яхшироқ тушуниш учун, биз Худонинг Ўзига боқишимиз лозим. У кучда ҳам, билимда ҳам, донолиқда ҳам, фаҳмлашда ҳам, шарафда ҳам чекланмаган. У Мавжуд, абадий Худо бўлган ва бўлиб қолади. Унинг исми «Абадий Ота» (Ишаъё 9:6. Юнгнинг аниқ таржимасида ўқиймиз: «Абадийлик Отаси». Унинг исми: «Абадийлик Шоҳи» (1 Тимотийга 1:17). Барча абадийлик Унда мужассам. Унга алоқаси бўлмаган нарсаларнинг бари – вақтинчалик ва ўзгаришга мойил. Бирор нарса қанчалик яхши, аҳамиятли, қудратли ёки чидамли кўринмасин, охир-оқибат ҳаммаси ғойиб бўлади. Ҳатто заминимиз ва коинот ҳам ўзгаради, бироқ У ўзгармайди:

«Яна: «Ё, Раббий, Сен азалдан ернинг пойдеворини кўйгансан, осмон ҳам Сенинг қўлларингнинг ишидир. Улар йўқ бўлиб кетади, аммо Сен мангу қоласан; уларнинг ҳаммаси кийимдай эскириб кетади. Сен уларни ридо каби ўраб қўянсан ва улар ўзгариб кетади. Лекин Сен Ўша-Ўшасан, Сенинг йилларинг тамом бўлмайди» (Ибронийларга 1:10-12).

У нафақат мангу туради, балки абадий ўзгармайди. Калом билдиряпти:

«Чунки ҳар бир инсон – ўт кабидир, инсоннинг ҳар қандай шуҳрати ўтдаги гул кабидир: ўт қуриб қолади, унинг тули ҳам тўкилади. Аммо Раббийнинг Сўзи абадий туради. Ана шу Сўз – сизларга воизлик қилинган Хушхабардир» (1 Петр 1:24,25).

У абадий, шу сабабли Унинг сўzlари ҳам абадий. Худо алдай олмайди ва Унинг сўзи мустаҳкам. Аксинча бўлса эди,

бутун мавжудот ташқи зулматта қулаган бўлар эди, зотан У нур ва борлиқни йўз Сўзининг кучида ушлаб турибди. Унинг айтганлари ўзгара олмайди, акс ҳолда У абадий бўлмас эди. Биз бундан ҳаётимизни қуришда мустаҳкам пойдевор сифатида фойдалана оламиз.

## **Абадий ҳукмлар**

Бугун кўпчилик ҳаётини боқий пойдеворда, Худонинг Каломида эмас, маданий анъаналарда, Худонинг Кимлиги ҳақидаги шахсий нуқтаи назарида ёки ҳиссий кечинмаларида қурмоқда. Бу нафақат имонсизларга, балки кўплаб имонли масиҳийларга ҳам тегишилдири. Қандайdir вақтингчалик нарсаларга ишониш, уларни абадий ҳақиқат деб билиш, даҳшатли. Бундай кишининг асоси бекарор ва у қулашга маҳкум. У янглиш фикрларда юради ва ёлғонга ишонади.

Ўткинчи нарсаларга ишонадиган одамлар кўплигидан, лол қоламан. Айримлари Худога ва Унинг Ўғлига бўлган имонлари ҳақида айтиб берадилар, аммо Улар ишонадиган зот, бизга Каломда очиладиган Худо эмас. Ушбу янглишиш уларда етарлича чуқур илдиз отган. Инсон қандай қилиб, онгидаги, жамият томонидан шакланган ва Худонинг табиятига қарама-қарши бўлган оддий тушунчаларига, рост деб ишонади? Исо Масиҳ айтган:

«Мени рад қилаётган ва Менинг сўзларимни қабул қилмаётган одамнинг ҳукм қилувчиси бор – Мен айтган сўз, айнан шу сўз уни охирги кунда ҳукм қиласди. Чунки Мен Ўзимдан сўзлаган эмасман, лекин Мени юборган Отам – У нима дейишпим кераклигини ва нима айтишпим кераклигини Менга амр берди» (Юҳанно 12:48,49).

Ҳукм Куни, дунё барпо бўлган пайтдаёқ белгиланган (Ховорийлар 17:13 га қар.). Ўша кун ҳақиқатнинг янги ваҳий-

ларини келтирмайды, аксинча, ҳамма нарса аввал айттылган сүзлар билан ўлчанади. Охирги кунда биз ҳозир эга бўлган Унинг Каломи ҳукм қиласди. Абадий. Якуний. Ҳеч қандай мустасно, баҳона ва ўзгаришларсиз. Шундай экан, янглишишда, Худо нима деганини тахмин қилиб юргандан кўра, Унинг Сўзини билишдан фойда олиб ва Унинг айтганлари бўйича яшаш афзалмасми?

Ўша куни амалга ошадиган ҳукмлар абадий деб аталади (Ибронийлар 6:2 га қар.). бошқача сўлар билан айтганда, ҳаётимизни Унинг Каломи бўйича қурганмизми ёки йўқми, шунга мос қарорлар қабул қилинади ва улар мангаликни қай тарзда ўтказишмизни аниқлайди! Ушбу қарорлар ҳеч қанақасига ўзгартирилмайди, шунинг учун ҳам улар абадий ҳукмлар деб номланади.

Аксарият имонлилар, имонсизлар сингари, яқинлашаётган ҳукмларга бепарволик билан қарайдилар. Улар Муқаддас Китобдан узоқ бўлган, ёлғон тушунчаларга суюнадилар. Айримлари, Худо уларнинг ёмон ишларидан кўра яхши ишларининг сони кўплигини кўрганида, илтифот кўрсатади деб ўйладилар. Самодан туғилган бошқа масиҳийлар эса, ҳаммадан кўпроқ ҳайратда қоладилар: ахир, уларни, Исо Масих Ҳукмдорнинг қаршисида турмайсиз, зеро У сизнинг Нажоткорингиз, деб ўргатганлар. Ҳаммаси ўз-ўзидан ўнгланиб кетади, деб ўйладиганлар ҳам учрайди. Улар Каломга зид бўлган шавқатга умид қиласдилар.

Янги Аҳд юқоридаги тушунчаларнинг бирортасини ҳам ўргатмайди. Бу ва шунга ўхшаш кўплаб назариялар, инсонларнинг онгига туғилган, улар ўткинчи, боқий ва ҳукм кунида бардош бера олмайди. Ўзларини масиҳий деб атайдиган – аксарият эркак ва аёллар орасида кўпчилик – Ҳукм куни руҳий ларзани бошидан кечиришига, шахсан мен аминман.

## **Хукм кунидаги дадиллик**

Биз хукмга қўрқув эмас, дадиллик билан келишимииз жоиз.

«Севги бизда шундай камолотта эришадики, ҳукм кунидаги дадил бўламиз, чунки биз бу дунёда Масиҳ кабимиз» (1 Юҳанно 4:17).

«Севги бизда шундай камолотта эришадики» сўзларига эътибор беринг. Ҳукм кунидаги дадиллигимизнинг қалити бизда мукаммалликка (ёки етукликка) эришган Худонинг севгиси ҳисобланади. Айнан шу жойда кўпчилик хатога йўл қўядилар. Улар Худонинг севгисига абадият эмас, балки вақтингчалик тоифасида қарайдилар. Кўп ҳолларда, жамиятда, баъзан жамоатда мақталадиган севги ва эзгулик, инсоний мезон билан ўлчанади ҳамда Худонинг севгисига тўғри келмайди. Бир нечта кент тарқалган мисолларни келтиришга рухсат берасиз.

«Биз бир-биrimизни севамиз ва турмуш қуришни истаймиз». Бундай гапларни никоҳдан ташқарида жинсий яқинликка эга бўлган кишилардан, тез-тез эшитиш мумкин. Улар келажақда ростдан ҳам, оила қуришидан қатъий назар, бу гуноҳ ҳисобланади. Ҳар ҳолда, шу аснода гапирадиган кишилар никоҳгача етиб бормаганларини, қайта-қайта гувоҳи бўлганман. Улар аниқ қилиб ёзилган буйруқни унутганлар: «Никоҳ ҳаммангизда қадрли бўлсин, жинсий муносабатингиз нопок бўлмасин. Зинокорлару фоҳишаларни эса Худо ҳукм қиласди» (Ибронийларга 13:4). Эътибор беринг, Ибронийларга Мактубининг муаллифи, нафақат жамоатдан ташқаридаги зинокорлару фоҳишаларга мурожаат этаяпти, балки у ҳамма шундай ҳаёт кечираётган кишилар ҳақида гапиряпти.

«Ҳамма гапни очиқ айтмаётганимни биламан, аммо бу битим тузища ёрдам беради». Шундай деб, ўзларининг

фикрича яхши бўлган молни сотмоқчи бўлган, лекин со-тиб олувчини илинтириш учун далилларни озроқ бўртти-риш керак, деб ҳисоблайдиган ишбилармонлар айтадилар. Бу ерда гап фақат ёлғон аралашганида эмас: ҳаммага маъ-лумки, бундай келишувлардан ҳар гал шундай йўл тута-диганларнинг фақат ўзлари наф кўрадилар. Наҳотки улар қуйидаги огоҳлантиришни унугтганлар: «Ва барча ёлғон-чиларнинг (билиб туриб ёлғон гапирадиган ёки ноҳақлик қиласидиганларнинг) қисмати олтингугурт ва олов билан ёнаётган кўлдадир» (Ваҳий 21:8, Кенгайтирилган таржима)?

Шу киши ҳақида айтганларимнинг бари – «ҳақиқат»,- деб ҳамкасларини, дўстларини, қўшниларини салбий томонини кўрсатаётган кишилар гапиради. Ҳамма гап шундаки, юз фоиз ўзича ҳақ бўлиш ва барибир абадий ан-дазаларга кўра ноҳақ бўлиб қолиш мумкин. Нуҳнинг ки-чик ўғли Хом эсингиздами? У акаларига отасининг маст ва ялангоч ётгани ҳақида айтди ва бу ҳақиқат эди. Бунга қарамасдан, у қилган ишнинг оқибати уни ва авлодлари-нинг устига лаънат бўлиб ёғилди. Наҳотки гийбатчилар ва шикоятчилар ҳамма имонлиларга қаратилган буйруқни утунган бўлсалар: «Биродарларим, маҳкум бўлмаслигингиз учун бир-бирингиздан нолиманлар. Мана, Ҳукм қилувчи эшик олдида турибди» (Ёқуб 5:9).

Битта умумий хулосага эга бўлган сон-саноқсиз мисол-лар келтириш мумкин – уларнинг бари Худонинг абадий иродасига зид. Жамоатга қатновчиларнинг орасида ҳам, бир қараашдан беайб нарсаларни гапирадиганлар борлиги, одамни қўрқитади. Улар суҳбатларда қатнашади ва атроф-дагилар томонидан намунали фуқаро деб баҳоланадилар. Аммо абадият уларни қандай баҳолайди? Юҳанно ўз мак-тубида, Худонинг севгисини қандай ўстириш кераклигини тушунтиряпти.

«Кимки мен Уни таниб билдим (ичига кирдим, билиб олдим, Уни (Исо Масиҳни) тушундим) деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига (таълимотига) риоя қилмаса, у одам ёлғончи ва унда ҳақиқат (Хушхабар) йўқдир. Кимки Унинг Сўзига (Унинг буйруқларини онгида сақласа ва Унинг мактубларини абадий мазмунда тушунса) риоя қилса (хазинани асрарандек асраса), у одамда Худонинг севгиси ҳақиқатан камолга етган бўлади. Ана шундан биз Унда жо эканимизни биламиз» (1 Юҳанно 2:4,5, Кенгайтирилган тарж.).

Ёдингизда бўлса, Худонинг, айнан мукаммал (етук) севгиси Ҳукмдорнинг қаршисида туришга дадиллик беради. Юҳанно, зеро Худонинг севгиси одамлар орасида маъқул юриш-туриш орқали эмас, Унинг амрларини бажариш орқали мукаммал бўлиб боради, деб аниқ тарзда тушунирияпти. Унутманг, Ҳавони яхши ва ёмонни таниб билиш дараҳтининг ёмон томони эмас, балки яхши томони ўзига тортди! «Хотин дараҳтнинг озиққа яхши, кўзга ёқимли ва донолик бериши учун ардоқли эканини кўрди» (Ибитидо 3:6). Инсоннинг онги Худонинг абадий иродасига зид бўлган гўзаллик ва эзгуликни ярати олиши мумкин.

Калом, Худонинг амрларини қисман бажариб, ўзимизни Ҳукм кунида Раббий қаршисида дадил тура оламиз, деб ишонтиришимиз мумкинлигини айтган. Унинг Каломига синчковлик ва эҳтиёткорлик билан риоя қилиш йўли билангина, Худонинг севгиси етукликка эришади. Бинобарин, Худо бизга иноят берган, иноят ўз ўрнида У истагандек, Унинг Сўзига тўлиқ итоат этишимиз учун куч беради: «Шунинг учун биз ларзага солинмайдиган шоҳликни қабул қилиб, иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят билан эҳтиром ва қўркувда Худога маъқул хизмат қиласилик» (Яхудийлар 12:28).

Гапимизнинг маъноси, жамиятнинг кўзида ёки инсоний тушунчалар бўйича яхши кўринган нарсаларни эмас, Шоҳ нимани излаётганини билиб олишдадир. Худо бизга

дейди: «Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яхши, маъқул ва комил иродаси нима эканлигини фаҳмлаб олинглар» (Римликларга 12:2). Бизнинг маданиятимиз учун яхши туюлган нарсалар, Худонинг хоҳишларига – абадий хоҳишларга мос келмаслиги мумкин.

Мисол келтиришимга изн беринг. Мен ҳозир Сингапурнинг меҳмонхонасида ўтирибман, дам олиш кунлари бу ердаги ажойиб давлатнинг қарийб йигирма минг кишилик анжуманда воизлик қиласман, мен бу давлатда кўп марта бўлганман. Шунингдек, ўзингиз билан, масалан банг олиб юриш қонунга зид бўлмаган Нидерландияда ҳам бир неча марта воизлик қилганман. Одамлар жазодан қўрқмай, уни очиқ чекиб юришлари мумкин. Агар Сингапурда одамни бир қанча миқдордаги гиёхванд модда билан ушласа (ҳатто кам миқдорда бўлса ҳам), у қамалади ва қаттиқ жазоланади. Борди-ю маҳсус гиёхванд моддаларни топишса, жазоси – осиш орқали ўлим! Чегарадан ўтгаётганда ҳар бир кишига: «Сингапурнинг қонунига мувофиқ, гиёхванд моддаларни сотадиган кишилар ўлим жазосига тортиладилар», деб ёзилган варақча берилади.

Энди тасаввур қилиб кўринг, уйида доимий банг чекадиган Нидерландиялик ёш йигит Сингапурга келади ва маҳаллий яшавчиларни модда билан меҳмон қиласди. У янги дўстларига завқ билан дейди:

- Ҳой, йигитлар, бу зўр нарса. Тинчлантиради, кайф беради ва барча ташвишларни олиб кетади. Татиб кўришни истайсизларми? Бажонидил, сизларни меҳмон қиласман!

Уни зудлик билан ҳибсга оладилар. У эса қотиб қолган.

- Нима сабабдан мени ҳибсга олишди? - Унинг милиция ходимларига берган биринчи саволи шундай бўлади. Хукм куни етиб келади. Голланд ҳакамнинг қаршисида турар экан, содир бўлаётган воқеалар – атиги тушунмовчилик, деб чин дилидан ишонади.

Бироқ ҳакам айбдор деб тан олади ва жазони эълон қила-ди.

Ҳаяжонда қолган йигит айтади:

- Ҳурматли ҳакам, менинг давлатимда бангни эркин тарзда чекишига рухсат берилган.

Шунда ҳакам жавоб беради:

- Сиз Голландияда эмас, Сингапурдасиз, ушбу давлатда бу иш қонун томонидан тақиқланган!

Голланднинг аминлиги йўқолади, олий суд қарписида унинг энди ҳеч қандай баҳонаси йўқ, у маҳкум.

Бир неча йил илгари, Сингапурда бўлганимда, бир ёш америкаликни, бирорни машинасини бузиб очгани учун ҳибсга олдилар. Уни ҳукм қилишди ва жазо сифатида ротанг (чирмовиқнинг шохи) билан бир неча марта уришни белгилашди. Бундай жазо одамга жисмоний зарар етказди, негаки ротанг химик моддалар билан шимирилган бамбуқдан қилинган хивич билан савалашади. Ҳатто, президент Клинтон ҳам ўша америкаликнинг қисматини енгиллаштириш ҳақида келишишга уринди. Бироқ ҳамма ҳаракатлар беҳудага кетди. Бу йигит Сингапурнинг қонунини бузди ва энди жазони ўташи керак бўлди.

Биз барчамиз кун келиб, борлиқнинг олий суди қарши-сида турамиз. Бу суднинг қарори абадий бўлади. Кўплар ҳайратда қолади, лекин бундай вазиятдан қочиб қутулиши-нинг имкони бор.

Сиз тайёрмисиз? Худонинг Сўзига кўра, биз борлиқнинг Ҳукмдори қарписида дадиллик билан тура олишимиз мум-кин экан. Бу китоб сизга тайёргарлик кўришда кўмакла-шиш учун ёзилган. Агар ўша голланд Сингапурга сафарга бориш учун вақт ажраттган ва тайёрланган бўлса эди, жазо олмаган бўларди. Биз учун ўзимизнинг судимизга тайёр бў-лиш, қанчалик муҳим, ахир Ҳукм кунидаги қарор абадий бўлади.

## **Мукофотлар**

Судлар бир нечта бўлади: бири имонсизлар учун, бошқаси имонлилар учун ва ҳатто, яна бири фаришталар учун. Қабул қилинадиган қарорлар ҳам турли хил бўлади. Жазо ва йўқотишлар ҳам, мукофотлар ҳам бўлади. Булар ҳақида кейинги бобларда батафсил айтиб ўтамиз, бироқ қабул қилинадиган қарорлар якуний бўлишини яна бир марта такрорлаб ўтишга рухсат беринг. Қайта кўриб чиқилишнинг имкони йўқ, бошқатдан, хаёлан чексизликни тасаввур этиб кўринг. Биз у ҳақда олдиндан билишимиз ва мукофотга интилишпимиз Худонинг иродасидир. Повул айтган:

«Наҳотки билмасангизлар, масофага югураётганларнинг ҳаммаси югуради-ю, аммо (атиги) бир киши мукофот олади. Сизлар ҳам мукофот олиш учун (ўз масофангизни) ютуринглар. Мусобақада курашадиган ҳар бир одам ўзини ҳамма нарсадан тияди. Улар буни чирийдиган тож олиш учун, биз эса чиrimайдиган тож олиш учун қиласиз. Шунинг учун мен ҳам мақсадсиз югураётгандай юргумаяпман, ҳавони ураётгандай муштламаяпман, лекин ўз танамни бўйсундириб (танамни аямай, қийинчиликлар билан интизомга солиб), ўзимга қул қиласипман, токи бошқаларга воизлик қилиб, ўзим нолойик деб топилмайин» (1 Коринфликларга 9:24-27, Кенгайтирилган тарж.).

У аниқ айтяпти: «Мен тайин мақсадсиз юргумаяпман». Бошқа таржимада айтилган: «Мен ҳар битта қадамимни аниқ мақсад билан қўймоқдаман, мукофотга қараб юргумоқдаман» (26 оят, инг. тил. тарж.). Ҳар бир киши айнан шундай йўл тутиши – ғалаба қозониш мақсадида югуриши жоиз. Биз бошқалар билан эмас, ўзимиз билан беллашамиз.

## **Абадият томонидан бошқарилаётганлар**

Судда ҳаммаси ўз-ўзидан йўлга тушиб кетади деб ўйлаш, ноўрин. Бизнинг узримиз қабул қилинмайди. Негаки Худо

бизга Ўз иродасини билишнинг имконини очди. Судда, бошқалар билан таққослаганды, ҳамма нарсани тўғри қилганига амин бўлган, бироқ абадийлик уларнинг ҳаётини бошқаришига ва аниқлашига йўл қўймаган одамлар кўп бўлади. Мана нима учун бу китобнинг номи – «Абадият томонидан бошқарилаётганлар».

Бошқарилаётганлар, уларни нимадир ҳаракатта келтириши, йўналтириши ва бошқаришини англатади. Қолаверса, бу сўзни, руҳлантирадиган куч беради, деб тушуниш ҳам мумкин. Ердаги ҳаётимизнинг мақсади ва йўналиши нима? Абадий нарсаларми ёки ўткинчи нарсаларми? Унинг пойдевори илохий донолиқдами? Биз бошқалар билан ўзимизни таққослаймизми, ёлғонларга қулоқ тутамизми, анъана ва айрим таълимотлардаги айтиладиган афсоналарнинг пайдада бўламизми? Ҳаётимизни қурган нарсалар, Ҳукм кунида Унинг қаршисида бардош берадими ёки барча меҳнатларимиз абадийга йўқ бўлиб кетадими? Биз судда нимага асослалишини, аллақачон биламиз: «Мен айтган сўз,айнан шу сўз уни охирги кунда ҳукм қиласди» (Юҳанно 12:48).

Аксарият, ўзини масиҳий деб атайдиганлар, судда Исо Масиҳнинг олдига келиб, таажжубда қоладилар. Ҳақиқатни диққат билан ўрганишга бепарво бўлган ва Янги Аҳд таълимотининг фақат бир қисмини қабул қилиб, ўзини хавфсизликда сезиб юрганлар ҳам бўлади. Сизга саволим: ҳақиқатни жуда кеч – абадий қарор чиқариб бўлинганда билишни истайсизми ёки ҳозир – қайси андазаларга кўра суд бўлишини билишга имкон борлигидами?

Кейинги бобда бир неча бобларни ўз ичига оладиган киноя жанридаги воқеа бошланади. Эътибор бериб ўқинг ва ҳикоя тафсилотларини эслаб қолинг, зеро бутун китоб давомида уларга тез-тез қайтамиз. Бу воқеанинг охири саккизинчи бобда жойлашган, бошқа бобларда эса унда очилган ҳақиқатлар тўғрисида мулоҳаза юритамиз. Бутун китоб ки-

ноя асосида қурилган, шундай әкан уни синчиклаб ўқинг. Балки ўқиши жараёнида ортга қайтиб, айрим нарсаларга аниқлик киритишни исташингиз мумкин.

Бу китобда айтилган нарсаларнинг аксарият қисми – шахсий ҳаётимдаги, Худо жиҳдий тартибга солишидан келиб чиққан тажриба. Ўзининг ҳақиқати билан, худди микроскоп остида текширгандек, Муқаддас Руҳ диққат билан таҳлил қилган кўпгина хатоларим ҳақида айтиб бераман. Бу хукм кунида тебранмас пойдеворга эга бўлиш учун, Каломни чуқур ўрганишга истак уйғотади, деб умид қиласман. Шунингдек, жамиятимиздаги, кўп аёл ва эркакларни, ўзларининг Нажоткори деб ҳисоблайдиган Шахсдан узоқлаштираётган ўта муҳим янгилишишлар ҳақида айтиб ўтаман. Баъзи жойларда таажжубни сезасиз, аммо уларнинг ортида ваъдалар, умид ва юпанч турибди.

Мабодо сиз жасур, ҳақиқатга чанқоқ ва юрагингиз Худога тегишли бўлса, келинг, бошлаймиз. Афсусланмайсиз! Бор қалбингиз билан қуидагиларни қабул қилинг:

«Худонинг инъоми У билан муносабатларимизни тиклади ва бизга ҳаётни қайтариб берди. Келажакда бизни янада буюк ҳаёт – абадий ҳаёт кутаяпти! Сиз бунга амин бўлингиз мумкин. Мен сизлар бунда мустаҳкам туришларингни истайман, токи Худога умид қилувчилар ҳамма учун энг муҳим ва фойдали нарсаларга диққат қилсинлар» (Титусга 3:7,8, изоҳли тарж.).



## АФФАБЕЛ ШОХЛИГИ: ‘ЭНДЕЛДАГИ ҲАЁТ’

*У масаллар (мисоллар ёки қиёслаш билан ҳақиқатни тушунтириши) орқали уларга кўп таълим бериб, Ўзининг таълимотида деди...*

— Марк 4:2 (Кенгайтирилган таржима)

**Б**ир пайтлар бизникига ўхшаган, шу билан бирга кўп жиҳатдан фарқ қиласидиган дунё бўлган. Ўша дунёда бир-биридан мустақил бўлган миллатлар эмас, балки Афабел деб номланган ягона шоҳлик бор эди. У ўша даврда маълум дунёнинг ҳамма ерини эгаллаган бўлса-да, бутун мамлакатни бошқариш билан шуғулланадиган битта пойтахтга эга эди. Пойтахт Буюк Афабел шахри деб номланган бўлиб, биз қуйида уни фақат Афабел деб атаемиз.

Ўша мафтункор мамлакатда тенгсиз шоҳ Жейлин раҳбарлик қиласиди. Жейлинни ўз фуқаролари ўта даражада ҳурмат қиласиди ва қадрларди. У қучли, доно, меҳрибон ва ҳазил-мутойиба соҳиби эди. Барча мансабларига қарамай, Жейлин одамларга етарлича яқинлик ва очиқлик кўрсатарди. У билан бирга бўлганларнинг ҳар бири яхшилик муҳитига фарқ бўларди. Унинг иштироки ҳаётнинг ҳар қандай соҳасини янада юқори погонага олиб чиқарди. Жейлин инсон ҳаракатларининг ортини кўра олиш қобилиятига эга бўлиб, одамнинг юрагидаги мақсадни чукур ҳис этарди.

Жейлиннинг отаси Афабелга асос солган ҳамда у Ота-Асосчи деган ном билан машҳур эди. У мамлакатда тартиб



ўрнатиб, сўнг бошқарувни ўғлига топширган. Буюк шаҳарда истиқомат қилувчилар шоҳликнинг бошқа ҳудудларида ҳам, Жейлинга иш юритиш борасида кўмаклашган ва унинг режаларини қўллаб-қувватлаганлар. Идора қилиш, пойтахтдан туриб, юқори тайинланган мансабга бўйсуниш кўринишидаги ҳокимият тизими орқали амалга оширилган.

Шаҳар улкан ҳудудни эгаллаган (тахминан икки юз квадрат километр) ва шу қадар усталик билан тузилган эдики, аҳолининг зичлигига қарамай, одамларнинг сони ортиб кетмасди. У ҳовлилар ва қишлоқлар билан ўралиб турарди. Ўша қишлоқлар ишчиларнинг оддий уйларидан ташкил топган эди (бундай оддий уйлар бизнинг замонимизда ҳашаматли ва нафис ҳисобланган бўларди). Қишлоқ аҳолиси қизғин меҳнатда бўлишига қарамай, шоҳнинг пойтахти ёнида яшашдан шод эдилар. Адирларнинг шимолий ва жанубий ёнбағрлари санъат одамлари – маҳоратли мусиқачилар, наққошлар, рассомларнинг уйларини безаб турарди. Уларнинг уйлари данғиллама ва баҳоси оддий ишчиларнинг уйидан қимматроқ эди.

Шаҳарнинг энг кўркам қисми қойилмақом ҳовлилардан курилган шарқий туман эди. Бу туман Шоҳлик маркази деб номланган. Шоҳ ва унинг яқин ёрдамчилари бу ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишарди. Айнан ўша жойда, маъмурият бошқармаси ва ижтимоий муассасалар иш юритар эдилар. Шаҳар маркази Буюк денгизнинг қирғоғи қояларининг кўрки эди. Океан кенгликларидан доимий эслан оҳиста шабада шаҳарга салқинлик келтириб турарди. Океаннинг қирғоқлари гўзал қумли соҳиллардан иборат бўлиб, улардан фақат шоҳнинг боғлари чиройда ўзар эдилар. Шаҳарнинг бутун маркази улкан бօғ эди. Шубҳа йўқ, бу жой яшаш учун энг жозибадор ва кўнгилдагидек жой эди. Марказда жойлашган уйлардан, муҳташамликда фақат Шоҳнинг саройи устун турарди.



Аффабелнинг ўртасида ҳаёт дарахти ўсиб турарди. Унинг ғайриоддий мевасини ейиш баҳтига фақат шоҳнинг ёрдамчилари сазовор эдилар. Дарахт мевалари таъми ва кўриниши жиҳатидан устун туриши билан бирга, ўзида мўъжиза яратиш хусусиятига эга эди.

## Эндел шаҳрининг фуқаролари

Аффабел пойтахтидан ғарбга олтмиш километр узоқликда ва Буюк Эдонга дарёсигача бўлган масофада Ташқи чўл жой олган эди. Эдонганинг ортида шоҳликнинг Эндел деган бошқа қисми яшар эди. Аффабелда туғилган ҳамма болаларни, улар туғилган заҳоти Энделнинг вилоятига олиб келишарди. Бир ҳафталик бўлгунига қадар, уларга ғамхўрлик қилиш шоҳга тегишли тарбиячиларга топширилганди. Бу шоҳликнинг ёш фуқаролари ёки энделликчалар беш ёшга етиб, ўн йил мобайнида таълим олиш учун Энделнинг мактабларига борар эдилар. Улар мактабда Аффабелнинг қонунлари ни ўрганишар ва шоҳ Жейлин ҳақида билиб олишар эдилар.

Шоҳ Жейлин билан кўришиш имкониятига фақат шоҳликнинг тарбиячилари ва мактаб ўқитувчилари эга эдилар. У мактаб ва болалар ҳақидаги ғамхўрлиги амалга ошаётганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида, Энделга тахминан ҳар беш йилда яширинча келиб турарди. Кўпчилик шоҳни кўрмаган бўлишига қарамай, унинг яхшилиги яққол кўриниб турар ва бу Эндел вилояти ҳаётининг ҳамма соҳаларида намоён бўларди.

Мактабдаги ўн йил, ўқувчиларни келгусидаги ҳаётга тайёрлаши керак эди. Улар ўн беш ёшга тўлганларида, барча олган таълимларини амалда қўллашга қисқа муддатли имконият бериларди. Ушбу вақт мобайнида уларга бир қанча қимматбаҳо нарсалар ва бу нарсалар учун масъулият топшириларди. Ўзининг ёш ҳаёти ва унга ишониб топ-

ширилган буюмларни идора қилишига қараб, ердаги эллиқдан то юз йилгача бўлган умрларини қай тарзда ўткашишлари аниқланган. Синов муддати учун роппа-роса беш йил берилган, бироқ талабаларнинг бирортаси ҳам уни қанча давом этишини билмас эдилар. Уларга фақат, синов муддати ўн йилдан ошмайди деб айтилган. Ушбу муҳлатнинг охирида, ҳар бири шоҳнинг қаршиисига келиши ва ҳаётидаги қарорлари учун ҳисобот бериши лозим бўлган.

Синов муҳлати ёшларнинг қизиқишларини аниқлар ва кўрсатар эди. Жейлиннинг ўтитларига эргашганлар, сўзлари ва ишлари билан, унинг ҳокимиятини тан олар эдилар. Бундайлар Афабел шоҳлигининг фуқаролари деб ҳисобланган. Улар танловига мувофиқ мукофотга эришарди. Синов муддати жараёнида ғалаён кўтарган ва шахсий хирслари бўйича, фақат ўзи учун яшаганлар Лоун ерига ҳайдаб юборилар эди. Лоун ёлғизлик ва умидсизлик ҳукм сурган зулматнинг чўлли ери бўлиб, у ерда истиқомат қилувчилар озодлиқдан маҳрум этилган ва бутун ҳаётлари давомида азобларни бошдан кечирадар эдилар.

Бу чўлга биринчи бўлиб, Дагон юборилди ва у Лоун ерида зулматнинг хўжайинига айланди. Дагон кўп йиллар илгари Жейлинга қарши исён кўтарган бўлишига қарамай, Энделда унинг таъсири ҳали ҳам сақланиб қолган эди. Энделдаги Жейлиннинг ҳокимиятини тан олган одамлар Дагоннинг қора кучларидан халос бўлишарди. Бироқ Жейлинга хизмат қилишдан бош тортган кишилар, ииқилган Дагоннинг таъсирида қолишаради.

Буюк шоҳ Жейлин, зулмат унинг шоҳлигига тобора кириб боришини олдини олиш мақсадида, Афабелнинг яхлитлигини ва ижтимоий тизимини сақлаб қолиш тўғрисида фармойиш чиқарди. Дагонга эргашувчи ва Жейлиннинг шоҳлик ҳокимиятини тан олмайдиган ҳар бир киши ҳаётининг охиригача Лоун ерига ҳайдалади.



Мана ҳикоямиз ҳам бошланди. Биз Энделдаги бешта ўқувчининг ҳаёти билан танишамиз. Уларнинг исмлари: Мустақил, Алданган, Журъатсиз, Худбин ва Саховат. Рухсатингиз билан, уларнинг ҳар бирини таништириб ўтаман.

### **Мустақил**

Мустақил ҳамиша Аффабелнинг мавжудлигига шубҳаланди. У ҳеч қачон кўрмаган Жейлин исмли шахс, ундан нақафат бағишланишни, бу етмагандек, ўз қоидаларига сўзсиз риоя қилишни талаб этишига ишонгиси келмайди. Унда, ўқитувчилар уни ва бошқа ўқувчиларни назорат қилишда, бу яхши ёрдам берадиган ҳийла деган гумон уйғонган. Боз устига, у ўша ўйлаб топилган шоҳликнинг қонунларини ўрганишдан ва дарсларга боришдан бош тортади.

Мустақил атрофидаги, бу бемаъниликка ишонган кишиларнинг устидан масхара қилиб юради. У Жейлиннинг қонунларидан эркин равищда, ўз ихтиёри бўйича яшашга қарор қилган. Унинг мақсадларига зид бўлмаган моддаларигина, бундан мустасно ҳисобланади, агар истаса, ўша моддаларга бўйсунади. У бошқаларга, ўз ҳаётини бегонанинг иродасига бўйсундириб қўймаслигини намойиш этишда устаси фаранг.

### **Алданган**

Алданганинг Аффабел мавжудлигига шубҳаси йўқ. У шоҳ Жейлинга ишонади ҳатто унинг ваъдалари унга ёқади. У онгида ва сўzlарида шоҳнинг таълимоти-ю, қоидалари билан рози, шу билан бирга, кўпинча ўша таълимотга тескари тарзда яшайди. Мактабдаги ўзига ёқадиган ишларда иштирок этиб, шоҳга ва унинг таълимотига содиқлигини кўз-кўз қиласи, лекин бирор нарсада ўз манфаатини кўрмай қолса, тезда ҳаммаси бошқа томонга ўзгариб кетади. Унинг ҳаёт тарзи

Жейлиннинг ҳақиқий издошиникига ўхшамайди, аммо ўзининг кучли характери туфайли тез-тез одамларни ортидан эргаштириб кетади. Алданган ҳеч қаочон ўзининг синов муддати ва суд ҳақида чинакам мулоҳаза қилиб кўрмаган.


У Мустақил билан, Жейлиннинг мавжудлиги борасида фикрлари ҳар хиллигига қарамай, аъло даражада келишадилар. Алданган – қувноқ йигитча, уларнинг қизиқишлари умумий, шунинг учун Мустақил у билан улфатчиликдан завқланади.

### **Журъатсиз**

Журъатсиз – энг иштиёқли ўқувчи қиз. У дарсларда тез-тез жавоб беради ва ҳамиша юқори баҳолар олади. У жуда фаол ва одатда бошқа ўқувчилар жамият ҳаётида иштирок этишига ёрдам тариқасида, бир талай дарсдан ташқари тадбирларни ўйлаб топади. Талабаларни таниғанларнинг ҳаммаси, Журъатсизни Жейлинга бағишлиланганларнинг энг тиришқоқи деб айтади.

### **Худбин**

Худбин ҳам Жейлинга ва унинг таълимотига ишонади. Унда Аффабелнинг мавжудлигига шубҳа йўқ, қолаверса Жейлиннинг – ажобий шоҳ, унга ўзини бағишилаган ҳар бир кишига меҳрибон ва шавқатли ҳакам эканига ишонади. Худбин Жейлиннинг табиати ва таълимоти ҳақида ўзининг чекланган тушунчасига эга. У Жейлиннинг адолатли ва муқаддас, шунингдек севувчи ва шавқатли бошқарувчи эканини унишиб қўяди. Хуллас, Худбин Жейлиннинг шахси ҳақида ўзи учун янгилиш тасаввур яратган. У Алданган, Журъатсиз ва Саховат, ҳеч шубҳасиз унинг шарафли шоҳлигининг бир қисмига айланишига ишонади-ю, бироқ Мустақилнинг қарши бориши уни бирмунча хавотирга солади.



Худбин Жейлинни тили билан эътироф этадиган ва унинг асосий қонунларини бузмайдиган киши, Аффабелда яшашта рухсат олишига амин. Шундай бўлишига қарамай, ўз исмига монанд равишда, у шахсий ишлари билан банд. Кўпинча яхши ҳаракатларининг мақсади шахсий фойдасини кўзлашдан иборат, холос. У вақти-вақти билан ачиниш ҳиссидан нимадир қиласди, аммо қандайдир босимни сезганда, бирдан ўзининг қизиқишларига мос келадиган нарсани излаб қолади.

## Саховат

Бизнинг охирги қаҳрамонимиз – шоҳ Жейлиннинг ҳамма қонунларини чин дилдан қабул қиласди, Саховат бўлади. У Жейлиннинг иродасини ўрганишда кўп вақтини ўтказар экан, нафақат барча қоидаларни ёдлаб олган, балки ҳар бирида шоҳнинг юрагини тушунишга интилади. У Энделдаги жамиятнинг ва мактабнинг равнақи йўлида ўзини ихтиёрий равишда бағишлайди ва узоқ вақтларини уларни ўрганишга сарфлайди. У ўн беш ёшга тўлгани заҳоти, унга Энделдаги буюк шоҳнинг иродасини амалга оширишга қисқа имконият тақдим этилишини билади. Унинг мақсади – тўлиқ, Жейлиннинг шарафи учун яшаш, шунинг учун ҳеч нарсага, уни бу муҳим мақсадга етаклайдиган йўлдан қайтаришига рухсат бермайди.

Саховат Жейлинни севади ва улар учрашадиган кунни интизорлик билан кутади. Итоаткорлик унга завқ бағишлайди. У тез-тез шоҳнинг эзгулиги ҳақида бошқалар билан бўлишади, натижада уни калака қилишади ва кўпинча у ёлғиз қолиб кетади. Жейлиннинг қонунларига нисбатан тебран-мас содиқлиги туфайли келадиган азобларига қарамай, ҳеч нарса уни шоҳга содик бўлиб қолишига ҳалал беролмайди.

## **Битирудилар**

Юқоридаги эндиликларнинг барчаси ўн беш ёшга тўлдилар. Улар белгиланган кун бошқа икки мингта талабалар билан мактабни битирдилар. Уларнинг ҳар бирига маҳсус вазифа берилди ҳамда уларга Жейлин томонидан белгиланган ва битируд кунининг бошқарувчиси томонидан топширилган, маълум миқдордаги пул тақдим этилди. Пуллар қаҳрамонларимиз орасида куйидагича тақсимланди: Мустақилга эллик беш минг талант, Алданган ва Журъатсизга қирқ минг талантдан берилди, Худбин ҳаммадан ҳам кўпроқ – етмиш беш минг олди, ва ниҳоят, Саховат йигирма беш минг талант олдилар. Охирги насиҳатларни эшитиб, ёшлар ҳамёнларида пул билан мактабдан қўйиб юборилишди.

## **Сотувчи**

Мустақил мактабга кам борган бўлса-да, дарслар ҳали ҳануз бошини оғирлаштириб турганини сезарди. Баъзида у мактабда эшитганларидан айримлари тўғридек туюларди. Мабодо шундай бўлса, унинг хулқ-атвори мактабнинг охирида у учун белгиланган пулларнинг миқдорига унчалик таъсир этмаслигига умид қиласарди.

У учун белгиланган талантлар солинган конвертни олганида, унинг қўллари титраб кетди. Конвертни очганида, унга берилган пулнинг миқдорини кўриб, ўзининг ҳайратини ва енгил тортган ҳолатини зўрға тутиб турди. У Журъатсиздан ўн беш мингта ва Саховатдан икки хисса ортиғи билан олганини эшитиб, янада қувонди. У ўйлади: «Бу вақтни беҳудага сарфлашга киради! Саховат ва Журъатсиз ҳеч қандай фойда келтирмайдиган пуч дарсларга шунча вақтини сарфладилар». Натижада, буларнинг барчаси, унинг Жейлин умуман мавжуд эмаслиги ҳақидаги шубҳаларини тасдиқлади. Унга берилган пулларни узок йиллар аввал ғойиб бўлган ота-она-



си қолдирган деб қарор қилди. Энди у буларнинг ҳаммаси, ёшларнинг онгини бошқариш учун мактаб маъмурияти томонидан ўйлаб топилганига узил-кесил ишончи ҳосил бўлди.

Икки ҳафталик байрамдан сўнг, Мустақил ўз ишини бошлиши кераклигини англади. У аллақачон, режалаштириган миқдордан анча кўпроқ пул сарфлаб бўлганди. Мустақил машиналар сотуви билан шуғулланиб, сотувчиликда туғма қобилиятта эга эканини тушуниб етди. Таажжубки, иш бароридан кела бошлади. Бир талай битирувчилар пулларининг бошланғич қисмидан, Мустақилнинг салонидан минилган ва ҳатто яп-янги машиналар сотиб олдилар. У пулларини кўпайтиргач, бошқа ишлар очишни бошлади, янги ишларда ҳам уни омад кутиб олди. Маблағи кўпайган сари, бутун ҳаёт тарзи ҳам ўзгариб борди. У пул таъсир ўтказиш учун ажойиб қурол ва ҳойнаҳой, баҳтга эриштирадиган куч эканини тезда фаҳмлаб олди. Янги имкониятлар, бойлик ва ҳашамат, аёлларни ўзига жалб қилас, ҳаёт эса бундан яна ҳам жозибадор бўлиб бораарди.

Мустақил ҳеч қачон мактабдаги ҳафталик йигинларга қатнашмаган бўлса-да, барибир аҳолининг аксарияти уни ҳурматли фуқаро деб ҳисоблашарди, модомики унинг шаҳар лойиҳаларидағи моддий ёрдамини қадрлашарди. Афтидан, Энделлик бу меҳнаткаш учун ҳаёт бундан-да баҳтли бўлмайдигандек туюларди.

### **Курувчи ва ер сотувчи**

Алданган ҳам ўзида йўқ баҳтли эди ва бир неча ҳафта давомида Мустақил билан битирув байрамини нишонлади. Бошқалар билан таққослагандা, унинг пуллари унчалик кўп эмас бўлса-да, ҳар ҳолда Саховатникидан анча кўп экани, уни қувонтирас эди. Бундай тақсимлаш, унинг шоҳ Жейлиннинг чексиз шавқати ҳақидаги шахсий фикрларини тасдиқлади – бундай шавқат айрим нарсаларга кўз ёпиши ҳам мумкин.

Мактабда иккита қыз билан жинсий алоқаларга эга эди, лекин бундай хулқ-автор мактабнинг қонунларига зид эканини биларди. Унинг ўзи буни умуман муаммо деб ҳисобламас, зеро у Жейлинга ва унинг шоҳлигига шаксиз ишонарди. Унда ҳаётта нисбатан шахсий муносабат қуидагиша шаклланганди: «Жейлинга бағишилганнимни тан олиб ва бирор кишига жиддий зарар етказмас эканман, шоҳнинг илтифотига эга бўла оламан». У яна шундай ҳисобларди: Жейлин ҳаммада ҳам муаммо борлигини тушунади, зеро мукаммал одам йўқ. Алданган Жейлинга бутун юраги билан ишонгани учун, у ҳукм куни унинг барча хатолари ва камчиликларини текислаб юборишига ишончи комил.

Бир неча ҳафта ўтиб, у ўз юмушини бошлади. У қурувчи бўлди. Бошида харидорларни топиш осон кечмади. Унинг уй лойиҳалари ҳар жиҳатдан мақтовга лойик эди, бироқ харидор топишда қийналди. Кимдир, унинг нархлари жуда қиммат деб ҳисобласа, бошқаси эса бундай ҳашаматли уйни сотиб олишга қурби етмасди.

У ноилож нархларни пасайтирди ва чиройли лойиҳаларини одамларга таклиф қилишда давоб этди. У одамларга олдингидек яхши сифатни ваъда берар, аслида эса паст сифатли қурилиш материалларидан фойдаланарди. Айрим материаллари жаҳон андазаларига мувофиқ эмас эди. Алданган юқори андазаларни қўллайдиганлар, шунчаки ортиқча эҳтиёткорлик кўрадиган одамлар, деган холосага келди. У танлаган материаллар, ҳар қандай юкни ва об-ҳавони кўтара олишига амин эди. Энди битимлар анча ёқимили тус олди, Энделнинг қизиқиб қолган аҳолиси, шу қадар кўп шартномалар тузишни бошладики, у уйларни қуриб ултурмай қолди. Ниҳоят, иш бароридан келишни бошлади.

Бир неча йил ўтиб, Алданган ер майдонларини сотиш билан шуғулланишга қарор қилди. Ундан уй сотиб олган одамларнинг шикоятларини эшитиб, уй сотишдан нарироқ юриш-



ни ва ер сотиши истади. Энди кафолатли хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғуланишининг ҳожати йўқ.

Алданган икки сотих ерни минг талантга сотиб олиш мумкин бўлган жойни топди. Бу олиб сотиши учун жуда яхши нарх эди. Диққат билан ўрганилганда, ўша ер сув тошқинида чўкиб кетадиган жой экан. Бу маълумотдан атиги бир неча киши хабардор эдилар, боз устига уларнинг ҳаммаси Алданганинг дўстлари эди. У шаҳар назоратчиси бўлмиш, дўсти Мустақилни, ерни лозим бўлган геологик синовларсиз сотиши учун рухсат беришга кўндириди. Қолаверса, у бирорта ҳам сув тошқини содир бўлганини эслай олмади, унда хавотирга ўрин йўқ. Битим ҳеч қийинчиликларсиз амалга ошиди. Ёш тадбиркор учун ҳаётда, бундан-да яхшироқ нарсанинг ўзи йўқдек туюларди.

### Ўқитувчининг ёрдамчиси

Журъатсиз битирув кунининг эртасига дугоналари билан магазинларни айланишга чиқди. Унинг иккита мақсади бор эди: биринчидан, битирув байрамини яқин дугоналари билан нишонлаш, иккинчидан эса янги ҳаёт бошлаш учун янги кийимлар ва бошқа нарсалар харид қилиши. Унинг кўнглидаги энг кучли орзу, Эндел мактаби Ўқитувчининг ёрдамчиси бўлиш эди, у бошқа бирор нарсани бунчалик кучли истамасди. Ушбу мансабга қабул қилишлари учун суҳбатдан ўтиш, келаси жума кунига тайинланганди.

Магазинларда айланишнинг иккинчи куни, Журъатсизнинг дугонаси Фийбатчи, уларнинг ўрталаридағи дугонаси бўлмиш Туҳматчи, мактабнинг директорига, эмишли Журъатсиз талабалардан бири билан яқин муносабатларга эга, деганини айтиб берди, бу эса у истаган мансабга эришишига жиддий тўсқинлик бўлиши мумкин. Ахир, бу мутлақо бемаънилил! У мактабдаги бутун ўқув жараёнида

ўзини поклиқда сақлаган. Журъатсиз Тұхматчи буни, унга нисбатан ҳасади ёки ҳатто нафрати борлиги туфайли қилганини тушунди.

Журъатсиз ғазаб отига минди. У ўта таққирланиб, дам олиш күнларининг қолганини дугонажонининг сотқинлиги ҳақидағи фикрларга тұлиб ўтказди. У Тұхматчини, ушбу ёлғони учун ҳақ тұлашга мажбур қилишга қасам ичди.

Сұхбатдан ўтиш куни келди. Буни қарангки, Журъатсизни ишга қабул қилишди. Директор, чиндан ҳам у шундай гапларни әшитгани, лекин текширишлардан сұнг ҳаммаси асоссиз бўлиб чиққанини тасдиқлади.

Журъатсиз шунчаки иш ўрнига эга бўлибгина қолмай, Қўш Ҳаёт исмли севимли ўқитувчиларидан бирининг ўнг қўли бўлиб тайинланди. У энг истеъодли муаллимлардан бири эди. У йигирма беш ёшда бўлиб, шу кунгача бир нечта ёш энделликлар билан ишлаганди. (Ўқитувчилар, бошқалар сингари йигирма ёшда әмас, балки ўттиз ёшда судга келар эдилар). Журъатсиз, унга бундай жўшқин раҳбар билан ишлашни топширганларидан ҳайратда эди.

Машғулотлар бошланди. Ҳаммаси ажойиб эди, аммо у ҳали ҳам хафагарчиликни олиб юрарди. Унга ишлари қанчалик бароридан келаётганининг аҳамияти йўқ эди ва со-биқ дугонасининг хиёнатига чидашга қурби етмайдигандек туюларди.

Бунга қарамай, сиртдан ҳаммаси жуда соз кўринар, бироқ юзакиликнинг ортида кўнгилсизликлар яшириниб турарди. Қўш Ҳаёт муаллимнинг исми, унинг шахсиятига батамом монанд эди. У иш жойида бошқача, шахсий ҳаётида эса бутунлай бошқача эди. Унинг ҳукми доимо энг жиiddий бўлиб, зеро у ўқитувчи сифатида Жейлин билан шахсан учрашиш шарафига эга эди.

Күнларнинг бирида, Журъатсиз ва Қўш Ҳаёт ёлғиз қолганларида, ўқитувчи унга шилқимлик қила бошлади. У



ўзида ҳақорат ва хижолатни ҳис этиб, шу заҳоти унинг олдидан қочиб кетди. Ўқитувчи чекинмади, бир неча ҳафта давомида ўз ниятини амалга оширишда давом этаверди. Журъатсиз ёқтирган ўқитувчисининг қилиқларига нисбатан муносабатини ўзгартирди ва унинг айтганларига кўнишни бошлиди: ахир, у яхши ва ажойиб инсон. Қиз унинг хушомадига учди. Йигит мулойим ва хушмуомала, ундан ташқари у эркакларнинг орасида энг жозибадори ҳисобланарди. Охир оқибат қиз унинг сиқувига таслим бўлди ва уларнинг орасида оташин ишқий муносабатлар бошланди.

Журъатсиз ҳаётида ҳеч қачон бундай оловли севгининг бошни айлантирадиган ҳиссини туймаган эди. У ҳар сафар бу инсонни кўрганида, ҳаяжондан юраги қинидан чиқиб кетишига сал қоларди. Белгиланган кун у билан учрашиш ҳақидаги фикрлар, уни шу қадар бошини айлантирадики, ҳатто ҳалигача сақлаб юрган, Туҳматга нисбатан чуқур хафчилигини ҳам вақтингчалик унутиб қўярди.

Нима бўлганда ҳам, тўрт ой ўтиб, Қўш Ҳаёт унга нисбатан совиб қолди. Бутунлай тушкунликда қолган қиз, бу нарсанинг сабабини билишни истарди. У ҳамма бирга ўтказган вақтларини эслайверар ва йигитдан ўзгариб қолганининг сабабини айтишини талаб қиласарди. Ва ниҳоят йигит Туҳматдан, унинг бошқалар билан эски ишқий муносабатлари ҳақида эшитганини айтиб берди. Бу, албатта, муаммонинг ҳақиқий сабаби эмасди, аслида у шунчаки Журъатсизга нисбатан қизиқишни йўқотганди. Қўш Ҳаёт, аллақачон шаҳардаги бошқа ёш жувонга ошиқ бўлиб қолганди. Қизлар бу йўлдан оздирадиган ва машҳур йигитнинг кескин қистовларига бардош бера олмасдилар.

Журъатсиз синди. Ҳар куни йигит билан мактабда кўришишга мажбуrlиги ҳақидаги фикрдан, ўзини қўярга жой тополмасди. Ишдан кетиш тўғрисида ариза ёзди ва бир неча кун ғам чекди, кейин қолган қирқ минг пулига гўзал-

лик салони очди. Журъатсиз Жейлиннинг қонунида йигинларни қолдирмаслик ҳақида буйруқ бўлишига қарамай, мактабдаги ҳар ҳафталик йигинларга бормай қўйди. У иккисизламачилар билан ҳеч қандай муносабатларга эга бўлишни истамас, у ўйлашича, йигинларга қатнайдиганларнинг аксарияти, ҳойнаҳой шундайлар эди.


Кундан кунга юрагини янада ёпиб борар, Жейлин ва мактабни камдан-кам ёдга оларди. Илгариги мактаб учун жонбозликлари, энди лоқайдлик ва сурбетликка айланди. Ундан Жейлинга муносабитини сўраганларида, унга тегишлилигини тасдиқларди-ю, бироқ шунаقا ахлоқсиз одамни мактабда ўқитувчилик мансабида ишлашига рухсат бергани учун юрагининг тубида уни айбларди.

Синов муддати охирлаб қолганда, ўзи буни тан олмаса ҳам, Журъатсиз ҳаммадан хафа ва зардали аёлга айланниб қолганди. Синовнинг якуний йилларини, одамлар етказган хафагарчиликларни енгиш билан ўтказди.

### **Эндел ҳокими**

Энди эса олган пулларидан, нақадар ҳайратда қолган Худбинга қайтамиз. У Жейлиннинг қонунига риоя қилиб, битирув кечасини қонунда тақиқланган ароқхўрлик зиёфатларидан ўзини тийган ҳолда нишонлади. Бир неча кун ҳордиқ чиқариб, пулларини ишга солишга тушди. Унинг савдо-сотиғи сердаромад келди ва дастлабки маблагини тезда кўпайтириб олди. Сармояси кўплигидан, тенгдошлирининг орасида шуҳрат қозонди.

Худбин шаҳардаги энг чиройли жойларнинг биридан уй сотиб олди ва обрўли, кучли одамларни меҳмонга чақирди. Ҳукумат аъзолари, малакали спортчилар, тадбиркорлар ва бошқа машҳурлар, унинг сахий меҳмондўстлигидан хузур қилишди. Шу тариқа, у тез орада жамиятдаги энг эътиборли одамларнинг бирига айланди.



Орадан уч йил ўтгач, ўзининг молиявий мавқеи ва алоқалари туфайли, Энделнинг ҳокими ўрнига ўз номзодини қўйди ва осонлик билан ғалабани қўлга киритди. У янги мансабда бир талай жиiddий қарорлар чиқариш кераклигини билиб қолди, улардан бири мактабга тааллуқли эди. Ўқувчилар сони ортиб боргани сари, мактаб қўшимча биноларга, кучли муҳтоҷлик сеза бошлаганди. Бу дегани, ер харид қилиш, пудратчилар ва қурилиш учун маблағ излаш, шунингдек мактабга керакли барча асбоб-ускуналарни сотиб олишни билдиради. Муаммони ечишнинг биринчи қадами шаҳар аҳолисидан пул йигиши эди. Ҳар ҳафталик йигинлар чоғида керакли пул йигилиб бўлгач, Худбин йигилган маблағ мактабни кенгайтиришга етмаслигини эшлитиб, ўзининг шахсий пулларидан минг талант қўшди.

Шундан сўнг мушкул қарорларни қабул қилиш пайти келди. Ниҳоят, мактабга бир ерни сотиб олиш учун етарли маблағ йигилди. Таклиф қилинаётган нарх ажабланарли даражада уларнинг маблагини ташкил этарди. Бироқ, айнан ўша жойга йирик супермаркет хўжайини ҳам эга бўлмоқчи эди. Шаҳар кенгашининг фикри иккига бўлинди. Мактаб нотижорат ташкилот бўлгани сабаб, ҳеч қандай солиқ тўламасди. Бошقا томондан, магазин жуда катта даромад келтириши ва шаҳарни қўшимча ишчи жойлари билан таъминлаши мумкин эди. Шаҳар кенгашининг фикри бир жойдан чиқмагани сабабли, ҳокимнинг овози ҳал этувчи овоз эди. Худбинни қарама-қарши фикрлар қийинади. Савдо тармоғининг соҳиблари унинг сайлов олди ширкатига катта пуллар тиккан ва ўз нуфузини унинг фойдасига ишлаттан эдилар. Улар Худбиннинг уйида тез-тез меҳмон бўлар эдилар.

Худбин савдо тармоғининг фойдасига овоз берди. Бу Энделда яшайдиган барча аҳолига фаровонлик олиб келади дея, жамият олдида ўз қарорини оқлаб қўйди. У халқни, бу нарса шаҳарни янада кўп иш жой ва шаҳар ғазнасини даромад

билан таъминлайди деб ишонтириди. Бу нарса имконсиз эканини билса-да, мактабга, ҳозирги бинони кенгайтиришнинг ички имкониятларини, барибир қидириб кўришни маслаҳат берди. Унинг қарори Жейлиннинг барча самимий издошлирини ранжиттан бўлса-да, аҳолининг аксарияти гоят хурсанд эди. Ҳокимлик ўрнидаги икки йиллик муддати тугай деб қолган ва янги сайлов муддати яқинлашиб қолганди. Вижданни сал қийналгандай бўлди ва шахсий пулларидан Энделнинг мактабига беш минг талант қурбонлик берди. Пулни берар экан, қурилиш учун мос келадиган бошқа жой топишни ваъда берди. Унинг бундай ҳаракати, кўп Жейлин издошлирининг ишончини қозонишга ёрдам берди. Бу ёш раҳбар иккинчи бора сайловда осонликча ютадигандек, кўринарди.

### **Ресторан соҳибаси**

Саховат мактабнинг якунида олган йигирма беш минг талантдан уч мингини мактаб учун янги бино қурилишига қурбонлик қилди. Унинг юрагини ўқитувчилардан олган ҳамма билимлари учун миннатдорлик тўлдирава шу тарзда ўз ташаккурини билдиришни истарди. Саховат қолган йигирма икки минг талантига ресторон очишнинг уддасидан чиқди.

У ошпазлик маҳорати билан боғлиқ ҳамма нарсани жон-дили билан севарди. Устига-устақ, у зеҳнли ишбилармон аёл чиқди. Ресторан у учун қобилиятларини намоён этиш ва жамиятта хизмат қилишда энг яхши қурол бўлди. У бутун вилоятдан энг яхши ошпазларни ишга таклиф қилишга ва уларнинг ҳунарларини бир жойга жамлаб, бекиёс меню тузишга эришди. Ресторан бир лаҳзада муваффақият қозонди.

Саховат ресторани орқали юқори баҳо ва мукофотларга эришаркан, доимо буларнинг барини уддалашда, унга Жейлин донолик бераётганини таъкидларди. У сўзга чиққанида, ҳар сафар мактабдаги ўқитувчиларга ташаккур билдирава у ердаги ажойиб ишчиларни мақтарди. У ютуқлари-



ни ўзлаштирмас ва шахсий мұваффақиятлари учун мақтанмасди. Саховат буларнинг ҳаммаси Жейлин туфайли амалга ошганини биларди.

Саховат ўз равнақларини жамиятга ва Эндел мактабига ёрдам беришга сарфларди. Мактабдаги ошхонага муҳтожлар учун тушликлар олиб борарди. Баъзида, бўш вақтларида, ана шундай тушликларни тарқатишда ўзи ҳам иштирок этарди. Унга камбағалларни иссиқ овқат билан таъминлаш ёқарди. Ундан ташқари, у даромадининг йигирма беш қисмини мактабнинг эҳтиёжлари учун топширишга қарор қилди. Беш йиллик синов муддати давомида мактабга икки юз минг доллар қурбонлик қилди.

Саховат кўп ишласа ҳам, зўрга кун кечирадиган кишиларнинг кўпчилигига бажонидил ёрдам берди. Моддий кўмақдан ташқари, мамнуният билан Жейлиннинг донолиги ҳақида сўзлаб берар, ёрдам берган кишиларига доимо, Жейлин бўлмаганида ҳеч қачон бундай ютуқларга эришолмаган бўлишини қайта-қайта такрорларди.

Рестораннинг равнақига қарамай, Худбин бошқа меҳмонлар билан бирор марта Саховатни уйига чақирмади. Унга ҳеч қачон жамиятда бирор соҳада бошқарувчилик мансабини эгаллашни таклиф этишмади. У Жейлиннинг ўтакетган қатъий издоши номига эга, боз устига аёл киши эди. Шаҳарда нуфузли кишилар қаторига кирмаслиги, Саховатни раңжитмас ва қўрқитмасди. У ўзидан кўра муҳтожроқ одамларга дикқатини қаратарди. У мактабдаги ҳафталик йигинларга боришини ёқтирас, ўша ерда одамларга ҳам пул билан, ҳам бошқа йўллар билан кўмаклашарди. Саховат баҳтли ёш аёл эди.

### **Белгиланган Суд куни**

Синовнинг охирги куни келди. Судга бориши керак бўлган кишилар, кейинги беш йилнинг ҳар қандай кунида бу амалга ошиши мумкинлигини билардилар, чунки биринчи

беш йил аллақачон охирлаб қолғанди. Бироқ ҳеч бири, бу кун шунчалик тез келишини тасаввур ҳам этмаган әдилар. Күн ҳар доимгидек бошланди, лекин умуман кутилмаган тарзда яқунланди. Ярим тунда Аффабелнинг икки мингта подшо қўриқчилари битирувчиларни олиб кетиши. Уларнинг маҳфий ғойиб бўлиши, Энделнинг аҳолиси ухлаётган пайти содир бўлди.

Икки мингта ёшлар қўриқчилар ҳамроҳлигида шаҳардан яширин чиқиши йўли орқали олиб кетилдилар. Бу Эдонка дарёси остида жойлашган чукӯр туннел эди. Туннелдан ўтиб, улар яна икки кун ҳаёт йўқ саҳро бўйлаб пиёда юриши. Қўриқчиларнинг бошлиғи бутун сафарлари давомида, уларга ўзининг овқат, сув ва бошқа керакли нарсаларидан улашиб, ғамхўрлик қилди.

Қўриқчилар ўзларини мулойим, бироқ вазмин тутардилар. Уларнинг диққати фақат олдига қўйилган вазифага қаратилганди. Улар атиги айрим саволларга жавоб қайтарардилар, энделликлар бошқа саволларга жавоб бериш, уларга тақиқланганини тушунардилар. Тақиқланган саволларга, одатда: «Вақти келиб, ҳаммасини билиб оласизлар» деб жавоб бериларди ва бу йўловчиларнинг қизиқишини янада кучайтиради. Узоқ кутилган буюк шаҳарга йўл оларкан, улар саҳродаги жазирама ва бошқа нокулайликларга аҳамият беришмади. Учинчи кун саҳарда, улар адирга кўтарилидилар, у ердан тонгти офтобнинг нурлари билан тўлган буюк шаҳар кўринди. Аффабел уларнинг бирортасининг ҳам хаёлига келмаган даражада муҳташам шаҳар эди.

Шаҳарга яқинлашган сари унинг улугтворлиги яна ва яна очилаверарди. Ҳатто улар турган узоқ жойдан ҳам шаҳарнинг тенги йўқлигини кўриш мумкин эди. Энделдан келган аёл ва эркаклар Аффабелнинг марказий туманига кирап эканлар, у ҳаёт билан тўлиб-тошганининг гувоҳи бўлдилар. Бу ажойиб масканда қушлар нафақат куйлар, балки сўзлаш



инъомига ҳам эга әдилар. Уларнинг мафтункор ва оҳангдор қўшиқлари буюк шаҳарнинг гўзаллиги ва шарафи ҳақида эълон қиласарди.

Энделликлар учун бу бутунлай бегона туюлмади, негаки улар унгача қўриқчиларнинг отлари гапирганини эшитгандилар. Ушбу олийжаноб ҳайвонлар нафақат ўзаро гаплашар, яна ўз чавандозларига мурожаат ҳам этардилар. Одамлар ва уларнинг отлари ўртасидаги таъсири муносабатлари яққол ҳақиқат әди. Аффабелда истиқомат этувчи барча ҳайвонлар сўзлаш, севиш ва қувониш қобилиятига эга экани ҳам яққол кўриниб турарди.

Ёш энделликлар қаерга қарамасин, уларни қизиқарли нарсалар кутиб турарди. Улар Аффабелдаги эҳтиромга бошлари билан шўнғиб кетдилар. У жойдаги ҳаво ҳам баҳри-дилни очар, онгни равшанлантириб, уларнинг толиқдан таналарига куч берарди. Бутун шаҳар бўйлаб оқадиган сув меҳмонларни ўзига тортди. Сув оқимидан ҳаёт учқунлари чиқаётгандек туюлди. Дилрабо куйларнинг оҳанглари бутун атроф-муҳитни безаб турар ва уларнинг завққа тўлган қалбларига тинчлик берарди. Атрофдаги кичик ўсимликдан тортиб, ҳавогача тириқдек туюлар – ҳамма нарса ҳаёт бериш қобилиятига эга әди. Бу мафтункор ернинг ҳар бир зарраси ҳаёт билан тўлиб-тошган әди.

Ёшлар буюк шаҳарда кўрган ҳар бир нарсага қўлларини узатиб, уларга тегиб кўришдан ўзларини тия олмас әдилар. Улар югуриб бориб, ҳамма нарсани кўриб чиқишини истар, бироқ бундай қилиш учун уларга ҳозир ҳеч ким рухсат бермаслигини тушуниб турардилар. Уларни катта қабулхонага олиб келдилар. У жойда аёллар ва эркакларни иккига ажратиши.

Улар кирган бино, шу қадар улканлигидан, ўзига сонсаноқсиз одамни сиғдира оладигандек туюлди. Унинг мармардан бўлган деворлари ичида камида юз мингта одам бемалол сифиши шубҳасиз.

Эндиликларга даҳлизда, хушбўй ваннахонада чўмилишни таклиф этишди ва шоҳнинг қабулига киришга тайёрғанлик кўриш учун маҳсус кийимлар беришди. Йўловчилар ўзларидан чангидан кетган кийимларини ечиб ташлашдан жуда хурсанд бўлдилар. Бу яшнаб турган шаҳарда уларнинг кийимлари ғалати ва беўхшов кўринарди.

Ҳар битта энделликни бу шаҳарда яшаб қолиш истаги қамраб олган эди. Улар ғалати нарсани ҳис этар, гёё уйга қайтгандек туюларди. Улар чўмилиб, кийимларини алмаштириб бўлгач, нонушта учун яна битта гуруҳ бўлиб қўшилишди. Уларга бир оз сухбат қуриш учун вақт берилган улуғвор бинонинг ҳовлисида, уларни безатилган кошона дастурхон кутарди. Нонуштадан сўнг гуруҳни яна иккига бўлишди, бу гал исм бўйича. Саховат, Худбин ва яна беш юзта ёшларни ўнгдаги қўшни хонага олиб кетишли. Журъатсиз, Алданган ва Мустақил бошқа бир яrim мингта киши билан чапдаги хонага олиб кетилди. Залга кираверишда, улар остононада ўзларининг исмлари ёзилганини пайқаб қолишли. Исмлар ғалати тарзда – энделликларга бегона тилда ёзилганди. Биринчи зал «Ҳаёт зали, иккинчиси – «Адолат зали» деб аталарди.

### **Ҳаёт ва Адолат зали**

Чап томондаги залнинг остонасидан ўтиб, Мустақил даҳшатга соладиган ғалати безовталикни ҳис этди. У Жейлин ҳақида эшитганларидан бирор нимани эслашга уриниб, фикран мактаб дарсларига қайтди. Мияси эса бутунлай бесаранжомлик билан тўлган эди. У шу даражада кўп дарсларни қолдирганидан аччиқ афсусланди. У нақадар ноҳақ бўлиб чиқди, ахир, ҳар ҳолда шаҳар ва шоҳ мавжуд экан! Зўрайиб бораётган қўркувни босишга ҳаракат қилиб, Жейлиннинг шавқатли табиати ва севгиси ҳақида бир нарсаларни титраб-қақ-



шаб эслашга тушди. Шу дамда фикрларига ёпишиб олган шоҳнинг ҳақлиги ва муқаддаслиги тўғрисида ўйлашни умуман истамас эди. У яхши одам бўлгани ва жамият ишларида иштирок этгани билан ўзини тинчлантиришга тушди.

Мустақил чуқур нафас олиб, атрофга аланглади, шунда Энделнинг энг бўлмағур улфатлари орасида эканини се-зиб қолди. Уларнинг орасида фирибгарлар, товламачилар ва ароқхўрлар бор эди. Бундан ташқари текинхўр ва ишга муккасидан кетганлар ҳам ўша ерда эди. Унда бошқатдан қўрқув ғалаёни кўтарилди, ваҳима қоплаган пайт, Журъатсизга кўзи тушди. Кўзларини юмиб, енгил тортди. У ўша заҳоти, Журъатсиз синфда Жейлиннинг энг кўзга ташланадиган ва иштиёқли издоши бўлганини эслади. Унинг мактабда ишлаганидан ҳам ҳабари бор, шундай эмасми? Агарда у ҳам шу залда Мустақил билан бирга экан, балки ҳали ҳаммаси яхшилик билан тугайди.

У томонга бораётиб, Мустақил Алданганга дуч келди. Яна бир яхши белги! Агар у Журъатсизни яқиндан танимаган бўлсада, лекин Алданган кучли имонли эканини биларди. Улар, ҳатто Жейлин тўғрисида дам-бадам баҳслашиб туриш одатига эга эдилар. У эски оғайнисини қучоқларкан, бирдан кайфияти ўзгарди.

Алданган жўшқин ва ижобий муносабат билдириди. Ҳамма ваҳималар бирмунча босилгандан сўнг оғайнилар гаплашишни бошлашди. Жейлиннинг шавқати улар кутгандан ҳам ошиб тушганга ўхшайди. Қара-я, Мустақил кечиримга лойиқ кўрмаган одамларни, Жейлин осонликча кечириб юборди. Шундай эмасми? Наҳотки, буюк ўқитувчи Қўш Ҳаёт бизларга бўлган талабларида ҳаддидан ошган бўлса? Энди у ҳаммаси яхши бўлишига мутлақ ишонч ҳосил қилди.

Бироқ Саховат ва Худбиннинг йўқлиги бироз безовтлантирарди. Бошқа томондан, бурчакларда фарёд чекаётган одамларни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ эди.

Балки улар шу тарзда Жейлиннинг эзгулиги учун миннатдорлик билдираётгандирлар?

Бошқа залда ҳам бир дунё ҳис-туйғулар жумбушга келаётганди. Мактабни тугатиб, бир-бирини йўқотиб қўйган дўстлар, учрашувдан бошлари осмонда эди. Кўп ўтмай ҳар битта суҳбатда ҳаммани ҳаяжонга solaётган ягона мавзу авж ола бошлади: ҳадемай, улар Жейлинни кўрадилар!

Ўзининг асл даъватини ва ваъда қилинган тақдирини бошдан кечириш вақти келди. Уларнинг ҳаммаси мўъжиза-кор шаҳар тўғрисида ғувуллашарди. Улар ҳар доим, турган жойлари, Энделдан бу жой анча яхшироқ эканини билар эдилар, ҳатто биринчи таассуртлари уларнинг барча орзуларидан ҳам ошиб тушди. Ҳамма нарса уларнинг тушунчасига сифмас даражада улкан эди. Наҳотки, улар бутун умр шу шарафли жойда ҳаёт кечиришлари рост бўлса? Бундай баҳт учун, уларнинг ҳар қайсиси, ҳатто полни ювиб ўтишга ҳам рози! Бу залдаги ҳамма Жейлин билан бирга бўлишини билар, бироқ унинг адолатли судининг олдида қандай қилиб тура олишни билмасдилар. Бирмунча вақт ўтиб, залда тантанавор муҳит ҳукм сурди. Улар содиқлик кўрсатиб яшаганмидилар? Буни тез орада вақт кўрсатади. Ўз шоҳи билан учрашишни кутиб турган бу камтар хизматчиларни қўрқув аралаш ҳаяжон ҳисси тўлдиради.

Даставвал, Ҳаёт залида кутиб турганларни суд қилишлари керак эди. Аммо уларга сал ўтиб қайтамиз. Ҳозирча ҳикоямиз, бизни Адолат залига етаклайди.

### **Суд залига чақирув**

Туш пайти эди. Адолат залида кутиб турганлар тинчланнишди, уларга ҳеч нарса таҳдид солмаётганига қайта амин бўлдилар. Уларни хавотирлантираётган ёки тушунмайдиган барча нарсаларни Жейлиннинг шавқатига ёки унинг сирли йўлларига йўйдилар. Ана шундай ўйлар, уларни юпатарди.



Бир ярим мингта энделликларнинг орасида, Мустақилни залга биринчи бўлиб чақириди. Уни Буюк Адолат залига кузатиб қўйиш учун тўртта подшо қўриқчилари келишди. У таранг вазиятни енгиллаштиришга уриниб, тасодифан кўзи тушган қўриқчига жилмайди ва кўз қисиб қўйди. Унга жавоб қайтармаганидан кучли таажжубга тушди.

Залнинг эшиклари бекилган заҳоти, олдиндан қайнаған саволлари яна кўз ўнтига келди. Юраги кўкрагида худди дўмбира овозидек дуккилларди. Унга бу овоз, кўринмай турган қўриқчиларга ҳам эшитилаётгандек туюларди. Алданган унинг ёнида бўлишини, у қанчалик истарди! Мустақил ҳозир Ҳакамнинг олдида туради, у эса ҳакам билан алоҳида қолмасликни афзал кўрарди. Унинг дадиллиги шитоб билан тугаб борарди.

Буюк залга кириш олдидан қўриқчилардан бири қисقا қилиб баённомани ўқиб эшигтириди. Мустақил ўқилганларнинг ҳаммасини эслаб қололмаслигидан қўрқиб, доим боши билан маъқулларди. Қулоқлари шу қадар тепардики, у кар бўлиб қолищдан қўрқиб турарди. Қўриқчи Мустақил маросимнинг тартибини тушунганига ишонч ҳосил қилиб, бошини тебратди ва залнинг эшиклари кенг очилди.

Мустақил улкан залга киришга бир икки қадам қўяркан, бутун танаси титраётганини сезди. Ҳар доим совиб турадиган пешанасида тер томчилари пайдо бўлди. Кўрган нарсаси, уни бутунлай ларзага солди, ўзини буткул йўқотиб қўйди!





З БОБ

## АФФАБЕЛ ШОХЛИГИ: БИРИНЧИ СУД КУНИ

*Буларнинг ҳаммасини Исо ҳалқа масалларда айтиб берди  
ва масалсиз уларга гапирмади, токи пайғамбар орқали  
айтилгани, яъни: «Мен оғзимни масалларда очаман,  
дунё яратилишидан бўён яширин бўлган нарсаларни  
сўзлайман», – дегани амалга оишсин.*

— Матто 13:34, 35

**Х**икоямни давом эттиришдан аввал, Исо Масиҳнинг келажақда содир бўладиган суд тўғрисида айтган сўзларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Юҳанно Хушхабари (12:48) да қуийдагиларни ўқиймиз: «Мен айтган сўз уни охирги кунда ҳукм қилади». Унинг тахти қарписида – Худо Каломининг талаблари бўйича суд қилинишимиизни биламиз.

Ҳикоямиздаги қаҳрамонларга мувофиқ тарзда тузилган Жейлиннинг аксарият сўзлари Каломдаги оятлардан ташкил топган.

Ана энди Аффабелга қайтамиз.

### Мустақил устидан суд

Буюк зал Мустақил тассаввур этгандан кўра анча жозибалироқ эди. Агарда унга қолган бир ярим мингта кишига, зал ҳақида сўзлаб беришни топширганларида борми, унинг улуғорлиги ва ҳашаматини таърифлаш учун сўз ва қиёс то полмаган бўларди. Энделнинг ҳар қандай биносини, бу зал-


нинг меъморий жиҳатидан таққослагандагачексиз эски туюларди.Хона тахминан юз минг кишига мўлжалланган эди. У ҳеч қачон битта залда шунча одамни кўрмаганди.

Мустақил яқинроқ бориб, минбардагилар орасида Аффабел фуқароларини танишни бошлади. Биринчи навбатда, уларнинг нур тарататётганига кўзи тушди. У ўшаларнинг бекиёс гўзаллигидан лол бўлиб қолди: улар бошқа дунёдан келганга ўхшаб кўринарди. Бундай ўзгариб кетишларининг сабаби, уларнинг барчасига ҳаёт дарахтининг меваларидан ейишга рухсат берилганди.

Мустақил ўзича ўйлади: «Наҳотки уларнинг ҳаммаси олдин Энделнинг фуқаролари бўлган?» Сўнг таниш қизни кўриб қолди. Унинг исми Эзгулик эди. Қиз ундан бир неча ёш катта бўлиб, оддий кўриниши туфайли мактабда ҳамма уни калака қиласиди. Ҳозир эса унинг кўриниши ажойиб эди. Унинг ўзига хос сифатлари сақланиб қолган бўлиб, шунинг учун уни таниш осон эди. Бироқ унда қандайдир тарзда кўркамлик бор бўлиб, Энделдаги энг мафтункор кишидан ҳам чиройли эди. Ростини айтганда, бу ердаги ҳар бир киши, ҳатто энг оддийси ҳам, у билган кишилардан анча гўзалроқ эди.

Биринчи ҳайратли ҳолатдан ўзига келиб, ҳамманинг назари, уни қўриқчилар олиб келган томонга йўналтирилганини сезди. У бунақасини биринчи марта кўриши. Бу тахт эди. Бу шуҳратли тахтни таърифлаш учун ҳеч қандай қиёс топишнинг имкони йўқ. Тахтда ўтирганга яхшироқ қараб, шу заҳоти бутун шаҳардаги гўзаллик манбай ким эканини, бирдан фаҳмлади. «Бу Жейлин бўлиши керак» – деб ўйлади Мустақил. Тўсатдан, қатъий рад этган шахснинг борлигига, чуқур тарзда ишончи комил бўлди.

Жейлиннинг юзи чиройли, аммо жиддий эди, балки айнан ўша пайт жиддий бўлгандир. Чиройли, лекин қўрқинчли десак, тўғрироқ таъриф берган бўламиз. Унинг бутун кўриниши ўзига тортар ҳолда мафтункор бўлса-да, Мустақил



у томон ҳар қадам қўйганида, юрагидаги даҳшат ортиб боради. Қолган дадиллиги ҳам йўқолди. У билан энди нима бўлади? Ўзини тутишга уриниб, Мустақил ўзига, шавқатли шоҳнинг олдига яқинлашашаиман, деб таъкидлади. Уни охирни яхшилик билан тугашига шубҳаси бор эди.

У олдинга қараб борди, бирдан, унга тор йўлакчада тўхтасни буюришди. Унинг тўғрисида Жейлин қад кўтариб, йиғилганларга мурожаат этди:

- ...Ва ҳамма англаб етади... Мен юракларни ва одамнинг ички дунёсини (фикрлар, ички кечинмалар ва мақсадларни) синовчиман; ҳар бирингизни қилмишингизга қараб тақдирлайман.

Мустақил бошқалар билан бирга тинглаб тураркан, қўққисдан Жейлин тўғри унинг кўзларига қаради ва ундан талаб қилди:

- Ўз фаолиятинг ҳақида ҳисбот бер.

Мустақил бирор нарса дейиш учун оғиз очишга улгурмай, деворда голограмма пайдо бўлди ва мактабга борган биринчи кунидан бошлаб, кечаги кунигача бутун ҳаёти айланишни бошлади. Ҳар битта ҳаракат, ҳар битта сўз, ҳар битта ният йиғилган гувоҳларнинг кўз ўнгига ҳавола эди. У Жейлин тўғрисидаги ҳақиқатни англаб, титрай бошлади: «Ундан яширин жонзод йўқ, аммо ҳамма нарса юзада ва Унинг кўз олдида очиқ: Унга ҳисбот берамиз».

Мустақил ҳар бир аҳмоқона, ёвуз ва худбин ишларини кўриб, букилишни бошлади. Ҳамма нарса шунча одамнинг назарида экани шармандалик ва кутилмаган тарзда ҳижолатда қолиш эди. Олдин арзимас ва безарар туюлган нарсалар, энди ушбу шуҳратли ҳакам ва муҳтарам Аффабел фуқаролари қаршисида хунук кўринарди. У ўз хулқ-атворидан даҳшатга тушди. Қандай қилиб, у шу қадар туйғусиз, аҳмоқ ва хато ўйлайдиган одам бўлган? У ёмон ишларидан, яхши ишлари кўпроқ бўлиб чиқади деган ноаниқ умидга тирмашарди.

Даҳшатли танбеҳ ва жазо кутаётганига қарамай, фильм тугагач, у бироз енгил тортди. У ўша кишиларнинг ичида энг кичиги бўлса ҳам, баҳтиёр бўларди ва яхши ишлари, ёмон ишларидан зиёдроқ чиқишига илинжда эди.

Сўнгра, Жейлин бош котибдан сўради:

- Унинг исми Ҳаёт Китобида топилдими?

У эса тезлик билан жавоб қайтарди:

- Йўқ, шоҳим.

Шунда Жейлин деди:

- Мустақил, сен ёвуз табиатни танлаганинг учун айбдорсан ва қолган бутун ҳаётингни ташқи зулматда, умидсизлик ва ёлғизликда азоб чекиб ўtkазиш учун Лоун ерига кувғин этиласан.

Мустақил ҳовлиқиб қичқирди:

- Нега, ҳукмдор?

- Сен менга ишонмадинг – деди Жейлин. – Сенинг ўқитувчиларинг ўргатган эди: «Зеро бу Мен эканимга ишонмасаларинг, унда гуноҳларинг билан ўласизлар» ва яна: «Чунки нажот топишимииз учун, одамларга осмон остида берилган бошқа ҳеч бир ном йўқ».

- Бироқ ҳукмдор Жейлин, менинг яхши ишларимчи? Улар ёмонларидан кўра кўпроқ эмасми?

Шоҳ Жейлин жавоб берди:

- Гап қонунни кўп ёки кам бузганингда эмас, негаки «Кимки Қонуннинг барчасига риоя қилиб, бирон бир нарсада гуноҳ қилиб қўйса, у ҳамма нарсада айбдор бўлади».

Мустақил куч тўплаб, эътиroz билдири:

- Унда инсон қандай қилиб нажот топади?

Бу саволга Жейлиннинг ўзи жавоб бермади. У Аффабелнинг муҳтарама аъзосига қаради, афтидан, у шоҳнинг ёрдамчиси эди, негаки у шоҳникига ўхшаш, лекин ҳажми кичикроқ тахтда ўтиради. Аёл жавоб берди:

- Наҳотки ўқитувчиларинг айтмаган бўлса, ахир Жейлин ўзининг маҳсус илтифоти билан одамларни кутқарди, лекин сен бунга ишонишинг керак эди. Нажотга инсон ўз



кучи билан сазовор бўлиш имконсиз, бу Жейлиннинг совғаси. Токи ҳеч ким мақтамаслиги учун, нажот яхши ишлар эвазига бериладиган мукофот эмас.

Жейлин қўшимча қилди:

- Анча илгари мен, ўтган ва келажакдаги фуқароларнинг қонунбузарликлари учун ҳақ тўлаганман. Ҳеч бир киши менинг қаршимда бегуноҳ туришга ёки қонунни мукаммалликда бажара олишга қодир эмас, бироқ одамларга бўлган севгим туфайли, мен ўзим уларнинг ўрнида азоб чекдим. Бинобарин менинг нажотим – бу қозониб бўлмайдиган инъом. Сен Аффабелнинг фуқаролигига сазовор бўлиш учун етарли даражада яхши ишлар қила олмайсан. У менга ишониш билан бирга берилади. Сен эса мен сен учун амалга оширган нажотдан юз ўтиридинг.

Мустақил бир неча сония донг қотиб қолган ҳолда сукут сақлаб, сўнг деди:

- Тушунарли. – У умидсизлик денгизига ғарқ бўлаётганини ҳис этарди. Бирор нарсага илиниб қолиш мақсадида, сўради: - Демак, ҳамма ишларим беҳуда эканда?

Жейлин жавоб берди:

- Ёзилганки: «Ўликлар ҳеч нарсани билмайдилар ҳам, улар бошқа мукофот олмайдилар ҳам; зеро уларнинг хотиралари унутилгандир. Шунингдек, уларнинг севгиси ҳам, уларнинг нафрати ҳам, уларнинг рашиклиари ҳам энди йўқолган. Улар бошқа қуёш остида қилинаётган бирор ишда улушга абадий эга эмаслар» ва яна: «Чунки ёвуз одамнинг келажаги йўқ, бетавфиқларнинг чироги ўчади».

Жейлиннинг сўзлари Мустақилни эсанкиратиб қўйди, у оғиз очолмай қолди. У дарсларни қолдирганига пушаймон бўлди. Мабодо, у ҳақиқатни эшитганда, ҳаётида тақдирини ҳал этувчи хатога йўл қўймаган бўларди.

Кейин сукут сонияларида, унга бошқа бир фикр келди. Бу ўша бутун кун давомида унга юпанч берган ва янги умидни бахш этган фикр эди:

- Ҳа, ҳамма айттганларинг – түгри. Бироқ, Жейлин, сен шавқатли шоҳсан, ахир! Агар шу ҳақиқат бўлса, сен қандай қилиб мени ҳайдай оласан?

Жейлин жавоб берди:

- Мен шавқатли шоҳман, айнан шунинг учун мен сени бу ердан жўнатяпман. Сен Энделдаги ҳаётинг билан, жоҳил ҳукмдор Дагоннинг табиатини бир умрга ўзинг учун танладинг. Мен меҳрибон, ҳаққоний ва севувчи шоҳ бўла туриб, сенга бу буюк шаҳарни ахлоқсизлигинг билан булғашга қандай йўл қўяман? Мен бу билан Аффабелнинг покизалигига зиён етказаман. Сен танлаган табиат, сал ўтмай намоён бўлишни бошлайди ва минглаб пок одамларнинг ҳаётини бузади. Сен ўз йўлингни ўзинг танладинг. Шунинг учун сен изидан бораётган шахс, Дагонга белтиланган жазонинг ўзгинасини оласан. Агар ундан кўра енгилроқ жазо олишга ҳукм чиқарсам, адолатсизлик қилган бўламан. Мен эса адолатлиман!

Шундан сўнг Жейлин йиғилганларнинг барчасига мурожаат этиб, отасининг қадимий сўзларини келтирди: «Сўзни менсимайдиган ўзига зиён етказади, амрдан қўрқадиган эса тақдирланади».

Шунда подшоҳ хизматкорларига деди: «Унинг қўл-оёғини боғлаб, олиб чиқинглар ва ташқи зулматга ташланглар. У ерда йиғи-сиғи ва тишлар ғижирлаши бўлади. Зеро чақирилганлар кўп, танланганлар эса оздир».

Қўриқчилар бошлиғи Мустақилни боғлаб, залнинг ён эшиги орқали чиқариб кетаркан, у даҳшатдан қичқирди ва уни қўрқинчли ўлим талвасаси қуршаб олди. Минглаб йиғилганларнинг орасидан бир овоз ҳам эшитилмас эди. Улар бу одам ўз ҳаётини бемаъни сарфлаганига ва қолган бутун ҳаётини жазода ўтказипшига, қайгу билан қараб қолдилар.

Мустақилни бошқа кутиш залига олиб боришиди. Бу ерда ҳумк қилинганларга тайёрлаб қўйилган минглаб панжарали хоналар бор эди. Залга киришда куйидаги сўзлар ёзилганди:



«Ҳаёт дарахтидан татиши ҳуқуқини қўлга киритиш ва шаҳарга дарвозалар орқали кириш учун ўз кийимини ювадиганлар бахтлидирлар! Итлар ва сеҳргарлар, фоҳишалар ва қотиллар, бутпарастлар ва ёлғонни мамнунлик билан амалга оширувчилар эса ташқаридирлар».

Мустақил шу ёзувга тикилиб қолди ва унинг ичида ғазаби қайнади. Энди у бутунлай ўзининг ёвуз табиатининг таъсири остида қолди. Бу ёвуздик ундаги ҳамма эзгуликни батамом ютиб юборди. Унинг хулқ-автори шиддат билан, қутурган итнинг хулқ-авторига айланниб борарди. У шоҳнинг таъсиридан кетиб, ўзининг нопок онги асирига айланди.

### **Алданган Жейлиннинг қаршисида**

Яна бир неча соат ўтди. Кўпларни Адолат залига чақиришди, аммо Алданган, Журъатсиз ва Қўш Ҳаёт ҳали ҳануз, ўз навбатларини кутаётгандарнинг қаторида турадилар. Алданганинг кўтаринки кайфияти бошқаларга ҳам умид бағишиларди.

Залнинг эшиклари очилди ва подшоҳнинг тўртта қўриқчиси пайдо бўлди, улар бу сафар Алдангани чақиришди. У танасини қуршаб олган қаттиқ ҳаяжондан қалтираб кетди: унинг вақти келди. Ўз безовталигини яшириш мақсадида, қолганларга одатга айланган сўзларини айтди: «Ҳа, йигитлар, менинг рақамим ютуқли!»

Алданган баённома билан танишди ва Адолат залининг очиқ эшикларидан кирди. У ҳам худди Мустақил ҳис этган нарсаларни ҳис этди. У ҳам залнинг гўзаллиги ва улуғворлигидан ҳамда йигилган фуқароларнинг хотиржамлигидан лол бўлди. Зал бўйлаб юраркан, бир неча танишларига кўзи тушди: уларнинг ҳаммаси Энделдаги мактабда ўқиган ва ундан бир-икки йил олдин битирган эдилар, бунинг устига у Мустақилга қараганда кўпроқ танишларни кўрди, негаки у қаришиб ҳеч қачон мактаб учрашувларини қолдирмаганди.

У таниганларидан бири, мактабда ўқимаган, Бераҳм исмли киши эди. У ўтакеттан ярамас деган донг тараттан одам эди. Алданган ҳайрон бўлиб, унинг тўғрилигига тўхтади:

- Бу нима қиляпти бу ерда?

Қўриқчиларнинг бошлиғи Алданганга ўша одам билан гаплашишга ижозат берган тариқасида бошини чайқади.

У яқинроқ борди ва сўради:

- Бераҳм, бу сенми?

У одам жавоб берди:

- Мен қачонлардир Бераҳм эдим, бироқ ҳукмдор Жейлин менинг исмимни Ярашган деб ўзгартириди.

Алданган ажабланди:

- Сен, умуман, қандай қилиб бу ерда ўтирибсан? Сени жамоатимизда энг ёвуз киши деб ҳисоблашарди. Сен мактабга бормагансан, мен билган одамларнинг орасида, энг кўп сен Жейлинга қарши чиққансан.

- Ҳа, бу рост, бироқ мен ўзимни шунақалигимдан ва қилмишларимдан нафратланардим, - деб жавоб берди Ярашган.

- Мен мактабга бормаганим туфайли, Жейлиннинг ҳаётни ўзгартирувчи сўзларини ҳеч қачон эшитмаган эдим. Суд кунидан бир ҳафта илгари Саховатнинг ресторанида тушлик қилдим. У менинг ҳаётим парча-парча бўлиб кетганини биларди ва қандайдир тарзда, менинг юригимдаги азобни ҳис этишга қурби етди. У билан суҳбатга қолиш шарти билан, менинг тушлигимнинг ҳаққини тўлади. У икки соат вақтини сарфлаб, Жейлин, унинг эзгулиги, нажоти ва Аффабел деб аталувчи ажойиб юрт ҳақида сўзлаб берди.

У менга, ўз ҳаётимни буюк шоҳга бағиашлашга ҳали кеч эмаслигини тушунтириди. Менда шартсиз кечиримга эга бўлишга ва унинг шоҳлигига қабул қилинишга ҳали имкон бор эди. Жейлиннинг севгиси мени тўлдирди ва ўзимни тўлиқ унинг қўлига топширдим. Энделда Унга хизмат қилишимга атиги бир ҳафта қолганига қарамай, чин қалбимдан



қарор қилдим. Кимни хафа қилган бўлсам ва кимнинг нарсасини ўғирлаган бўлсам, улардан кечирим сўрадим. Уларнинг нарсаларини олганимдан икки баробар ортиқ қилиб қайтариб бердим.

Алданган бир сўз демай турарди. Ортига қараб, қўриқчинг, айтилганларни маъқуллаган тарзда бошини силкитганини кўриб қолди. Шундан сўнг, Ярашган ўз жойига қараб юрди, Алданган эса тахт томонга борища давом этди.

У хозиргина эшиттан воқеаси ҳақида ўйлашдан тўхтамасди. Унга Жейлиннинг буюк шавқати ҳақида айтишган эди ва энди унинг қанчалик ҳайратомузлигининг гувоҳи бўлди. Ўша одам, у билганларнинг орасида энг ёмони эди, бу ерда эса у ҳам бошқалар каби улуғворликка эришди. Алданган Жейлиннинг кўзида мурувватта эришишига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ишонарди, негаки у шоҳнинг борлигига доим ишонган.

Алданган тахт қаршисида тураркан, Мустақилдан талаб этилган нарсани, у ҳам эшитди:

- Ўз фаолиятинг ҳақида ҳисобот бер.

Мустақилга ўхшаб, у ҳам мактабга борган биринчи кунидан бошлаб, то кечаги кунигача бутун ҳаётини ойнаижахондан кўрди. Дарсларга астойдил қатнашганини ва Жейлиннинг бағоят катта ёрдамларини кўриш, уни барча ийғилиб турганларнинг олдида нақадар овутарди.

Лекин ҳа демай, боши эгилди. Ҳаёт тарзи уни айблар эди. У доим ўз қилмишларини оқлаб яшаган, бироқ улар улуғвор ҳакам ва виждони пок гувоҳларнинг олдида намоён бўлганда, у уялди ва ҳижолат чекди. Унинг пала-партиш жинсий алоқалари ҳамма муҳтарамлар йиғинига маълум бўлганида, ўзини қайси тешикка яширишни билмай қолди.

Унинг нафақат ишлари, балки фикр ва ниятлари ҳам юзага чиқди. Жейлин буларнинг барини қаёқдан билади? Қандай қилиб у Алданганни, илгари ҳеч ким билмаган

ишлари учун суд қилиши мумкин? Юрагининг тубидаги сирларини энди ҳеч кимдан яшириб бўлмасди. Унинг иш юзасидан шартномалар тузишда, уй ва ер сотишда қанчалик фойда кетидан қувганини ҳамма йигилганлар кўриб турганди. У ердагилар, Алданган ўз истагини амалга ошириш мақсадида ғийбат ва тухмат қилиш унга одатта айланиб қолганига қараб турардилар. Унинг барча ишлари, кўпроқ наф кўриш ниятида амалга оширилгандек туюларди. У ҳамма нарсани ўзи билганича ва ўзи учун қиласарди. Кўриниб турган ҳақиқатларни рад этиш имконсиз эди. Бироқ у буларнинг бари, катта аҳамиятта эга эмас деб ўзини ишонтиради, ахир у Жейлинга ишониб яшаган ҳамда унга тегишилигини доимо ҳаммага айтиб келган.

Унинг ҳаёти кўриб чиқилган заҳоти, Жейлин подшо кошибига юзланиб, сўради:

- Алданганинг исми Ҳаёт Китобида ёзилганми?
- Йўқ, подшоҳим, - деган жавоб эшитилди.

Жейлин эълон қилди:

- Алданган, сен мени рад этганинг учун айбдорсан ва қолган бутун ҳаётингни ташқи зулматда, умидсизлик ва ёлғизлиқда азоб чекиб ўтказиш учун Лоун ерига қувғин этиласан.

Алданган шол бўлиб қолди. Унинг фикрлари тарқоқ эди: «Бу хато бўлиши керак. Бундай бўлиши мумкин эмас! Мен Жейлинга ишонаман. У: «Мени рад этдинг» деганида нимани назарда тутди?

У бор овози билан бақирди:

- Мен қачон сени рад этдим?!
- Сенинг ўқитувчиларинг, Жейлинни биламиз деб, лекин ўз қилмишлари билан Ундан воз кечадиган ҳамда улар ҳеч қандай хайрли ишга ярамайдиган, разил ва итоатсиз одамлар ҳақида огоҳлантиришларини эшитмаганмидинг?

Алданган яна эътироуз билдиromoқчи бўлди:



- Аммо, улуг шоҳ, мен сенинг мактабингта қатнадим. Дарсларни қолдирмадим ва мактабнинг бошқа кўп тадбирларида иштирок этдим. Мен сени, ҳатто ҳукмдорим деб атадим!

Жейлин бирдан жавоб қайтарди:

- Нега Мени: Раббий! Раббий! – дейсизлар-у, лекин сўзларимга риоя қилмайсизлар? мен сизларни, ташқаридан диний бўлганларнинг ҳаммаси ҳам чинакам художўй эмас, деб аллақачон огоҳлантирган эдим. «Ё, Раббий! Ё, Раббий!» – деганларнинг ҳар бири ҳам Аффабел Шоҳлигига киравермайди – деб айтганман. Энг муҳим савол шундаки, Осмондаги Отамнинг иродасини бажардингми ёки йўқми. Ўша кунда кўпчилик Менга: «Ё, Раббий, ё, Раббий, биз Сенинг исминг билан башорат қилмадикми?» – дейдилар. Мен эса уларга эълон қиласман: «Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар.

Алданганинг жазаваси тутди:

- Мен сенга ишонгандим... Сўзинг бўйича, сенга ишонгандим, мен нажот топишим керак!

Жейлин сабрли, лекин қатъий эди. У йигилиб турган фуқароларга, кичикроқ тахтда ўтирган мактабнинг собиқ ўқитувчисига қаради:

- Алдангана дарсларда ўтган билимларидан ўқиб бер.

У одам Муқаддас Китобдан ўқиди: «Менинг биродарларим, агар бирор киши имонга эгалигини айтса-ю, лекин эзгу ишларга эга бўлмаса, бундан нима фойда? Бундай имон унга нажот бера оладими? Худди шундай, имон ҳам ишсиз бўлса, ўз-ўзидан ўлиқдир. Бироқ бирор киши: «Сен имонингта эгасан, мен эса ишларимга эгаман», – деб айтиши мумкин. Хўп, ишларсиз бўлган имонингни менга кўрсат-чи, мен эса сенга имонимни ишларим орқали кўрсатаман! Сен Жейлиннинг ягоналигига ишонасанми? Яхши қиласан! Жинлар ҳам ишонадилар ва даҳшатдан титрайдилар. Эй, нодон одам, ишларсиз имон ўлик эканлигини билишни хоҳлайсанми?

Жейлин яна қайтариб айтди:

- Сен ишонганман дединг, аммо имонингта мувофиқ итоаткорлик ишлари ҳамроҳ бўлмаса, бу ишонишга кирмайди. Ишонаман дейишнинг ўзи камлик қиласди, чунки, ҳатто нажот топа олмайдиган жинлар ҳам ишонадилар. Чиндан ҳам ишонадиган одам ўзининг янгиланган феъл-атворини кўрсатади ва ёвуз табиатнинг ҳосилларидан келтирмайди. Сен ҳар доим ёвуз ҳукмдор Дагоннинг ҳосилларини келтирдинг, бу эса сен ҳеч қачон бор қалбинг билан менга ишонмаганингни тасдиқлайди.

Алданган эшиттганларини қийинчилик билан англарди:

- Унда ёвуз Бераҳм ҳақида нима дейсан? Мен ундан яхшироқ эдим. Қандай қилиб, уни қабул қиласан-у, мени ҳайдайсан? Сен адолатсизсан!

Жейлин жавоб берди:

- Лекин сизлар: «Раббийнинг йўли нотўғри!» –дейсизлар. ...Қулоқ солинглар! Менинг йўлим нотўғрими? Сизларнинг йўлларингиз нотўғри эмасми? Агар бетавфиқ одам ўзининг қилган бетавфиқлигидан қайтса, одил ҳукм ва ҳақиқатни амалга ошиrsa, ўз жонини ҳаётга қайтаради. Чунки у қараб кўрди ва ўзининг барча қилган жиноятларидан ўгирилди. У албатта яшайди, у ўлмайди.

Умиди пучга чиққан ва ёвузык отига минган Алданган, қичқиришда давом этди:

- Шундай бўлса-да, мен сен ҳақингда бошқаларга сўзлаб берардим ва сенинг сўзинг билан бўлишардим. Мен ҳатто ўз хоҳишим билан мактабингдаги дарсларга бораардим!

Энди Жейлин кескин жавоб қайтарди:

- Нима учун сен Менинг қонунларимни эълон қиласан ва Менинг аҳдимни оғзингингга оласан, ўзинг эса Менинг насиҳатимдан нафратланасан ва Менинг Сўзларимни ортингга ташлайсан? Ўрини кўрганингда, у билан тил биринтирасан, зинокорлар билан бирлашасан. Оғзингни ёмон сўз-



ларга очасан, тилинг эса ёлғонни тўқиёдиди. Ўтириб биродарингга қарши сўзлайсан, ўз онангнинг ўғлига тухмат қиласан. Сен шу ишларни қиласар эдинг, Мен эса жим турадим. Сен Мени ҳам ўзингдек деб ўйладинг. Сени фош қиласман ва сенинг гуноҳларингни кўзларинг олдига қўяман.

Алданган жим туради. Унинг фикрлари қуюндек изғиса-да, лекин ўзини оқлаш учун бошқа ҳеч қандай сўз топа олмади.

Орадан бир неча сония ўтди. Шунда подшоҳ хизматкорларига деди: «Унинг қўл-оёгини боғлаб, олиб чиқинглар ва ташқи зулматга ташланглар. У ерда йиғи-сифи ва тишлар ғижирлаши бўлади».

Қўриқчиларнинг бошлиғи унга яқинлашаркан, у Жейлин, қўриқчилар, ҳатто Аффабел фуқароларининг юзига қарата ҳақоратларни улоқтира бошлади. У газаб отига миниб, ўзини ҳар ёнга уради. Унинг ҳаққоний феъли юзага чиқиши билан, ундаги бор яхши нарсаларни ютиб юборди. Уни қўл-оёғи боғлиқ ҳолда залдан олиб чиқишар, у эса ҳаммани ҳақоратлашда давом этарди. Мустақил сингари, уни ҳам суд тутагунича алоҳида хонага солиб қўйдилар.

Алданганни залдан олиб чиққан заҳоти, Жейлин йиғилганларга мурожаат этди:

- Шундай насл борки, у ўз нигоҳида пок, лекин ўз нопоклигидан ювилган эмас.

### **Журъатсиз Жейлиннинг қаршисида**

Адолат залининг қабулхонасида атиги бир неча юзта одам қолган, уларнинг орасида эса Журъатсиз ва Қўш Ҳаёт ҳам бор эдилар. Журъатсизни ҳануз унга нисбатан хафалик азоби қийнар ва мумкин қадар йигитдан узоқроқда юрарди. Йигит ҳам ундан ўзини олиб қочарди.

Журъатсизни олиб кетиш учун тўртта қўриқчи кирди. Киз уни қаерга олиб кетаётганини тассаввур этолмай аса-

бийлашар, бироқ Қўш Ҳаёт ортда қолаётганидан бироз енгил тортди. Бошқалар сингари, унга ҳам эшик олдида баённомани ўқиб эшиттиришди, сўнг ичкарига олиб киришди.

Аффабел фуқаролари ёнидан ўта туриб, илгари мактабда ўқиганларнинг кўпчилигини таниди. Уларнинг аксарияти, Журъатсиз билан қиёслаганда, мактабда машхур ва имонда содик бўлмаган эдилар. Журъатсиз бир неча кишига ҳайрат билан қаради, унинг ўйлашибча улар бу жойда туришга арзимас эдилар.

Журъатсиз тахтга яқинлашиб, унинг атрофидаги бир қанча кичикроқ тахтларга кўзи тушди. У бу шоҳлиқда раҳбарларидек туюлган айрим ўқитувчиларни таниди. Ҳар ҳолда тахтда ўтирганларнинг кўпчилиги уни ҳайрон қолдирди. Улар Энделнинг энг паст аҳолиси эди. Тахтда бир-иккита бойлар ҳам ўтиради. «Бойлар қандай қилиб бу фахрли жойларга сазовор бўлдилар?» – деб ўйлади ўзича.

Саволига ўзи жавоб беришга улгурмай, Жейлиннинг овозини эшитди:

- Ўз фаолиятинг ҳақида ҳисобот бер.

Улкан ойнаижаҳонда унинг бутун ҳаёти гавдаланди. Журъатсиз мактаб йилларига завқ билан қаради. Дўстларига ихтиёрий кўмаги, дарслардан кейинги машғулотлари ва синфдаги раҳнамолиги унга умид бағишларди. У ўзининг жасурлиги ва тиришқоқлигидан фахрланди. Бироқ ойнаижаҳонда Туҳматнинг ёлғонига бўлган муносабати пайдо бўлганида, унинг кайфияти ўзгара бошлади. У ҳали ҳам юрагидаги хафалик аламидан қутулмагани очиқ-ойдин эди. Унинг кўриниб турган қалб фикрлари, шунақсанги хунук эдики.

Кейин Қўш Ҳаёт билан муносабатлари бошланди. У ҳеч қачон ўша ишқий алоқалари учун тавба қилмаган экан. Журъатсиз ўзини қурбон бўлган ҳисоблаб, ҳамма айбни Туҳматга ва ўз қарори учун масъулиятни олишга ҳалақит берган Қўш Ҳаётта тўнкаб келган. Ундаги алам, ғазаб ва ўч



олишга иштиёқ, вақт ўтган сайн фақат қучайиб борганини кўрди. Ҳисларини унутишга эришган бўлишига қарамай, барибир муаммонинг илдизини ҳал қилмаганди. Бу нарса, нафақат Қўш Ҳаёт ва Туҳматдан хафалиқда, балки у аслида ҳамма қийинчиликлари учун Жейлинни айблашида ҳам намоён бўларди. У қандай қилиб, Қўш Ҳаётта ўхшаш кишиларни мактабда дарс беришига рухсат берган? Унинг нафрати ва кечира олмаслик туйғуси очиқчасига қатъий ва аёвсиз эди.

Фильм тугаганида, унинг аламга тўла, бошқаларга нисбатан эзгулиқдан йироқда аёл экани ойдинлашди. Аммо буларнинг бари кенг йигиннинг гувоҳлигида кўринган бўлса-да, унинг бошидаги ўзини бағшида этган йиллари, шоҳнинг илтифотини таъминлашига амин эди. Унинг бошига танбех тушиши аниқ ва қиз ундан қўрқар, бироқ уни олдинда яна нималар кутаётганини тасаввур ҳам этмасди.

Жейлин подшо котибига ўтирилди.

- Журъатсизнинг исми Ҳаёт Китобида борми?

- Йўқ, шоҳим.

- Журъатсиз сен ҳақлиknи йўқотганлиқда ва хиёнат орқали мендан воз кечганлиқда айбдорсан, шунинг учун қолган бутун ҳаётингни ташқи зулматда, умидсизлик ва ёлғизликда азоб чекиб ўтказиш учун Лоун ерига қувғин этиласан.

Журъатсизни ақл бовар қилмас даҳшат қоплади. У олдин шу ерда турганлардан кўра кўпроқ таажжубни ҳис этди. Бундай бўлиши мумкин эмас! Бу ёмон туш, йўқ, қўрқинчли туш ва у шунчаки уйғониши керак! Балки у ниманидир тушунмагандир.

У қулоқларига ишонмай, сўради:

- Жейлин, сен, менга даҳшатли Лоун ерига боришинг шарт, дедингми?

- Ҳа, Журъатсиз, сен ҳамма нарсани тўғри тушундинг, - деб жавоб берди шоҳ.

- Шоҳ Жейлин, бу нимаси, ахир? Мен сенга ишонаман. Бу ойнаи жаҳондаги ҳаётимда ҳам яққол кўриниб турган эди. Менинг ҳаётим имонимнинг кучли эканининг яхшигина исботи. Менинг юрагим тошбағр бўлиб қолганини ва ундағи севги сўнганини тан оламан, лекин бунда мен айбдор-масман. Туҳмат ва Қўш Ҳаётлар айбдор. Мен улар туфайли қаҳри қаттиқ кишига айланниб қолдим.

- Наҳотки, сен ўқитувчиларинг орқали айтганларимни унугтган бўлсанг? – деб сўради Жейлин. – «Қонунбузарликнинг кўпайиши туфайли кўпларда севги совийди. Охиригача чидаган эса нажот топади». Сен охиригача чидамадинг.

Журъатсиз эътиroz билдириди:

- Аммо, ҳукмдор Жейлин, мен ҳақ кишиман, негаки мен сенга ишонаман. Мен балки ишончим алангасини йўқотгандирман, бироқ нажот топган инсон, уни ҳеч қачон йўқота олмаслигига доимо ишониб келганман. Ҳатто, айрим ўқитувчилар ҳам шундай деб таъкидлашарди. Уларнинг айтишича, ҳеч ким мени сенинг қўлларингдан тортиб ололмайди.

Жейлин унга жавоб берди:

- Ҳа, бу ҳақиқат. Ҳеч ким сени менинг қўлларимдан тортиб ололмайди, шу билан бирга мен сенга ҳеч қачон, ўзинг мендан кета олмайсан демаганман. Фақат сенинг ўзинг бунга қодирсан. Наҳотки Каломни ўқимаган бўлсанг: «Агарда улар Раббий ва Қутқарувчи Жейлинни таниб-билиш орқали дунёнинг ҳаромликларидан қутулган бўлиб, ўша ҳаромликларга яна ўралиб қолиб қайта мағлуб бўлсалар, унда уларнинг сўнгги аҳволлари аввалги аҳволларидан баттар бўлади. Ҳақлиқ йўлини таниб билгандан кейин, тан олган муқаддас амрдан юз ўтиргандан кўра, бу йўлни ҳеч билмаслик улар учун яхшироқ бўлар эди». Агар аҳволлари нажот топгунга қадартидан баттарроқ бўлгандан кўра, яхшиси ҳақиқат йўлини билмаганлари афзал эди деган бўлсам, сен қандай қилиб нажотни йўқотиш мумкин эмас деб



ўйладинг? Агар бу имконсиз бўлганда эди, инсон қандай қилиб, инсоннинг ҳолати нажот топишидан аввалги ҳолатидан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин?

Менинг сўзимга қарама-қарши гапирадиган ўқитувчиларга нега қулоқ солдинг? Ҳар бир киши ҳақиқат йўлини билиб олиши учун ҳамма нарсани ётиғи билан тушунтириб ёзиб қўйганман. Нимага сени алдашларига йўл қўйдинг? Мабодо сен менинг айтганларимга ишонганингда эди, юрагингдаги аламни енгган бўлардинг. Сен эса ўзингдаги сўзсиз хавфсизлик ҳақидаги ёлғон тасавурда юриб, аламинг бошқара олмайдиган даражада ўсиб кетишига йўл қўйдинг, холбуки ҳозирги олган жазоингдан омон қолса бўлар эди.

- Менинг яхши ишларимчи? – деб ёлворди Журъатсиз.

Хукмдор Жейлин жавоб қайтарди:

- Сендан қайта сўрайман, пайғамбар орқали айтган ушбу сўзларимни ўқиганмидинг: «Агар ҳақ киши, ўз ҳақлигидан қайтиб, бетавфиқлик қилса ва бетавфиқ одам қиласидиган барча жирканчилкларни қилса, у яшайдими? У қилган унинг барча ҳақ ишлари ёдга олинмайди. У ўзининг қилаётган хоинлиги учун ва ўзининг қилаётган гуноҳлари учун ўлади. Лекин сизлар: «Раббийнинг йўли нотўғри!» – дейсизлар. Эй, Истроил хонадони, қулоқ солинглар! Менинг йўлим нотўғрими? Сизларнинг йўлларингиз нотўғри эмасми? Агар ҳақ киши ўз ҳақлигидан қайтса ва бетавфиқлик қилса ва шу учун ўлса, унда у ўзининг қилган бетавфиқлиги учун ўлади». Ҳаммаси китобда ёзилганидек; сенинг яхшиликларинг унут бўлди ва улар энди ҳисобга ўтмайди.

Журъатсиз охирги имкониятта тирмашиб, деди:

- Лекин, хукмдор, сенинг ўзинг, агар мен сени Нажоткорим деб эътироф этсам, исмим Ҳаёт Китобида ёзилади, деб айтгансан. Унда нимага менинг исмим йўқ? Нима учун сенинг қулинг исмимни топа олмади? Қай тарзда у йўқолиб қолди?

Жейлин сабр-тоқат билан, лекин кескин тарзда сўзлади:

- Юқорида айтилганини эшитмадингми? «Охиригача чидаган нажот топади». Охиригача, суд кунигача содик қолган, ғалаба қозонади. Мен равшан қилиб айтдим, Ғолиб келадиган оқ кийимларга бурканади, унинг исмини ҳаёт китобидан ўчирамайман». Агар мен Ҳаёт Китобидан ўчирамайман деган бўлсам, демак, у ўчирилиши мумкин. Ундан бўлмаганида: «Мени ҳукмдор деб атаганларнинг исми абайдийга Ҳаёт Китобида ёзилади» деб айтган бўлардим.

- Қандай қилиб мени, тирик мурдалар бадарға этилган Лоун ерига қувғин этишинг мумкин? – ялинди Журъатсиз.

- Эндел аҳолисига таниш бўлган қадимги Каломни ўқиб бер, - дея, Жейлин кичик тахтларда ўтирганларнинг бирига мурожаат этди.

Ҳоким ўқиб эшиттириди:

- Ақл-идрок йўлидан озган одам ўликлар йигинидан жой олади.

Журъатсиз жим турарди. Шунда шоҳ ўз қулларига деди:

- Унинг қўл-оёғини боғлаб, олиб чиқинглар ва ташқи зулматта ташланглар. У ерда йифи-сиги ва тишлар ғижирлаши бўлади. Зеро чақирилганлар кўп, танланганлар эса оздир.

Қўриқчиларнинг бошлиғи унга яқинлашаркан, у Жейлинни лаънатлашни бошлади. Ваҳшиёна алам унинг бўйиндан бўғиб олди ва икки марта ўлган табиати тўла-тўқисликда намоён бўлди (Яхудо 12). У кузги шамолда илдизи билан сугурилган ва натижада қуриб қолган дарахтга ўхшаб кетди.

Уни кўл ва оёқлари боғлиқ ҳолда ён эшик орқали чиқариб кетишиди. Бошқалар сингари, уни ҳам алоҳида бўлмага жойлаштирилар. У зални тарк этган заҳоти, бош котиб деди:

Агар биз ҳақиқат билимини олгач, ихтиёрий равища гуноҳ қилсақ, унда гуноҳлар учун бошқа қурбонлик қолмайди, бироқ душманни ютадиган оловнинг қаҳрини ва Жейлиннинг қўрқинчли ҳукмини кутиш қолади. Биз шундай деганни биламиз: «Қасос олиш Мендан, жазони Мен бе-



раман, – дейди Раббий». Ва яна: «Раббий Ўз халқини ҳукм әтади». Барҳаёт Жейлиннинг қўлига тушиш даҳшатлидир.

## Қўш Ҳаёт устидан суд

Қўш Ҳаётни охирида чақиришди. У Жейлиннинг қонунларини билар ва унга чиқарилган ҳукм енгил бўлмаслигини жуда яхши тушуниб турарди. У тез орада жиноятлари учун қандай жазо олишини ҳеч қийинчилексиз билиб олади.

У қўриқчилар ҳамроҳлигига Адолат зали томон юраркан, йўлда умидсизликка тушди. Унинг ҳаёти ойнаижажонда кўрсатилди ва исми Ҳаёт Китобида йўқ, деган аччиқ сўзларни эшилди.

- Қўш Ҳаёт, сен хиёнатда, ҳақлиknи йўқотишида, тўсиқ тоши бўлғанликда айбланасан ва сени буюк жазо ва азоблар кутиб турган Лоун ерига сургун этиласан.

Қўш Ҳаёт, ҳукмни даҳшат ичида эшишиб, ёлворди:

- Ҳукмдор, мен сенинг мактабингда ўқитувчи эдим, ахир. Мен сенга хизмат қилиш учун ҳаётимни баҳшида этдим.

Жейлин жавоб берди:

- Сен ўқитувчи бўла туриб, китобдан ўргаттнларингни ўзинг ўқимадинг: «Биродарларим, ўқитувчилар кўпроқ ҳукмга дучор бўлишларини билиб, кўпларингиз ўқитувчи бўлаверманглар».

- Мен қанақасига тўсиқ тоши бўлдим? – деб сўради Қўш Ҳаёт.

Жейлиннинг овози янада жиддийлашди.

- Сен менинг кўплаб кичик қулларимни йўлдан урдинг, улар сенга қоқилиб, абадий йиқилдилар. Журъатсиз шулардан бири. У сенинг қарамогингта ишониб топширилган эди. Мен сенга унинг устидан ҳокимиятни шахсий манфаатларинг йўлида фойдаланиш учун эмас, уни ҳимоя қилиш учун берган эдим. Ўз нуфузингни ишга солиб, шаҳвоний нафсинг-

га эрк бердинг ҳамда уни ва бошқаларни зўрладинг. Уни аллақачон дугонаси яralаганди, сен эса уни шифолашнинг ўрнига, ундан фойдаландинг. Сен унинг имонини барбод этдинг. У Loунга бадарга этилиш жазосини олди. Менинг сенга огоҳлантириб айтган гапларим, албатта, ёдингда:

- «Кимки Менга имон келтирган мана шу кичиклардан биронтасини васвасага солса, унинг бўйнига тегирмон тошини осиб, дengизга ташланиши у учун яхшироқ бўлар эди».

- Лекин, Жейлин, мен Loунга боришим кераклигини биламан, - деб ялина бошлади Қўш Ҳаёт, - бироқ нега менга энг оғир қийноқларни тайинладинг? Нимага сен менга бунчалик аёвсизсан? Мен қандайдир бир имонсиз эмас, балки сенинг хизматкоринг эдимку. Мен сен ҳақингда, эшитиши ҳам истамаган Мустақилга ўхшаб яшаганим йўқ. Нима учун менга шунча катта жазо?

Жейлин қатъий ва барқарор турарди.

- Сен Муқаддас Каломни билардинг. Нимага менга бу саволларнинг барини беряпсан? Мабодо унугтан бўлсанг, мен сенга эслатиб юборишим мумкин. Муқаддас ёзувлар яққол айтияпти: «Лекин агар ўша қул ўз юрагида: «Хўжайниним яқин орада келмайди», – деб, хизматкору чўриларни уришни бошласа, унда хўжайнин қули кутмаган бир кунда, ўйламаган бир соатда келиб, уни тилка-пора қилиб, унга имонсизлар билан бир қисматни беради. Хўжайнинининг иродасини била туриб тайёр бўлмаган, хўжайнинининг иродаси бўйича иш тутмаган қул кўп таёқ ейди».

Мустақил ўз қилмишларини тушунишдан анча йироқ эди. Сен эса билимга ҳам, тушунчага ҳам эга эдинг. Унга берилган оғир жазо, сеникидан анча енгилроқ. Мен сен учун зулматнинг қаъридан жой ҳозирлаб қўйдим.

Сўнг Жейлин қўриқчиларнинг бошлиғига буюрди:

- Унинг қўл-оёғини боғлаб, олиб чиқинглар ва ташқи зулматга ташланглар. У ерда йиғи-сиги ва тишлар ғижирлаши бўлади. Зоро чақирилганлар кўп, танланганлар эса оздир.



Қўриқчиларнинг яқинлашишини кутаркан, Қўш Ҳаёт Жейлинни, қўриқчиларни ва Афабел фуқароларини лаънатлашга тушди. Қўриқчиларга қаршилик кўрсатиб, жон-жаҳди билан уларнинг қўлидан чиқишга ва Жейлинга ташланишга уринди. Унинг ҳаққоний феъл-атвори батамом юзага чиқди. Ундаги шу пайтгача бўлган барча яхши нарсаларни мунофиқлик ютиб юборди.

Залдан чиқаётиб, ҳаммага лаънатларни ёғдирди, сўнг уни оёқ ва қўллари боғлиқ ҳолда ён эшиқдан олиб чиқишиди ва тез орада Лоун ерига юбориладиган бир ярим мингта маҳкумларнинг ёнига қўшиб қўйишиди.

Қўш Ҳаёт залдан олиб кетилган он, бош котиб йифилгандарга эълон қилди:

- Сенинг ҳукмингadolatli; улар қилмишларига яраша жазо оляяптилар.

Ва қурбонликдан гапираётган овоз эшитилди:

- Сенинг ҳукминг ҳақиқат ва одилдир.

### **Лаънатланган Лоун ери**

Бир ярим мингта ҳукм қилинган энделликлар, қафасларга солинган ҳолда ҳамда подшоҳ қўриқчилари кузатуви остида зимистон Лоун ерига бориш учун, икки ҳафталик йўлга чиқдилар. Уларнинг йўли Буюк олов чўли орқали ўтган бўлиб, қизиган ердан кўтарилаётган жазирама иссиқ чидаб бўлмас даражада куйдирарди. Шу пайт чўлнинг, ўша жазираманинг қоқ ўртасида улкан бинонинг хира қиёфаси кўринди. Яқинлашиб, улар: «Лаънатланган Лоун ери», - деган ёзувни ўқидилар.

Эътибор билан қарасалар, бинонинг ойналари йўқ, фақат битта катта эшик борлигини кўриб қолдилар. Унга киаркан, ҳар битта маҳкум ичкаридан минглаб одамларнинг даҳшатли қичқириқларини эслатадиган овозларни эшитишиди.

Улар ўша заҳоти қўриқчилар бошлиғига ёлвора бошладилар: «Чиндан ҳам, биз етарлича жазо олиб бўлдик. Биз учун шавқат сўранг, бизга берилган жазо ўта даражада оғир!»

- Одамлар бу ерда қанча вақт туришади? – деб сўради Мустақил.

- Бир йилдан то бир юз йигирма тўққиз йилгача.

Алданган ҳайратдан қотиб қолди: ахир, у доим юрагининг бир тубида, охирги икки ҳафтанинг ичида бўлиб ўтаетган воқеаларнинг барчаси қўрқинчли туш ёки пўписа йўли бўлиб чиқишига умид қилиб келаётган эди. У кейинги савонни ҳам ўша қўриқчига берди:

- Мен қолган умримни манашу ерда ўтказишим, ростми?

- Ҳа, Энделда ҳар доим сени айнан мана шу нарсадан огоҳлантиришганди.

Маҳкумларнинг кўпчилигини, жиддийроқ жазо учун металлдан бўлган бинонинг энг иссиқ бўлган устки қаватига жойлаштиришди. Жазога лойиқ ишларни қилган, бироқ ҳақиқатни билмаганларни эса бу улкан иморатнинг қуи қаватларига қўйишиди. Шунга қарамай, у ерда, юз йилни айтманг, бир кун ҳам чидаб бўлмас эди!

Қўш Ҳаётнинг уқубатлари ҳаддан зиёд мудҳиш, тақдири бинонинг юқори қаватидагиларникидан ҳам ёмонроқ эди. Уни қиздирилган олtingутгуртнинг ёнидаги ер ости зинданхонасига юборишиди. У ердан келаётган ҳидга чидашнинг ўзи оғир бўлиб, бу жойдаги иссиқлик энг кучли даражада эди. Зиндан иморат ичида ҳам эмас, балки ернинг қаърида жойлашганди. Ўша жой энг оғир қийноқлар маскани экани, шубҳасиз. Қўш Ҳаёт, бу ерда, ёлғизлиқда азоб чекиши керак эди. У каби жазоларни ўтайдиганлар учун хоналар етарли даражада кўп эди. Улар бир-биридан узоқликда ўтипаркан, фақат ўзининг овозини эшата оларди.

Маҳкумлар яхшилаб қулфланган заҳоти, шоҳнинг қўриқчилари кетишга ҳозирланишиди. Улкан металлдан



бўлган эшик, уларнинг ортидан таққиллаб бекилди ва энди бинонинг ичкарисига бир ёруғлик нури ҳам кира олмасди. Бу шўрлик жонлар бир юз йигирма беш йилдан кўпроқ вақтни мутлақ зулматда ва ёлғизлиқда ўтказиши шарт эдилар. Улар йилда фақат бир маротаба, маҳқумларнинг янги гурухини олиб келишганда, нурни кўриш баҳтига эга бўлардилар. Шунда ҳам, бу нурни бор-йўғи улкан эшикка яқин бўлганлар кўра олардилар, холос. Кўш Ҳаётта ўхшаганлар, ҳеч қачон куннинг ёргуини кўришмайди. Туннинг зулмати, улар учун белгиланган жазо эди.

### **Мулоҳаза**

Бу тўртта Эндел фуқаролари, бутун қолган вақти давомида, бир вақтлар ҳақиқатни эшитмасликка қарор қилганларидан афсусда яшадилар. Улар доимо, Эндел ерида билиш имконли бўлган Жейлиннинг сўзларига эътиборсиз бўлишга сабаб бўлган аҳмоқликлари устида мулоҳаза юритардилар. Улар ўтмишга қайтиб, ўз тақдирини ўзгартириши учун яна битта имконга эга бўлиш мақсадида, ҳамма нарсага тайёр эдилар. Эҳ, улар аксарият тенгдошларининг оммабоп фикрларини эшитмасликни, ўзларининг шахсий аҳмоқона нарсаларга бўлган ишончидан халос бўлишни ва ўзгармас ҳамда мустаҳкам қадимий Каломга маҳкам ёпишиб олишини, нақадар кучли истардилар.

Уларга ажойиб шоҳлик тўғрисидаги хотиралар азоб берарди. Тўхтовсиз укубатлар ичида, гарчи улар шаҳарни бир неча лаҳза кўришга муюссар бўлганликларига қарамай, унинг гўзаллиги ҳақида ширин хаёллар суришда давом этардилар. Кескин фарқлар жафоларни янада кучайтиради: оловли жазирама, қўланса ҳид ва зулмат ҳақиқат мавжудлигини тобора тасдиқлар эди. Уларга тайёрлаб қўйилган нарсалар ажойиб эди, аммо улар ўзларининг аҳмоқона қарори билан ундан юз ўтирилар.

# • МУХОКАМА ҮЧУН САВОЛЛАР •

## 1 БҮЛİM: 1-3 БОБЛАР

1. Ушбу китобни ўқишиň бошлашдан олдин, сиз муваффақиятни қандай таърифлагансиз? Сизнинг мақсад, қадрият ва одатларингиз қай тарзда, ушбу таърифда ўз аксини топган? Юқорида ўқиб чиққан саҳифалар қандай қилиб сизнинг дунё қарашиңгизга таъсир қылди ва уларни ўзгартирди?
2. Абадийлик каби тушунчанинг моҳияти устида мuloҳаза юритиб, инсон, унинг мангулиқдаги тақдирини аниқлайдиган судда туриши ҳақидаги фикр, қарийб беъманиликтек туюлади. Шунга қарамай, Юҳаннонинг биринчи мактуби (4:17) да айнан шу нарса ҳақида ёзилган. Китобнинг қолган қисмларида ушбу ваъданинг мазмунини таҳлил этамиз, лекин сиз ўз билимларингизга таяниб, бу аминлик қаердан келаётганини тушунтиришга уриниб кўринг.
3. Манашу бўлимда сиз ердаги ҳаёт ва бизнинг абадий бурчимиз ўртасидаги муносабатларга мисол бўлиб хизмат қиласидиган, Аффабел шоҳлиги ҳақида билиб олдингиз. Сизни бу шоҳликда ва унинг идорасида нималар кўпроқ ҳайратлантириди? Ундаги бирор нарса сизни лол қолдирдими, қувонтирдими? Юқоридаги воқеанинг таркибий қисмлари Каломда қай тарзда ёритилган?
4. Келинг, Эндел фуқаролари ҳақида гаплашамиз. Биринчи тўртта судга муносабатингиз қандай? Улар бошқачароқ ўтишини кутганмидингиз? Агар ҳа бўлса, сиз судни қандай бўлишини кутган эдингиз?
5. Ушбу дарсликни ўрганиш жараёнида, сизни кўпроқ қандай савол қизиқтириди ва нималар хавотирга солди?

# 2 БҮЛИМ



## 4 БОБ

# ЎЛИКЛАР УЧУН МАНГУ УЙ

*Шунда Унинг шогирдлари Ундан: – Бу масалнинг маъноси нима? – деб сўрадилар. У эса деди: – Сизларга Худо Шоҳлигининг сирларини билиш (фаҳмлаш ҳамда янада аниқроқ ва чуқурроқ тушуниш) ато қилинган, бошқаларга эса масаллардадир, шунинг учун улар қараб туриб кўрмайдилар, эшишиб туриб англамайдилар.*  
— Луқо 8:9,10 (Кенгайтирилган таржима)

**Х**икоямизни шу ерда тўхтатиб турамиз ва кейинги тўртта бобда Мустақил, Алданган, Журъатсиз ва Қўш Ҳаётларнинг устидан бўлиб ўтган суд воқеасида очилган ҳақиқатларни ётиғи билан ўрганиб чиқамиз, шундан сўнг воқеанинг хулосасига ўтамиз. Бундан ташқари Саховат ва Худбин билан нималар содир бўлгани ҳақида муҳокама қиласиз ҳамда қолган бобларда уларнинг воқеаси орқали очилган ҳақиқатларни кўриб чиқамиз. Китобнинг энг қизиқарли қисми, Исо Масиҳнинг издошлиари учун тайёрлаб қўйилган абадий мукофотлар ҳақида сўзлайди.

### Муҳим ҳақиқатлар

Хикоямизда Жейлин Исо Масиҳнинг, Ота эса – Қудратли Ота Худонинг тимсолидир. Дагон шайтонни, Энделдаги ҳаёт – инсониятнинг ердаги умрини, Аффабел эса – Худонинг самовий шаҳрини касб этади. Лаънатланган Лоун ери – Исо Масиҳнинг қутқарадиган иноятига эга бўлмаган, ҳар битта шахс мангу ҳаёт кечирадиган оловли кўлнинг тимсолидир. Олдинги бобларда келтирилган қаҳрамонлар тўғрисидаги ҳикоя, абадий маҳкумликда яшайдиган кишилар-

нинг ҳар хил ҳаётий асарини намоён әтади. Худо бу ҳақда бизни аниқ тарзда огоҳлантирияпти.

Ха, сиз тўғри ўқидингиз, абадий маҳкумликда яшайдилар. Ушбу китобни ёзишга тайёрланар эканман, ўқувчига Каломдаги «абадий ҳукмлар» тўғрисида айтилганларни етказиб бериш йўлида курашдим. Эътибор билан ўқинг:

«Шунинг учун Масиҳнинг бошланғич (оддий) таълимотларини қолдириб, баркамолликка интилайлик. Шундай қилиб, яна ўлик ишлардан тавба қилиш ва Худога имон келтириш, чўмдирилиш, қўлларни қўйиш, ўликлар тирилиши ва абадий ҳукм (ва жазо) ҳақидаги таълимотнинг асосини солиб ўтирамайлик». [Сиз бу ҳақда аллақачон билиб олишингиз керак эди.] (Ибронийларга 6:1,2, Кенгайтирилган таржима).

Кўриб турганингиздек, мен абадий ҳукм ва жазо Масиҳнинг бошланғич таълимоти эканига ургу бериш мақсадида, ўлик ишлардан тавба қилиш ва Худога имон келтириш сингари бешта асосий таълимотларни қолдириб кетдим.

Лутатлардан бири бошланғич сўзини қуйидагича таърифлайди: «негизнинг таркиби, муҳим ва жиддий қисм». Биз бу муҳим негизни бошида ўрганишимиз лозим, бу асос. Яхшироқ тушуниш учун бизнинг таълим тизимимиздан мисол келтираман. Биз бошланғич синфларда ўқиши, ёзиши ва ҳисоблаш каби асосий билимларни оламиз ва улардан фойдаланган ҳолда кейинги синфларни давом эттирамиз. Асосга эга бўлмай туриб, ҳаётда ҳеч қаҷон керакли билимларни ололмаймиз. Имонлилар ҳақида ҳам худди шундай дейишимиз мумкин. Абадий ҳукм ҳақида мустаҳкам тушунчага эга бўлмасдан, Масиҳда тўғри ҳаёт қура олмаймиз. Буларнинг бари, ўқишини ўрганмай туриб, таълим савиясими юқорига кўтариш учун уринишига ўхшайди.

Ҳар ҳолда йигирма йил хизмат қилиб ва турли хил жойларда сафарда бўлиб, кўпчилик, ҳатто Исо Масиҳнинг чинакам издошлари ҳам бу ҳақда ҳеч нарса билмаслигининг гувоҳи бўлдим. Қаранг, муаллифнинг ёзишича: «Сиз бу ҳақда аллақачон билиб олишингиз керак эди». У шунчаки

танишиб чиқиш әмас, балки мукаммал, түлиқ билиш ҳақида айтяпди. «Аллақачон» сүзи, ўқиши ва ёзиш таълим олиш дастурининг негизи бўлгани каби бу ҳам имонимизнинг асоси эканини таъкидлайдапти.

Нима сабабдан абадий ҳукм мукаммал масиҳийлик ҳаётида яшаш учун бошланғич таълимот эканини қисқача ўрганиб чиқамиз. Китобни ўқишида давом этар экансиз, мана шу нарсани ёдда сақланг, чунки бундай тушунчасиз, мухокама қилаётган мавзуумизни қабул қилишингиз қийин бўлади. балки, сизда: умуман, гап нима ҳақида кетяпти, деган савол туғилиши мумкин.

### **Дўзах – ўхшатмами ёки ҳақиқат?**

Китобни ёзишдан аввал бир фикр билан курашишга тўғри келди: «Қандай қилиб ҳазирги «буғун яша, эртани ўйлама» шиори остида катта бўлаётган авлодга, тез орада борлиқнинг Ҳукмдори томонидан бизнинг тақдиримизга тааллуқли бўлган мангубуноси чиқарилиши ҳақиқат эканини етказиб берсан экан?» Бир неча кун ибодатдаги курашдан сўнг, менга бир фикр келди: Исо Масиҳ одамларнинг онтига руҳий ҳақиқатларни етказиш учун масаллар айтиб берган. Шу тарзда, Аффабел ҳақидаги киноя туғилди.

Ёзиш жараёнида, суд ва воқеа қаҳрамонларига Лоун ерида умрбодга берилган жазони таърифлашни бошлаганимда, менинг борлиғим титради. Олдинги бобнинг хуласасини, бир якшанба сафардан қайта туриб, учоқда ёздим. Ўша куни мен учта йифинда воизлик қилгандим. Ёнимдаги ёрдамчиларим бемалол дам олар, мен эса тинчланолмасдим. Чуқур ярим тун уйга қайтгач, ухлай олмадим ва бир куни оловли кўл деб номланувчи, энг ёмон жойга борувчилар учун қўрқдим. Исо Масиҳнинг сўзлари бўйича, бундай кишилар кўпчиликни ташкил этади:

«Тор дарвозадан киринглар! Чунки ҳалокатга олиб борадиган йўл энли ва дарвоза кенгdir, кўплар ана шу йўлдан бор-

моқдалар. Ҳаётта олиб борадиган йўл эса танг ва эшик тордир, оз одам бу йўлни топади» (Матто 7:13,14).

Жойимда ётиб, бир неча йил илгари Жанубий Африкадаги қаттиқ тартибдаги эркаклар қамоқхонасига Хушхабарни воизлик қилиш учун таклиф қилишганларини эсладим. Бу даҳшатли жойга кирганимда, кўрганларимни жуда яхши эслайман: бадбўй ҳид, жуда ёмон шароит, битта камерада бир-биридан атиги бир неча сантиметр узоқликда ўтирган йигирматадан ўттизтагача эркак, деворларда илиниб турган презервативлар – буларнинг бари, мен у жойда кўрган даҳшатларнинг озгина қисми, холос. Аввал Американинг бир қанча қамоқхоналарида хизмат қилишимга тўғри келган, бироқ бунақанги чорасиз аҳволни ҳаётимда биринчи марта кўриб туришим. Бизнинг қамоқхоналаримиздаги шароит, уларнинг олдида оддий қишлоқ ҳаётини эслатади.

Мен бундай жирканчли шароитда, қирқ-эллик йил у ёқда турсин, қандай қилиб бир ҳафта яшаш мумкинлигини ҳам тасаввур эта олмайман. Маҳбусларнинг кўпчилиги умрбодга ҳукм қилинганди. Исо Масиҳга ишонмайдиганларнинг юзида умидсизликнинг чуқур муҳри турарди. Мен уларнинг фикрларини қарийб эшингандек бўлдим: «Бир кун келиб, ўлсам, бу ердан қутуламан». Бошқа томондан уларни ўлимнинг мавҳум воқелиги кўрқитарди. Буни кўриш ҳақиқий даҳшат эди. Улар батамом умидсизлик ҳолатида эдилар. Ҳаммамиздек, озодликда юрган одам, ма-нашу қамоқхонага умрбодга ҳукм қилинса, бу жой у учун мислсиз азоб-уқубатларга айланади.

У ерда бўлганимда, барча даҳшатларга қарамай, бу қамоқхона, барибир дўзахдан анча яхши, деб ўйладим. Бу ердаги маҳбусларда, ҳеч қурса қўшнилари бор. Одамлар бир нечта тор ойналарнинг тизилиб турган панжаралари орқали қуёш нурларини кўришлари мумкин. Дўзахда ўртоқ ҳам, сўнмас оловдан таралаётган нурдан бошқа ёғду ҳам йўқ. Оловли кўлдан умрбод қутулиб бўлмайди, у ердаги жонлар доимий қийноқда ҳаёт кечирадилар! Дўзахда ин-

сон: «Бир куни мен бу ердан чиқаман», деб ўйлай олмайди. Улар мангу жазога мубтало бўладилар.

Дўзах ҳақидаги таълимот Исо Масижнинг асосий таълиматларидан бири бўлгани сабабли, У бу мавзуга бугун жамотларда воизлик қилинаётгандан кўра кўпроқ тўхталган. Худо дўзахнинг тугамас қийноқларини таърифлар экан, Унда одамларга нисбатан етарлича ачиниш ҳисси йўқлиги ҳақида айтишни истамаган. Аксинча, У Яхши Чўпон сифатида, бизга бу ҳақда уқтириш муҳим деб билган. Унинг барча қилган ишлари ва айтган гаплари ачинишга тўла юракдан чиққан, демак, дўзах ҳақидаги таълимоти ҳам севги юзасидан айтилган. Менда савол бор: наҳотки биз, бугунги воизликларимизда бу мавзудан оғиз очмай, шу билан бирга одамларга ғамхўр бўлсак? Шу ҳам ҳақиқий севгими?

Каломда дўзахга бир неча ном берилган. Шеол (фақат эски Аҳдда) ва оралиқ вақт учун бир нечта ўлим қамоқхоналари номлари – дўзах, қабр. Мангу дўзахга берилган номлар – жаҳаннам ва оловли кўл. Биз оралиқ вақт учун ва абадийга сўзларининг ўртасидаги фарқни қисқача муҳокама қиласиз.

Муқаддас Китоб, дўзах – бу жамиятимиз ишонтиришга ҳаракат қилаётгандек тимсолий эмас, аниқ мавжуд жойлигини айтимоқда. Рақамлар Китобида, (16-боб) бир оломон гувоҳларнинг кўз ўнгига ер ёрилди ва уч оила аъзоларини ер тириклиайн ютиб юборди. Янги Аҳдда дажжол ва унинг сохта пайғамбарлари ҳақида ёзилган: «Уларнинг иккаловлари олтингутурт билан ёнаётган олов кўлга тириклиайн ташландилар» (Ваҳий 19:20). Ўлимдан кейин уларнинг нафақат жонлари, балки жисмоний таналари ҳам олов кўлига равона бўлдилар.

## Лазар ва бой

Исо Масиж Луқо Хушхабарида фақат ўзи учун яшаган ва уйининг олдида ҳар куни тиз чўкиб садақа сўраган – қашшоқдан ҳазар қилган бир бой билан рўй берган ҳаётий воқеани айтиб берди. Биз бу оддий масал эмаслигини биладиган.

миз, негаки Исо Масиҳ ҳикоясини қуидаги сўзлар билан бошлайди: «Бир бой одам бўлган эди». Иккинчидан, у бой Иброҳим ҳақида гапиради ва қашшоқнинг аниқ исмини – Лазар деб айтади. Исо Масиҳ одатда Ўз масалларида инсонларни исми билан атамаган.

Лазар ўлгандан сўнг, фаришталар уни, Исо Масиҳ самода Худонинг ҳузурига йўл очгунга қадар, Эски Аҳднинг муқаддаслари учун юпанч ва ҳаловат жойи ҳисобланган, Иброҳимнинг маконига олиб бордилар. Бой эса ўлимидан сўнг дўзахга борди. Биз ушбу оятларни ўқиймиз:

«Дўзахда азоб чекаётган бой бошини кўтариб, узокда Иброҳимни ва унинг маконидаги Лазарни кўрди. У фарёд қилиб деди: – Эй, Иброҳим ота! Менга раҳм қилиб, Лазарни юборгин, у бармоғининг учини сувга ботириб, тилимга сув томизсин. Чунки мен бу оловда азоб чекаятман» (Луқо 16:23,24).

Эътибор беринг, бой чидаб бўлмайдиган оғриқларни бошидан кечирган. Бошқа таржималарда унинг ўта оғир азобларини ифодалаш учун жон талвасаси, машаққат каби сўзлар ишлатилган. Дўзах доимий қийноқ жойи ҳисобланади. Яна бир нарсага эътибор беринг, у Иброҳим ва Лазарни ва улар ҳам буни таниди. Одамларнинг ҳиссиётлари, фикр-мулоҳазалари, истаклари, ташқи кўриниши ва кечинмалари ерда қандай бўлса, дўзахда ҳам қарийб шундайлигича қолади. Бу одам азобни ҳис этар, эшитар ва кўрар эди. У танада эди, буни кимдир унинг оғзини ҳўллаб юоришини истаётганидан билиш мумкин. Исо Масиҳ жон ҳам, тана ҳам дўзахда абадий ҳалокатта учрашини айтган (Матто 10:28 га қар.). Бошқа сўз билан айтганда, инсоннинг танаси дўзахнинг олови ва қуртларидан доимий тарзда азоб чекади ҳамда қийналади.

Бизнинг ҳикоямиз қаҳрамонлари Лоундаги зинданда шавқат сўраб ёлворганлари каби, бой ҳам ёлворган. Дўзахга борганлар ортга қайтмайди! У жойдагиларнинг кучли истагига қарамай, ҳеч ким келиб, уларни юпатмайди. Бу

ҳақиқатни охиригача тушуниш ва англашнинг имкони йўқдек туюлади. Иброҳим бойга эслатди: «Бундан ташқари, сиз билан бизнинг орамизда буюк жар ўрнатилган. Бу ердан сиз томон (сизни юпатиш учун) ўтмоқчи бўлганлар ўта олмайдилар ва у ердан биз томон ҳам ўтмайдилар» (Луко 16:26, ёзма ҳарфлар билан келтирилган сўзлар муаллиф-ники). Мен дўзахни кўрган бир аёлни танийман. Унинг айтишича, у ерда кўрган одамларнинг ҳар бири, қийноқларнинг ҳаддан ташқари оғирлиги ҳақида айтиб, қичқирган. Ушбу сўзларни юқоридаги оятлардаги бой одам ҳам таъкидлаяпди. Ўқищда давом этамиз:

«Лекин Иброҳим унга шундай жавоб берди: – Болам, сен ўз ҳаётингда яхши улушингни олганинг, Лазар эса ёмон улушкини олгани эсингда борми? Энди у бу ерда ором олмоқда, сен эса азоб чекмоқдасан. Шунда у деди: – Ундей бўлса, эй, ота, сендан ўтиниб сўрайман, Лазарни отамнинг уйига юборгин, чунки менинг бешта укам бор. Улар ҳам бу азоб жойига келмасликлари учун у уларга гувоҳлик берсин» (Луко 16:25,27,28).

Сиз бир қадимий иборани эшитганмисиз: «Азобдаги киши бошқаларни ҳам ўзи чекаётган азобга тортади». Лекин, нега бу вазиятда бизнинг иборамиз тўғри келмаяпти? Нега у одам бошқалар ҳам унга қўшилиб азоб чекишлини истамади? Гап шундаки, дўзахда сұхбат ёки улфатчилик деган нарсалар йўқ. Айримлар, дўзахда катта базм бўлади деб ўйласа, бошқалари дўстларим билан бирга бўламан, деган фикр билан ўзларини юпатадилар. Мабодо шундай бўлганида эди, бу одам барча яқин дўстлари у билан бирга бўлишини хоҳлаган бўларди, бироқ у яқинлари бу азоб жойга ҳеч қачон келмаслигини ғоят истади. Дўзах – мутлақо ёлғизлик ва умидсизлик жойидир. Бундан ташқари, у жой ердаги хотираларни абадий эслатиб туради, менимча, бу энг оғир қийноқ бўлса керак.

Қаранг, Иброҳим унинг ака-укалари ҳақидаги ўтинчига қуйидагича жавоб беряпти:

«Иброҳим унга: – Уларда Мусо ва пайғамбарлар бор, уларга қулоқ солсингилар, – деди. У эса деди: – Йўқ, Иброҳим ота, агар ўликлардан бири уларнинг олдига борса, ўшанда тавба қиласидилар. Шунда Иброҳим унга: – Агар Мусо ва пайғамбарларга қулоқ солмаган бўлсалар, унда ўликлардан бири тирилса ҳам ишонмайдилар, – деди» (Луқо 16:29-31).

Бу сўзларда буюк ҳақиқат яширинган. Кўпчилик Хушхабарга ишониш учун қандайдир ғайритабиий нарсанинг гувоҳи бўлишни исташади. Бироқ Исо Масих, Худонинг ортидан охиригача боришимизга ёрдам беришга қодир имон келадиган Худонинг Каломиданда буюкроқ нарса йўқлигини кўрсатяпти. Мени нотўғри тушунманг – ғайритабиий кечинмалар инсонни чўчитади ва қисқа муддатта ўзгартиради, аммо юракка доимий ишончни солмайди.

Мен чеки йўқ, байрам кечаларида сандироқлаб юрадиган дунёвий ўспирин бўлган вақтларим эди, бир куни отам мени Чарстон Хестон суръатга тушган «Ўнта амр» филмига ўзи билан олиб борди. Мен катта экранда ер ёрилиб, одамларни дўзах ютиб юборганига кўз узмай қараганим ҳалигача эсимда. Бу суръат менинг қалбимнинг туб-тубигача ларзага солди. Мен кинотеатрдан бошқа одам бўлиб чиқдим. Бутун ҳафта давомида ўзгача яшашга уриндим, кейин ҳаммаси яна эски ҳолига қайтди. Нима учун? Чунки мен Худонинг Каломини эшитмаган, қилмишларимдан тавба қиласмаган ва Исо Масихнинг инояти мени ўзгартириши учун ҳаётимни Унга бағишиламаган эдим.

Менинг ҳам ва менинг дўстларимнинг ҳам ҳаётида ғайриоддий кечинмалар бўлган, бироқ мен ўша ғайритабиий воқеалар орқали нажот топганим йўқ. Менинг ҳаётим то хонамга бир курсдошим кириб, мени Худонинг Каломи, Исо Масихнинг Хушхабари билан таништирмагунча, ўзгармаган. Бизга айтилган: «Шундай экан, имон – эшлиши, эшитиш эса – Масихнинг сўзи орқалидир» (Римликларга 10:17); ва «Сизлар чирийдиган уруғдан эмас, балки чиримайдиган

уругдан, яъни тирик ва абадий мавжуд бўлган Худонинг Сўзидан янгидан туғилдингизлар» (1 Петр 1:23). Шу сабабдан одамларга ўзимизнинг кечинмаларимизни эмас, Худонинг Каломини ўқитишимиз ва воизлик қилишимиз зарур.

Бошқа томондан юқоридагиларга аниқлик киритиш мақсадида, мана нималарга ургу бериш учун рухсат сўрайман: агар кечинмалар Худонинг Каломига қўшимча ва уни кучайтирадиган бўлса, улар керак ва уларнинг борлиги жуда соз. Гувоҳликлар Хушхабарни тарқатишида катта аҳамиятта эга, лекин фақат имон ва Худонинг Каломини қабул қилиб, ябадий яшашга қодирмиз.

### **«Нима учун мен бу ерга келаяпман?»**

Энди Каломдан ўқиганларимизни тўлдирадиган гувоҳлик билан бўлишмоқчиман. Бир куни кечга рафиқам билан дўстимницида меҳмонда бўлдик. Ўша куни бизга ёш пайти Караб оролларида бўлганда, у билан нима содир бўлгани ҳақида сўзлаб берди. Бир марта ёмғир мавсумида ёмғир суви йигила-диган ўрага тушиб кетган. Унинг укаси орқасидан сакраб, уни кутқармоқчи бўлган, чунки дўстим сузишни билмаган. Вази-ятта бас кела олмай, ёрдам излаб югуриб кетган. Ёрдам келганида йигит ярим соатлар мобайннида ўлик ётган бўлган.

У бизга танасидан чиқиб кетганида бирорта ҳам сезиш ҳиссидан маҳрум бўлмагани ҳақида айтиб берди. У шиддат билан чукур зулматга ғарқ бўлаётганини ҳис этган. Қоронгулик шу қадар қалин эдики, у ҳатто юзига тиравиб қолган қўлларини тўғирлай олмаган, уни зулмат жисмонан ўраб олгандек туюлган. «Қўрқув шу қадар кучли эдики, бундан кучлироқ қўрқув бўлиши мумкин эмасдек туюларди, шундай бўлишига қарамай, қанча чукурлашиб кетаверган сарим, қўрқув шунча кучаярди. Ерда ҳеч қачон бундай ваҳимани ҳис этмаганман, уни тил билан таърифлаб бўлмайди. Сўнг нур шуъласини кўрдим ва дўзахга яқинлаша-

ётганимни тушундим. Мен қичқириб юбордим: «Мен нега бу ерга келаяпман? Мен масиҳийман!» Унинг ота-онаси ҳақиқий масиҳий эдилар, у эса улар билан бирга жамоатга борар, чунки катталар уни мажбурлар эди.

Шундан кейин, даҳшат ва азоб фарёдларини эшитганини айтди. Мен унинг сўзларини аниқ әслаб қолдим: «Жон, Лиза, оддий фарёд бор. Бироқ шундай оҳ-фарёд борки, уни эшитганингда томирингдаги қонинг тўхтаб қолади. Мен шундай овозларни эшитдим. Сўнг тангасимон мавжудот билан юзма юз дуч келдим, у менга тўхтовсиз: «Менинг олдимга кел, сен меникисан», деб такрорларди. Мен ўша мавжудот билан курашдим. Аввалига кўркувдан бирорта ҳам сўз айта олмадим, кейинроқ: «Мени қўйиб юбор, мени қўйиб юбор» деб қичқира бошладим.

Мен шу чоғ бармоғини томоғимга сукқан шифокор билан олишган ва бақирган ҳолда ўз танамда хушимга келдим. Бу ҳақда онам, менинг бошимдан ўтганларини эшитгач, нима деб қичқирганимни айтиб берди. Ўша вақт онам шифохонада жарроҳлик хонасининг ёнида ўтириб, Худога: «Художон, Ота, агар ўғлимни қайтарсанг, уни абадийга Сенинг қўлларингта топшираман!» деган. Кейинчалиқ, дўстимиз Карифорларида биринчилардан бўлиб хизмат бошлади.

Сиз у кўрган нарсаларга шубҳа билан қарапсиз, лекин етарли даражада кўп эркаклар, аёллар ва болаларнинг ҳаётида ҳам шунга ўхшаш воқеалар бўлиб ўтган. Модомики шифокорлар одамларда клиник ўлим ҳолатининг гувоҳлари бўлишлари сабаб, уларнинг кўпчилиги ушбу ҳодисани ўрганишни мақсад қилиб қўйганлар.

Улардан бири – Мелвин Морс исмли шифокор, у клиник ўлимни бошидан кечирган болаларни ўрганиш билан шугулланади. У икки гуруҳ болаларни ўрганганди. Биринчи гуруҳ аҳволи оғир, лекин клиник ўлимга тушмаган 121 та бемордан ташкил топган. Уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган

болаларнинг ҳаёти реанимация хонасида сунъий нафас ёки оғир дори-дармонлар ёрдами билан қувватлантирилиб турилган. Лекин улардан бирортаси ҳам ўз танасидан чиққани ҳақида хабар бермаган.

Иккинчи гуруҳ ўша ёшлардаги 12 та боладан ташкил топган бўлиб, уларнинг юраклари тўхтаб қолган ҳолда шифохонага олиб келинган (улар сувга чўккан, авто ҳалокатта учраган ва ҳоказо). Ушбу кам сонли гуруҳдаги 12 та бола ҳам ўз таналаридан чиққанини айтганлар. Айримлари ўз таналарини четдан гира-шира кўрган ва ўша жараёнда улар билан нима бўлганини шифокорларга изоҳлаб берганлар.

Кимдир, дўстимизнинг бошидан кечирганлари – оддий босинқираш дейиши мумкин, аммо иккинчи гуруҳ болалари билан ўтказилган текширишларнинг натижаси чаппасини тасдиқлаяпти. Боз устига, у ярим соат давомида клиник ўлим ҳолатида ётган бўлса, қандай қилиб босинқираши мумкин?

### **Дўзах оловли кўл билан солиштирилганда**

Бизнинг дўстимиз, ўлимни бошидан ўтказган бошқа кишилар сингари, дўзах деб номланган оралиқ қийноқ жойини кўрган. У нажотта эга бўлмаганлар учун абадий бошпана эмас, лекин буюк оқ таҳтнинг Суд куни келгунига қадар кутиб туриш жойидир. Ҳукмдан кейин, одамлар, жинлар ва йиқилган фаришталарнинг абадий борадиган, доимий жойи оловли кўл деб аталади. Буни Каломда яққол кўришимиз мумкин:

«Мен буюк оппоқ таҳт ва таҳтда Ўтирганни кўрдим... Шу тариқа, денгиз ўзида бўлган ўликларни берди, ўлим ҳам, дўзах ҳам ўзларида бўлган ўликларни берди. Шунда ҳар бир киши ўз ишига кўра ҳукм қилинди. Ўлим ҳам, дўзах ҳам оловли кўлга ташланди. Бу иккинчи ўлимдир. Кимки ҳаёт китобида ёзилмаган бўлса оловли кўлга ташланди» (Вахий 20:11,13-15, қисқартириш муаллифники).

Даставвал, бир нарсаны аниқлаб ўтмоқчиман, оралиқ қийноқ жойида, яъни дўзахда бўлганларнинг ҳаммаси судга олиб борилади. Суд тугаганида, барча айбдорлар ва қонунбузарликда яшаганлар, йиқилган фаришталар ва дўзахнинг ўзи ҳам оловли кўлга ташланади.

### Оловли кўл ҳақида ваҳий

Рафиқам иккимизнинг юонон миллатидан бўлган эр-хотин дўстларимиз бор. Хотинининг исми Жой. У хизматкорлар оиласининг учинчи авлоди. Унинг Юнонистонда туғилиб, ўсган бувиси ёш пайтидан Худони таниб-билишни бошлаган. Унинг саволлари атрофдагиларнинг кулгисини қистаган ёки беътибор қолдирган. У жамоатта боришни истаган, аммо унга: «Худо йўқ» ва «Бундай сафсатани гапиришни бас қил», дейишган.

Бир куни, юонон халқ тантанаси вақти, қишлоқ майдонида дўстлари ўртасида халқ рақсига туша туриб, унга қарата айтилган: «Ефросиния, мангу рақс тўғрисида ўйлаб кўр», деган овозни эшишган.

У ўта даражада қўрқиб кетган! «Менга буни ким айтди?» – деб таажжубда қолган. У ҳақиқатни билиш умидида рақс майдонини ташлаб, уйига қараб шошилди. У йўлда, унинг елкаларига қўйилган жуда оғир юкни ҳис этди.

Ўзининг ётоқхонасига кириб, тиз чўқди ва фарёд қила бошлади. У овоз Соҳиби билан гаплашишни истарди. Унга ким гапирди? Бу сўзлар нимани билдиради? У бу билан нима демоқчи бўлди? Ушбу саволлар унинг онгини қийнарди, бироқ бу узоқ чўзилмади. Тиззалари ерга тегиб ултурмай, унинг хонасига олов кирганини ва уни қамраб олганини сезди. У чалқанчасига йиқилди ва ваҳий кўрди.

Унга оппоқ кийимли, фаришта тимсолидаги мавжудот кўринди. У қизни кўтарди ва туманли жойга олиб келди. Ва уни ўша жойда қолдирди. У атрофга қарагач, батамом ҳайратда, Голгота қаршисида турганини тушунди. Раббий

хочда михланиб турар ва унинг яраларидан қон оқарди. Унинг юзида азобли ўлим талвасасини кўриш мумкин эди.

Шу чоғ, Ефросиния узоқдан таралаётган бақир-чақирларни эшилди. У орқасига қайрилиб, хоч ва катта-катта оловли тиллар кўтарилаётган жойнинг ўртасидаги улкан жарликни кўрди. Бу шунчаки олов океани эди. Унга эшилган бақир-чақирлар эса Худони лаънатлаётган оломоннинг овозига ўхшарди. У бир пайт, қандайдир куч уни шу жарга итаратеётганини ҳис этди ва олдин у билан гаплашган овоз, унга: «Сен манашу жойга тегишилсан», деб айтганини эшилди.

У даҳшатда йиғлашни ва раҳм-шавқат сўраб ёлвориши ни бошлиди! Қиз ўзида оғир юкни кўтариб, хочнинг тагига ийқилди ва у жойда узоқ қолиб кетди. Шундан сўнг севги ва ачинишга тўла овоз қайтадан унга мурожаат қилди: «У сен учун буни амалга оширди! У сен учун ўлди! Агар тавба қилсанг ва Унинг қурбонлигини қабул қилсанг, сен у жойга (оловли кўлга) бормайсан!»

Шу сўзлардан кейин, Ефросиния янада кучлироқ йиглаб, эшилганларига шу заҳоти жавоб берди. У кечирим сўради ва бирдан енгил тортди, негаки уни босаётган юк ўша заҳоти хоч томонга тушиб кетди.

У бошини кўтариб, қархисида турган шарафли кийимдаги Раббий Исо Масиҳ турганини кўрди. У қизни ердан кўтарди ва энг ажойиб яшил адирга олиб борди. Энди у ўз фикрларида Исо Масиҳ билан гаплашар эди. Қиз саволлар берар, У эса жавоб қайтарарди. Бу шу қадар ҳайратли эди-ки! Ундан биз қаерга бораяпмиз деб сўради ва У: «Самовий Ота билан кўришишга!» – деди.

Улар адирнинг чўққисига кўтарилганида, у шаҳар дарвозаларидан таралаётган нурни кўрди. Ҳар томондан ажоийиб илоҳий куй ва қўшиқлар янграп, гуллар ва дараҳтлар куйни жаранглатарди. Улар бирга дарвозадан кирдилар. Шаҳарнинг гўзаллигини сўз билан таърифлаб бўлмасди!

Улар тўғри тахтнинг олдига бордилар. Ефросиния Худонинг юзини кўра олмади, чунки у ёпиқ эди, лекин у катта китобни ва зиёдан чиқаётган қўл Уни очаётганини кўра оларди. Қўл ёзишни бошлади. У ёзилган сўзни яхшироқ кўриш учун олдинга энгашиб қараса, кутилмаганда Ҳаёт Китобида ўзининг исмини кўрди! (Гарчи у ўша пайтлар Ҳаёт Китобининг борлиги ҳақида ҳеч нарса билмас эди).

Самовий Ота унинг исмини Ҳаёт Китобига ёзиб, деди: «Оиламизга хуш келибсан!» У қизнинг пешонасидан ўпган пайт, фаришталар доира бўлиб туриб, буюк қувонч билан куйлашни ва рақсга тушишни бошлаганини кўрди! У фаришталарнинг қўшиқларида ўзининг исми айтилаётганини аниқ эшитди. Ефросиния уларнинг рақсига қўшилди. Шу пайт Раббий унга: «Мангу рақсни изла!» – деганини эслади. Фаришталар унинг нажот топгани муносабати билан улкан базм уюштирганини бирдан фаҳмламади.

Бир қанча вақт ўтиб, Раббий унга ерга қайтиш вақти келганини, чунки У қиз учун катта чунки тайёрлаб қўйганини айтди. Қиз Раббийнинг номи учун оловли синовлардан ўтиши шарт, лекин Раббий доим у билан бирга бўлади, ҳамма топшириқларни бажариб тутгатгандан сўнг, Унинг олдига абадийга қайтиб келади.

Кейинги лаҳза, у ўзининг хонасида ҳушига келди. Шунақа самовий сафардан сўнг ерга қайтганидан ўта даражада ҳафсаласи пир бўлди, бироқ унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Ефросиния билан бўлган ғалати воқеа қишлоққа ёйилгандан кейин қувғинлар бошланди. Ҳаммаси, агар у ишонгандарининг барчасидан воз кечмаса, уни болта билан ўлдирмоқчи бўлган отасидан бошланди. У отасига, кўрганларидан ҳеч қачон воз кеча олмаслигини айтди.

Қувғинлар кундан-кунга кучайиб борарди. Бир куни кечқурун опаси келиб, одамлар эрталаб уни кўлга олишни ва праислав черкови жойлашган қишлоқ майдонига олиб чиқишини режалаштиргани ҳақида огоҳлантириди. Улар ўша жойга

чёрковдан худоонаси бутини олиб чиқиб, қизни тиз чўкиб, бутни ўшишга мажбур қилишга, агар қиз ўпмаса ва бутга сажда қилмаса, унинг устига ёқилғи сепиб, ёндириб юборишига қарор қилишибди. Ефросиния одамлар шунчаликка борганига ишонгиси келмасди, лекин улар пўписаларини чиндан ҳам амалга оширишни ўйлаган, чунки ўша кеча Раббийнинг фариштаси қизга зоҳир бўлди ва елкасига енгил қоқиб, уни ўйғотди. Уйғонганига ишонч ҳосил қилиб, унга кийинишини ва эшикка боришини айтди. У фариштага қулоқ солди. Эшикнинг олдига чиқиб, уни кимдир ердан кўтарганини ҳис этди. У уйидан бошқа бехатар жойга, бир неча километр узоқликда жойлашган қишлоққа жисмонан учиб ўтди.

### **Ақлга сифмас қийноқлар**

Жойнинг бувиси дўзахни эмас, балки «иккинчи ўлим» деб аталувчи оловли кўлни кўрган. У чин қалбидан Исо Масихнинг ортидан эргашишни танлагани учун, унинг тақдиди ўзгарди. Каломда ёзилган:

«Аммо қўрқоқлар, имонсизлар, жирканчлар, қотиллар, зинокорлар, сеҳргарлар, бутпарастлар ва барча ёлғончиларнинг қисмати олтингугурт ва олов билан ёнаётган кўлдадир. Бу иккинчи ўлимдир» (Ваҳий 21:8).

Эътибор беринг, бу кўл олов ва олтингугурт билан ёнади. Олтингугурт - металлга оид бўлмаган модда бўлиб, у ёнганида ўзидан катта иссиқлик ва бадбўй ҳид чиқаради. Дўзахни кўрган одамларнинг кўпчилиги, у ердаги бадбўй ҳид ҳақида айтган: улар айтган сўзларнинг энг кенг тарқалгани – бу «чираб бўлмас». Ушбу ўлим масканида ҳақиқатдан ҳам бўлганлар, у ерда ҳукм сураётган даҳшатни ва уқубатни таърифлашга инсон тили ожизлик қиласди, деб айтишади.

Иккинчи ўлим иборасига ҳам эътибор беринг. Исо Масих айтган: «Рух жамоатларга (яъни, имонсиз одамларга эмас, балки жамоатдагиларга айтмоқчи бўлаётганини)

нима деяётганини қулоги бор эшитсин: Голиб келадиган одам иккинчи ўлимдан зиён кўрмайди» (Ваҳий 2:11).

Сизга, У бу гапни жамоатларга айттаётгани ғалати эши-тилмаяптими. Диққат қилинг: оловли кўлда асосан уч турда-ги одамлар бўлишади: биринчиси – Унинг орқасидан бормай қўйганлар; иккинчиси – Унга содик бўлмаганлар; учинчиси – У билан ҳеч қачон бирга бўлмаган, гуноҳкорлар. Биринчи ва иккинчи гурухга, жамоат аъзолари ҳам киради.

Ҳикоямизнинг биринчи учта қаҳрамонларини эсланг: Журъатсиз, Алданган ва Мустақил. Уларнинг иккитаси жа-моатнинг тимсоли бўлган Энделдаги мактабнинг фаол аъзо-лари эди. Тез орада биз буни ётиги билан ўрганиб чиқамиз.

Иккинчи ўлим – бу оловли кўлда абадул-абад оғир уқу-бат чекишдир. Биринчи бобда, абадийлик – бу асрдан асрга, охири йўқ, чиқиш йўли йўқ, қутулиб бўлмас жой, дегани-мизни эсланг! Айримлар, бир куни, барибир ҳаммаси ту-гайди деб ўйладилар, бироқ бундай фикр Худонинг Кало-мидаги таълимотга сўзсиз, зид: «Улар абадулабад туну кун азобланадилар» (Ваҳий 20:10).

Исо Масих қийноқларнинг охири бўлмаслигини кўрса-тиш учун, Унинг Сўзига бўйсунмайдиганларнинг барчаси ҳақида шундай деган: «Шунда булар абадий жазога, ҳақ одамлар эса абадий ҳаётга борадилар» (Матто 25:46).

Абадий жазо сўзига эътибор беринг. Бошқа сўзлар билан айтганда, жазонинг охири бўлмайди, у абадий! Исо Масих бизга айтган:

«Агар кўзинг сени васвасага солса, уни ўйиб олгин. Икки кў-зинг билан оловли жаҳаннамга ташланганингдан кўра, бир кўз билан Худонинг Шоҳлигига кирганинг афзалроқдир» (Марк 9:47).

Ушбу оятда кўриниб турганидек, У оловли кўл, жаҳан-нам ҳақида гапиряпди. Энди бу сўзлар бошқа таржимада қандай эшитилишини кўриб чиқамиз:

«Агар сенинг кўзинг имонингни йўқотишингга сабаб бўлаётган бўлса, уни ўйиб ол! Сен икки кўзинингни ҳам сақлаб қолиб, дўзахга боргандан кўра битта кўз билан Худо Шоҳлигига борганинг яхшироқ. У ерда «уларни ямлайдиган қуртлар ўлмайди ва куйдирадиган олов ўчмайди» (Марк 9:47,48).

Эътибор беринг, ямлайдиган қуртлар ўлмайди, чунки уларда доимо ейдиган нарса бор. Келинг, буни табиатта таққослаймиз. Инсон ўлганида, унинг танасини қуртлар ейди, улар фақат суюкларини қолдиради ва ўzlари ўлади. Жаҳаннамдаги қуртлар эса ҳеч қачон ўлмайди, чунки улар ейдиган нарса тугаб қолмайди. Дўзахни кўрган бир аёл, одамларнинг олов алангасида буришаётган танасини ейдиган улкан қуртлар ҳақида айтганди. Дўзахда қанча вақт бўлишидан қатъий назар, одамнинг танаси йўқ бўлиб кетмайди ва қуртлар доим уни кемирадилар.

Ҳа, ҳа, тўппа-тўғри, бу ақл бовар қилмас жой! Лекин биз, Худо азалда оловли кўлни одамлар учун яратмаганини доимо эсда сақлашимиз зарур. Исо Масих ўша даҳшатли жойга кимлар бориши кераклигини айтганига, қулоқ солинг:

«Шунда Унинг чап томонида турганларга ҳам сўзлайди: «Эй, лаънатланганлар! Менинг олдимдан шайтон ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга кетинглар» (Матто 25:41).

У одамлар учун эмас, балки шайтон ва унинг йиқилган фаришталари учун яратилган. Шундай бўлишига қарамай, шайтон кўпларни алдаб, ўзи билан мангу жазога тортади. Бизнинг киноямизда ҳам худди шуни кўришимиз мумкин. Дағоннинг таъсири кўпчилик йўлдан озишига ва Жейлиннинг қаҳрига учрашига сабаб бўлди. Дағонга белгиланган жазолар унинг таъсири остида бўлганларга ҳам ёғилди. Агар шундай бўлмагандა Жейлин адолат бўйича иш тутмаган бўларди.

## **Абадий баҳтли бўлиш**

Биз ўтган бобларда Жейлиннинг қаҳри қанақа бўлишини равшан кўрдик. Калом дейди: «Ўша одам Худонинг қаҳри шаробини, Унинг ғазаб косасида тайёрланган соф шаробни ичади ва Қўзи ҳамда муқаддас фаришталарнинг олдида ёнаётган олтинтугурт ичида азоб чекади. Уларнинг азобланишининг тутуни абадулабад кўтарилади, ҳайвонга ва унинг тасвирига сажда қилиб, унинг исмининг тамғасини қабул қиласидиганлар кундузи ҳам, тунда ҳам ором топмайдилар» (Ваҳий 14:10,11).

Абадулабад дегани нимани билдиради? Биринчи бобдаги мангуликка оид мулоҳазаларимизни эслайсизми? Чексизликни тушунишга уринганимизничи? Чексизликни онг билан тушуниш қийин, аммо юрак – бунга қодир. Шунинг учун Худо Уни эшитишни истамаган бутун бошли авлод учун йиғлаган:

«Эҳ, қани эди, уларнинг юраклари шундай бўлсаки, улар Мендан кўрксалар ва ҳаётларининг барча кунларида Менинг барча амрларимга риоя қилсалар, токи уларга ва уларнинг ўтилларига абадий яхши бўлсин!» (Конуннинг тақрорланиши 5:29).

«Абадий» сўзига дикқат қилинг. Қани эди, улар абадият томонидан бошқарилган ва йўналтирилган бўлсалар! У айтган: «Менинг барча амрларимни доимо сақланглар» деган, балки «қанчадир вақтга эмас». Шунингдек, У: «Менинг айрим амрларимни сақланглар», демаган. Йўқ, уларнинг барчасини, ҳар доим сақлаш керак! Бизга Унинг ҳамма иродасини доимо амалга ошириш амр этилган.

Балки сиз: «Мен Унинг ҳамма амрларини бажармаяпман. Мен маҳкум бўламан!» дерсиз. Ҳа, бу мутлақо тўғри. Илоҳий Қонун ҳеч бир инсон Худонинг ҳақлиқ талабларига етолмаслигини айтади ва исботлайди, бинобарин Унинг суди қаршисида ҳар бир киши айбдор бўлади. Худонинг юзи қаршисида туриб, ҳеч ким: «Мен Сенинг Шоҳлигингга эришишга лойиқ тарзда яшадим ва мангу жазога сазовор эмасман», дея олмайди.

Бизнинг баркамол эмаслигимизнинг сабаби ибтидодан бошланади: инсон боғда атайин Худога қулоқ солмади ва шу қилмиши орқали гуноҳкор табиатни қабул қиласди. У Худога хиёнат қилиб, шайтон ҳукмронлигига бўйсунадиган, озод бўлиш ёки ўзини қутқариш учун ҳеч бир имкони йўқ, қулга айланди. Бузуқ табиат Одам Атонинг ҳар бир авлодига, ҳар бир инсонга ўтиб бораверди, чунки биз ота-онамизнинг табиатини меърос қилиб оламиз.

Худо инсонга нисбатан соф севгиси боис, инсон ҳатти-ҳаракатлари учун биргина ўзи масъул эканига қарамай, бизга Нажоткорни юборишни ваъда берди. Бу Нажоткор – Исо Масих. Унинг туғилишидан бир неча юз йиллар илгари, У бокира қиздан дунёга келиши башорат қилинган (Ишаъё 7:14 га қаранг). Унинг Отаси – Худо, онаси эса – шоҳ Довуд авлодидан келиб чиққан Марям исмли қиз. Бу айнан шундай содир бўлиши шарт эди, бошқачасига, агар унинг иккала ота-онаси ҳам инсонлар бўлганида эди, Исо Масих Одам Атонинг табиатига, гуноҳнинг қуллигига бўйсунарди. У мукаммал ҳаётда яшаб ўтольмасди ва шу сабаб, биз учун нарх тўлай олмасди. Шу билан бир қаторда у аёлдан туғилиши жоиз эди, негаки инсоннинг гуноҳга йиқилиши ва хиёнатининг эвазига инсон ҳақ тўлаши шарт эди. Исо Масих юз фоиз Худо ва юз фоиз инсон бўлган.

Исо Масих хочда михланиб, бизнинг гуноҳларимизни Ўзига олди, қонини тўқди ва гуноҳларимизнинг нархини тўлаб, ўлди. Бироқ У ҳақлиқда яшагани учун Ота уни ўлиқдан тирилтириди ва самода Ўзининг ўнг томонига ўтқазди. Исо Масихнинг аждоди ва пайғамбар шоҳ Довуд, буларнинг барисини, амалга ошишидан минг йил илгари кўрган ва Исо Масихни хотга михланганидан сўнг нималар содир бўлиши ҳақида ёзиб кетган. Пётр Эллигинчи кунда унинг сўзларини айтган:

«У пайғамбар бўлиб ва Худо унга қасам ичиб берган ваъдаси бўйича унинг уруғидан Бўлганни унинг тахтига ўтиргизишини билиб, у Масихнинг тирилишини, Унинг жони дўзахда қолмаслигини, жасади эса чиришни кўрмаслигини ол-

диндан айтди. Ушбу Исони Худо тирилтириди, бунга эса биз ҳаммамиз гувоҳмиз» (Ҳаворийларга 2:30-32).

Исо Масиҳ бизни озод қилиш учун ўлимдан тирилди. Эътибор беринг, У дўзахда қолиб кетмади. Бу сўзлар, У дўзахда бўлганининг яққол исботидир. У қачон у ерга борди? Хоч ва тирилишнинг ўртасидаги қай вақтда борди? Исо Масиҳ сизлар манту жазо олманглар деб, ҳар биримиз учун ўлимни ёки дўзахни бошидан кечирди. Энди ўзимиз учун яшашдан воз кечиб, ҳаётимизни тўлиқлигича Унинг ҳокимиятига топшириб, У Ўз қонини биз учун тўкканига ва ўлганига рози бўлиб, Худонинг қаршисида гуноҳларимиздан кечирилдик ва оқландик. Энди биз Унинг ҳақлигига мосмиз ва суд тахти қаршисида дадиллик билан тура оламиз. Худога абадий Шараф!

Шу боис бизга ҳеч шубҳасиз: «Чунки сизлар имонингиз орқали иноят билан нажот топдингизлар. Бу эса сизлардан эмас, балки Худонинг инъомидир: бу – савоб ишларингиз туфайли эмас, токи ҳеч ким мақтамасин» (Эфесликларга 2:8,9), дейилган.

Агар сиз аввал Худога бўйсунмай яшаганингиз учун ҳеч қачон тавба қилмаган, гуноҳларингиздан воз кечмаган ва ҳаётингизни буткул Исо Масиҳнинг ҳокимиятига бағишила-маган бўлсангиз, унда ушбу китобнинг охиридаги, сизнинг тақдирингизга нисбатан Худонинг нажот режаси ёзилган Иловани очинг ва Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилишингизга ёрдам берадиган ибодатни қайтаринг.

Охирги бир нечта саҳифаларда ёзилган гаплар, имонлиларга жуда яхши таниш. Аммо уларнинг аксарияти, кейинги бобларда айтадиганларимни эса охиригача тушунмасликлари аниқ. Чиндан ҳам, кўпчилик ўзини масиҳийман деб атайдиганлар Каломдан очиладиган оддий ҳақиқатлардан ўта таажжубда қоладилар. Қуйидаги бобларда, мангу жазо ҳақидаги чуқур билимлар ҳар бир масиҳийни соғлом руҳий ўсиши учун, муҳим эканини кўриб чиқамиз.

## 5 БОБ

# ЁЛГОН УСТИДАН СУД

*Биз эса биламизки, ...ҳақиқат бўйича*

*Худонинг ҳукми бор.*

— Римликларга 2:2 (Кенгайтирилган таржима)

**И**со Масих бизни, туноҳимизнинг эвази бўлмиш, даставвал шайтон ва унинг издошларига тайёрлаб кўйилган жазодан қутқариш мақсадида келди. Исо Масихнинг бизлар учун берган ҳёти Худонинг ҳайратомуз севгисини кашф этади.

Бу ҳакда ўйлаб кўринг: Худо инсонни, ҳайвонларни, қушларни, ҳашоратларни, денгиз ҳайвонларини, ерни ўзининг комил муҳити билан яратди. Биз шу сатрларни ўқиймиз: «Худо Ўзи яратган ҳамма нарсани кўрди, мана, булар жуда яхши эди» (Ибтидо 1:31). Сўнг баркамол борлиқни сақлаши ва ҳимоя қилиши учун инсоннинг қўлига топширди. Саночи куйлагандек: «Осмон – Раббийникидир, ерни эса У инсон ўғилларига берди» (Сано 113:24). Одам Ато Худонинг энг биринчи душмани бўлмиш Люцифердан, нафақат ўзини, шунингдек Худонинг бутун яратган нарсаларини ҳам ҳимоя қилишга масъул эди.

Худо боғда, Уни севишни ва Үнга бўйсунишни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлмаган, роботларни кўришни истамади, шу боис боғдаги минглаб дараҳтларнинг орасида битта дараҳтни жойлади, у ҳакда қуидагича ёзилган: «Раббий Худо инсонга шундай амр берди: «Богнинг ҳар бир дараҳтидан бемалол еявергин. Фақат яхшилик ва ёмонликни

билиш дараҳтидан емагин. Чунки ундан еган куниёқ аниқ ўласан» (Ибтидо 2:16-17).

У айтган ўлим, жисмоний ўлим эмасди, чунки Одам Ато ундан кейин кўп йиллар яшади ва кўп марта ўз итоатсизлигининг оқибатларига дуч келди. Аксинча, Раббий инсонга Худонинг ҳаётдан узилишини ва ўлим ҳисобланмиш Люцифернинг феълига эга бўлишини кўрсатди.

Қанчадир вақт ўтиб, Люцифер Ҳавони алдади ва Худонинг табиатини унинг кўзида булғаб кўрсатди. У Ҳавонинг диққатини қолган барча ижозат этилган дараҳтлардан тақиқланган биргина дараҳтта қаратишга эришди. Ҳаво дараҳт яхши ва ёқимли эканини кўриб, ундан еди, шу билан Раббийни «берувчи» эмас, «тортиб оловчи» деб ҳисоблади. Шунга қарамай, инсоният ушбу босқичда, ҳали йиқилгани йўқ эди. Унинг эри ҳам бу нарсага қўшилганидан сўнг, Худонинг яратган мавжудотлари ўлим табиатига эрищдилар. Чунки унинг гуноҳи оғирроқ эди: Ҳаво алданди, Одам эса онгли равища итоатсизлик қилди (1 Тимотийга 2:14 га қаранг).

Бунинг натижасида, нафақат Одам, балки бутун борлиқ бир зумда ўлим табиатига эга бўлди. Одам гуноҳга йиқилишидан илгари, ҳайвонлар йиртқич эмасди, гўшт билан озиқланмас ва ўлмасди. Ер қимирлаши, қуюн, тўфон, очлик, касаллик йўқ эди. Буларнинг бари инсон, Худо унга ишониб топширганларини сақлаб қолмагани сабабли, дунёга келди. Шу воқеадан сўнг биргина инсоният эмас, шунингдек бутун борлиқ ўладиган бўлиб қолди. Куйидаги оятларни ўқиймиз:

«Чунки мавжудот ўз ихтиёри билан эмас, балки бўйсунди-рувчи томонидан бехудаликка бўйсундирилган бўлиб, мавжудотнинг ўзи ҳам чириш қуллигидан озод этилиш ҳамда Худонинг фарзандларининг улуғвор эркинлигига эришиш умидига эгадир. Зеро биламизки, бор мавжудот ҳозирга қадар биргаликда инграб азоб чекмоқда» (Римликларга 8:20-22).

Табиат ўлим лаънатини ўз иродаси бўйича эмас, балки инсониятнинг Худога қарши исёни натижасида олди. У ғамхўрлик қилиши керак бўлган нарсаларни сақлаб қолмади. Одам табиатни ҳам, ўзини ҳам, хотинини ва барча авлодларини ҳам Худодан узоқлашишига ва бошида фақат Люцифер учун лаънат қилиб тайинланган ўлимга маҳкум қилди. Қанчалар сотқинлик, қанчалар хиёнат! Худо айтиши мумкин эди: «Мен севган, баракалаган ва яратган инсон, Люциферни Мендан устун қўйди; шундай экан улар оловли кўлга равона бўлсинлар, Биз эса (Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух) ҳаммасини бошқатдан бошлаймиз – Биз севгандек, Бизни ҳам севадиган содик мавжудотлар яшайдиган янги дунё яратамиз».

Агар Раббий шундай қилганда эди, У ўз қарорида шак-шубҳасиз ҳақ бўларди. Лекин Ўзининг ақл-бовар этмас севгиси туфайли, инсониятта, у тушган гуноҳ қуллигидан озод қилишга қодир Халоскорни юборишни ваъда берди. Бу Халоскор, У билан биргаликда ер-у осмонни яратган Ўғлидир. Бошқа сўзлар билан айтганда, У жазога лойиқ ҳеч нарса қилмай, бизни севди, гуноҳ ва ўлим табиати учун нарх тўлади. Бу ҳайратомуз севги.

Бу Голгофанинг мақсади эди. Мен, имонлиларнинг: «Қандай қилиб, севувчи Худо Хушхабар эшитмаган одамларни дўзахга юборади?», деган савол ўйлантириб қўйишига тушунмайман. Менда бу саволга оддий жавоб бор: «Бу Унинг эмас, бизнинг айбимиз». Исо Масиҳ инсониятнинг озодлиги йўлида ўта юқори нарх тўлаб, бизга – Хушхабарни қабул қилганлар, дунё бўйлаб лаънатдан сотиб олиниш ҳақида эшитмаганларнинг олдига боринглар, дейди. Биз ўз замонимизнинг авлодлари учун жавобгармиз, Худо эса аллақачон, Ўзининг қисмини амалга ошириди!

### **Биз Худонинг табиатини қабул қиласиз**

Исо Масиҳ томонидан, гуноҳларимиз учун тўланган нарх, нафақат суддан халос қилди, шунингдек бизга Худо-

нинг табиатига ўхшаган ва гуноҳга бошқа қарам бўлмайдиган, янги табиат берди. Инсон ўз ҳаётини тўлиқликча Исо Масиҳга берса, у буткул янги инсон бўлади.

«Инсон масиҳий бўлганида, у ичидан умуман янги инсонга айланади. У энди эскилигича қолмайди. Янги ҳаёт бошланди!» (2 Коринфликларга 5:17, инг. тил. тарж.).

Исо Масиҳни Раббим деб қабул қилиб, биз аслида олганда, ўлдик. Бизнинг эски танамиз ўлдирилди, у Худонинг кўзларида Масиҳ билан хочга михланди. Мутлақо янги инсон Худонинг табиати билан туғилди. Биз қайтадан туғиламиш. Энди биз, қачонлардир ҳаётимизда ўз ҳукмини ўтказган табиатдан озодмиз. Каломда аниқ қилиб айтилган: «Шундай қилиб, биз ўлимга чўмдирилишимиз орқали У билан кўмилдик, токи Масиҳ Отасининг шуҳрати билан ўликлардан тирилганидек, худди шундай, биз ҳам ҳаётнинг янгилигига юрайлик. Чунки шуни биламизки, бизнинг эски ўзлигимиз У билан хочга михланган, токи энди гуноҳнинг қули бўлмаслигимиз учун гуноҳнинг танаси йўқ қилинсин. Чунки ўлган одам гуноҳдан озоддир. Агарда биз Масиҳ билан бирга ўлган бўлсак, унда У билан бирга яшашимизга ҳам ишонамиз» (Римликларга 6:4,5-6). Шундан кейин биз Одамнинг хиёнати орқали бўйсундирилган эмас, балки Масиҳнинг табиатига мос равишда яшай оламиш. Масиҳий кишининг Исо Масиҳни Раббим деб тан олмайдиган кишидан ҳазар қилиши, тўлиқ нодонликка киради. Негаки имонсизларни шахсий руҳий гуноҳ ДНК си бошқаради. Бироқ онгли равишда доимий гуноҳда яшайдиган «имонли»ни кўриш, мутлақо аҳмоқлик ва ғайритабиий. Қўштироқ ичидан ёзган имонли сўзи остида, Исо Масиҳни Нажоткорим ва Раббим деб атайдиган, аслида эса Унга итоат этмайдиган кишини назарда тутяпман. Агар Исо Масиҳ чиндан ҳам унинг Раббийси бўлганда, бу инсоннинг ҳаётида илоҳий табиат

намоён бўларди. Исо Масиҳ бу ҳақда бошқа нарсани мисол қилиб айтган:

«Шунингдек, ҳар қандай яхши дарахт яхши ҳосил беради, ёмон дарахт эса ёмон ҳосил беради. Яхши дарахт ёмон ҳосил бера олмайди, ёмон дарахт эса яхши ҳосил бера олмайди. Яхши ҳосил келтирмайдиган ҳар қандай дарахт кесилиб, оловга ташланади. Шундай қилиб, уларни ҳосилларидан билиб оласизлар» (Матто 7:17-20).

Исо Масиҳнинг фикри, тушуниш учун қийин эмас ва ўзгармасдир. Гап ҳосиллардамас, балки дарахтнинг табиатида, гарчи уайнан ҳосиллар орқали намоён бўлади. Жумладан, шоҳда яхши мевани кўриб, бу ўсимликнинг мевасини еб бўлар экан, деймиз. Бошқа томондан, мабодо заҳарли мевани топсак, ўсимлик ёмон экан, деймиз. Дарахт томонидан келтирилган ҳосиллар, у ейиш учун яроқлими ёки йўқлигининг яққол исботидир. Шу тарзда Исо Масиҳ бизни, инсоннинг ҳақиқий масиҳийлигини, унинг сўзларига, художўй кўринишига, имонлилар йигинларига қатнашига қараб эмас, ҳатти-ҳаракатларига қараб аниқлашни ўргатади! Унинг ҳосили қанақа, у эътиборини Шоҳликка қаратганми ёки ўзига ва бу дунёгами? Ҳаворий Юҳанно ўзининг мактубида буни қуидагича таърифлаган:

«Дунёнинг йўлларини севманглар. Дунёвий яхшиликни севманглар. Дунёни севиш, Отага бўлган севгини чеклайди. Дунёда содир бўлаётган, қарийб ҳамма нарсани, биргина истак бошқаради: ўз билганича ҳаракат қилиш, ўзи учун ҳамма нарсага эга бўлишга, одамларнинг кўзида яхши кўринишига учлик. Буларнинг бари Отадан эмас. Бу нарсалар сизни Ундан узоқлаштиради, холос. Дунё ўз истаклари билан ўтиб кетади, Худонинг истагини бажарадиган киши эса абадий яшайди» (1 Юҳанно 2:15-17, The Message).

Биз Лиза билан бу нарсага фарзандларимизни ишонтиргуни мизча, жуда кўп вақт талаб этилди. Улар масиҳий мактабга борадилар ва айрим, ота-онаси билан доимий жамоатга

қатнайдиган ҳамда ўзини масиҳий деб атайдиган синфдошлиари, Масихга тақлид қилишнинг ўрнига, юқорида келтирилган оятдагидек яшашларини кўрадилар. Ўша синфдошлиари Худонинг иродасини бажаришдан завқланиш, уни бажаришни исташ ва излашнинг ўрнига, ўзлари учун яшайдилар.

Фарзандларимизнинг мактабидаги вазият – мен келтиришим мумкин бўлган чексиз мисоллардан фақат биттаси. Бу муаммо оиласарда, ишда, ҳатто жамоатда ва хизматда ҳам учраб туради. Кўпчилик, ўзини масиҳий деб атайдиган кишилар, афусуски, бунинг аксини кўрсатадиган ҳосиллар келтирадилар.

### Оддий «мурожаат»

Биз Исо Масиҳни бир марта «Раббий» деган киши, абадий нажотга эга бўлади деб, Уни қабул қилишдаги ургуни гуноҳкорнинг тавба ибодатига бериб, Хушхабарни бузиб воизлик қилдик. Лекин Исо Масиҳ бундай ўргатмаган. У: «Менга: “Ё, Раббий! Ё, Раббий!” – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шоҳлигига кирмайди, аммо Осмондаги Отамнинг иродасини бажарадиган киши киради», деган (Матто 7:21).

Агар биз Унинг сўзларини, ўзимиз эшитган воизлик, китоб ва Худонинг инояти ҳақидаги қўшиқлардан олган бир томонлама таълимотимиз орқали танламай, қулоқ солганимизда эди, улар замонавий Хушхабаримизга зид эканини пайқаган бўлардик. Гуноҳдан тавба қилиш ибодатини такрорлаган ва Исо Масиҳни Раббим деб айтганларнинг ҳаммаси ҳам самога боравермайди деб айтган сўзлари – аниқ-тиник қилиб ёзилган. Мабодо улар самога бормайдиган бўлсалар, ўтган бобларда кўрганимиздек, улар бориши мумкин бўлган фақат битта жой қоляпти.

Келинг, ҳаммага таниш бўлган хушхабарчилик хизматини кўриб чиқамиз. Хушхабарчи қуйидаги мавзуда воизлик қи-

лади: «Исо Масиҳнинг олдига кел ва “баракаларга” эга бўл”. У Исо Масиҳ бизга қувонч, тинчлик, гуллаб-яшнаш, баҳт, соғлиқ, жаннатни ва ҳоказоларни беради деб айтади. Мени тўғри тушунинг. Худованд чиндан ҳам бизни баракалашни истайди, бироқ Исо Масиҳ ҳеч қачон одамлар Унинг ортидан бориши учун баракадан қопқон сифатида фойдаланмаган.

Қирқ беш дақиқалик реклама акциясидан сўнг, хушхабарчи тингловчилардан бошларини ҳам қилишларини сўрайди ва уларга савол беради. Агар уларнинг куни бугун битса, улар самога борадиларми? У янги келганларга кўмаклашиш мақсадида, ҳар бир киши атрофига қарашга ҳамда бу саволни ўнг ва чап томонда ўтирган кишига беришга руҳлантиради. «Мабодо сенинг қўшнинг “ҳа” деб жавоб бера олмаса, унинг қўлларидан тут ва олдинга олиб чиқ», - дейди кейинги жумлада.

Номзодлар чиққунга қадар «Қандай бўлсам, шундайлигимча Сенинг олдингта келаман» га ўхшаш қўшиқ янграб туради. Бошқа йигинларда улар залдагиларнинг баланд овоздаги қарсак ва олқишлиари остида ҳамда чолғу асбобларининг тантановор марши жўрлигига чиқиб келадилар.

Воиз олдинга чиққанларга бошларини ҳам қилишларини ва унинг ортидан, тахминан, шундай ибодатни қайтаришларини сўрайди: «Ота, мен гуноҳкор эканимни тан оламан, менинг гуноҳларимни кечир. Бугун мен Исо Масиҳни ҳаётимга Раббим ва Нажоткорим бўлиб кириб келишини сўрайман. Сен мени Ўзингнинг фарзандинг қилганинг учун раҳмат. Исо Масиҳ номи билан, омин».

Зал олқишлиайди, мусиқа чалинади ва «янги имонга келганлар» «қандай бўлса, шундайлигича» ўз жойларига қайтиб борадилар. Фақат энди улар алданганлар сафига кирадилар. Худога бўйсунмай яшагани учун тавба, Унинг иродаси пайидан бўлиш учун шахсий истакларидан воз кечиш, Масиҳ учун ўз ҳаётини бағишлиш ҳақидаги сўзларнинг би-

рортаси ҳам эшитилмади. Улар Исо Масиҳни ўзининг «Раббийси» деб тан олдилар, аммо юракларида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади. Исо Масиҳ улар ҳаётининг, шунчаки бир қисмига айланди.

Сизларга бир хабарни етказиб қўйишмуга ижозат беринг, гап шундаки, шоҳларнинг Шоҳи ва раббийларнинг Раббийси инсоннинг ҳаётига иккинчи бўлиб келмайди ёки кўпчилик рақибларнинг орасида биринчи бўлиб ҳам келмайди. У бизнинг юрагимизда ҳеч қандай инсон, нарса, фаолият билан, Ўз ўрни учун беллашмаган ҳолда, фақат ягона Шоҳ сифатида келади. У ягона Раббий бўлиши лозим: Юқори Ҳукмдор ва Хўжайин, бу дегани: энди ҳаётимиз бизнинг қўлимиизда эмас.

Тасаввур этиб қўринг, сиз бир инсон билан турмуш қурмоқдасиз ва у сизга, унинг бошқа севиклilари борлигини, лекин сиз рўйхатда биринчида туришингизни айтди. Бутун борлиқнинг Шоҳи инсондан қанчалик даражада буюк бўлиши мумкин? У: «Сен менинг барча севганларимнинг ичида энг яқинисан», деб айтадиган келинни қабул қиласдими? Бундай ҳолатда аҳд муносабати йўқ, шундай экан бирлашув ҳам содир бўлмайди. Қандай катта янгилишиш!

Бу «янги имонга келгандар» хоч уларнинг худбинлиқда қурилган ҳаётларига санчилишига ва юрагида Исо Масиҳнинг янги табиатини шакллантириш учун жой очилишига имкон бермадилар. Улар шу жойда, ердаги ҳаётида яхши яшаш умидига ва самога бориш ваъдасига эга бўлдилар, холос. Қизиқ ҳақиқат шундаки, масиҳийларга нисбатан қувгин уюштириладиган давлатларда, одамлар ўз ҳаётларини йўқотаётганини билган ҳолда Исо Масиҳга келадилар. Биз бўлса, ғарбдагилар, Унинг олдига яхши ҳаёт ва жаннатга йўлни қўлга киритиш учун келамиз. Лекин биз ҳам ўз ҳаётимиздан воз кечишимиз лозим.

Бизнинг жамиятимиздаги кўпчилик хушхабар йўналишимизнинг одатий вакиллари, биз воизлик қилаётган

Хушхабар натижасида хато фикрлар билан яшаяпти. Қайта топган «имони» билан руҳданган янги имонлилар мäsихийлик фаолиятига қўшиладилар, жамоатга борадилар, ҳатто хушхабарни тарқатишга тушадилар, чунки бу улар учун янги ва ажойиб нарса. Бу ўзини синаб кўриш ниятида янги клубга, спортнинг бошقا турига аъзо бўлишга, янги мактабга, ишга ёки олийгоҳга киришга ўхшайди. Бу одам учун янгилик, лекин улар Исо Масиҳ Ўзининг ҳақиқий издошларига буюрганларини бажармадилар, яъни – Унинг орқасидан боришининг баҳосини ҳисоблаб кўрмадилар ва Унга хизмати йўлида ҳаётини бағшида этишга узил-кесил қарор қабул қилмадилар (Луқо 14:27-33).

### **Эришиш учун йўқотиш**

Бу алмашишдир, яъни Унинг ҳаётига (табиати) эга бўлишнинг ўрнига ўзимизнинг ҳаётимизни тўлиқлиқча Унга берамиз. Исо Масиҳ бизга кўп марта қўйидагиларни етказишга уринган:

«Ким Менинг ортимдан бормоқчи бўлса, ўзини рад этсин (ўзини унугасин, билмаганликка олсин, ўзидан ва шахсий қизиқишларидан кўзини олсин) ва ўз хочини олиб, Менинг ортимдан юрсин (Менга, менинг шогирдим ва издошим сифатида эргашсин») (Марк 8:34, Кенгайтирилган таржима).

Биз доимо Унга ёпишиб олишимиз лозим. Нажот – бу шунчаки бир марта ибодат қилиб, кейин самога бориша вайдашиб эга «юқоридан туғилганлар» клубига аъзо бўлганни ҳисобга олмагандан, аввалгидек яшаб юриш эмас. Исо давом этиб, дейди: «Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен ва хушхабар учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади» (Марк 8:35). Кенгайтирилган таржимада ушбу оят қуйидагича ёзилган: «Ҳар бир Мен ва Хушхабар учун (фақат ерда яшаб ўтадиган) ўз жони-

ни багишилаган киши, жонини (Худонинг абадий Шоҳлиги-даги олий руҳий ҳаётни) сақлаб қолади».

Бу шартсиз алмашиш, биз Унинг хоҳишлари пайида бўлиш мақсадида ўз ҳаётимизни бошқариш ҳуқуқини Унга топширамиз, ўрнига Унинг абадий ҳаётига эришамиз. Бугун воизлик қилинаётган Хушхабар Исо Масиҳга эргашидек, ўта муҳим жиҳатга катта ургу бермайди: биз фақат фойда топиш тўғрисида эшитамиз. Аслида биз хочга михла-нишнинг мазмунини гапирмай, тирилишга тааллуқли ваъдаларини воизлик қиласиз.

Бу вазиятни, ёш йигит ойнаижажондан, армияда шартномали хизмат ўташ ҳақидаги рекламани кўргангага ўхшайди. У тахминан ўзи қатори ёшдаги, кулиб турган, зўр расмий флот кийимидағи, шаффофф-биллур осмон остида, очиқ дengизда кетаётган ажойиб кеманинг бортида турган йигитни кўради. Рекламада дунёнинг барча шаҳарлари-даги портлар ўтиб тураркан, буларнинг барига осонликча етиб бўладигандек туюлади.

Ёш йигит шу заҳоти боради ва шартномали хизматни ўташга имзо чекади. У ҳатто талаблар билан танишишга уриниб ҳам кўрмайди, чунки бутун дикқати кўзлаётган фойдасига қаратилган. У шу қадар баҳтлики, энди у дунёни кўриш, шарафли армиянинг бир қисмига айланишга ва кўп янги дўстлар орттириш имкониятига эга.

Қарабисзки, у тезда, бундан кейин олдинги одатига кўра соат тўққизгача ухлашга ҳаққи йўқлигини билиб қолади. У ўзига қадрли бўлган узун соchlарини олиб ташлаши шарт. У жамоат жойларига чиқа олмайди, чунки ойига бир-икки кундан бўлак, ҳамма вақт базада бўлиши лозим. Энг ёмони – бу ҳеч қандай бўш вақтни қолдирмайдиган, ўта зич кун тартиби. Бутун кун ҳожатхона ювишга, казармани тозалашга, ерга эгилиб-туриш ва бошқа қийин спорт машқла-ри билан ўтади. Олдинлари ошиб-тошиб ётган бўш вақтдан

махрум бўлиб, у ҳар кеч ҳолдан тойган ҳолда кроватига ўзини ташлайди.

Йигитча ҳали ҳам умидини йўқотмаган, ахир, у яқинда кемага минади. У асосий таълимларни тутгатиб, кемага жўнатилади, бироқ жадал меҳнат бекор қилинмайди, энди у фақат очик денгизда ишлайди. Уруш бошланиб қолади ва имзо чекмаган урушда қатнашишига тўғри келади.

У ўзи ҳеч қачон эриша олмайдиган ҳаётни қўлга киритиш учун имзо чеккан эди, боз устига бу ҳаёт текин таклиф қилинганди. Ҳа, буларнинг ҳаммаси текин, лекин фурсат топиб, шартномани икир-чикирларигача ўрганиб чиқмагани сабаб, бу ҳаётга эришиш учун эркинликдан кешиши кераклигини кутмаганди. Ўзини алданган ҳис этиб, у кўплардан хафа. Уни яхши таклиф билан илинтиришди, шахсан унга нимага боришини айтмай, фақат фойда томонини кўрсатишиди. Биз текин најотни воизлик қилдик, бу худди шундай, бироқ уни қабул қилганларга, улар бу учун шахсий эркинлиги билан тўлаши кераклигини айтмасликка қарор қилдик. Эркинлик ҳақида гапириб, ҳақиқий эркинликни назарда тутмаяпман, балки одамлар Масихдан ташқаридаги гуноҳ билан боғлайдиган эркинлик ҳақида айтяпман. Улар ўз эркинлигига мутлақ амин бўлса-да, аслида қулдирлар. Бу ҳолатни «Матрица» фильмидаги бир саҳна билан қиёслаш мумкин. Бир куни кечга ўғлим фильмни ижарага уйга олиб келди ва биз оиласиз билан томоша қилдик. Мен фильмда бир ажойиб ўхшатмани кўрдим. «Матрица»да қизиқ савол ўртага ташланган: «Агар сен уйқудан уйғонмаган бўлсанг, қандай қилиб, ҳақиқий дунёни тушдаги дунёдан ажратиш мумкин?»

Бу фильмда йигирманчи аср ҳаёти, афтидан яхшидек ўтади. Воқеа йигирма биринчи асрнинг охиридан бошланади. Инсон Машина деб аталадиган сунъий онг яратади. Бу Машиналар ер-юзидаги ҳокимиятни қўлга олишади ва инсон бу ҳокимиятни қайтариб олишга уринади. Уруш натижаси-

да дунё яксон бўлади, Машиналар эса ғалаба қозонадилар. Улар инсон танасидан ишлаб чиқарадиган қувватни олиб, яшай олиши мумкинлигини билиб қоладилар, бинобарин ўзларининг мақсадларида инсондан фойдаланиш учун буюк тасаввур яратадилар. Дунё ҳали ҳам олдингидек (йигирманчи асрдагидек) одатдагича бўлиб «кўринади», аслида инсон таналари улкан «ферма» даги қафасларга қамалган, онглари эса Матрица деб номланувчи жаҳон миқёсидаги виртуал компььютер дастурига ёқилган. Моҳиятнан, инсон ҳаққоний эркинликка эга эмас, балки қуллар ҳисобланадилар.

Фильмнинг манашу жойида ўзларининг бир-бирига ўхшашлигини пайқаб қолиб, Матрицанинг қўлидан чиқиб кета олган, аёллар ва эркаклардан сараланган гурӯҳ пайдо бўлади. Улар умуман ҳаёт йўқ дунёда, Сион деб аталувчи ўзларининг мустамлакасини тузади. Улардан айримлари одамларнинг озодлиги йўлида Машиналар билан курашиб учун Матрицага қайтиб бордилар. Жанг аёвсиз ва ҳаёт оғир, лекин уларни ёлғон эркинликда яшашдан кўра ҳақиқий озодлик кўпроқ қизиқтиради. Улар сохта қулайликдаги қулликдан кўра қийинчиликлар билан ҳақиқий эркинликка эришишни ортиқ кўрадилар.

Бу ерда муайян параллелни кўриш мумкин. Кўпчилик имонсизлар масиҳийларга ўз эркинлигини йўқотган, қулларга қарагандек қарайди, гўё ўзлари худди эркинликда яшаётгандек. Бироқ ҳақиқат шундаки, айнан Масиҳда бўлмаганлар Машиналарнинг ёлғонда яшовчи қулларига ўхшаб, боғлаб қўйилган. Улар гуноҳнинг қулидирлар.

### **Масиҳий бўлиш қийин**

Нафақат Хушхабарни ҳеч қачон эшитмаган ёки унга ишонишдан бош тортадиган кишилар, балки ушбу авлоднинг кўпгина оддий «имонлилари» ҳам қулликда яшамоқда. Бизнинг ўзимиз одамларни Исо Масиҳнинг ортидан

боришининг мазмуни ҳисобланган, тўлиқ Хушхабар билан таништириш мажбуриятига эътиборсизлик қилиб, шу тант аҳволни яратдик. Аксарият кишилар ўзларини эркин деб ҳисоблайдилар, аммо аслида эркинликка эга эмаслар, чунки уларнинг ҳаёти бунинг исботидир. Исо Масих айтган:

«Ростини, сизларга ростини айтаман, гуноҳ қиласиган ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир. Аммо қул уйда умрбод яшамайди, ўғил эса умрбод яшайди. Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан озод бўласизлар» (Юҳанно 8:34-36).

Ушбу сўзлар дараҳт ҳосиллари ҳақидаги ҳақиқатнинг маъносини яна қайта таъкидлайди. Агар инсон доимо гуноҳ қилса, у гуноҳнинг қулидир. У ўғил эмас, негаки унинг табиати ўзгармади. У тавба ибодатини қайтаргани учун ўзини озодман деб ҳисоблаши мумкин, лекин у ўз ҳуқуқларини Исо Масихга тўлиқ топширмади. У ўзининг қалбаки эркинлигини сақлаб қолишни ва најотдан фойда кўришини истади. Бир вақтнинг ўзида унга ҳам, бунга ҳам эга бўлишнинг имкони йўқ!

Юқорида айтилганидек, одамлар ўзларининг «самодан туғилишини» қувонч, завқ ва иштиёқ ила бошидан кечирадилар, чунки бу янгилик ва очиқлик. Шунга қарамай, эртами-кечми уларнинг масиҳийликка оид сўзлари ва имонли ҳаёт тарзи ортида яшириниб турган ўзгармас табиати намоён бўлишни бошлайди. У энди имонлилар орасида намоён бўлади. Мана нима учун бу янгилишишни бирдан сезиш қийин. Шундай бўлса-да, Янги Аҳд бизни айнан шу ёлғон ҳақида огоҳлантиряпти.

Повул ёзган: «Билиб қўй, охирги кунларда масиҳий бўлиш жуда қийин бўлади» (2 Тимотийга 3:1, инглизчадан таржима). Биз охирги кунларда яшяяпмиз. Бунга шубҳа йўқ. Каломдаги барча башоратлар Исо Масихнинг тез орада келишини айтипти. «Масиҳий бўлиш» тушунчасига келсак, Повул бизнинг кунларимиз энг оғир давр бўлишини олдиндан билган.

Бошқа таржималарда бизнинг замонимизга нисбатан хавфли ва даҳшатли сўзларидан фойдаланилган. Нега? Повулнинг яшаган вақтини ўрганиб, у ўта оғир қаршиликни бошидан кечирганини қўрамиз. Уни беш марта қамчи ва ўттиз тўққиз марта таёқ билан уришган, уч марта хивич билан савалашган, бир марта тошбўрон қилишган. У узоқ йиллар қамоқда ўтирган. У қаерга бормасин, ҳамма жойда қувғинларга дуч келган. Бироқ Повул, бизнинг кунларимиз масиҳийлар учун энг оғир кунлар бўлишини айтган! Нима учун? Унинг ўзи жавоб беряпти:

«Чунки одамлар ўзларинигина севадиган, пулпаст, мақтан-коқ, мағрур, оғзи бузук, ота-оналарига итоатсиз, ношукур, бетавфиқ, яқинларига кўнгли совуқ, муросасиз, тухматчи, нағсини тия олмайдиган, кўпол, яхшилиқдан нафраланувчи, хоин, бемулоҳаза, кеккайтган ва Худодан кўра кайф-сафони кўпроқ севадиган бўладилар» (2 Тимотийга 3:2-4).

Агар унинг сўзларини диққат билан ўргансангиз, сизда у нима демоқчи деган савол уйғониши мумкин. Наҳотки бу сифатлар рўйхати Повул даврида яшаган одамларнинг хусусиятидан шу қадар кучли фарқ қиласа? Унинг замондошлири ҳам ушбу сифатларга эга бўлган. Улар ўзларини севадиган, пулпаст, бетавфиқ, тошбағр ва ҳоказолар бўлишган. Ҳатто Пётр Эллигинчи кунда деган: «Бу бузук авлоддан қутулинглар» (Ҳаворийлар 2:40). Унда нимага Повул, масиҳий учун ушбу сифатларни энг қийин давр бўлишининг сабаби сифатида, бизнинг авлодимизни ажратиб кўрсатяпти? У давом этиб, тушунтирган: «Улар художўйликнинг (ҳақиқий имоннинг) тусига эга бўлиб, аммо унинг куч-қудратидан воз кечганлар (эътиқодиннинг ҳақиқат эканини ўз юриш-туриши билан рад этади)» (2 Тимотийга 3:5, Кенгайтирилган таржима).

Хуллас, сиз нима учун бизнинг замонимизда масиҳий бўлиш қийинлигини кўрдингиз. Кўпчилик ўзларини (Янги

Аҳднинг бошқа оятларига мувофиқ) самодан туғилган ва најжот топган масиҳий деб атайдилар, бироқ хоч уларнинг худбинлигини ўлдиришига ижозат бермайдилар. Улар Исо Масиҳнинг ортидан эргашиш йўлида ўзининг барча ҳуқуқларидан воз кечмайдилар. Бундай одамлар Исо Масиҳ уларнинг Нажоткори деб чин дилдан ишонадилар, аммо Унинг Кимлиги учун эмас, Ундан нимадир олиш учун Унга эргашадилар. Бу вазият, аёл киши пул учун турмушга чиққан вазиятдан ҳеч ҳам фарқ қиласиди. Балки у севиб турмуш қураётгандир, лекин уни нотўғри ниятлар бошқараяпти. Айнан шундай ниятлар билан одамлар Исо Масиҳни, најжот топиш, художўй одамлар тўдаси, шу ҳаётда омадга эришиш ва ўлимидан сўнг жаннатта тушиш учун излайдилар. Исо Масиҳ уларнинг Нажоткори эканига чин қалбдан ишониб, Унга ҳеч қачон ҳаётлари устидан бошқарувни бермайдилар.

### **Емирилган чегаралар**

Яна бир муаммо, чегараларнинг емирилганида. Келинг, ўз манфаатларини кўзлайдиган, лекин ўзини самодан туғилган деб биладиган, ҳақиқий имонли тилида гапирадиган, художўй дўстларга эга, масиҳий йигинлардан завқ оладиган, бироқ ўзгармас табиатида қолиб кетган инсонни фараз қиласильик. Аслида бундай инсон – ўзи билмаган ҳолда товламачидир, қолаверса муаммо шундаки, бундай ўз-ӯзини алдаш вабо сингари тарқалиб кетган. Агар одам самонинг меъёрларига тўғри келмайдиган, лекин масиҳий маданияти «меъёрлари» га асосланиб яшаса, унинг ҳаққоний масиҳий бўлиши жуда қийин. Повул даврида инсон имонли бўлса, унинг ҳаёти ҳар соатда хавф остида бўлган. У ўзини Масиҳга бағишладими ёки йўқми деган савол туғилмаган ҳам, чунки инсон ҳаёт чизиқларини аниқ-тиниқ қилиб чизиб олган. Повул давом этади:

«Сен эса менинг таълимотимни, юриш-туришимни, мақсадимни, имонимни, бардошимни, севгимни, сабр-тоқатимни ҳамда Антиохия, Икония ва Листра шаҳарларида бошимга келган қувғинларимни ва азобларимни тўлиқ билар эдинг. Мен қандай қувғинларга бардош берган бўлсам, Раббий мени ҳаммасидан халос қилди. Зотан Исо Масиҳда художўй яшамоқчи бўлғанларнинг барчаси ҳам қувғин қилинадилар. Ёвуз ва фирибгар одамлар эса ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштириб, ўз ёвузликларини ошириб бораверадилар» (2 Тимотийга 3:10-13).

Повул ҳаммасини равshan қилиб тушунтирган. У нафақат бошқаларга ўргатган, балки Тимотий Повулга ишона олиши учун ҳаракат қилиб яшаган ҳам (абадият томонидан бошқарилган, китобимнинг кейинги саҳифаларида айнан шу ҳақда гап боради). Унинг мақсади ибодатларга келадиган жавоб, мўъжизалар яратадиган нотабиий инъомлар ва Худонинг Сўзини юқори даражада ўқита олиш қобилияти эмас эди. Йўқ, у буларга диққатни қаратмаган. У ҳаёт тарзи ҳақида айтган. Бу энг муҳим омил бўлган ва шундай бўлиб қолиши зарур.

У ушбу сўзлар билан давом этади: «ёвуз ва фирибгар одамлар» ошиб борадилар. Ёвуз одамдан узоқроқ юриш кераклигини ҳаммамиз биламиз, бироқ ташқи кўриниши чин феъл-атворига мос келмайдиган, товламачилар энг катта хавф туғдирадиган одамлардир. Бу одамлар ўзларини масиҳий деб атайдилар ва масиҳий кўринишга ҳам эгалар, лекин уларнинг ҳаётида ўзгартирувчи иноят кучи борлигининг ҳеч бир исботи йўқ. Эътибор беринг, Повул, бундайлар нафақат бошқаларни алдайди, шу билан бирга уларнинг ўзлари ҳам алданганлар, дейди.

Бу ҳикоямиздаги Алданганинг воқеасида аниқ акси ни топган. Ёш йигит Энделдаги мактабда фаол ўқувчи эди, ўзини бағишлиланган издош деб билган ва шоҳнинг ҳимматига сазоворлитига чин дилдан ишонган. У ўз содиқлигини

ҳаёти орқали исботлаш ўрнига, дахлдорлигини тасдиқлаш учун кўп уринди. Фақат уни ўзи эмас, унинг атрофидагилар ҳам унинг ҳаққонийлиги борасида янгишган. Алданганинг ҳаёт тарзи кўпларнинг, бирга ётган қизлардан тортиб, то унинг воизликлари таъсирида қолган талабаларгача, ииқилишига сабаб бўлди.

Воизликлари, деб сўрайсизми? У ўқитувчи эмасди, ахир. Ҳа, айтганча, воизлик деганда, бизнинг айтадиган сўзларимиздан ҳам баландроқ жаранглайдиган ҳаёт тарзимизни на- зарда тутаяпман. Жейлиннинг издошлари бўлмиш Энделдаги талабалар учун Алданганинг кучли характери ва ҳаёт тарзи таъсири остига тушиб қолмаслик жуда қийин эди. Мустаҳкам бўлмаган кишилар унинг таъсирига тушиб қолишарди.

Бизни ушбу кураш ҳақида нафақат Повул, шунингдек Янги Аҳднинг бошқа муаллифлари ҳам огоҳлантирган. Яхудо бизга дейди:

«Севгандарим, мен сизларга умумий нажотимиз ҳақида ёзишга ғайратим кўп бўлиб, бир нарса ҳақида насиҳат қилиб ёзишни лозим кўрдим: Бир вақтлар муқаддасларга топширилган имон учун астойдил курашинглар» (Яхудо 3).

Унинг сўзларидаги қатъиятга эътибор беринг. Нажот орқали оладиган ажойиб нарса ҳақида айтишни истаган Яхудо, яна бошқа нарсани ҳам четлаб ўта олмас эди. У бизни имонимиз учун курашишга руҳлантиришга бел боғлади. Бу қандай кураш? Сўнгра у тушунтирган:

«Чунки қадимдан маҳкум бўлишга тайин қилинган баъзи одамлар орангизга яширинча суқилиб кириб олганлар. Бу бетавфиқлар Худойимизнинг иноятини бузукликка айлантироқдалар ҳамда ягона Худо Эгамизни ва Раббимиз Исо Масихни рад қилмоқдалар» (Яхудо 4).

Курашимиз, ўзларининг бетавфиқ ҳаётларини яшириш учун Худонинг иноятини бузукликка айлантирган киши-

ларнинг таъсирига қарши туришдан иборат. Бундай ҳужумлар, жамоатта қаратилган бошқа барча қувғинлардан кўра ҳалокатлироқdir. Улар Муқаддас Китоб қадриятларига зид қонунлар бўлиб, жумладан бола олдириш ва мактабда эволюция назариясини ўтиш мажбуриятидан ҳам хавфлидир. Уларнинг таъсири қандайдир оқим ёки сохта диннинг таъсиридан янада кучлироқ. Улар абадий ҳалокатта олиб боради!

Сиз балки, бу сўзлар қандай қилиб жамоатдаги одамларга қўлланилиши мумкин, ахир Яхудонинг сўзлари Исо Масихни рад этган ёки Ундан воз кечган одамларга тегишли, дейишингиз мумкин. Бугун бизнинг жамоатларимизда бундай йўл тутган одамни масиҳийлар қабул қилмайди, дерсиз. Нега сиз, ўша даврдаги имонлиларни заиф бўлган деб ҳисоблајпсиз? Яна бир марта Каломдаги матнни диққат билан ўқиб чиқинг. Бу одамлар орамизга яширинча суқулиб кирдилар, дейилган. Бизнинг ийғинларимизда бугун ҳам, Яхудо даврида ҳам, Масихдан очиқчасига воз кечган киши кўзга ташланмай қолмайди. Унда қандай қилиб, улар Уни рад этишлари мумкин? Бунга жавобни Янги Аҳддаги бошқа китобдан то памиз. «Улар: “Худони биламиз”, – деб айтадилар-у, лекин ўз қилмишлари билан Ундан воз кечадилар» (Титусга 1:16).

Улар сўзлари билан эмас, балки ҳаётлари билан Масихдан воз кечадилар. Худони биламан дейди, Исо Масихни Раббим деб эътироф этади, аслида ўз қилмишлари орқали бунинг аксини кўрсатадилар. Эсингиздами, улар нафақат бошқаларни, шунингдек ўзларини ҳам алдайдилар. Бошқа сўзлар билан айтганда, улар чин юракдан масиҳийман деб ишонадилар.

### **Худонинг ҳақиқий инояти**

Яхудо бундай одамлар, Худонинг иноят мактубини бузуқликка айлантирмоқда деб таъкидләяпди. Биз яшаётган охирги замонда бу жуда кенг тарқалган, чунки бизнинг таълимотимиз бу нарсани рўй беришига эшик очиб берди. Биз Худонинг инояти итоатсизлигимизнинг ҳимоя қавати

бўлиб хизмат қиласи деб ўргатдик. Жамоатда кўплардан шундай сўзларни эшитиш мумкин: «Мен нотўғри ҳаёт ке-чираётганимни биламан, лекин Унинг инояти учун Худога шукр». Бу жиддий янгишиш. Каломда ёзилишича, иноят – бу биздан ҳақиқат талаб этаётган нарсаларни бажариш учун ичимизда жойлаштирилган Худонинг кучи.

Иноят ҳақида, шунчаки Худонинг биз сазовор бўлмаган марҳамати, сифатида ўргатилган. Бу ҳақиқатдан ҳам, биз со-тиб ололмайдиган, сазовор бўлолмайдиган Унинг марҳамати. Аммо у бизга итоаткорлик учун куч бағишлийди. Ростдан ҳам иноятга эга эканимизнинг исботи, бизнинг художўй ҳа-ётимиз ҳисобланади. Унинг Сўзига итоаткорлик ҳаётимизда иноят борлигидан гувоҳлик беради. Шу боис Ёқуб дейди:

«Худди шундай, имон ҳам ишсиз бўлса (уни тасдиқлайдиган итоаткорлик ҳаракатлари ва ишларисиз), ўз-ўзидан ўлиқдир. Бироқ бирор киши: Сен имонингга эгасан, мен эса ишларимга эгаман», – деб айтиши мумкин. Хўп, (яхши) ишларисиз бўлган (шубҳали) имонингни менга (кўлингдан келса) кўрсат-чи, мен эса сенга имонимни (яхши) ишларим (итоаткорлигим) орқали кўрсатаман! Сен Худонинг ягоналигига ишонасанми? Яхши қиласан! Жинлар ҳам ишонадилар ва даҳшатдан тит-райдилар» (Ёқуб 2:17-18, Кенгайтирилган таржима).

Ёқуб бизнинг замонавий таълимотимиздаги улкан му-ваффақиятсизликни кўрсатган. Биз Каломдан «Раббий Исо Масиҳга ишон ва нажот топасан...» каби оятларини юлиб оламиз (Ҳаворийлар 16:31). Мабодо нажот топиш учун Худонинг борлигига ва Исо Масиҳ – Унинг йўли эканига ишо-ниш кифоя бўлса, демак, ёвуз руҳлар нажот топар эканда, негаки улар бунга ишонишади. Бу беъманилик, ахир! Ёқуб ўз фикрини аникроқ етказиш учун жинлар ҳатто титраши-ни айтиб ўтган. Бошқача қилиб айтганда жинлар, Худодан имонга эгаман деб, итоаткорлик ишлари билан тасдиқла-майдиганлардан кўра кўпроқ кўрқадилар.

Биз чиндан ҳам Исо Масиҳнинг инояти билан нажот топганимизнинг яққол исботи, уни тасдиқлайдиган ҳаёти-миздир. Мана нима учун ҳаворий Юҳанно айтяпти:

«Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, шундан Уни таниб билганимизни биламиз. Кимки мен Уни таниб билдим деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у одам ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир. Кимки Унинг Сўзига риоя қилса, у одамда Худонинг севгиси ҳақиқатан камолга етган бўлади. Ана шундан биз Унда жо эканимизни биламиз. Кимки мен Унда жо бўлмоқдаман деб айтса, Масиҳ қандай юрган бўлса, у ҳам шундай юриши керак» (1 Юҳанно 2:3-6).

Юҳанно, Исо Масиҳни билишимиznинг асл тасдиғи Унинг амрларини бажариш эканини аниқ-тиник қилиб ёзган. Исо Масиҳни биламан дейдиган, лекин Унинг сўзи-га риоя қилмайдиган киши – Худонинг Каломини билишини эътироф этишига қарамай, у ёлғончи ва товламачи, ҳақиқатдан йироқдир. Шунинг учун Юҳанно дейди: «Менинг фарзандларим! Буни сизларга гуноҳ қилиб юрмаслигингиз учун ёзмоқдаман. Агар кимdir гуноҳ қилиб қўйса, биз Отанинг олдида Ҳимоячи – ҳақ Исо Масиҳга эгамиз. У бизнинг гуноҳларимиз учун раҳм-шафқат келтириш қурбонлиги бўлди.Faқат бизнинг эмас, балки бутун дунёning гуноҳлари учун ҳамдир» (1 Юҳанно 2:1, 2).

Эътибор беринг, у: «Буни сизларга гуноҳ қилиб юриб.... Ҳимоячига эгамиз», деган эмас. Асло, мақсад гуноҳ қилмаслик. Худо иноятининг кучига эга бўлиб, биз Масиҳга ўхшаб боришга интилишимиз («Унга ўхшаб яшашимиз») мумкин, негаки биз итоатсиз табиатнинг бошқарувидан халос бўлдик. Аммо гуноҳнинг тузогига илиниб қолгудек бўлсак, ўшанда Ҳимоячига эгамиз.

Имонлининг шодлиги шундаки, энди биз Худойимизга маъқул тарзда хизмат қила оламиз.

Шунинг учун биз ларзага солинмайдиган шоҳликни қабул қилиб, иноятни маҳкам тутайлик, токи шу иноят би-

лан эхтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қиласлийк» (Ибронийларга 12:28).

Мана гап нимада. Иноят бизга Худога маъқул хизмат қилиш учун куч беради.

Нимага биз тўлиқ Хушхабарни эмас, балки унинг ярмини воизлик қиласми? Ҳа, нажот – бу инъом, уни сотиб олиш ёки унга лойиқ бўлиш имконсиз. Бу чиндан ҳам шундай. Шу билан бирга, биз одамларга уни қўлга киритишнинг ягона йўли – бу ҳамма нарсадан воз кечиш, Уни Раббим деб тан олиб, ҳаётни унга топшириш ва шундай қилгач, Унинг табиатига мос равишда яшашга куч олиш эканини айтишни унутиб қўямиз. Бу ҳақда Пётр ёзган:

«Худони ва Раббимиз Исони таниб-билишингиз учун сизларга иноят ва тинчлик кўпайсин. Худо бизни Ўзининг шуҳрати ва эзгулиги билан даъват қилди. Унинг илоҳий куч-кудратидан Уни таниб-билишимиз орқали бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди. Бу дунёда ҳукмронлик қилаётган ҳирснинг чиришидан қочиб қутулиб, илоҳий табиатга шерик бўлишингиз учун Худо сизларга жуда буюк ва қимматбаҳо ваъдаларни берди» (2 Пётр 1:2-4).

Дикқат қилинг, иноят бизга Исо Масиҳни таниб-билиш орқали берилган ва бу иноят Унинг Илоҳий табиатига мос равишда пок ҳаётда яшаш учун ҳамма керакли нарсани бағишлийдиган, Илоҳий куч сифатида берилди. Шу тарзда Одам орқали дунёга кириб келган, инсониятнинг Худо ёқтирийдиган ҳирси туфайли кўпайиб кетган чиришдан қайта сотиб олингандиган. Ҳеч бир кишига, сўзи билан ҳам, ҳаракати билан ҳам, бизнинг ичимизга жойлаштирилган Худонинг табиатига кўра яшашга нисбатан менсимаслик уйғотишига йўл қўйманг. Повул равшан қилиб айтган:

«Чунки ҳамма инсонларга нажот берадиган Худонинг инояди зоҳир бўлди. Бу иноят эса шуни ўргатадики, биз бетав-

фиқликтини ва дунёвий ҳирсларни рад қилиб, бу дунёда ифратли, ҳақ ва художўй ҳаёт кечиришимиз керак. Чунки биз баҳтли умидимизни рёбга чиқишини, Нажоткоримиз Исо Масиҳнинг ва буюк Худойимизнинг шуҳрати зоҳир бўлишини кутмоқдамиз. Бизни ҳар қандай қонунбузарликдан қайта сотиб олиш учун Масиҳ Ўзини фидо қилди, токи яхши ишларга ғайратли бўлган алоҳида ҳалқни Ўзи учун покласин. Буларни бор ҳокимият билан гапиргин, насиҳат қилгин ва фош қилгин. Ҳеч ким сени камситмасин» (Титусга 2:11-15).

Раббийнинг инояти бизни барча бетавфиқ ва дунёвий ҳирслардан воз кечишга, ўзни тийиш ва ҳақлиқда яшашга ўргатади. Худонинг инояти ҳаётимизда йўл-йўриқ ва уларга риоя қилишга қобилият берадиган ўқитувчига ўхшайди.

Ёдингизда бўлсин, биз бу нарсага бошқаларни ўргатишмиз зарур. Повул давом этиб, дейди: «Бу сўз ҳақиқатдир. Мен истайманки, Худога ишонгандар яхши ишларга астойдил бел боғлашлари учун буни (доимо) тасдиқлагин, чунки бу одамлар учун яхши ва фойдалидир» (Титусга 3:8).

Биз ҳаётимиздаги Худо иноятининг кучи билан эзгу ишлар қилишимиз лозим. Нажот топгунимизча Эски Аҳддаги муқаддаслар сингари биз ҳам унга эга эмас эдик, иноят – бу Исо Масиҳ орқали келган Худонинг инъоми. Шу боис Исо Масиҳ бизга Эски Аҳд давридаги одам бирор кишини ўлдирса, у дўзахга боришга лойиқ қотил ҳисобланар эди, дейди. Аммо иноят остидаги сен, ҳатто бировни аҳмоқ десанг, кимнидир ҳукм қилсанг, кечиришдан бош тортсанг ёки нафратнинг бирор бир кўринишига эга бўлсанг ҳам сени дўзах олови кутиб турибди (Матто 5:21,22). Нима учун? Негаки, биз энди инояtnинг кучи ила ичимиздаги ташқи ҳаракатларимизда Худонинг табиатига мос равища яшашга қобилиятлимиз.

## Доимо тасдиқлаш

Юқорида Калом матнида кўрган Титусга мактубида (3:8) бу ҳақда доимо ўргатиш ва буни тасдиқлаш буюрилган. Эшитдингизми? Мен минбардан ёки имонлиларнинг ўзаро сухбатидан буни камдан-кам эшитаман, доимо эмас. Бунинг сабаби биз Худо инояти или амалга оширилган эзгу ишлар қанчалик аҳамиятли экани тўғрисидаги тушунчадан йироқлашганимизда. Аслида бизнинг билимсизлигимиз ва имонимиз етишмаслиги натижасида биздаги куч суст бўлиб қолиб кетишига замин яратдик. Иноятга йўл очадиган имон бизнинг имонимиз эътирофи орқали фаол бўлиб туриши лозим. Повул дейди: «Мен ибодат қиласманки, Исо Масихда сизлар эга бўлган ҳар қандай эзгуликни чуқур билишда сенинг имонингнинг мулоқоти маҳсулдор бўлсин» (Филимонга 6).

Агар биз буни доимо тасдиқламасак, унда аста-секин ҳақиқатдан узоқлашиб борамиз. Ибронийларга мактубнинг муаллифи бу ҳақда жуда тўғри ёзган:

«Шунинг учун биз йиқилмаслигимиз учун эшитганларимизга ўта диққат қилишимиз керак. Чунки фаришталар орқали айтилган сўз қатъий бўлган бўлса ва ҳар бир жиноят ҳамда итоатсизликка адолатли жазо олинган бўлса, унда биз бу улуғ нажотни менсимаганимизда, жазодан қандай қочиб қутуламиз? Бу нажот аввало Раббий орқали воизлик қилинди, сўнгра, Ундан эшитганлар томонидан бизларда тасдиқланди» (Ибронийларга 2:1-3).

Буни тасдиқлаб ва бу ҳақда ўргатсак, бизни йиқилишдан асрайдиган абадийликнинг муҳим жиҳатини доимо қаршимизда кўриб турамиз.

Эсимда, ёш бола бўлганимда балиқ тутишни ёқтиардим. Балиқ ови жараёнига берилиб кетиб, қайиқни оқим доимо узоқча олиб кетганини пайқамай қолардик. Қирқ беш дақиқадан сўнг биз атрофга қараб, келиб қолган жойи-

мизни танимасдик. Бу бизнинг фикримиз бошқа нарса билан, яъни бу вазиятда балиқ ови билан банд бўлгани учун содир бўларди.

Хавфли шаршарага олиб кетадиган дарёларда балиқ овловчи кишиларнинг баъзилари учун, бундай вазиятнинг охири аянчли тугаган. Саноқсиз одамлар, уларнинг кемаси балиқ овлашни бошлаган жойдан анча узоққа кетиб қолгани боис, шаршаралар қарида ҳалок бўлганлар.

Ва бу ҳақиқат абадиятнинг муҳим жиҳатларига ҳам таалуқлидир. Агар Худо биз бу ҳақда доимо ўргатишимиизни айтиётган бўлса, демак, бу масалада ўта диққатли бўлишимиз зарур. Нимага биз итоаткорликнинг художўй ҳаётда яшашга имкон яратадиган иноятнинг кучига ургу бермаймиз?

Мен, биринчи Жамоат шу тарзда яшаганини кўряпман. Биринчи Жамоатнинг бир нечта оталарининг ёзганларини ўқиб, Каломга мос, лекин бизнинг бутунги таълимотимиизга умуман бегона нарсаларни ўргатганини сезиб қолдим. Жамоат оталари бошидан бошлаб, бир неча аср давомида, нажотимиизни исботлашда ишлар муҳим аҳамиятта эга деб ўргатган. Келинг, бир нечта намуналарни кўриб чиқамиз.

Даставвал Смирна шахри ҳаворийси ва ҳаворий Юҳаннонинг дўсти Поликарпнинг (69-156) сўзларидан келтираман. У кексариб қолганда қамоққа олинган ва ўчокда ёндирилган. У шундай ёзади: «Бизлар ишлар билан эмас, балки иноят билан нажот топганимизни билиб, кўплар бу шодликка (нажотга) эга бўлишни истайдилар». Замонавий хушхабар жамоатлари орасида бу сўзлар ҳеч қандай таажжубсиз қабул қилинган бўларди, чунки биз яхши ишлар шарофати билан нажот топмаслигимиизга кучли ургу берамиз. Поликарп имонлиларга қарата, шундай деб ёзган: «Агар биз Унинг иродасини бажарсак, амрларига риоя қиласак ва ўзимизни ҳар қандай ноҳақлиқдан сақлаб, У севган нарсани биз ҳам севсак – уни ўлимдан тирилтирган, бизни ҳам тирилтиради». Бугун минбардан бундай сўзларни камдан-кам эшитамиз.

«Агар» сўзига эътибор беринг. Эртага тирилишимиз учун бизга Унинг иродасини ва амрларини бажариш буюрилган. Бу ҳақда Исо Масиҳ ҳам айтган.

Мен келтирмоқчи бўлган кейинги киши, Римдаги жамоатни бошқарган, ҳаворий Повул ва Петрларнинг ҳамкори, Климент Римлик (30-100). У шундай дейди: «Биз ўз-ўзимизча, шахсий тақводорлитимиз ёки ишларимиз билан оқланмаганимиз. Лекин Қудратли ҳамма одамни оқладайдиган имонимиз орқали оқланганмиз». Ушбу гаплар ҳам бугунги масиҳийлар орасида илиқ қабул қилинган бўларди. Бироқ Климент имонлиларга қарата шундай деб ёзган: «Биз эзгу ишлар қилишда чаққон бўлишимиз зарур. У ҳар бир кишини ишлари бўйича тақдирлайдиган Худо экани ҳақида огоҳлантираяпти» (Римликларга 2:6)».

Балки, Повул шу сабабдан синовлар пайти, айтган: «Шунинг учун, подшоҳ Агриппа, мен самовий ваҳийга итоатсизлик қилмадим. Лекин аввал Дамашқ ва Йерусалим ахолисига, кейин бутун Яхудия юртига ва мажусийларга воизлик қилиб юрдим, токи улар тавба қилиб ва Худога ўтирилиб, тавбага лойиқ ишларни қилсинлар» (Ҳаворийлар 26:19,20). Повул ишларнинг муҳимлигига ургу берган бўлса, унинг ҳамкори Климентнинг ҳам шунга ўхшаш сўзлари лол қолдирмаслиги керак.

Александриялик Климент (150-200) исмли инсоннинг сўзларидан мисол келтираман. У Александрияда, Мисрда жамоатлар бошқарган ва янги имонлилар учун мактаблар олиб борган. У имонсизлар ҳақида шундай деб ёзган: «Улар яхши ишлар қилишларига қарамай, агар улар имонга эга бўлмасалар, (имонсиз бўлса) бу ишлар ўлимдан кейин ҳеч қандай фойда бермайди».

Ушбу сўзлар ҳам хушхабар жамоатлари томонидан қувонч билан қабул қилинган бўларди. Ўтган бобларда, биз ҳали айтиб ўтдик: имонсиз киши қанча яхши ишлар қилмасин,

унинг ишлари Худонинг Шоҳлигига киришни таъминлай олмайди, биз Худонинг инояти билан нажот топганмиз. Бироқ Климент имонлиларга қаратса нима деб ёзганига қаранг:

«Ҳар бир ҳақиқатни таниб-билган, эзгу ишлар қилган киши абадий ҳаётни мукофот қилиб олади... Айримлар, Худо (нажот учун) куч беради деб, тўғри тушунади, лекин нажотта элтадиган ишларга катта аҳамият бермайди, шунинг учун улар умид қилган нарсага эришишда мувваффақиятсизликка учрайдилар».

Баъзиларингиз ўйлашингиз мумкин: «Менимча бу йигитлар Янги Аҳдни умуман ўқимаганга ўхшайди». Ўқиган. Жош Макдауэлл ўзининг «Икрорликни талаб этадиган исбот» китобида, Александриялик Климент 2400 та мулоҳазаларини (учтасидан ташқари) Янги Аҳднинг китобларидан олганини айтиб ўтган. Бу бошқа муаллифларга ҳам тааллуқли. Мен бугунги масиҳий китоблар сотиладиган дўконлардаги кўплаб китобларда, Каломдан жуда кам фойдаланилганини айтиб қўйишими шарт. Биз бошқа томонга чиқиб кетганимиз сабабли, ҳақиқатдан ҳам лозим бўлган нарсани ўргатмаётганимиздан бўлиши мумкиними?

### **Бизнинг чала-ярим Хушхабаримиз**

Афсуски, биз фақат шунга ўхшаш оятларни такрорлаймиз: Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан» (Римликларга 10:9). Одамларга, бор-йўғи, сеҳрли тавба ибодатини қайтарсанг кифоя, нажот топасан, деймиз.

Лекин нега Исо Масиҳнинг ушбу сўзларини айтмаймиз: «Нега сизлар Мени, ё, Раббий, ё, Раббий, деб чақирасизлар-у, аммо айтгандаримни қилмайсизлар?» (Луқо 6:46). Биз кўрганимиздек, «Раббий» сўзи Баш Хўжайин, Соҳиб маъноларини

билдиради. Шундай экан, Исо Масих: «Үзларингиз хўжайинлар бўлишда давом этар экансиз, Мени Хўжайин деб атаманглар. Ундан бўладиган бўлса, яхшиси ўзларингни алдамаслик учун Мени «Буюк Пайғамбар» ёки «Устоз» денглар» дейди.

Энди келинг, ушбу музокарамиз бошланишига сабаб бўлган, Исо Масихнинг сўзларига яна бир бор қараймиз: «Менга: «Ё, Раббий! Ё, Раббий!» – деганларнинг ҳар бири ҳам Осмон Шоҳлигига кирмайди...» (Матто 7:21).

Биз ҳали, Исо Масихни Раббий деб атаганларнинг ҳаммаси ҳам самога бормаслигини айтиб ўтдик. Бу оддий «тавба ибодатини» қайтариш, осмонга йўлни таъминламаслигини муқаррар тушунтиряпти. Ундан бўлса, менда савол туғилади: «Унда ким Осмон Шоҳлигага киради?» Исо Масих шундай сўзлар билан жавоб беради: «Осмондаги Отамнинг иродасини бажарадиган киши киради» (Матто 7:21).

Қизиқ. Поликарпнинг сўзлари билан қарийб бир хил. Исо Масихни фақат Раббим деб тан олиб эмас, шунингдек тан олиш ва Худонинг иродасини бажариш, бизни самога олиб борар экан. Унинг иродасини бажаришнинг ягона йўли – шахсий ҳаётимиздан воз кечиб, ўзимизни бўйсундириш ва Уни ўзимизнинг Хўжайнимиз деб қабул қилиш орқали, У берадиган иноятдир. Эътироф этиш осон, лекин Исо Масихнинг ҳокимииятига ҳақиқатдан ҳам ўзини тўлиқ бўйсундириш энг қийин қисмдир.

Нега мен бу ҳақда бунчалик тиришиб гапираёттанимнинг сабабига қулоқ солинг:

«Ўша кунда кўпчилик Менга: «Ё, Раббий, ё, Раббий, биз Сенинг исминг билан башорат қилмадикми? Сенинг исминг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг исминг билан кўпгина мўъжизаларни яратмадикми?» – дейдилар. Мен эса уларга эълон қиласман: «Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!» (Матто 7:22-23).

Саксонинчى йилларнинг охирида Худо менга ваҳий кўрсатди. Мен охири кўринмайдиган улкан оломон одамни кўрдим. Одамларнинг сон-саноғи йўқ эди. Мен уларнинг орасида Худони тан олмайдиганлар, гуноҳкорлар ёки бошқа динларга эргашувчилар борлигини билар эдим. Лекин уларнинг ҳаммаси, аксинча масиҳийликни эътироф этар эдилар. Бу кишиларнинг бари, Исо Масиҳ уларга: «Хўжайинингизнинг қувончига, Осмон Шоҳлигига киринглар», дейишини эшитишга ишончи комил ҳолда Судга келган эдилар. Бунинг ўрнига, улар қўйидаги сўзларни эшитдилар: «Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!» (Матто 7:23).

Мен уларнинг юзларидағи даҳшатни кўрдим. Сиз эга бўлмаган нажотта ишончингиз комил бўлган вазиятни тасаввур эта оласизми? Сиз само менини деб юрган пайтингиз, дўзахнинг алангасига абадийга ташланишингизни кўз олдингизга келтириб кўроласизми? Бутун мангулик давомида сиз ва балки сизга воизлик қилган киши абадиятга юзаки қарагани ҳақидаги фикрлардан қийналиб ўтишничи?

Исо Масиҳнинг огоҳлантиришлари ҳақида гапирмайдиган хизматкорнинг хизматини оқлаб бўладими?

Сиз биз нима учун, Худонинг мактубини фақат ижобий ва фойдали томонларини эмас, балки тўлиқ айтишимиз шартлигини тушунасизми?

Ҳа, бизга баракали бўлиш ёқади ва биз бу ҳақда гапиришимиз ҳамда бундан ҳаётдан завқланишимиз лозим, аммо Каломдаги амрлар ва огоҳлантиришлар ҳақида оғиз очмаслик ҳисобига эмас!

Ёдимда бор, анжуманлардан бирида, мен бу ҳақиқатлар тўғрисида гапиришимнинг сабабини айтдим: «Эртага, Суд бўладиган кун, кимларнингдир қони қўлларимдан оқиб турган паллада, ҳақиқатни айтмаганим учун, улар мени айблашини истамайман».

Воизлик тугаган заҳоти олдимга ўша жамоатнинг чўпони хафа бўлиб, тўғрироғи ҳатто жаҳли чиқиб келди. У айтди: «Сенинг биз хизматкорларга, Эски Аҳднинг таълимотини сингдиришга қандай ҳаддинг сифди. Мен Хушхабарни тўлиқ воизлик қилмаганим учун, менинг қўлларимда одамларнинг қони бўлмайди». Унга Худонинг Каломидаги фақат ижобий нарсаларни айтиш ёқиши ва қолган нарсаларни воизлик қилишдан ўзини тийиши, кўриниб турарди.

Шунда мен айтдим: «Ҳурматли чўпон, келинг Повул Эфес жамоатидаги хизматкорларга нима деганига қараймиз». Мен қўлимдаги Муқаддас Китобни очдим ва ундан ўша жойни ўқишини сўрадим: «Шунинг учун бугун сизларга гувоҳлик бераятманки, мен ҳамманинг қонидан то заман, чунки Худонинг бор иродасини сизларга эълон қилишдан чекинмадим» (Ҳаворийлар 20:26,27).

Ҳайратдан қотиб қолган чўпон, менга қараганда унинг кўзлари ва оғзи катта очиқ эди. У айтди: «Неча марта Янги Аҳдни ўқиган бўлсам, бу нарсани ҳеч қачон кўрмаган эканман». Шундан сўнг, биз дўстона суҳбатлашдик. Мен унга одамларни нафақат ўқитиш, шунингдек ҳар бир киши Масиҳда етук бўлиши учун кўмаклашиб, огоҳлантиришимиз зарурлигини ҳам эслатдим (Колосликларга 1:28). Нима ҳақда огоҳлантириш? Ҳақиқатдан четга чиқмаслик, нафақат ўзини алдайдиган, шунингдек сон-саноқсиз художўй жонларни йўлдан оздирадиган фирибгарлар томонидан воизлик қилинадиган мактублар томонга учиб кетмаслик ҳақида.

Повул, Ҳаворийлар китоби 20-бобда ёзилгани бўйича, эфесликлар билан узоқ вақт мобайнида бирга вақт ўтказган. У уларни чин қалбидан севган ва Худонинг Руҳидан, улар билан энди ерда бошқа кўришмаслигини билган. Ўйлаб кўринг, ўз фарзандингиздек қадрли бўлиб қолган одамларга, охирги сўзларингизни қанчалик эътибор билан танлаб айтган бўлар эдингиз. Унинг хайрлашув сўзлари:

«Шундай қилиб, ўзингизга ва Муқаддас Рух сизларни назоратчи қилиб қўйган бутун подага диққат қилинглар, токи Худо Ўз қони билан қўлга киритган Унинг жамоатини боқинглар. Чунки шуни биламанки, мен кеттанимдан кейин, (сизларнинг) орангизга подани аямайдиган йиртқич бўрилар кирадилар. Сизларнинг (ўзларингиздан) орангиздан ҳам шогирдларни ўзларига эргаштириш учун сўзни бузиб гапирадиган одамлар кўтариладилар. Шунинг учун, бедор бўлинглар. Мен уч йил давомида кечак ю кундуз тинмасдан, кўз ёшлар билан ҳар бирингизга таълим берганимни ёдда сақланглар» (Ҳаворийлар 20:28-31, ёзма сўзлар муаллифники).

Улар қандай қилиб ҳақиқатни бузиб гапирадилар? Балки, сўзлари биландир, лекин ҳойнаҳой ишлари билан. Эътибор беринг, Повул буни шу қадар кучли сезганки, уч йил давомида кун-у кеча уларни тўхтовсиз огоҳлантирган. Яна бир карра, буни доимо тасдиқлашимиз ва булар ҳақда гапиришимиз шартлигини кўряпмиз.

### **Севги ваadolat Худоси**

Ҳикоямизни ўқиб, Алданган бошидан кечирган шок ва жон талвасасини тасаввур эта олдингиз. Сиз Лоундаги ҳамоқхонанинг ҳолатини ҳис этдингиз. 130 йил зулматда ва ҳавоси бадбўй қафасда, чидаб бўлмас иссиқда вақт ўтказиш ҳақидаги фикрдан этларингиз жимиirlаб кетди. Агар биз одамларга Худонинг барча насиҳатларини етказмасак, сон-саноқсиз аёл ва эркаклар бундан-да кучлироқ азобларга дуч келадилар.

Сиз Жейлиин севувчи ва адолатли бўлганини, унумагандирсиз. Унинг судида севги шу тарзда намоён бўлдики, у Дагоннинг хулқ-атворига ва табиатига эга бўлган бирорта ҳам кишини Аффабелга киришига йўл қўймади. Мабодо у бунга йўл қўйтанида, шаҳарга ва унинг аҳолисига зарар етказган бўларди. Севги айбисизларни ҳимоя қилди.

Шу билан бир қаторда, унингadolatлилиги Дагоннинг феълидаги одамларга, ўз итоатсизлиги учун, Дагондан кўра енгилроқ жазо олишига имкон бермасликка мажбурлади. Худди шундай Худонинг севгиси бирор бир шайтоннинг табиатидаги кишига, Унинг мангу шаҳрига киришига йўл қўймайди. У шайтон ва унинг издошларини оловли кўл билан жазолаб, унинг таъсири остидагиларни бу жазодан мустасно қилса, Уadolatсизлик қилган бўларди. Шайтоннинг табиатига эга бўлғанларнинг барчаси, у билан бир қаторда абадий жазони оладилар. Худо бир вақтнинг ўзида ҳам севувчи, ҳамadolatли ва шундай бўлиб қолади ҳамда Унинг шарафи бутун ер-юзига маълум бўлади.

# • МУХОКАМА ҮЧУН САВОЛЛАР •

## 2 БҮЛИМ: 4, 5 БОБЛАР

1. Ушбу бўлимни ўқищдан олдин, сиз абадий суд таълимоти масиҳий учун асосий таълимот деб ҳисоблаганмисиз?
2. Кўпчилик масиҳийлар бошқаларга дўзахнинг ҳақиқатда қандайлиги ҳақида айтмайдилар, чунки улар ҳақда, салбий муносабат ва айловгага тўла деб ўйлашидан қўрқадилар. Лекин аслида бу нарсалар тўғрисида айтиш – ачиниш ҳиссини кўрсатишини билдиради. Имонлилар (алоҳида имонли ёки жамоат сифатида) бу саволни қандай қилиб севги билан ўртага кўтара олиши мумкин?
3. Сиз имон ва ҳосилларнинг (ишларнинг) ўртасидаги боғлиқликни қандай тушунтирган бўлардингиз? Агар нажот – бу совға бўлса, унда нега бизнинг ишларимиз имонимизга мос?
4. Бешинчи бобда, Исо Масиҳнинг ортидан эргашиш қарори инсоннинг ҳаётига қандай таъсир қилиши масаласини четлаб ўтиб, кўпинча Хушхабардаги ваъдаларни воизлиқ қилишга мойил эканимизни муҳокама қилдик. Нега шунчаки руҳий ёрдам олиб яшаш ва биздан ҳаёт тарзимизни ўзгартиришни талаб қилмайдиган ҳаётдан кўра, Масиҳнинг ҳокимииятига бўйсуниб яшаш ҳаёти фаровонлироқ?
5. Нажот, суд ва ҳаётимизнинг абадиятга таъсири тўғрисида билиб олганларинигизнинг барчаси ҳақида ўйлаб кўринг. Бешинчи бобни ўқиб чиққач, иноятнинг табиати ҳақидаги тасаввурингиз қай тарзда ўзгарди?

# **З БЎЛИМ**



## БЮОК ЧЕКИНИШ

*Охиргача чидаган эса најсөт топади.*

— Матто 24:13

**Э**нди биз Журъатсиз ва Қүш Ҳаёттинг воқеаси очила-  
диган ҳақиқатта етиб келдик. Улар қанчадир вақт  
Жейлиннинг ортидан бордилар, лекин Журъатсиз тўғри  
ниятларини йўқотди, Қүш Ҳаёт эса охир оқибат йўлидан  
қайтди. Уларнинг хотимаси фожиали бўлди.

### «Биз ишонадиган нарсани ўқиши» ёки «ўқиганимизга ишониш»

Ушбу бобда муҳокама этадиган ҳақиқат, айрим хушхабар жамоатлари орасида мунозарали масала эканининг гувоҳи бўлдим. Аммо Каломни синчиклаб ўрганиш натижасида баҳслар барҳам топади. Шундай қилиб, Муқаддас Калом Журъатсиз ва Қүш Ҳаёт каби кишилар ҳақида нима деганини ўрганишни бошлашдан аввал, сиздан очиқ юрак ва онг билан ўқиши сўраб қоламан.

Худонинг иродасини таниб-билишнинг жуда катта тўсифи, Каломни қуйидаги тарзда ўқишидир: одамлар ўқийдиган нарсасига ишонишнинг ўрнига, ишонадиган нарсасини ўқийдилар. Биз ҳақиқатни хира ойна орқали танлаганимизда, ишонадиган нарсаларимизни ўқиймиз. Бундай хираглик бошқалардан, бизнинг йўналишимиз таълимоти ёки Худонинг Кимлиги ва Унинг йўллари қандайлиги ҳақидаги шахсий тасаввуримиздан орттирилган ноаниқ билимдан келиб

чиқади, бу ўта хавфли, негаки бу бизни янглишишга олиб бориши мумкин. Аюб китобидан бунинг мисолини топамиз.

Яқинда, Мұқаддас Китобни ўқишишга чоғланиб, уни очишта улгурмай, Мұқаддас Рух, менга шундай деганини эшитдим: «Аюб китобини оч ва ўттиз иккинчи бобдан бошлаб ўқи». Мен шу заҳоти китобни очдим ва у жойда Елиуйнинг нутқи бошланганини кўрдим.

Воқеа нимадан бошланганини бир оз таништириб ўтаман. Аюб оғриқ ва йўқотишлардан кечирган фожиадан сўнг, унинг Худо йўлларини тушуниш қобилияти жадал тарзда ёмонлашиб бораради. Энди у Худонинг донолигини излашнинг ўрнига, Унга ўз кечинмалари орқали қаради (Аюб 1:2-8 га қаранг). Вақт ўтган сайнин унинг мулоҳазалари ўз-ўзини оқлаш томонга силжиб кетди. Аюбнинг ўтган бобларда гапирган учта дўсти мустақил-худошунослар бўлиб, улар янглишар ва Аюбнинг кулфатини изоҳлашга уринардилар. Бу ҳолат вазиятни фақат ёмонлаштиради. Аюбнинг беқарор мулоҳазалари нотўғри эканини исботлашга қурби етмай, уни нуқул айблардилар.

Энг ёши, Елиуй, Аюб ва унинг учта дўсти Худонинг донолиги айтиб бўлишини узоқ тинглади, улар ниҳоят гапини тутатгач, у деди: «Мана, мен сизларнинг сўзларингизни кутдим, сизлар нима дейишни ўйлаётганларингизда сизларнинг фикрларингизга қулоқ солдим. Мен сизларга диққат қилдим, мана, сизларнинг ҳеч бирингиз Аюбни фош қила олмадингиз ва унинг сўзларига жавоб бера олмадингиз. Албатта сизлар: «Биз доноликни топдик: уни одам эмас, Худо қулатади», – дейишингиз мумкин» (Аюб 32:11-13).

Елиуй уларнинг уччаласини ҳам фош қилишга ўтди: «У сенинг фикрларинг бўйича қаримта бериши лозимми? Сен рад этар экансан, буни сен танлашинг керак, мен эмас; шунинг учун билганингни сўзлагин» (Аюб 34:33). Оҳ, у бугунги кунда кўплар йўл қўядиган хато ҳақида қанчалик тўғри айтди. Бу жамоатдаги нотўғри таълимотнинг асосий илдизларидан бири, биз Худонинг Каломи ҳақиқатни ўрнатишига

имкон беришнинг ўрнига, ўзимизнинг кечинмаларимиз ва тажрибамиз орқали Каломни изоҳлаймиз!

Елиуй инсоний мулоҳаза билан ёки Худо Кимлиги ҳақидаги хато фикр, вазият ва ҳодисалар таъсирида шаклланган таълимотига асосланиб гапирмади. У ҳақиқатни бузмай, соғ Худонинг Каломини воизлик қилди. Унинг нутқи якунида шу сўзларни ўқиймиз:

«Сўнг Раббий Аюбга бўрон орасидан жавоб бериб деди: «Ким бу режада бўлган ишни бемаъни сўзлар билан тундлаштираётган? Энди, белингни эркақдек боғлагин: Мен сендан сўрайман, сен эса жавоб бергин» (Аюб 38:1-3).

Кенгайтирилган таржимадан бу жой шу тарзда ёзилган: «Ким бу билимсиз сўзлар билан доноликни тундлаштираётган?» биз Худонинг Каломини ўзимизнинг тажрибамиз, бошқаларнинг фикрлари ва хато ўйларимиз орқали саралаганимизда, айнан манашу нарса содир бўлади. Биз таъсир ўтказаётган одамлар учун Унинг донолигини эришиб бўлмайдиган қилиб, уни хиракаштирамиз. Аслида биз доноликни ўрганишни истайдиган кишилардан, уни яширамиз. Мана нима учун Худо Аюбга ва унинг дўстларига нисбатан шу қадар аччиқланди, бугун ҳам одамлар Унинг йўлларини бузиб ўргатганда, аччиқланади. Биз одамларга ҳақиқатни билишга йўл қўймаймиз! Сўнгра, тўрт боб давомида, Раббий Аюбга Ўзининг сўзини очди. У тугатганида, Аюб қайғу чекиб деди:

«Мен биламан, Сен ҳамма нарса қила оласан ва Сенинг ниyatингни тўхтатишнинг имкони йўқ. «Ҳеч нарсани англамасдан режада бўлган ишни тундлаштираётган ким бу?» Мен ўзим тушунмаган ва билмаган, мен учун гаройиб бўлган нарсалар ҳақида гапирган эканман. Ўтинаман, менга кулоқ солгин ва мен сўзлайман; мен Сендан нимани сўрасам, менга тушунтиргин. Мен Сен ҳақингда қулоғимга чалингандарини эшитган эдим, энди эса менинг кўзларим Сени кўрмоқда. Шунинг учун мен ўзимни рад этаман ва тупроқда ҳамда кулда тавба қиласман» (Аюб 42:2-6).

Эътибор беринг, Аюб айтган: «Авваллари мен фақат бошқалар айтган нарсаларни билар эдим, энди эса Сени ўз кўзларим билан кўрдим». Бу сўзларда буюк ҳақиқат мужассам. Каломда, Унга қараганды шарафдан шарафга ўзгариб боришпимиз таъкидланган (2 Коринфликларга 3:18), У ҳақда фақат эшитганда эмас. Исо Масиҳ Худонинг тирик Сўзи ва Уни билиш ҳамда Унинг йўлларини англаш, Уни кўришни билдиради.

Мана, инсонга очилган ҳақиқат нимани кўришга имкон беради. Биз Худонинг Сўзини эшитамиз, лекин маърифатта эга бўлмагунимизча, ўзгариш содир бўлмайди. Юрагимизга Худонинг Сўзини тушуниш келганида: «Мен кўраяпман, кўраяпман», деб ҳайқирамиз. Бундай пайтларда, Унинг тимсолига яқинлашиб, ваҳий оламиз ва ўзгарамиз.

Ушбу руҳий омил Повулни ибодат қилишга руҳлантиради: «Сизлар учун Худога тинимсиз миннатдорчиликлар билдириб, сизларни ибодатларимда эслайман, токи Раббимиз Исо Масиҳнинг Худоси, шуҳратнинг Отаси, Уни таниб-билишингиз учун сизларга донолигу ваҳий Руҳини берсин ва фаҳмлашингизнинг кўзларини ёритсан...» (Эфесликларга 1:16-18). Энди Аюб у билан содир бўлган фожиадан олдин тақводор ҳаёт кечирган бўлишига қарамай, ҳар қачонгидан ҳам маърифатлироқ эди. Энди у Худони янада юқори даражада таниб-билди.

Худо Аюбга гапириб бўлгач, унинг дўстларидан бири Элифағга шундай сўзлар билан юзланди: «Менинг ғазабим сенга ва сенинг иккала дўстингта қарши алангаланмоқда, чунки сизлар Менинг қулим Аюб каби Мен ҳақимда тўғри гапирмадингизлар» (Аюб 42:7).

Раббий У ёки Унинг йўллари ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишимизга, жиддий муносабат билдиради. Бу Унинг донолигини тундлаштиради ва адолатини бузиб кўрсатади. Шу боис Каломдаги бор донолик билан тасдиқланмаган таълимотларни воизлик қиласиган одамларга, жуда ҳай-

рон қоламан. Оҳ, қанчалик қўрқинчли! Агар биз ҳақиқатга ўргатилган бўлишни ва у бизни тузатишни истамасак, қандай қилиб уни билишимиз мумкин?

Аюб китобини ўқишини якунлаганимдан сўнг, Раббий кўп саволларимга жавоб бўлган, яна бир нарсани айтди. У: «Ўғлим, Аюб ва унинг дўстлари Мен ҳақимда нотўғри нарсаларни гапирганида жим турганимни сездингми? Мен кимдир то ҳақиқатни гапиришни бошламагунича, Ўз хузуримни намоён қилмай туравердим!» деди.

Худонинг юрагимда айтилган сўзларидан лол қолиб, улар устида фикр юритишни бошладим. Кейин яна Унинг гапини эшитдим: «Шу сабабдан кўпчилик одамлар, жамоатлар ва бутун йўналишлар, уларнинг ҳаётини ўзгартирадиган, Менинг ҳузуримни ҳис этмайдилар. Улар Менинг соф сўзимни эмас, балки Аюбнинг сўзларидан ҳеч фарқ қилмайдиган, ўзларининг сараланган изоҳ ва мулоҳазаларидан айтадилар. Улар Менинг донолигимни беъмани сўзлари билан лойқалатадилар».

Агар биз Худонинг ҳаққоний ҳузурини ва Унинг кучини ҳис этишни истасак, ҳақиқатни бузмаган ҳолда излашимиз зарур. Шунинг учун Худонинг ҳукмига нисбатан, Каломни ўрганишда давом этиб, Худо ҳақидаги хато фикрларга, нотўғри таълимотларга, шахсий тажрибага ёки вазиятларга таяниб, У аниқ ёзиб қўйган нарсаларни бузишга йўл қўйманг. Бунинг ўрнига, Унинг йўлларида маърифатли бўлиш учун, Уни очиқ турган Каломдан изланг.

### **Баракаларнинг изидан қувиб**

Келинг, Қўш Ҳаётнинг тақдирига яна қайтамиз ва ўтган бобда келтирилган Исо Масиҳнинг сўзларидан бошлаймиз:

«Ўша кунда кўпчилик Менга: «Ё, Раббий, ё, Раббий, биз Сенинг исминг билан башорат қиласдикми? Сенинг исминг

билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг исминг билан кўпгина мўъжизаларни яратмадикми?» – дейдилар. Мен эса уларга эълон қиласман: «Мен сизларни ҳеч қачон билганим йўқ. Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!» (Матто 7:22,23).

Юнон тилида «қонунбузарлик» сўзи (аномия) Худонинг қонунига (ёки иродасига) қарши ҳаракат қилишни билдиради. Бошқача сўзлар билан айтганда, бу Худонинг ҳокими-ятига бўйсунмаслиқдир.

Исо Масиҳ қонунбузарлик сўзидан олдин, қилувчилар (ҳаёт тарзига айлантирганлар) сўзини ишлатяпти, бу билан у гап гуноҳдан қутилиш йўлида курашा�ётган ва ўз итоатсизлигидан нафратланадиган янги имонлилар ҳақида ёки ҳар замонда қоқилиб турадиганлар ҳақида эмаслигини кўрсатган. Аксинча, бу ерда Худонинг хоҳишларига зид равишда яшайдиган, уларни менсимайдиган ва бундай яшашни оқлайдиган инсон ҳақида айтилган. Исо Масиҳнинг ушбу сўзлари адашган Алданган ёки садоқатсиз Қўш Ҳаёт кабиларга тегишли. Исо Масиҳ шунга ўхшаш бир дунё одамларга мурожаат этиб, уларнинг жонларига бутун мангулик давомида лаънатга айланадиган ҳукмни эълон қиласди. Раббийнинг танбехларига менсимаслик қилмаслик ва уларга юзаки қарамаслик ўта муҳим.

Келинг, Каломдаги ушбу матнда Исо Масиҳ кимга мурожаат этганини диққат билан ўрганамиз. Худонинг Шоҳлигига қабул қилинмайдиган одамларнинг бир қисми, Исо Масиҳ номи билан жинларни қувганлар. Улар кимлар? Ўша аёл ва эркаклар жинларни қувишда Исо Масиҳнинг номидан фойдаланган, лекин уларни Раббий Исо билан бошқа ҳеч қандай мулоқотта эга бўлмаган дейиш мумкинми? Бу саволга жавоб топиш учун биз Ҳаворийлар китобига мурожаат этамиз.

«Сайёҳ яхудий азайимхонлардан баъзилари ёвуз руҳларга чалингандарнинг устидан Раббий Исонинг номидан фойда-

ланиб: «Повул воизлиқ қилаётган Исо номи билан сизларга буюрамиз», – дер эдилар. Яхудий олий руҳоний Скеванинг етти ўғли шундай қиласыр эдилар. Аммо ёвуз рух уларга жа-вобан: «Исони биламан, Повул ҳам менга маълум, аммо сизлар кимсизлар?» – деди. Шунда ёвуз руҳга чалинган одам уларга ташланди да, уларнинг устидан зўр келиб, шундай куч кўрсатдики, улар у йўдан яланғоч ва ярадор ҳолда чиқиб қочдилар» (Ҳаворийлар 19:13-16).

Бундай экзорцистларнинг Исо Масиҳ номи билан жинларни қувишга қурби етмасди! Мана ҳақиқат қаерда: жинларни қувиш учун фақат исмдан фойдаланиш камлик қиласи. Бундан ташқари, бу исмнинг Эгаси билан муносабатта эга бўлиш керак. Инсон Исо Масиҳнинг издоши ва хизматкори бўлиши лозим.

Энди сиз ўйларсиз: «Лекин Исо Масиҳ уларга, Мен сизларни ҳеч қачон билмаганман деган бўлса, унда улар қандай қилиб Унинг номи билан жинларни қувиши ва мўъжизалар яратиши мумкин? Бунинг имкони йўқ-ку?»

Шахсий манфаатини кўзлаб, Исо Масиҳни фақат нажот учун қабул қилган одамлар кўп. Улар Худонинг кучи ва баракаларининг пайидан бўлиб, Унинг юрагини ҳеч қачон таниб-билмаган. Повул бундай одамлардан эҳтиёт бўлишини айтган – «художўйлик гўёки даромад орттириш учундир деб ўйлайдиган, ҳақиқатдан йироқ ва онги бузук бўлган одамларнинг орасида баҳсларни пайдо қиласи. Бундай одамлардан узоқлашгин» (1 Тимотий 6:5).

Улар Исо Масиҳни ўз манфаати учун излаган, шунинг учун уларнинг хизмати севги билан эмас, наф кўриш истаги билан йўналган. Биз ўқиганимиздек, Исо Масиҳ уларни танимайди: «Ким Худони севса, У бундай кишини билади» (1 Коринфликларга 8:3).

Худо бундай кишини билади. Билади сўзи шунчаки бирор танишни билдирамайди, чунки Худо барча ҳақида ҳам-

ма нарсани билади, У ҳамма нарсани билувчи! Бироқ бу сўз яқинлик маъносида ишлатилган. Муқаддас Китобнинг Кенгайтирилган таржимасида айтилган: «Агар ким Худони чин юрақдан севса (мулойим эъзозласа, итоаткорликка шошилса ва Унинг марҳаматларини фаҳмлаб, миннатдор бўлса), бундай кишини Худо билади (У билан яқинлигини ва ўртасидағи севгини тан олади ҳамда у Худога тегишли бўлади)».

Исо Масих Ҳукм кунида оломонга айтади: «Мен сизларни ҳеч қачон билмаганман». Шундай қилиб, (дарров итоат қилмаслиги, мулойим эъзоз ва миннатдорлик йўқлиги туфайли, кўриниб турадиган) Худони севмайдиганлар – Ундан нажот кутганига қарамай, Ота ёки Исо Масих билан яқин муносабатдагилар деб топилмайди. Исо Масихни севиш – Унга бор ҳаётимизни бағшида этишни билдиради. Сен энди ўзинг учун эмас, У учун яшайсан.

Яҳудо бунга мисол бўла олади. У ҳаётини Исо Масих билан боғлади. Ҳаммаси худди у Исони севишини кўрсатарди, бунинг исботи, Унинг ортидан боришдек буюк қурбонликка боргани бўлди. Яҳудо ҳамма нарсани қолдирди, хизмат жамоасига қўшилди ва Раббий билан битта йўлдан борди. Ҳатто қувғин пайтида, жамоанинг бошқа аъзолари Уни ташлаб кетганида, Яҳудо У билан бирга қолди (Юҳанно 6:66 га қаранг). У жинларни қувиб чиқарди, касалларни шифолади ва Хушхабарни воизлик қилди (Луқо 9:1 га қаранг).

Бироқ бошиданоқ Яҳудонинг ниятлари бузук эди. У ҳеч қачон, уни бошқарган худбин хоҳишлари учун тавба қилмади. Унинг кимлиги ушбу сўзларда маълум бўлди: «Менга нима берасизлар, мен...» (Матто 26:15). У ўз манфаати йўлида ёлғон гапирган ва айёрлик қилган (Матто 26:25 га қаранг), Исо Масиҳнинг ғазнасидан шахсий ҳаражатлари учун пул ўғирлаган (Юҳанно 12:4-6). Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин эди. Яҳудо Раббийнинг хузурида уч ярим йил бирга вақт ўтказган бўлишига қарамай, Уни ҳеч қачон яқиндан билмаган.

Бинобарин, Исо у ҳақда айтган: «Исо уларга жавобан: – Мен сизларни, ўн икки кишини танлаган эмасманми? Аммо сизлардан бирингиз шайтон, – деди. У буни Шимоннинг ўғли Яхудо Искариот ҳақида айтди, чунки у ўн икки шогирддан бири бўлиб, Унга хиёнат қилмоқчи эди» (Юханно 6:70-71).

Хизмат ҳаққи буюк қурбонликларга борадиган, одамларни ёвуз руҳларнинг таъсиридан озод қиласиган, касалларни шифолайдиган, Хушхабарни айтадиган, Исога нажот учун ишонадиган, Яхудога ўхшаш одамлар кўп, бироқ бундай одамлар Исони яқиндан билмайдилар, шунинг учун уларнинг ишлари Худога бўлган севги билан эмас, ўз фойдасини кўзлаш билан йўналтирилган. Бу таъриф ҳикоямиздаги Кўш Ҳаётта аъло даражада мос келади. У эга бўлган мавқе ва кучини севгани учун, Жейлиннинг ортидан борган. Бошиданоқ, Жейлинни севгани учун хизмат қилмаган.

Бундай одамларни ҳукм ва жазо кутяпти. Яхудо ҳақида Исо айтган: «Ўша одам учун унинг туғилмагани яхшироқ бўлар эди» (Матто 26:24). У диний бошқарувчилар, Худога шахсий манфаати ва Худо номи билан одамларнинг кўзида эътибор қозониш учун хизмат қиласиганларга мурожаат этаяпти: «Эй, уламолару фарзийлар, иккиюзламачилар, сизларнинг ҳолингизгавой! Чунки сизлар беваларнинг уйларини еб битиряпсизлар ва иккиюзламачилик билан узоқ ибодат қиляпсизлар. Шунинг учун маҳқумлигинги оғирроқ бўлади» (Матто 23:14). Бу аёл ва эркаклар, Кўш Ҳаётта ўхшаб, дўзахнинг энг зулмат ва қийиноқли жойига борадилар.

### Нажотни йўқотиш

Юқорида айтилганларнинг бариси, ажойиб тарзда Қўш Ҳаётнинг сиймосига мос келади. Журъатсиз ҳақида нима деймиз? У чиндан ҳам Жейлин билан мулоқотта эга эди, лекин нега охиригача бора олмади? Калом бу ҳақда нима дейди? Ке-

линг, буни Эзекил пайғамбар китобидан ўрганиб кўрамиз:

«Агар ҳақ киши, ўз ҳақлигидан қайтиб, бетавфиқлик қилса ва бетавфиқ одам қиласиган барча жирканчилкларни қилса, у яшайдими? У қилган унинг барча ҳақ ишлари ёдга олинмайди. У ўзининг қилаёттан хоинлиги учун ва ўзининг қилаёттан гуноҳлари учун ўлади» (Эзекил 18:24).

Бу оятдаги бирламчи ва энг муҳим нарса: Худо, ҳақ киши бўлмай туриб, ўзи тўгрисида шундай деб ўйлайдиган эмас, балки чиндан ҳам ҳақ киши бўлган одам ҳақида айтган. Шубҳасиз, бу инсон юқорида айтганимиздек, янглишган ёки ёлғончилар турига кирмайди.

Худо, ҳақ ишлари ёдга олинмайди деб айтган. У худди ҳеч қачон бўлмагандек, уни унугиб юборади. Худо бизнинг гуноҳларимизни унугиб юборади деганимизда, У шарқ ғарбдан қанчалик узоқда бўлса, уларни ҳам шу тарзда, унугилиш денгизига улоқтиради. У шундай деб таъкидлаган: «Чунки Мен уларнинг ноҳақликларига нисбатан раҳм-шафқатли бўламан ва уларнинг гуноҳларию қонун-бузарликларини бошқа эсга олмайман» (Ибронийлар 8:12). Биз Исони Раббим деб қабул қиласанимизда, Худо бизнинг гуноҳларимизни унугиб юборади. Шайтон бизни алдашга уринади, аммо Худо уларни бошқа эсга олмайдан дейди.

У бизга ҳеч қачон гуноҳ қилмаган одамдек қарайди. Нима ҳам дердик, бунинг акси ҳам худди шу қоида бўйича қуррилган. Агар Худо инсоннинг ҳақ ишларини ёдга олмайман деса, У қачонлардир уни билганини унугиб юборади, чунки ўртадаги гуноҳ ҳамма муносабатларни барбод қиласи.

Келинг, ўз нажотидан тез-тез узоқлашиб турадиган имонли ҳақида Калом нима дейишини кўриб чиқамиз. Ҳаворий Ёқуб ёзган:

«Биродарларим! Агар сизлардан бирор киши ҳақиқатдан узоқлашиб кетса ва уни кимдир яна тўғри йўлга қайтарса, билсинки, гуноҳкорни сохта йўлдан қайтарган киши унинг

жонини ўлимдан қутқарган ва кўп гуноҳларини қоплаган бўлади. Омин» (Ёкуб 5:19,20).

Аввало, ушбу сўзга эътибор бериш зарур: «Биродарлар! Агар сизлардан бирор киши...» Ёкуб шунчаки ўзини, номига масиҳий деб ҳисоблайдиганлар ҳақида гапирмаяпти. У ҳақиқатдан узоқлашган имонлилар ҳақида айтяпти. Каломнинг ушбу матнида бундай биродар гуноҳкор деб аталган. Бу энди у нажотини йўқотганини билдиримайди, балки у ҳамиша гуноҳда яшаётгани ва итоаткорликка қайтиши кераклигини билдиради. Ёкуб тўғридан-тўғри огоҳлантираяпти: агар у нотўғри йўлдан борища давом этса ва Худога (тавба билан) қайтмаса, жони батамом ўлади (жонини йўқотади). Ҳикматлар китобида бунинг тасдиғи бор: «Ақл-идрок йўлидан озган одам ўликлар йигинидан жой олади» (Ҳикматлар 21:16).

Ҳикматлар Худонинг йўлидан озган ва ҳақликка қайтишни истамайдиган кишининг охири – ўликлар диёридан, яъни дўзахдан, сўнгра оловли кўлдан жой олади, деб Ёкубнинг сўзларини тасдиқлайди.

## Ҳаёт Китоби

Янги Аҳдда Ҳаёт Китоби саккиз марта тилга олинган. Повул ва Юҳанно бизга бу китобда исми ёзилганларнинг ҳаммаси, абадийликни Исо Масиҳ билан ўтказишини кўрсатган. Самодан қайта туғилган чоғимиз, бизнинг исмларимиз унга ёзиб қўйилади.

Тўртингчи бобдаги Ефросиниянинг гувоҳлигини эсланг. Ёш қиз ҳаётини Исога бағишлаганида, Ота Худо унинг исмини Ҳаёт Китобига ёзиб қўйди ва деди: «Оиламизга марҳамат!» Повул бирордарлардан бирига ёзган: «Сендан ҳам, са-мимий ҳамкорим, сўрайман: у аёлларга ёрдам бер. Чунки улар мен ва Климент билан, шунингдек, исмлари ҳаёт ки-

тобида ёзилган бошқа ҳамкорларим билан бирга Хушхабарни ёйишда кураштан эдилар» (Филиппиискларга 4:3).

Бунинг бошқа томони ҳам бор: ким Ҳаёт Китобида ёзилмаган бўлса, жонларини йўқотадилар. Қулоқ солинг, Ваҳий китобида нима дейилган: «Кимки ҳаёт китобида ёзилмаган бўлса оловли кўлга ташланди» (Ваҳий 20:15).

Юҳанно буни янада маънодор тарзда таърифлаб, Худонинг манту шаҳрига «Faқатгина Қўзининг ҳаёт китобида ёзилганлар кирадилар» (Ваҳий 21:27), дейди; қолганлар ўликлар диёрига боради.

Исо Ваҳийда (3 боб) шаҳарга, йўқолган одамлар гуруҳига ёки бутпарастларга мурожаат этмаяпти. Йўқ, У чиндан ҳам Унга тегишли бўлганларни огоҳлантиряпти: «Фолиб келадиган оқ кийимларга бурканади, унинг исмини ҳаёт китобидан ўчирмайман. Мен унинг исмини Отам ва Унинг фаришталари олдида эътироф этаман» (Ваҳий 3:5). Унинг сўзлари Кенгайтирилган таржимада шундай деб ёзилган: «Унинг исмини Ҳаёт Китобидан ўчириб ташламайман ва йўқ қилмайман».

Ўчириш сўзига эътибор бердингизми? Ислами Ҳаёт Китобидан ўчириш учун аввал унга ёзиш керак. Фақат Исо Масиҳга бўлган имони орқали, чинакамига осмондан қайта туғилган кишиларнинг исми у жойда ёзилади. Ҳеч қачон чин дилдан Исони Рabbим деб қабул қилмаган имонсизларнинг, ҳатто алданган кишиларнинг исмлари ёзилмайди, бинобарин, уларни ўчириб ҳам бўлмайди. Гап «оила аъзолари» ҳақида боряпти.

### **Хушга келтирадиган очиқлик**

Йигирманчи асрда Худога қарийб етмиш йил содик бўлиб хизмат қилган бир хизматкор яшаган. Унинг Масиҳ Танасига кўрсатган таъсири маҳобатли бўлиб, унинг босиб чиқарилган китоблари сони 65 миллионта, у ташкил-

лаштирган Муқаддас Китобни ўрганиш мактабларини 20 000 та талаба битирган.

У бу ҳақда китобларининг бирида ёзган. 1952 йил унга Каломдан ваҳий берид, Исо намоён бўлган. Раббий ваҳийда унга таниш бўлган бир чўпоннинг хотинини кўрсатган. Ўша аёл, бундан сал олдин, унинг қобилиятлари ва чиройи хизмат йўлида беҳуда сарфлангани ҳақидаги ёлғонга ишонган экан. Вақт ўтиши билан у дунёда эриша олиши мумкин бўлган шараф, машхурлик ва бойлик ҳақидаги фикрларга берила бошлаган. Ниҳоят, у васвасага чидай олмай, эридан ажралиб, ўзи орзу қилган баҳтни излаб кетган.

Раббий бу хизматкорга қатъий тарзда: «Бу аёл менинг қизим эди», деб айтган, сўнг у аёл учун бошқа ибодат қилмасликни буюрган. Кейинги айтилган сўзлар тўғридан-тўғри унинг китобидан олинган:

«Раббий, у билан нима бўлади энди?» – деб сўрадим.

«У абадий йиги ва тиш ғичирлаши бўлган жойда мангувликни ўтказади», - деб жавоб берди У. Мен ваҳийда, унинг дўзах қарига равона бўлаётганини кўрдим. Унинг даҳшатли фарёдини эшитдим.

«Бу аёл Сенинг фарзандинг эди, Раббий. У Сенинг Руҳинг билан тўлган ва хизматларда иштирок этган эди. Шунга қарамай, Сен у учун ибодат қилма, деяпсан. Мен буни тушуна олмаяпман!»

Раббий менга қўйидаги оятларни эслатди: «Агар ким ўз биродарини ўлимга сабаб бўлмаган гуноҳ қилиб юрганини кўрса, у учун ибодат қилсин. Шундай қилиб, агар биродарининг гуноҳи ўлимга сабаб бўлмаса, Худо унга ҳаёт беради. Ўлимга олиб борадиган гуноҳ ҳам бор. Бундай гуноҳ учун ибодат қилинг, деб айтмаяпман» (1 Юҳанно 5:16).

Мен айтдим: «Раббий, мен доимо бу жойда жисмоний ўлим ҳақида гап кетяпти, инсон гуноҳ қилганига қарамай, нажотини йўқотмайди деб ўйлардим. Бу жойда жисмоний ўлим ҳақида ёзилмаган, - Раббий аниқлик киритди. – Сен буни ўзингдан қўшгансан. Агар бешинчи бобни диққат би-

лан ўқиб чиқсанг, у жойда руҳий ҳаёт ва руҳий ўлим ҳақида ёзилганини кўрасан, деди. Бу ерда ўлимга олиб борадиган гуноҳ қилган имонлининг руҳий ўлими ҳақида айтилган, шу боис Мен сенга ўша аёл учун ибодат қилма деб айтдим. Мен сенга бу аёл учун ибодат қилма дедим, чунки у ўлимга олиб борадиган гуноҳ қилди».

«Раббий, бу менинг таълимотимни буткул барбод қилади. Менга буни янада чуқурроқ тушунтира оласанми?» – деб сўрадим. (Баъзида, агар бизнинг таълимотимиз Худонинг Каломига зид бўлса, ундан воз кечиш керак бўлади).

Исо Масиҳ менга Каломдан қуидаги оятларни эслатди: Ибронийларга 6:4-6.

«Зеро бир марта ёритилган, самовий инъомни татиб кўрган, Муқаддас Руҳга дахлдор бўлган, Худонинг эзгу сўзини ҳамда келажак оламнинг қудратларини татиб кўрган ва бундан кейин имондан қайтганларни тавба орқали яна янгилашнинг имкони йўқдир. Чунки бундайлар Худонинг Ўғлини ўzlарида яна хочга михлаб, Уни масхара қиласдилар».

Келтирилган матнда эътиборимизни қаратишимиз зарур бўлган, айрим нарсаларга таъриф берилган. Биринчидан, инсон самовий инъомни тотди ва ундан еб кўрди. Бу Исо Масиҳни қабул қилганларга қаратилган, чунки Унинг Ўзи Самовий инъом ҳисобланади. Иккинчидан, у Муқаддас Руҳга дахлдор бўлган. Бу Руҳнинг инъомларини, Худонинг мойланишини ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Ушбу матндан, бу ерда самодан туғилган масиҳий ҳамда етук имонли ҳақида сўз бораётганини кўрамиз.

Бу ҳақда ўқиганлардан бир нечта киши олдимга кўз ёшлари билан келиб, улар бир куни Раббийга, Унга хизмат қилишни хоҳламайман деб айттани ҳақида сўзлаб бердилар. Кейинчалик улар ўз гуноҳларига пушаймон бўлиб, тавба қилган эканлар. Улар Каломдаги манашу ва яна бошқа оятларни ўқиб, ўта даражада қўрқиб кетган. Лекин гўдаклар баъзида билимсизлиги туфайли аҳмоқликлар қилиб

қўйишади ва Раббий буни билади. Ибронийларга мактубнинг муаллифи Масихдаги гўдаклар эмас, лекин етук имонилар ҳақида ёзган.

Бу хавотирга тўлган қалбларга хизмат қила туриб, улар ўлимга олиб борадиган гуноҳ қилганида эди (Каломда ёзилгани бўйича), уларда Исо билан яқин муносабатларни янгилаш хоҳиши уйғонмаган бўларди, деб айтдим. Унга чанқоқлигининг ва яхши ҳосил келтириб, чин дилдан тавба қилганининг ўзи, Муқаддас Рух уларни мулоқотга чорлаётганидан дарак беради. Агар улар ҳам Хейгин биродаримизнинг кўрган ваҳийидаги аёлдек, абадийга кетганида, улар Исо билан яқин муносабатлар қуриш ва муқаддас яшашни қайта хоҳламаган бўлардилар.

Биродар кўрган ваҳийда, Исо ўша аёл Худонинг ҳаққоний қизи бўлганини айтган. Бу гувоҳликни ёзган хизматкорнинг ёшлиги, кўпчилик одамлар нажотни йўқотиб қўйиш мумкинлигига ишонмайдиган ва абадият шак-шубҳасиз кафолатланган деб ишонадиган йўналишдаги жамоатда ўтган. Айнан шу боис, у Исонинг сўзларига шундай жавоб берди: «Бу менинг барча таълимотимни буткул барбод қилади». Худонинг қизи бўлган чоғида, унинг исми Ҳаёт Китобида ёзилган. Аммо у охиригача бора олмай, дунёга абадий қайтиб кетди, шунинг учун унинг исми ўчириб ташланди. У ўз ихтиёри билан кетди. Бинобарин, Ибронийларга мактубнинг муаллифи, бундай одам қайта тиклана олмайди, дейди. У икки маротаба ўлди. Аввалига бу аёл ўз гуноҳларида ўлик эди, абадий ҳаётни меърос қилиб олиб, яна гуноҳда ўлди ва абадийга Худодан кетди (Яхудо 12 га қаранг).

Одамлар шундай ҳолгача етгандарида, улар ҳеч қачон яна бир бора самодан туғилмайдилар. Шунинг учун Ибронийларга мактубнинг муаллифи дейди: «...Тавба орқали яна янгилашнинг имкони йўқ». Одамларнинг қайта ва қайта самодан туғилишига умид қилишлари, хато.

Менга такроран айтишга рухсат беринг, айнан ўлимга олиб борадиган гуноҳни содир қилган кишида, ҳеч қачон тавба қилиш ва қайтадан Исога ўзини бағишлиш истаги бўлмайди. Бизни Муқаддас Руҳдан бошқа, ҳеч ким Исога торта олмайди. Олдин чинакам имонли бўлган, кейин ўша биродарнинг ваҳийида таърифланган аёл сингари имондан қайтиб кетган кишидан Исо кетса, У яна қайтиб келмайди. Шу сабабдан Муқаддас Руҳ узоқ сабр-тоқат қилади, У тезда таслим бўлмайди.

### **Зулмат қоронғулиги**

Ҳаворий Пётр бу ҳақда янада ойдинроқ қилиб айтган:

«Агарда улар Раббий ва Қутқарувчи Исо Масиҳни таниб билиш орқали дунёning ҳаромликларидан қутулган бўлиб...» (2 Пётр 2:20).

Биринчидан, келинг, Пётр ким ҳақида айтганини кўриб чиқамиз. Агар одам Раббий ва Қутқарувчи Исо Масиҳни таниб билиш орқали дунёning ҳаромликларидан қутулган бўлса, демак у сўзсиз масиҳийликни қабул қилган. Юқоридаги таъриф олдин айтиб ўтган (Худони биламан деб, аслида ҳаётда бунинг тескарисини кўрсатадиган) адашиб юрганлар ва ёлғончиларнинг тоифасига мос келмайди. Аксинча гап Раббий ва Қутқарувчи Исо Масиҳни таниб билиш орқали дунёning ҳаромликларидан қутулган одам ҳақида бораяпти. У ҳақиқатдан ҳам самодан туғилган кишилар ҳақида айтганига, ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ўқишида давом этамиз:

«...ўша ҳаромликларга яна ўралиб қолиб қайта мағлуб бўлсалар, унда уларнинг сўнгти ахволлари аввалги ахволларидан баттар бўлади. Ҳақлик йўлини таниб билгандан кейин, тан олган муқаддас амрдан юз ўтиргандан кўра, бу йўлни ҳеч билмаслик улар учун яхшироқ бўлар эди. Лекин улар

билан аниқ қўйидаги мақолда айтилганидек содир бўлади:  
«Ит ўзининг қусуғига ва ювилтан чўчқа балчиқда ағнашга  
қайтади» (2 Пётр 2:20-22).

Пётр гуноҳ қуллигига қайтадиган масиҳийлар ҳақида  
айтияпти ва улар Исо Масиҳнинг нажотини ҳеч қачон та-  
ниб-бilmagani улар учун яхши бўлар эди деб, қўшимча  
қиляпти. Улар итоаткорликда ва муқаддасликда яшашдан  
кўра нуқул роҳатда яшашни, ҳирсни ва турмуш ифтихори-  
ни танлайдилар.

Нимага ҳеч қачон ҳақлик йўлини билмагани яхши бўлар-  
ди? Яхудо шу саволга жавоб беряпти: «Уларнинг ҳолига вой,  
чунки улар Қаъннинг йўлидан бормоқдалар, Балъамга ўх-  
шаб, манфаатпарастликка берилиб адашмоқдалар ва Корах-  
га ўхшаб исён қилиб, ҳалок бўлмоқдалар» (Яхудо 11).

Қаън, Балъам ва Корах – ҳар бири, бир вақтлар Худо би-  
лан муносабатта эга бўлганлар, улардан иккитаси, ҳатто хиз-  
маткор ҳам эдилар. Қаъннинг хатоси Худога бўйсунмагани-  
да, Балъамнинг хатоси пулпарастлигида бўлган; Корах эса  
Худо томонидан қўйилган ҳокимиятта қарши исён кўтарган.

Яхудо давом этади:

«Бундай одамлар севги зиёфатларингизда сизларга васва-  
са бўладилар, улар сизлар билан бирга зиёфат қилиб, ўзла-  
рини кўрқмай семиртирадилар. Улар шамол ҳайдайдиган  
сувсиз булатлардир. Улар мева тутмаган кузги дараҳтлар,  
икки марта ўлганлар ва илдизи билан юлиб ташланганлар-  
дир. Улар дengizning жўшқин тўлқинларида ўзларининг  
шармандаликларини атрофга сачратадилар. Улар адашган  
юлдузлардир. Уларга абадий зулмат қоронғилиги тайёрлаб  
қўйилган» (Яхудо 12,13).

Севги зиёфати, биринчи жамоат аъзолари бирга йиғилиб  
овқатланганини, бу билан улар Худога ва бир-бирларига  
бўлган севгисини намоён қилишини билдирган. Севги зиё-  
фатлари одатда Раббийнинг кечлигини қабул қилиш билан

якунланган. Энди ҳушга келтирадиган ҳақиқат: нажотдан қайтганларнинг ҳаммаси ҳам, хизматкорнинг ваҳийидаги аёлга ўхшаб, маҳаллий жамоатдан кетиб қолмайдилар. Айнан шундай одамлар янги имонлилар, заифлар ва ўлгудай яраланишга мойил кишилар учун хавф туғдиради.

Корах бундай одамга мисол бўла олади. У Ҳоруннинг хизматидаги ёрдамчи бўла туриб, Мусо ва Ҳорунга шундай деган: «Сизларга бас, етарли! Бутун жамоа, ҳамма муқаддас ва Раббий уларнинг (ҳаммасининг) орасидадир! Нима учун сизлар ўзларингизни Раббийнинг халқидан юқори қўймоқдасизлар?» (Сонлар 16:3). Унинг таъсиридаги 250 та бошқарувчи ва Истроил жамоасининг 14700 та аъзоси ўлим билан жазоланди!

Яхудо, шу каби васваса келтирадиган, имондан қайтганлар бизнинг орамизда бор дейди. Бундайлар қачонлардир эга бўлган иноятни булғаган ва энди ундан маҳрум бўлганини тушунмай, Худонинг қўрқувини йўқотиб, ўз манфаатлари учун яшайдилар. Корах шундай деган: «Худо ҳаммамиз билан бирга». У ҳам хавфсизликнинг сохта ҳиссига ишонган, бироқ эртаси куни ер ёрилди ва уни дўзахга иргиттанча, тириклиайн ютиб юборди. Бундай одамлар имонлилар билан умумий тилда гапирадилар, аммо Исо ғалабакорларни олиб кетиш учун келганида, уларни топмайди. У нуқсонсиз жамоатни олиб кетиш учун келади (Эфесликлар 5:27 га қаранг).

Яхудо уларни икки маротаба ўлганлар деб атаяпти. Қандай қилиб икки марта ўлиш мумкин? Гуноҳда ўлик бўла туриб, янги туғилиш орқали абадий ҳаётта эришиб, сўнгра тавба қилмаган гуноҳ учун фожиали тарзда қайта ўлиш мумкинми? Ёдингизда бўлса, Ёқуб ҳақиқатдан озган ва бундай ҳода қолиб кетган масиҳийнинг жони ўлишини таъкидлаган. Юҳанно имонлини ўлимга олиб борадиган гуноҳ борлигини айтган. Униси ҳам, буниси ҳам икки марта ўлганларга тегишли.

Яҳудонинг сўзларига диққат қилинг: «...Уларга абадий зулмат қоронғулиги тайёрлаб қўйилган». Зулмат қоронғулиги энг ёмон абадий жазони англатади. Бу Исо Масих Ўзининг қайта келиши ва суди ҳақидаги сўзларидан яққол кўринади:

«Хўжайнин келганида, У бедор ҳолда топган қуллар баҳтлидир! Сизларга ростини айтаманки, у бел боғлаб қулларини ўтқазади ва уларга ўзи хизмат қиласди. Лекин агар ўша қул ўз юрагида: «Хўжайним яқин орада келмайди», – деб, хизматкору чўриларни уришни ва еб-ичиб маст бўлишни бошласа, унда хўжайнин қули кутмаган бир кунда, ўйламаган бир соатда келиб, уни тилка-пора қилиб, унга имонсизлар билан бир қисматни беради. Хўжайнининг иродасини била туриб тайёр бўлмаган, хўжайнининг иродаси бўйича иш тутмаган қул кўп таёқ ейди. Билмай туриб, жазога муносиб иш қилган қул эса озроқ таёқ ейди. Кимга кўп берилган бўлса, ундан кўп талаб қилинади. Кимга кўп ишониб топширилган бўлса, ундан кўпроқ талаб қилинади» (Луқо 12:37,45-48).

Бу оятларда шунаقا кўп нарсалар ёзилганки, шулардан бир нечтасини кўрсатишга рухсат беринг. Аввало, бу одам мажусий ёки гуноҳкор эмас, балки қул бўлганига, эътибор беринг. У хўжайнининг иродасини билган, бироқ унга қарши иш тутган. Буни Жейлин иродасини билмаганлар тоифасига кирадиган ва камроқ жазо олган Мустақилга ўхшатиб бўлмайди. Бу Алданганга ҳам тегишли эмас, чунки у ўзини қул деб ҳисобласа-да, ҳеч қачон Жейлин истаган чинакам қул бўлмаган. Исо Масих, хўжайнининг ўзи уни қулим деб атаган ва хўжайнининг иродасини тўлиқ билган киши ҳақида гапиряпти. Бу одам ихтиёрий равища ўз нажотидан воз кечди.

Бу қул бошқа қул ва чўриларни урганига диққат қилинг. Бу ерда бошқалар ҳисобидан ўзи учун яшайдиган одам ҳақида айтилган. У бир кунни ўйлаб яшайди. У ейди ва ётиб қолгунича ичади, ўзини манфаатларини кўзлайди.

Эслаб кўринг, Яхудо, бошқа имонлилар билан бирга овқатланиб юрадиган, ўзини ўйлайдиган ва Худодан қўрқмайдиган, имондан қайтганлар ҳақида айтган эди. Тақводор кўринишга эга бўлса-да, улар фақат ўз манфаатларини қўзладилар.

Бундай қулга бериладиган жазога келадиган бўлсак, эътибор беринг, уни садоқатсизлар (нажотни қабул қилмаган) ва бир нечта хивич олган қуллар бор жойга юборишиди. У Хўжайнининг иродасини билгани учун, ҳаммадан кўра кўпроқ қалтак ейди. Бу унинг оловли кўл ёки зулмат қоронгулигининг бениҳоя оғир жазосини олишидан дарак!

### **Аччиқ кечиримсизлик**

Бу таъриф (Кўш Ҳаёт сингари) Журъатсизга ҳам мос келади. Журъатсиз Жейлин – кечириш керак деб ўргатганини билар эди, бироқ бундай қилишдан бош тортди. У Тухматта қарши хафа бўлиб юришда давом этди. Ундаги алам бузикликка эшик очди. Биз ушбу оятда ўқиймиз: «Дикқат қилинглар, токи ҳеч ким Худонинг иноятидан маҳрум бўлиб қолмасин, токи бирор аччиқ илдиз пайдо бўлиб, зарар етказмасин ва у орқали кўплар ҳаром бўлмасинлар» (Ибронийларга 12:15).

Янги Аҳдни ўрганиш асосида ва кўп йиллик хизматдаги шахсий тажрибамда, Худо билан яқин муносабатларга интилмайдиган одамлар, энг катта қопқон – кечиримсизликка илиниб қолишини кўрганман. Журъатсизнинг ҳолатида кўрганимиздек, кечиримсизлик турли хил янгилиш эътиқод ва ҳатти-ҳаракатларга эшик очади.

Исо Масиҳ Матто Хушхабарида (18 боб) ўз қулларидан, уларга ишониб топширилган пуллардан қандай фойдалангани ҳақидаги ҳисоботни қабул қилган буюк шоҳ тўғрисида масал айтиб берган. Улардан бири шоҳга ўн минг талант

қарз бўлган. Талант – бу пул воситаси эмас, балки оғирлик миқдори. Бу миқдордан олтин (2 Шоҳликлар 12:30), кумуш (3 Шоҳликлар 20:39), бошқа металл ёки молни ўлчашда фойдаланишган. Масалда талант қарзни назарда тутгани учун, гап олтин ёки кумуш ҳақида сўз боряпти, деб тахмин қилиш мумкин.

Бир талант олтин 75 қадоқ (бир қадоқ - 409,5 гр га тенг оғирлик ўлчови) оғирликда бўлган. Бир киши фақат бир талант олтинни кўтариб кета олган (4 Шоҳликлар 5:23). Ўн минг талант – бу тахминан 750 000 қадоқ ёки 375 тоннага тенг. Шундай қилиб, қул шоҳга 375 тонна олтин қарз бўлган. Мен бу китобни ёзаётганимда, бир унция олтин (28,3 грамм) тахминан 1200 АҚШ доллари турарди. Келинг, ҳисоблаб чиқамиз. Бугунги кунда бозорда, ўн минг талант олтин ўн тўрт миллиард АҚШ долларига тенг келган бўлар эди! Бу одам шоҳга айнан шунча қарз бўлган! Исо Масиҳ бу масалда, у одамнинг қарзи шу қадар кўплигига ва у қарзини қайтара олмайдиган ҳолда эканига ургу беряпти.

Шоҳ қарзини тўлаши учун, уни ўзини ва бутун оиласини қулликка сотишни буюрди. Қул шоҳнинг оёқларига йиқилди ва шавқат сўраб ёлворди, шоҳ эса унга шавқат қилди. У унинг барча қарзини кечирди.

Бу масалда шоҳ Ота Худони билдиришини кўриш мумкин. Қарзи кечирилган одам эса Исо Масиҳ орқали кечиримга эга бўлган кишини намоён этади. Кимгадир зарар етказилганда, қарз юзага келади. Сиз шундай иборани эшитганмисиз: «У бу учун тўлаган?» Кечирим – қарзни бекор қилишдир. Инсон энди озод. Кўриб турганингиздек, бу масалдаги шоҳ Ота Худони, қул эса – Исо Масиҳ орқали Унинг кечиримига эга бўлган инсонни билдиради.

Лекин масал ҳали давом этмоқда: «Бу хизматкор эса ташқарига чиқиб, ундан юз динор қарз олган шериларидан бирини топди. Уни тутиб олди ва ёқасидан бўғиб: —

Мендан олган қарзингни тұла, — деди» (Матто 18:28).

Бир динор – одатда бир күнлик иш ҳаққи. Олайлик, бир динор 100 долларға teng. Юз динор ҳаммаси бўлиб, тахминан 10 000 доллар бўлади. Кўриб турганингиздек, бу кичкина пул эмас.

Ўқишида давом этамиз: «Шунда унинг шериги унинг оёғига йиқилди ва унга ёлвориб: — Менга сабр қил ва сенга ҳаммасини тўлайман, — деди. У эса хоҳламади, лекин бориб, қарзларини тўламагунича шеригини зиндонга ташлади» (Матто 18:29,20). Ўн тўрт миллиард қарзи кечирилган одамга бошқа киши 10 000 доллар қарз бўлган, у қарздорини кечирмаган ва уни тўлашга мажбурлаган. Айтиш жоизки, бир-биримизга нисбатан хафагарчилигимизни, бизнинг Худонинг олдидағи қарзимизга қиёсласак, ўн тўрт миллиард ва 10 000 доллар деган гап! Сиз билан нақадар ёмон муносабатда бўлишидан қатъий назар, буни бизнинг Худога нисбатан бўлган қарзимиз билан тенглаштириб бўлмайди. Балки, сизникидан баттарроқ вазият бўлмайдигандек, туюлиши мумкин. Бироқ сиз Исо Масиҳга нақадар даҳшатли муносабатда бўлганингизни фаҳмламаяпсизми? Айбиз ва пок Қўзи, бизнинг ўн тўрт миллиард қарзимизни тўлаш учун қурбонликка келтирилди!

Кечира олмайдиган инсон, унинг ўзини қанча катта қарзи кечирилганини унугиб қўйган! Исо Масиҳ сизни буюк ўлимдан ва абадий қийноқдан озод қилганини англаш етганингизда, бошқаларни осонликча кечира оласиз.

Оловли кўлда абадий яшащдан ёмонроғи йўқ. У жойдан халос бўлиш имконсиз, қуртлар ўлмайди ва олов учмайди. Худо то Ўз Ўғли Исо Масиҳ орқали бизни кечиргуннича, биз у жойга қараб кетаётган эдик! Агар инсон кечира олмайдиган бўлса, демак у дўзах қанақалигини ҳамда Худонинг севгиси ва Унинг кечиримини фаҳмламаяпти. Келинг, масални ўқишида давом этамиз:

«Унинг бошқа шериклари эса буни кўриб, жуда қайғурдилар ва подшоҳнинг олдига келиб, унга бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини айтиб бердилар. Шунда подшоҳ ўша хизматкорни чақириб олиб, унга: «Эй, ёвуз хизматкор! Мендан сўраганинг учун ҳамма қарзларингни кечирдим. Худди мен сенга раҳм қилганим каби сен ҳам ўз шеригингта раҳм қилишинг керак эмасми?» Шундай қилиб, унинг подшоҳи ғазабланиб, у бор қарзларини тўламагунича, уни қийновчиларга топширди» (Матто 18:31-33).

Исо Масиҳ ушбу масалда имонсизлар ҳақида гапирмаётганига диққатингизни қаратмоқчиман. У шоҳнинг қуллари ёки самодан туғилган имонлилар тўғрисида сўзлаяпти. Бу одам, аллақачон ўз қарзи учун кечирим (нажот) олиб бўлди ва шоҳнинг қули деб аталди. У кечира олмаган одам эса, унинг дўсти эди. Бинобарин, кечиримли бўлишдан бош тортадиган «имонлининг» тақдири унинг бошига тушади, деб фараз қилиш мумкин.

Мен бу жойда ҳайратли нарсани кўряпман. Одамлар Хушхабардаги бошқа барча масалларга изоҳ беришини сўраган. Бироқ Исо бу масални, ҳеч ким сўрамаса ҳам изоҳлаб ўтган. Бунинг сабаби, Исо эшитувчиларга масалнинг мазмунини етказиб беришга уринганига аминман. Бу биринчи навбатда муҳим бўлган фикр, шунинг учун У уларнинг ҳаммаси тушунганига ишонч ҳосил қилишни истаган. Мана унинг изоҳи:

«Шундай қилиб, унинг подшоҳи ғазабланиб, у бор қарзларини тўламагунича, уни қийновчиларга топширди. Шунингдек, агар сизлар юрагингиздан ўз биродарингизнинг гуноҳларини кечирмасангиз, Менинг осмондаги Отам ҳам сизларга худди шундай қиласди» (Матто 18:34,35).

Мен ушбу иккита оятдаги учта муҳим нарсани кўрсатмоқчиман. Биринчидан, кечиришга ожиз бўлган қул, уни

қийновчиларга топширилган. Иккинчидан, у энди аввалги қарзини, 375 тонна олитинни қайтариши шарт ва учинчидан, Худо ҳар бир биродарини кечирмайдиган «имонли» билан айнан шундай йўл тутади.

Келинг, ҳар бир фикрни қисқача кўриб чиқамиз. Биринчиси: қийноқ сўзи, ақл-бовар қилмайдиган оғриқ, жон ва онг талвасаси ҳамда инсон ўз табиий ҳолатини йўқотишини англатади. Қийноққа солувчи – азоб келтирувчи дегани.

Кечиришдан бош тортадиган имонлилар ёвуз руҳлар томонидан азоб чекадилар. Қийноққа солувчиларга дард, тана ва онг талвасасини солишга ҳуқуқ берилган. Хизматларимда тез-тез, чин юрагидан кечирмаган ва хафагарчиликни қўйиб юбормагани учун шифо, юпанч ёки озодлик ололмай юрган одамлар учун ибодат қилишга тўғри келган. Ўз навбатида, бу алам қарийб ҳар сафар Худога нисбатан хафагарчилик ва ғазабга олиб келади. Бундай одамларнинг имони булғанади ҳамда мабодо тавба қилмаса ва кечирмаса, уларнинг охиривой бўлади.

Иккинчи фикр: бу қул ўзининг дастлабки қарзини бериши зарур. Энди у имконсиз ишни қилишга мажбур! Бу қарзни Исо Масиҳ Голгофада тўлади. Сиз бундан ғунжайишингиз мумкин, лекин Исонинг бошқа жойда айтган сўзларини эшитиб кўринг: «Ибодатда турганларингизда, агар бирор кишига қарши даъвойингиз бўлса, кечиринглар, токи сизнинг Осмондаги Отангиз ҳам сизнинг гуноҳларингизни кечирсин» (Макр 11:25).

Исо ким ҳақида гапиряпти? «Осмондаги Отангиз» сўзларига эътибор беринг. Худо гуноҳкорларнинг Отаси эмас, У гуноҳкорлар учун Худо ва имонлилар учун Отадир. Имонсизлар ибодат қилмайдилар. Шундай қилиб, У Худонинг фарзандлари ҳақида гапираётгани бутунлай равшан кўриниб турибди.

Келинг, давом этамиз. «Агарда кечирмасангизлар, сиз-

ларнинг Осмондаги Отангиз ҳам сизларнинг гуноҳларин-гизни кечирмайди» (Макр 11:26). Бундан аниқроқ айтиб бўлмайди. Бу бизни учинчи фикрга олиб келади. Агар инсонни кечиришмаса, у қайтаришга қурби етмайдиган қарзни тўлашга мажбур. Бунинг имкони йўқ, ҳеч ким Худога ўз жони ёки биродарининг жони учун нарх тўлашга қодир эмас (Сано 48:8 га қаранг). Исо, Отангиз гуноҳларингизни кечирмайди ва абадий қийновчилар қўлига топширади, деб айтяпти. Бизга шу керакми?

Биз ҳозир хафагарчиликни енгиб ўтаётган, кечира олиши учун ибодат қиласётган кишилар ҳақида эмас, лекин Журъатсиз каби, ўжарлик билан кечиришдан бош тортаётганлар ҳақида гапирайпмиз. Эслаб кўринг, ҳикояда унинг кечиримсизлиги шайтоннинг қолган барча ҳаракатларига эшик очди ва у аста-секинлик билан Жейлиндан узоқлаша бошлади. Буларнинг бари абадий ҳалокаттга боришга арзидими? Шу боис Ибронийларга мактубнинг муаллифи бизга ўзимизни яна текшириб кўришга қистаяпти, токи аламнинг ҳар қандай кўринишидан халос бўлайлик, бинорин, кўплар шу туфайли булғандилар.

Исонинг, Жамоатнинг охириги кунлари ҳақидаги сўзлари, бизга энди тушунарли бўла бошлади. У айтган: «Ўшанда кўплар васвасага тушадилар ва бир-бирларини хоинона тутиб берадилар, бир-бирларидан нафратланадилар... Қонунбузарликнинг кўпайиши туфайли кўпларда севги совийди. Охиригача чидаган эса нажот топади» (Матто 24:10,12,13).

Буни қарант, бизнинг кунларимизда «айримлар» ёки «бир нечта» эмас, балки кўпчилик хафа бўладилар. Кўпчилик сўзи катта миқдорни билдиради. Хафагарчилик ёки кечиримсизлик қонунбузарликка олиб келади ва кўп одамларда севги совийди.

Юон тилидан севги, «агапе» сўзи, нажот палласи масихийларнинг юрагига қуйиладиган Худонинг севгисини

билдиради. Исо адашганлар ҳақида айтгани йўқ, негаки улар ҳеч қачон Худонинг севгисини ҳаққоний тарзда қабул қилмаганлар. Йўқ, у чинакам имонлилар тўғрисида айттапти: «Охиригача чидаган нажот топади». Гуноҳкорга ёки ёлғончига: «Охиригача чидаб тур ва нажот топасан», деб бўлмайди, ахир, улар ўзларининг масофасини ҳали бошлангандарни йўқ!

### **Имондан қайтиш**

Калом бизни бутунги кундаги имонлиларнинг орасида имондан қайтганлар бўлиши ҳақида огоҳлантирган. Повул ёзган: «Ҳеч ким сизларни ҳеч нарса билан алдамасин. Чунки имондан қайтиш вақти келмагунич... ўша кун келмайди» (2 Фессалоникикларга 2:3). У яна баспорат қилиб, дейди: «Рух аниқ айтаяптики, охирги замонларда баъзилар алдовчи руҳларнинг ва жинларнинг таълимотини тинглаб, имондан қайтадилар» (1 Тимотийга 4:1).

Нимага? «Чунки шундай замон келадики, одамлар соғлом таълимотга дош бера олмайдилар, лекин улар ўз ҳирсларига биноан қулоқларига ёқимли сўзларни гапирадиган устозларни ўзларига тўплайдилар. Улар қулоқлари ни ҳақиқатдан ўтириб, афсоналарга бурадилар» (2 Тимотийга 4:3,4). Қаранг, юқорида келтирилган оятда Повул улар «имондан қайтадилар» деган. У айтаётган имон, Исо Масихга бўлган ҳаққоний имондир. Агар инсон, бир куни чинакамига ишонган бўлсагина, имондан қайтиши мумкин.

Масиҳийлар имондан қайтиши мумкинлиги тўғрисидаги, айтган ҳақиқатни Янги Аҳддаги қарийб барча муаллифлар ёзиб ўтган. Энди Жамоат оталарининг мулоҳазаларидан келтиришга ижозат беринг, уларнинг айримлари Янги Аҳдни ёзган ҳаворийларнинг ҳамкорлари бўлганлар. Мен уларнинг қўллёэмалари Муқаддас Китобдан ўқиганла-

римизга тұғридан-тұғри мувофиқлигини күряпман.

«Хақынни тәдбиқ қиласыз, токи охирида најот топайлик».

— Римлик Климент

Хаётда, ҳатто буюк яхши ишларни яраттан, лекин йўлининг охирида ёвузликка берилган киши, аввалги барча меҳнатларининг фойдасига эришмайди, бинобарин, у умрининг чўққисида ўз улушкини йўқотди».

— Александриялик Климент

«Баъзилар, Худо, ҳатто энг нолойиқ кишига ҳам, ваъда қилганларини беришга мажбур деб ўйлайдилар. Бундай муносабат билан улар Худонинг сахийлигини қулликка айлантиряптилар... Кейинчалик иноятдан қайтиб кетганлар камми? Бу инъомдан маҳрум бўлиб қолганлар камми?»

— Тертуллиан

«Инсон эга бўлган ҳақлигидан, ажралиб қолиши мумкин».

— Ориген

«Унга итоатсиз бўлган кишилар, меъросдан қуруқ қоладилар ва бошқа Унинг ўғли бўла олмайдилар».

— Лионлик Ириней

Мен Каломдан айтган ҳақиқатларни эшитиб, баъзилар менга унчалик тұғри бўлмаган соволни беришди: «Жон, сен арминианмисан?» Лугатда ушбу сўзга қуидагича изоҳ берилган: «Калвинчиларнинг, олдиндан белгиланган тақдир ва сайланиш ҳақидаги таълимотини рад этадиган Ёқуб Арминий ва унинг издошларининг таълимоти бўйича, инсоннинг эркин иродаси Худонинг мустақиллигига мос».

Мен бундай сўзларга шунчаки жавоб бераман: «Йўқ, мен калвинчи ҳам, арминианин ҳам әмасман, мен Муқаддас Каломга – Худонинг бехато Каломига ишонадиган масиҳийман».

Ёқуб Арминий, мен юқорида сўзларини келтирган Янги

Аҳднинг муаллифларидан ва ҳатто, дастлабки хизматкорлардан ҳам анча кейин яшаган. Бу муаллифларни арминианинлар деб аташ мумкинми? Бундай деб атаб бўлмаслиги, шундоқ ҳам аён, негаки улар Арминийдан анча олдин яшаб ўтганлар. Мен ёзаётган нарсалар, атиги шахсий фикрларим, таълимотим ёки эътиқодим эмас, балки ҳақиқат ҳисобланади. Худо ҳар бир имонлини, етарли даражада, аниқ тарзда огоҳлантирган. Биз мутаффаккирларнинг таълимотига берилишдан эҳтиёт бўлишимиз ва Муқаддас Рух билан руҳлантирилган Каломнинг мазмунини қабул қилишга очиқ бўлишимиз зарур, чунки:

«Бутун Ёзув Худодан руҳланган бўлиб, таълим олишга, фоп қилишга, тўғрилашга ва ҳақлиқда тарбиялашга фойдалидир, токи Худонинг одами баркамол бўлиб, ҳар қандай яхши иш учун тайёрланган бўлсин» (2 Тимотийга 3:16-17).

Қизиги шундаки, Исо томонидан қаттиқ фош этилган сохта бошқарувчилар, одатда маҳсус мактаб атрофида тўпланар ва манашу мактаб услубида таълим берар эдилар. Аммо агар Яҳё Чўмдирувчи, Исо Масиҳ ва бошқа ҳақиқат хабарчилари ҳақида нималар дейилганига қарасак, уларнинг ўртасида умумийликни кўрамиз: «Чунки у уламолар каби эмас, балки ҳокимият Эгасидек таълим берар эди» (Матто 7:29). Шу боис Повул Титусга насиҳат беряпти: «Буларни бор ҳокимият билан гапиргин, насиҳат қилгин ва фош қилгин. Ҳеч ким сени камситмасин» (Титусга 2:15). У Тимотийга ҳам ёзган: «Мен Македонияга кетаётганимда, сен Эфесда қолиб, баъзиларга йўриқ беришингни сўраган эдим, токи улар таълимотдан бошқа нарсаларга ўргатмасинлар» (1 Тимотий 1:3). Повул яна Тимотийга ўргатиб, айтган:

«Сўзни етказ ва воизлик қилгин, бу ишда қулай фурсатми, фурсат эмасми (қулайми ёки нокулайми, одамлар маъкуллайдими, йўқми), саботли бўлгин (тайёр бўл, ёнида бўл), фош

қилгин, тақиқлагин, бутун сабр-тоқат билан таълим бериб насиҳат қилгин (сен Каломнинг воизи сифатида одамларга, уларнинг ҳаётидаги нотўғри нарсаларни кўрсатишинг лозим)» (2 Тимотийга 4:2, Кенгайтирилган таржима).

Повул ўзи ҳақида шундай деган: «Сўзлашим қерак бўлганидек, жасорат билан воизлик қила олайин» (Эфесликларга 6:20). Бу Худонинг барча ҳаққоний даъваткорларига хос сифат. Уларнинг ҳокимиияти Худонинг Сўзига асосланган. Уларнинг шахсий кечинмаларини, қандайдир маҳсус мактабга мансублиги ёки кўпчиликнинг фикри бирлаштирилмайди. Кўпчилик, баъзида хато қилиши мумкин. Худо назарда тутганини гапиради, гапирганини назарда тутишини, билишимиз лозим!

### **Сени қоқилишлардан асрайди**

Одамлар орасида Каломда очиқ-ойдин ёзилган, иноятни йўқотиб қўйиш таълимотидан лол қоладиганлар кўп. Кўпчилик ваҳима билан олдимга келиб: «Мен, бизда абадий кафолат бор деб ўйлагандим!» дейдилар.

Мен жавоб бераман: «Тўппа-тўғри! Бизда мангук кафолат бор! Исо Масих Отасидан олганларининг бирортасини ҳам йўқотмайман, деган (Юҳанно 18:9 га қаранг), чунки У бизни ҳеч қачон ташлаб ва қолдириб кетмайди. Бироқ У сизлар Мени ташлаб кетмайсизлар ва йўқолиб қолмайсизлар демаган. Бундай сўзлардан сўнг, улар ҳар сафар таажжубланиб қоладилар, шунинг учун уларга дейман: «Агар сиз чинакамига Исо Масихни севсангиз, кетмайсиз-ку? Сиз ҳақиқатдан ҳам севсангиз, Ундан воз кечмайсиз!»

Сиз Худони севсангиз, Унинг амрлари бўйича яшащдан қийналмайсиз! Агарда Худога хизмат қилиш сиз учун мажбуриятта айланган бўлса, демак, сиз қонунчилик муносабатларига йўл қўйгансиз, бундай ҳолатда Унинг амрларини сақлаб

қолишиңгиз жуда қийин. Биз Худога Үндан таҳсин олиш учун эмас, балки Уни севганимиз учун хизмат қиласы!

Яхудо бизга жамоатда фарзийлик хамуртуруши бўлган тақдирда ҳам, қандай қилиб севгини бошидагидек сақлаб қолиш йўлларини санаашда давом этади. У шундай деган: «Абадий ҳаёт учун Раббимиз Исо Масиҳнинг раҳм-шафқатига кўз тутиб, ўзингизни Худонинг севгисида сақланглар» (Яхудо 21). Биз Раббийни ҳар сонияда кутишимиз лозим (ёдингиздами, айбланган қул хўжайинининг қайтиб келишини кутмаган эди!). Биз Унга ташна бўлишимиз ва Уни доимо излашимиз зарур, токи У Ўзини янада кўпроқ очсин, чунки «Масиҳга шундай умидга эга бўлган (Исо Ўзини очшига умид қилган) ҳар бир киши ўзини поклайди, чунки У покдир» (1 Юҳанно 3:3).

Сиз Уни излаганингизда, Унинг Руҳи билан мулоқотда бўлганингизда, кетишини истамайсиз. Шундай қилиб, хавотирга ўрин йўқ. Яхудо мактубининг якунида, менга энг ёқадиган ваъда бор. Исо Масиҳнинг ваҳийларини кутиб, ўзини Худонинг севгисида сақлайдиган кишига, У дейди:

«Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шуҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шуҳрат, улутворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин» (Яхудо 24,25).

Мен ҳам сизларга шу нарсани тилайман ва сизлар учун ибодат қиласман!

## 7 БОБ

# ПОЙДЕВОР

*Хақ одам абадий пойдевор устидадир*  
— Ҳикматлар 10:25

**А** фабел тўғрисидаги ҳикоямизга қайтишдан ҳамда Ҳудбин ва Саховатнинг суди, шунингдек мукофоти нима бўлганини билишдан аввал, охирги учта бобда айтиб ўтганларимизга нуқта қўямиз. Тўртинчи бобда айтилган оятни эсланг:

«Шунинг учун Масих бошлангич таълимотини қолдириб, баркамолликка шошилайлик. ...абадий ҳукм ҳақидаги таълимотнинг асосини солиб ўтирумайлик» (Ибронийларга 6:1,2, Кенгайтирилган таржима).

Абадий ҳукм ва жазо ҳақиқатларини мустаҳкам пойде-ворининг етишмаслиги Масихда соғлом ҳаёт қуришга тў-сиқ бўлади. Бу ҳолат бошлангич синфларда оддий билим ҳисобланган, ўқиши билмай, олий маълумот олишга ури-нишга ўхшайди.

Бу нега шундай? Хушхабарни диққат билан ўргансангиз, Исо самодан кўра дўзах хақида кўпроқ гапирганини кўра-сиз. У бизга пойдевор – Ҳудонинг қўрқувини жойлаш учун шундай қилган. Мана бунга бир мисол:

«Шунинг учун сизлар қоронгиликда айтган ҳамма нарса ёруғлиқда эштилиади, берк уй ичида кулоқقا шивирлаган нарса эса томлар узра эълон қилинади. Сизларга, Менинг дўстларимга айтаманки, танани ўлдириб, кейин бошқа ҳеч нарса қилишга қодир бўлмаганлардан қўрқманглар. Аммо

кимдан қўрқишиңгиз кераклигини сизларга айтайин: одамни ўлдирғандан кейин жаҳаннамга ташлашта қодир Бўлгандан қўрқинглар. Ҳа, сизларга айтаманки, Ундан қўрқинглар!» (Луқо 12:3-5).

Унинг сўзлари кучли ва суяккача етиб боради: абадий ҳукм ва жазо ҳақидаги аниқ тушунчага эришиш орқали, бу сўзлар юракларимизда Худонинг қўрқувини пишиқ қилиб сингдиради.

Буни тушунтириб беришга ижозат беринг. Абадий дўзах жазосини фақат Худо белгилаши мумкин. Бизнинг яширинча айтганларимиз Судда Унинг шарафининг нурида эълон қилинади. Нафақат сўзларимиз, шунингдек ниятларимиз, муносабатларимиз ва ишларимиз ҳам ҳаммага ошкора бўлади. Худонинг қўрқуви эса Ундан ҳеч нарсани, ҳатто энг кучли сирни ҳам яшириб бўлмаслигини бизга ҳар он эслатиб туради. Биз ҳеч нарса Унинг судидан қочиб қутула олмаслигини – Унинг судиadolатли эканини биламиз. Агарда биз аниқ-равshan тушунчага эга бўлмасак, Худо қонунбузарликларимизни сезмайди ёки ҳатто кўрмайди деб, берилмайдиган шавқат ҳақидаги фикрлар билан ўзимизни тинчлантириб юрамиз (Алданган, Журъатсиз ва Қўш Ҳаётлар билан содир бўлганидек), натижада осонликча адашиб қолишимиз мумкин. Биз ҳеч қийинчиликсиз, мустаҳкам имондан қонунсизлик томонга бурилиб кетадиган, буюк оломондан таркиб топган охирги замон одамларининг сафига қўшилиб қолишимиз мумкин.

Бундай пойдеворга эга бўлмаганлар, одамлар қаршисидаги қўрқувдан сирпаниб кетадилар ва қўрқадиган одамларига бутун умр хизмат қилиб юрадилар. Агар биз Худодан қўрқсак, ҳатто босим остида ҳам Унга бўйсунамиз. Мабодо одамлардан қўрқсак, айниқса босим остида, шахсий манфатимизга эришишга интилиб ёки танавий хоҳишларимизга қоқилиб, ўша одамларнинг йўлидан борамиз. Доимий

танага қоқилиб юриш, натижада жиддий оқибатларга олиб келади. Демак, биз абадий ҳукмлар ва жазоларни онгли ра-вишда тушунмасак, Худонинг қўрқувига етарли даражада эга бўлмаймиз, негаки Масиҳнинг ҳукмлари аслида Худо қўрқувининг бир томонидир. Повул бу ҳақда шундай деган:

«Чунки ҳаммамиз танада яшаган пайтимида қилган яхши ёки ёмон ишларга қараб қаримтамизни олиш учун Масиҳнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак. Шунинг учун Худонинг қўрқувини билган ҳолда, бизлар одамларни ишонтироқдамиз...» (2 Коринфликларга 5:10,11).

Повул, Исо юқоридаги оятда айтиб ўтган буюк оқ тахтдаги Суд ҳақида эмас, балки кейинги бобда сўз борадиган, имонлилар устидан бўладиган суд ҳақида айтган. Эътибор беринг, Масиҳнинг ҳукмини Раббийнинг қўрқувига тенглаштиряпти (аслида бу буюк оқ тахтга ҳам тегишли). Дарҳақиқат ушбу оятда ҳукмни тўғридан-тўғри «Раббийнинг қўрқуви» деб номлайпти. Гап шундаки, Раббийнинг қўрқувини ҳукмдан алоҳида ажратиб бўлмайди, Раббийнинг қўрқуви соғлом ҳаётнинг қалитидир.

Пайғамбар Ишаъёнинг сўзларига қулоқ солинг: «Сенинг нажот, донолик ва билимга бой бехатар давринг келади. Раббийдан қўрқиш сенинг хазинанг бўлади» (Ишаъё 33:6).

Муқаддас қўрқув мустаҳкам пойдеворнинг қалити ҳисобланади. Ўтган бобдан эслаб қўринг: Исо, Унинг исми билан мўъжизалар яратган бирталай одамлар абадий жазо олишлари ҳақида айттан. У Матто Хушхабарининг 7-чи бобида уларнинг ийқилишининг сабабини ўша заҳоти тушунтираётган бўлса, ажаб эмас. Уларнинг пойдевори нотўғри эди. Улар ўз тақдирини ҳаёт тўфонларига дош бера олмайдиган, онгидаги далиллар ва юрагидаги имон билан қурганлар.

«Шундай қилиб, кимки Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларни бажарса, уни ўз уйини тош устида (Худонинг мустаҳкам пойдевори... Раббийнинг қўрқуvida) қурган фаро-

сатли одамга ўхшатаман. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, шу уйга ёпирилди, лекин у қуламади, чунки тош устида ўрнатылган эди. Кимки Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларни бажармаса, у уйини қум устига қурган фаросатсиз одамга ўхшайди. Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, шу уйни босиб қўйди ва у қулади. Унинг қулаши эса буюк бўлди» (Матто 7:24-27).

Чидаганлар, охиригача етиб борганлар, маҳкам пойдевор туфайли тўфонларга дош бердилар. Бу пойдевор бизга барқарорликни таъминлайдиган Раббийнинг қўрқуви ҳисобланади. Раббийнинг қўрқуви Худонинг бойликларининг хазинасидир, унда Раббийнинг нажоти, донолиги ва билими яширилган.

### **Раббийнинг қўрқуви**

Раббийнинг қўрқуви нима? Худодан қўрқиши керакми? Асло йўқ, агар биз Раббийдан қўрқсан, унда қай тарзда У билан (У кучли истаётган) яқин муносабатларни қура оламиз? Худованд Истроилнинг олдига, улар билан ҳам, худди Мусо билан эга бўлганидек, муносабатлар қуришга келди ва уларга Ўзини очди. Бироқ ҳалқ қўрқиб, қочиб кетди ва Унга яқинлашишдан воз кечди. Мусо ҳалқча деди: «Қўрқманглар! Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қиласликларинг учун Ундан қўрқиши сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун келди» (Чиқиш 20:20).

Бу сўзлар бир-бирига зиддек, туюлади. Бироқ Мусо Худодан қўрқиши ва Раббийнинг Қўрқуви ўртасидаги фарқни кўрсатяпти. Худодан қўрқадиган одам, Ундан қочади. Одам боғда Худонинг овозини эшитганида нима қилганини эслаб кўринг: у Раббийнинг ҳузуридан яшириниб олди. Бошқа томондан, Раббийнинг қўрқувига эга бўлган киши Худодан ажралиб қолишдан қўрқади. У итоатсизлик қилишдан қочади.

Келинг, Худонинг қўрқувини ўрганишда давом этамиз. Раббийнинг қўрқувига эга бўлиш – Уни ҳаммадан ва ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хурмат қилиш, қадрлаш, эъзозлаш ва севишни билдиради. Бу У севган нарсани севиш, У нафратланган нарсадан нафратланиш деганидир. Унга аҳамиятли бўлган нарса, сиз учун ҳам аҳамиятли, Унга аҳамиятсиз бўлган нарса, сиз учун ҳам аҳамиятсиз. Агар Ундан қўрқсак, биз Унинг сўзи қаршисида эҳтиромда бўламиз, яъни ҳатто бунда маъно қўрмаган пайтимиз ҳам, бизга оғир ёки фойдаси йўқ пайт ҳам Унга сўзсиз бўйсунамиз. Хуллас, Раббийнинг қўрқуви Унинг Сўзига, Унинг йўлларига ва амрларига итоат этишда намоён бўлади.

Калом, Раббийнинг қўрқуви доноликнинг боши дейди ёки бошқача қилиб айтганда: у доноликнинг пойдеворидир. Биз кейинги бобларда чуқур ўрганадиган донолик – бу тўғри вақтда тўғри қарор қилиш қобилияти ва билим. Босим остида қарор қиласидиган кишига, донолик етишмайди, доноликнинг булоги эса Раббийнинг қўрқувидир.

Калом бизнинг ҳаётимизни, уйнинг қурилиши билан таққослаш мумкинлигини айтади: аввал пойдевор қўйилади, сўнгра уйнинг қолган қисмлари қурилади. Биз шундай деб ўқиймиз: «Уй донолик билан қурилиб, ақл билан мустаҳкамланади» (Ҳикматлар 24:3). Биз ҳаётимизни тўғри қарор қилиш қобилиятига таянган ҳолда қурсак, натижада Судда аминлик билан тура олишни берадиган соғлом ҳаётни қурамиз. Ушбу доноликнинг боши ёки унинг асоси – Раббийнинг қўрқувидир.

### **Бизни ортга чекинишдан асрайди**

Масиҳийларнинг юракларида Раббийнинг қўрқуви чуқур илдиз отганда эди, улар Худодан қайтиб кетмаган бўлардилар. Исога бўлган ҳаққоний имонимиздан

узоқлашмаган ва оғиб кетмаган бўлардик. Унинг сўзларига оддий сўзлар деб ёки юзаки қарамаган бўлардик. Биз юракни ёпиб қўядиган, охир-оқибат йиқилишга олиб борадиган гуноҳ билан ўйнашмаган бўлардик (Ибронийларга 3:12-13 га қаранг). Биз яширинча айтилган нарсалар ва қилинган ишлар Ҳукм пайти ҳаммага ошкора бўлишини доимо эсда сақлардик. Худо Йермияҳга Янги Аҳддаги одамлар ҳақида мана нима деганини, эшитинг:

«Улар Менинг халқим, Мен эса уларнинг Худоси бўламан. Мен уларга битта юрак ҳамда битта йўл бераман, токи уларга эзгулик бўлиши ва улардан кейин келадиган фарзандларига эзгулик бўлиши учун улар ҳамиша Мендан қўрқиснлар. Мен улар билан абадий Аҳд тузаман. Шу Аҳдга кўра уларга эзгулик қилишим учун Мен улардан юз ўтирумайман. Улар Мендан кечиб кетмасликлари учун, Мен Ўз қўрқувими ни уларнинг юракларига соламан» (Йермияҳ 32:38-40).

Эътибор беринг, Раббий: «Улар Мендан кечиб кетмасликлари учун Мен Ўз қўрқувими ни уларнинг юракларига соламан» деган. Малайзиядаги хизматда, Худо қўрқувининг Руҳи кучли тарзда намоён бўлганини эслайман. Мен воизлик қилган бино, бутун Шарқий ярим шаридан келган одамлар, библия мактабларининг талабалари, чўпонлар ва бошқа хизматкорлар билан лиқ тўла эди. Хизматнинг якунида кўплар саҳна рўпарасида полга ётиб, ўзини тўхтата олмай йиғлар эдилар.

Муҳит Раббийнинг қўрқуви билан кучли тўлган эди. Мен шунда ўйладим: «Жон Бивер, битта нотўғри ҳаракат қилсанг ёки нотўғри сўз айтсанг – ўлдим, деявер!» Шундай бўлиши мумкин эдими ёки йўқми, билмайман, аммо Янги Аҳдда худди шундай муҳитда нотўғри иш қилган аёл ва эр-как ўлган эдилар. Уларнинг устидан бир лаҳзада содир бўлган ҳукмнинг натижасида: «Бутун жамоат ва буни эшитгандарнинг ҳаммасини буюк қўрқув босди» (Хаворийлар 5:11).

Хизматдан сўнг олдимга Ҳинди斯顿лик эр хотин келиб, дедилар: «Жон биз ичимиизда, ақл бовар қилмас покликни хис этяпмиз».

«Мен ҳам», - деб жавоб бердим.

Кейинги кун эрталаб, меҳмонхонада ўтириб, Каломдан бир оятни кўриб қолдим: «Раббийдан қўрқув софdir – мангу туради» (Сано 18:10).

Муқаддас Рух шу заҳоти юрагимга гапирди: «Люцифер самода Худонинг мойланган, ажойиб ва марҳаматланган улуғловчи фариштаси бўлган. Бироқ у Мендан қўрқмасди, шу боис у мангу турмади».

Айтилганлар устида мулоҳаза юритиб, шундай сўзларни эшигдим: «Менинг тахтимни ўраб турган ва Менинг шарафимни кўрган учдан бир қисм фаришталар Менинг қаршিমда қўрқувга эга эмасдилар, улар мангу турмадилар». Бу очиқликлар мени гангитиб қўйди ва мен яна шундай сўзларни эшигдим: «Одам ва Ҳаво Менинг шарафим ҳузурида юрган эдилар, улар Мен билан мулоқотда бўлардилар, аммо Мендан қўрқмас эдилар. Улар Менинг ҳузуримда мангу қолмадилар».

Раббийнинг қўрқуви бир жойда турғун қолиш учун куч беради. У бизни Худога итоат этишда сақлайди. Имонлилар қуидагича огоҳлантирилган: «Шунинг учун Унинг оромига кириш ҳақидаги ваъда ҳали бор экан, сизлардан бирор киши кечиккан бўлиб чиқмасин, деб қўрқайлик» (Ибронийларга 4:1). Қизиқ, у «севайлик» эмас, «қўрқайлик» деган. Худонинг севгиси эмас, балки Унинг қўрқуви бизни гуноҳга қайтишдан асрайди.

### **Машҳур хушхабарчи**

Мен, беш йиллик муддатининг охириги йилини ўтаётган машҳур хушхабарчини кўришга, қамоқхонага борганимни ҳеч қачон утунмайман. Унинг жиноий иши жамоатчилик-

ка кенг тарқалган ва бир пайтлар, бу Шоҳликнинг номига кўп доф келтирган эди. Нима бўлганда ҳам, у қамоқдалигининг биринчи йили, Раббий билан чинакамига учрашди. Тўрт йил ўтиб, уни кўргани келганимда, уни айтган биринчи сўзи шу бўлди: «Жон, бу қамоқ мен учун Худонинг жозосидан кўра Унинг шавқати бўлди. Агар мен олдингилик яшаб юрганимда, мен дўзахга абадий равона бўлар эдим».

Бу сўзлар билан у менинг диққатимни бутунлай тортди. Мен Худога ўзини бағишлаган, Масиҳнинг ҳаққоний хизматкори билан гаплашаётганимни тушундим. Бу одам ўз хизматини, Исони севгани учун бошлаганини билардим. Унинг Худога интилиши ҳаммага аён бўлган. У хизматининг чўққисида, Раббийдан шу қадар узоқлашиб кетишига қандай ақли етганига ҳайронман. Мен ундан сўрадим: «Исога бўлган севгинг қачон совиди?» У менга қараб, шу заҳоти жавоб берди: «У ҳеч қачон совуган эмас!»

Унинг жавоби мени довдиратиб қўйди ва мен эътиroz билдиридим: «Унда охирги етти йил давомида почтадан фойдаланиб содир этган фирибгарлигинг ва зино – маҳкум бўлишингга сабаб бўлган ишларингнинг бари ҳақида нима дейсан?»

У жавоб берди: «Жон, мен доимо Исони севганман, бироқ охирги пайтларда У менинг ҳаётимда энг юқори ҳокимият Эгаси бўлмай қўйган эди». Кейин мени караҳт қилиб қўйган сўзларни айтди: «Жон, Америкада менга ўхшайдиган миллионлаб масиҳийлар бор. Улар Исони ўзларининг Нажоткори деб атайдилар ва Уни севадилар, бироқ Уни энг буюк Хўжайини сифатида ҳурмат қилмайдилар».

Шу пайт ичимда нур порлади. Бирдан, биз Раббийни севишимиз мумкин, аммо бу севги ўз-ўзича бизни йиқилишдан асраб қололмаслигини тушуниб етдим. Биз Худодан қўрқишимиз лозим. Мусонинг сўзларини эсланг: «Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қилмасликларинг учун

Ундан қўрқиши сизларнинг юзларингиз қаршисида бўлиши учун келди» (Чиқиши 20:20). Люцифер, учдан бир қисм фаришталар, Одам ва охирги кун жамоатларидағи кўпчилик имондан қайтган масиҳилар қилганидек, биз ҳам Худога бўйсунишдан бош тортмаслик ва йиқилмай туриш учун кучни Раббийнинг қўрқуви беради.

### **Ўз нажотимизни амалга ошириш**

Шу сабабли Повул бизга дейди: «Қўрқув ва титроқ билан (ўзларингта умид қилмай, жиiddий эҳтиёткорлик билан, сезгир виждан билан, васвасаларни фаҳмлаб, Худони ранжитадиган ва Масих номининг обрўсини тўқадиган нарсалардан чаппа қараб) ўз нажотингизни амалга оширинглар (ўстиринглар, мақсадларингизга ва комилликка эришинглар)» (Филиппиликларга 2:12, Кенгайтирилган таржима).

Ҳукм куни ҳар бир фикр, сўз ва ишимиз ҳаммага ошкор бўлишини утунмаган ҳолда, ўз нажотимизни эҳтиромдаги қўрқувда ва титроқда амалга оширамиз. Буни англаш, бизга ўзини кўникувчанлик, онг ҳушёрги, сезувчанлик, итоат-сизлик васвасасини енгиш ва Худога номаъқул бўлган барча нарсаларнинг устидан ғалаба қозониш қобилиятини беради.

Қаранг, Повул, нажотимизни севги ва иноят билан амалга оширамиз демаган. Унинг иноятидан қонунбузарликка йиқилмаслигимиз учун Раббийнинг қўрқуви куч беради. Бошқа жиҳатдан, Худонинг севгиси, бизни Худо билан яқин муносабатларимизни бузишга қодир бўлган, қонунчиликдан ҳам асрайди. Худога бўлган севгимиз мақсад ва ниятларимизни қўллаб-қувватлайди, уларга иштиёқ ва тўғрилик ато этади. Соғлом муносабатларга эга бўлиш учун, бизда севгининг буюк қудрати ҳам, Раббийнинг қўрқуви ҳам бўлиши зарур. Шу боис Повул Худони «Самовий Отамиз ва Авва» («Дадажон» деган маънони билдиради) деб атаган»,

шу билан бирга Худомиз – «еб битирадиган олов» ҳамдир (Ибронийларга 12:29). У Севги, шунингдек У Адолатли ва Муқаддас Ҳукмдор. Ундан қўрқмаслик – демак, ийқилишига учраш дегани. Исо тақрор ва тақрор: «...охиригача чидаган нажот топади» (Матто 10:22) деб айтган.

## **Бизнинг таъсири миз**

Абадий ҳукм ва жазо ҳақидаги бошлангич таълимотнинг мустаҳкам тушунчасига эга бўлишимиз кераклигининг яна бир муҳим сабабларидан бири, бу бизнинг бошқаларга кўрсатадиган таъсири миздир. Агарда Худонинг қўрқувига етарли даражада эга бўлмасак, биз Ҳушхабарни бошқаларга сўзларимиз ёки ишларимиз билан бузиб етказмиз, бу ўз навбатида, таъсир ўтказган кишиларимизнинг имондан қайтишига ёки ҳатто ийқилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Пойдеворга эга бўлмаган ҳушхабарчилар, ўқитувчилар, чўпонлар Каломдан фақат ҳаётни қай тарзда баракали, гуллаб-яшнаган ва баҳтиёр қилиш қоидаларини ўргатадилар. Бу қоидалар ҳаётимизга соғлиқ, моддий фаровонлик, тинчлик, муносабатларнинг яхшиланиши ва ҳоказоларни келтириб, бошида мўлжалланган вазифасини баҷаради. Бироқ абадий ҳукм ҳақидаги пойдеворсиз, биз хоч ва Исонинг ортидан боришнинг баҳоси тўғрисида воизлик қилишдан уяламиз. Дўстлар орттириш учун, ҳаётимизни ҳам беришга тайёр бўлишимиз кераклиги ҳақидаги, муҳим нарсани айтмаган ҳолда, воизлик қилишни бошлаймиз.

Агар абадийлик томонидан ҳаракатланмасак, ҳаётга абадийлик нуқтаи назаридан қарашнинг ўрнига, ёлғиз шу ҳаёт дардида умр кечирамиз. Биз одамларни, имон оталаримиз «пойдеворининг меъмори ва қурувчиси Худо бўлмиш шаҳарни кутаёттандек» (Ибронийларга 11:10) яшашни ўрнига, бир кун билан яшашга ўргатиб қўямиз.

Ҳа, бу ҳаётда Худонинг қоидаларига итоатли бўлишнинг эвазига мукофот бор. Биз уларни яхши ўрганганимиз, шунингдек келинг, биз ерда мусофиirlар эканимизни ҳам унутмайлик. Биз ҳаётда мувофақиятга эришишимиз керак, аммо муваффақият бизнинг маданиятимиз талабларига эмас, Самонинг талабларига мос бўлиши лозим. Бизнинг ҳақиқий уйимиз бу ерда эмас. Худонинг ортидан бориш йўлида бу дунёдан воз кечган муқаддаслар қандай ниятлар билан яшапини диққат билан ўқинг:

«Бу кишиларнинг ҳаммаси ваъдаларни олмасдан, аммо узокдангина кўриб, имонда туриб вафот этдилар. Улар кувониб, ўзлари ҳақларида: «Ер юзида ғарибу мусофиirmиз», – деб эътироф этар эдилар. Чунки бундай дейдиганлар ўзларига ватан излаётгандарини кўрсатадилар. Агар улар ўзлари чиққан ватанини фикрларида туттганларида эди, қайтиб боришга фурсатлари бўлар эди. Бироқ улар афзалроқ нарсани, яъни осмондагини орзу қиласр эдилар. Шунинг учун Худо ҳам уларнинг Худоси деб аталмоқдан ор қилмайди, чунки Улар учун шаҳар тайёрлаган» (Ибронийлар 11:13-16).

Худонинг шаҳрини излаган ушбу муқаддасларнинг уйи, китобимизнинг қолган қисмида айтиладиган, Янги Йерусалим эди. Бу шаҳар аҳли, ғалаба қозонгандар деб номланади. Уларнинг мукофотлари, ердаги энг аъло мукофотдан ҳам ақл-бовар қилмас даражада ажойиб бўлади.

# •= МУХОКАМА ҮЧУН САВОЛЛАР =====

## 3 БҮЛИМ: 6, 7 БОБЛАР

1. Сизнингча, Исонинг ортидан боришдан, сизни У билан яқинликдан кўра, кўпроқ қандай манфаатлар ўзига жалб этиши мумкин? Юрагингизни асрарда сизга нима ёрдам бериши мумкин?
2. Имонлилар ўз имонидан қайтишга қарор қилишлари ачинарли ҳол деб ўйлайсизми? Бу нарса ичингизда қарши туйғуни уйғотмайдими? Биз имонли сифатида шунчаки қўрқувда эмас, балки Раббийнинг қўрқувида яшашимиз тўғрисидаги ҳақиқат нурида, ўз жавобингизни мулоҳаза этинг.
3. Матто Хушхабари (18:23-25) да ёзилган шавқатсиз қул ҳақидаги масал устида фикр юритинг. Сизнингча, Худо кечирим масаласига нега бу қадар жиддий муносабатда бўляпти?
4. (Муқаддас қўрқувнинг таъсирисиз) Худонинг шавқатини хотүғри тушуниш, имонлини ёлғонга олиб келишини ўз сўзларингиз билан изоҳланг.
5. Бизнинг абадийлик тўғрисидаги тасаввурларимиз, нафақат бизнинг ўзимизга даҳлдор. Биз бошқаларга ҳам таъсири кўрсатамиз. Сизнингча, Масихнинг ортидан боришда, бош нарсалардан дикқатни олмаган ҳолда, қандай қилиб ердаги баракалар (жумладан, соғлиқ, муваффақият, фаровон ҳаёт) ҳақида ҳам гапириш мумкин?

# **4 БҮЛИМ**



# АФФАБЕЛ ШОХЛИГИ: ИККИНЧИ СУД КУНИ

*...Мен юракларни ва одамларнинг ичини Синовчи эканимни  
билиб оладилар. Сизларнинг ҳар бирингизни қилган ўз  
ишларингизга яраша тақдирлайман.*  
— Ваҳий 2:23 (Кенгайтирилган таржима)

**К**елинг, Худбин ва Саховатлар билан нималар содир бўлганини билиш учун Аффабел шоҳлиги киноясига қайтамиз. Сиз билан, ҳаммага ҳар хил мукофот тегадиган, имонлилар устидан бўладиган суднинг муҳим томонлари-ни ўрганамиз.

## ИМОНЛИЛАРНИНГ УСТИДАН БЎЛАДИГАН СУД

Эндиликлар Буюк залга келган заҳоти, эрталаб суд бўлиб ўтди. Ҳаёт залида Жейлин билан илк бора учрашувни сабр-сизлик билан кутаётган, тахминан беш юз киши йиғилиши-ди. Саховат ҳам, Худбин ҳам кутиб турганларнинг орасидан ўзларининг эски ва янги дўстларини учратиб, улар билан қизгин сухбат қуриб турганларида, залда бирдан шоҳ қўриқ-чилари пайдо бўлишди. Қўриқчилар бошлиғи гурухга муро-жаат этганда, бир лаҳзада гап-сўзлар тўхтатилди.

- Тез орада ўз шоҳингизни кўрасизлар. У ҳар доим сизларни севиб ва ушбу бирлашув кунини кутиб келган. Сиз у билан ҳеч қачон учрашмаган бўлсангиз-да, у сизларни доим кўриб турган. У сизнинг юракларингизга қараган ва ҳосилларингизни синаган. У сизнинг юрак, ният, фикр, ҳис

ва ишларингизни билади, ундан ҳеч нарса яширин қолган эмас. Билиб қўйинг, унинг суди адолатли. Сизларнинг ҳеч бирингиз четда қолиб ёки ажратиб қўйилмайсизлар.

Қўриқчилар бошлиғи уларни Буюк залга қай тарзда кузатиб қўйишлари ва ичкарида нималар содир бўлиши ҳақида йўл-йўриқ берди. Йўл-йўриқларни тутатиб, у эълон қилди:

- Шоҳ Жейлиннинг ҳузурига, биринчи бўлиб, Худбин таклиф этилади. Биз сени унинг олдига кузатиб қўйишимиз учун, олдинга чиқ.

### **Худбин ва унинг устидан суд**

Худбин, Энделнинг ҳокими лавозимида бўлгани боис, уни биринчи бўлиб чақиришларини сезиб турган эди. У шоҳнинг ташқи ер-мулкига етакчилик мансабида бўлгани учун олий ҳимматга эришишига ишончи комил эди. У қадимий Муқаддас Каломда, Энделда содиқ бўлганлар учун, Аффабел шоҳлигида юқори ўрин ва мукофот ҳақида ёзилганини эслади. У Энделдаги ўзининг икки йиллик ҳоким бўлган йилларида, жамият гуллаб-яшнаганини кўрганди. Шунинг учун у дадиллик билан шоҳ билан учрашишга бораради.

Буюк залнинг эшиклари очилди ва Худбинни шоҳнинг ҳузурига кузатиб қўйдилар. Улкан бинонинг улоғворлигидан қотиб қолиб, у зал қарийб лиқ тўла эканини кўрди. Барча йиғилганлар тик турадилар. Худбин, нима учун бўш жойлар қолгани ҳақида ўйлади, бироқ тезгина ўзи учун жавоб топди, сабаби шоҳлик фуқаролари ўриндиқларга ихтиёрий равища ўтиришган.

Ундан катта масофа узоқликда, Жейлиннинг тахти қад кўтариб турагар ва у Худбин тасаввур эта олгандан кўра анча юқори даражада қудратлироқ эди. Унинг яна бир нечта кичикроқ тахтларга ҳам кўзи тушди ва Жейлиннинг ёрдамчилари учун мўлжалланган бўлса керак, деб тўғри топди.



Унинг юраги қотиб қолди – бир нечта тахтлар ҳали бўш эди. Улардан бири унга белгиланганига аминликни ҳис этди.

## Эски дўст

Худбин тахтга қараб бораракан, Энделнинг олдинги со-биқ, энди эса Аффабел фуқароларининг қиёфалари шарафли тарзда ўзгарганини кўриб, қойил қолди. Тахт томон икки қадам кўйиб, залнинг энг охирида ўтирган эски дўстини таниб қолди. Унинг исми Улфатчи эди. У қачондир, Худбин тез-тез кириб турадиган ресторанинг соҳиби бўлган. У гапиришга рухсат олиш учун қўриқчилар бошлигига қаради ва ундан бош тебраниши кўринишида, маъқуллаш жавобини олди.

Худбин дўстининг олдига борди ва улар қучоқлашдилар.  
- Улфатчи, ишларинг қандай? – деб сўради Худбин.

- Мен билан ҳаммаси жойида, – деди эски дўсти, - лекин энди менинг исмим бошқача. Мамнун. Ҳукмдор Жейлин менга янги исм берди, қолаверса, унинг тахти қаршисига келган ҳар бир қулига у янги исм беради. Аффабел биз орзу этгандан кўра ажойиброқ, - деди Улфатчи. – Бу буюк зал чиройли, порлоқ ва ҳашаматли шаҳарнинг кириш жойи холос. Шоҳ – биз билган барча кишилардан кўра энг улуғвор, самимий ва севувчи экан. Агар Энделда, ҳозир билган нарсаларни билганимда эди, бошқача тарзда ҳаёт кечирган бўлардим. Мен кўпроқ шоҳга маъқул ишларни қилган бўлардим. Энделдаги қисқа муддатли умримни арзийдиган тарзда яшаб ўтардим. Агар шундай яшаганимда, ҳозир унга яқинроқ турган бўлардим.


- Сен нимани назарда тутаяпсан? – қизиқиб сўради Худбин. – Сен Энделнинг ажойиб фуқароси эдинг! Сенинг ресторанинг энг яхши ресторонлардан бири эди ва сен кўплаб жамият лойиҳаларига ҳомийлик қилгандинг. Пул йиғиш чоғларида, тез-тез катта қурбонликлар берардинг. Сен Жейлин учун кўп қурбонликларга боргансан!

Улфатчи бошини чайқади:

- Мен буларни мақтov олиш учун қилганман. Бу нарсалар харидорларни жалб қилишини билардим. Менинг ниятим одамларни баракалаш эмас, балки ўз муваффақиятимни мустаҳкамлаш эди. Мен Жейлиннинг сўзларига кулоқ солишим керак эди. У бизга: «Тушлик ёки кечки зиёфат қилганингда, дўстларингни, ака-укаларингни, қариндошларингни ва бой қўшниларингни таклиф қилма, токи улар ҳам сени чақириб, сен ўз мукофотингни олиб қолмагин. Лекин зиёфат қилганингда, қашшоқ, майиб, шол ва кўрларни чақиргин. Улар сенга қайтара олмаганлари учун сен баҳтили бўласан, чунки сен ҳақ одамларнинг тирилишида мукофотингни оласан». Мен бундай тушликларни жамиятнинг фойдасини эмас, балки ўзимнинг манфаатимни кўзлаб уюстирганман. Мен Энделдаги обрўли одамларнинг орасида бўлишни истаганман.

Лекин сен Энделдаги мактаб учун тез-тез қурбонлик бериб турадинг. Наҳотки бу ҳам сенга Жейлиннинг илтифотини бера олмади?

- Мен чиндан ҳам Энделдаги мактаб учун қурбонликлар қилганман, бироқ тадбиркорликдан тушган фойдага мос рашидда эмас. Аслида мен пулларимнинг арзимас қисмини берганман. Фойданинг катта қисмини, синишга учрашдан қўрқиб, йиғиб қўяверганман. Қолаверса, бунга яна «чиройли ҳаёт»га эга бўлиш истаги ҳам қўшилган. Менинг чинакам ниятим, ўзимни ҳимоя қилиш бўлган. Берган бўлсам, виждонимни тинчлантириш учун, майда-чуйда пулларни, берганман. Ўқитувчилар шоҳлик ва муҳтожлар учун қурбонлик қилиш муҳимлиги ҳақида кўп гапирганлари боис, нимадир беришга мажбур эдим. Натижада, барчасини севги ва ачиниш юзасидан эмас, балки мажбурият ва айборлик ҳиссидан берган эканман. – Улфатчи давом этди: - Мен Жейлиннинг, Аффабел шоҳлигини севадиган бева аёл ҳақидаги



мисолини унугиб қўйибман. Ёдингдами, у айтган эди: «Сизларга ростини айтаман: бу қашшоқ бева қутига пул ташланларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ ташлади. Чунки ҳамма ўзининг тўқислигидан ташлади, у эса ўз етишмовчилигида, ўзидағи борини, ҳатто бор егулигини ташлади».

Худбин ўз уйида уюштирган ташриф ва тушликлар ҳақида эслади: у ерда ҳеч қачон камбағаллар ёки ҳатто ўзидан озроқ пули камлар ҳам бўлмаган. Сўнг ер супермаркет қуришга топширилишига қарши бўлганларга, маънавий тонон сифатида беш минг доллар қурбонлик қилганини эслади. Ўшанда у анча катта пул бергандек туолганди, энди эса кам берганидан уялди. Бунинг учун Жейлиннинг олдида қандай ўзини оқласа бўлади?

Улфатчининг сўзлари унинг хотираларини бузди.

- Мен Жейлинга ва унинг халқига чинакамига бағишлиганимда эди, мен кўпроқ вақтимни мактабда хизмат қилишда ўтказган бўлардим. Агар ҳамма ўз қисмини бажарганда эди, юк енгил бўларди, лекин ҳамма юкни бир неча киши кўтариб бораради. Агар ҳамма Жейлиннинг иродасини бажарганида, ҳеч ким керагидан ортиқ куч сарфламаган бўларди. Ўзига бор оғирликни юклаганлар, бу ерда юқори даражада мукофотландилар. Хулоса шундайки, Жейлиннинг шоҳлигига етарли даражада бағишлиганим боис, бор-йўғи виждонимни тинчлантириш учун ўша арзимас қурбонликларни берганман.

Ҳаётим ойнаижаҳонда бошидан охиригача кўрсатилганда, мен унинг шарафи учун яшашдан кўра шахсий қулайлик, хавфсизлик ва нуфузим учун яшаганим ҳаммага аён бўлди. Энди мен бу шаҳарнинг энг кичик фуқаросиман. Шу ҳолатимга қарамай, шоҳнинг менга бўлган севгиси ва эзгулиги учун миннатдорман. Аслида менга берилганларининг бирортасига ҳам лойиқ эмас эдим. Сенинг ўзинг яқинда, Жейлиннинг севгиси ва сахийлиги, ҳар қандай тушунчадан

юқори эканига амин бўласан. Мен ҳаётимнинг охиригача унинг чексиз меҳрибонлиги учун қарздор бўлиб қоламан.

- Энг кичик фуқаро! – шоқда ҳайқирди Худбин. – Сен бу ердаги одамлар табақаларга бўлинган, демоқчимисан?

Улфатчи жилмайиб, деди:

- Ҳа, қандайдир маънода шундай. Бу ҳақда бизга Энделда айтилган эди, бироқ биз буни жиддий қабул қилмаганимиз. Ичимиизда барибир, бу нарсани билардик: сен ҳатто шу залга киришингда ҳам, бу ҳақда уйладинг. Мен сенинг фикрларингни эшигдим, сен тахтни эгаллашни кутаяпсан. Сен буни мактабдаги машғулотларда ўтилган, қадимий Каломдан биласан. Бироқ сен Энделда яшаганингда бунга ишонмаганингни бугун тан олишингта, шубҳам бор.

Бизнинг Энделда кечирган қисқа вақтимизда, Жейлинга содик бўлган бошқарувчилар ва фуқаролар, ушбу жамиятда янада қизиқарлироқ ўринларни эгалладилар. Улар шаҳарнинг энг чиройли жойларида яшаяптилар ва шоҳ билан кўришиш шарафига сазоворлар. Энделда биздек ўзи учун яшаганларга шаҳарнинг ташқи томонидан жой берилган. Бу бино ичидаги қандай саф тортганимиздан ҳам кўриниб турибди. Залнинг орқа қаторларида ўтирганлар – адирларда яшовчилардир. Уларга энг фаол меҳнат белгиланган. Биз шоҳликда энг аҳамиятсиз ўринни эгаллаганимиз. Ўрта қаторда ўтирганлар тогда яшайдилар ва кўпроқ ижодкорлик лавозимида фаолият юритадилар, биринчи қаторда ва тахтларда ўтирганлар эса шоҳлик марказида яшайдилар. У жойда шоҳнинг ўзи ҳам яшайди ва уларга шоҳнинг ёнида яшаш ҳамда меҳнат қилиш имтиёзи берилган. Булар шоҳликдаги буюк одамлар ҳисобланади. Дўстим Худбин, Жейлин –adolatli ва севувчи ҳукмдор эканига шубҳаланма. Сенга бугун бериладиган нарсаларнинг ҳаммаси ҳақиқий мукофот ҳисобланади. У шавқатли бўлмаганда эди, ҳеч ким шу шоҳликдаги энг аҳамиятсиз кўринган жойига ҳам келолмаган бўларди, - деб сўзларини тутатди Мамнун.



У буларни айттагач, ўз жойига қайтиб борди. Қўриқчиларнинг бошлиғи Худбинга, йўлида давом этишга ишора қилди.

## Машҳур ўқитувчи

Худбин олдинга қараб яна бир неча қадам кўйган эдики, яна бир таниш қиёфани кўриб қолди. Бу одам у хурмат қиласидиган, Рағбатчи эди. У мактаб ўқитувчиси бўлиб, Худбин уни атоқли инсон деб биларди. У доимо ўз фикрларини ба-тафсил ифодалар, билимларини бошқалар билан бўлишар ва Худбинни ўз нутқлари билан руҳлантиради. Бу ажойиб ўқитувчи, дарс берганида талабалар илҳом ва ўсишни ҳис этардилар. Бошқа ўқитувчилар ҳам, ўқувчиларни кайфиятини кўтарарди, лекин вақти-вақти билан улар ўта даражада жиҳдий туюлар, уларнинг сўзлари оғир танбеҳни сезишга маъжбур қиласарди. Рағбатчининг дарсларида ҳеч қачон бундай нарсалар содир бўлмаган. Шунинг учун у Худбиннинг энг севимли ўқитувчиси эди.

Худбин қўриқчилар бошлиғидан, собиқ ўқитувчиси билан гаплашиш учун қайта рухсат сўради. Қўриқчи рухсат тариқасида яна бошини чайқади. Худбин Рағбатчининг олдига келди ва улар бир-бирлари билан илиқ саломлашдилар.

Худбин унга савол беришдан ўзини тийиб тура олмас эди:

- Нега сен бу энг орқа қаторда ўтирибсан?

- Бу менинг ҳолатим ва менинг жойим. Мен Аффабелдаги энг кичик фуқароман. Мен адирда яшайман ва сувчи бўлиб ишлайман.

- Нима? – қичқириб юборди Худбин. – Сен мактабда энг зўр ўқитувчилардан бири эдинг! Нега сен энг кичик фуқаро бўлиб қолдинг? Сен тахтда ўтирганларнинг орасида бўлишинг керак.

- Бу буюк йигинда биринчи ўринга ва Жейлиннинг бошқарувчилари орасида бўлишга эришмаганимнинг бир нечта

сабаблари бор! Узоқ гапириб ўтирмасдан, ўзимнинг аҳмоқлигим тўғрисида қисқа қилиб сўзлаб бераман. Ёдингдами, Жейлинга бағишланган одамлар ўзларини қурувчилар билан тенглаштирадилар? Мактабда бизга ҳар йили шу ҳақда ўргатишарди. Энделдаги ўқитувчиларнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири ўқувчиларнинг ҳаётини қуришдан иборат эди. Биз буни сўзлар орқали, шахсий ҳаёт тарзимиз ва ишларимиз билан амалга оширадик. Менга ҳам йўриқчи сифатида шундай буюк имтиёз ва масъулият берилган эди. Мен талабаларга Жейлиннинг қоидаларини ва йўлларини ўргатдим. Шунга қарамай, кўп нарсаларда яхши ўқитувчи бўла олмадим.

Менинг таълимотим бир томонлама бўлган. Мен Жейлин хизматининг, фақат ижобий жиҳатларига ургу берганман. Мен аксарият талабаларни узоқ муддатли оқибатларини ўйламай, фақат муваффақиятга интилишга руҳлантирганман. Уларнинг ҳақиқий мақсади, Жейлинга маъқул бўлиш эканини ўргатмаганман. Мен уларга фақат, ҳаётда муваффақиятга эришиш учун, қандай қилиб шоҳлик қоидаларидан фойдаланиш кераклиги ҳақида таълим берганман. Бинобарин, мен уларни жамиятимиздаги қопқон ва тўрлар ҳақида ҳеч қачон огоҳлантирганман.

Қадимий Каломда, мен Жейлиннинг ҳамма қонунларини ўргатишим шартлиги ёзилган. «Ҳар бир одамни Жейлинга баркамол тақдим қилиш учун ҳар бир одамни ўқитиб, барча доноликларни ўргатиш зарур» эди. Мен таълим берганман, бироқ одамни ўқитиши ва огоҳлантириши учун жон куйдирмаганман. Фоят ижобий устоз бўлиб, соғлом огоҳлантиришларни бермаганман, кўпларни ҳаётини қурганман, бироқ Жейлинга кўп шараф олиб келмаганман. – У бошини эгди. – Уларнинг кўпчилиги энди маҳкум бўлдилар. Худбиннинг юзидағи эсанкирашни сезиб, ўқитувчи яна қайтарди:

- Ҳа, улар ҳалок бўлдилар. Уларнинг кўплари менинг бир томонлама таълимотим шарофати билан, энди лаънатлан-



ган Лоун ерида яшаяптилар. Мен талабаларга уларга керак бўлган нарсани эмас – фақат улар истаган нарсани бердим. Мен шуҳратимни йўқотишни истамасдим. Мана нима учун нотўри таълимот берганман. Мен талабаларнинг заиф ва расво жиҳатларига барҳам бермадим, уларнинг худбин истакларини маъқуллайдиган билимларни бердим, холос.

Қадимий Каломда устозларга берилган огоҳлантириш, ёдингдами: «Улар тинчлик бўлмаганида «Тинчлик», – деб, Менинг халқимни адаштирганлари ва у девор қураётганида, булар уни лой билан сувайтганлари учун Мен уларни шундай жазолайман. Деворни лой билан сувайтганларга уни қулаб тушишини айтгин. Шаррос ёмғир қуяди ва сизлар, тошли дўллар, ёғасизлар ҳамда бўронли шамол уни вайрон қилиб ташлайди». Кўпчилик талабалар ҳаётларини ўткинчи нарсалар билан қурдилар ва уни ҳимоя қилдилар, бироқ мен юрагимнинг тубида, бу деворлар мустаҳкам эмаслигини билиб туриб, уларни огоҳлантирмадим. Мен ҳаммаси жойида бўлмаса ҳам, уларга ҳаммаси жойида деб айтдим. Мен уларнинг танлаган йўлларини маъқуллаб, уларни янада кучли янгиштирудим.

Мен ҳозир Лоундаги ўқувчилар учун қайгудаман. Уларнинг атиги бир нечтаси Аффабелда қолдилар. – Орқасига қараб қўйиб, овозини пасайтириб, пичирлаб давом этди: - бироқ уларнинг кўпчилиги орқа қаторларда ўтиришибди. Улар ўз ҳаётларини бехуда сарфладилар ва уларнинг ҳамма эришган нарсалари, тўғри шу Хукм тахти қаршида ёниб кетди.

- Шу тахт одида ёниб кетди? – Худбин қайта сўради.

- Ҳа, - жавоб берди ўқитувчи. Наҳотки қадимий Каломда ёзилган сўзлар, ёдингда йўқ: «Бу пойдевор устида кимдир олтиндан, кимдир кумуш ва қимматли тошлардан, кимдир эса ёғочу хашак ёки сомондан қурмоқдаки, ҳар бир кишининг иши ошкор бўлади, чунки ўша кун буни кўрсатади. Бу оловда фош бўлади ва олов ҳар кимнинг иши қандай эканлигини

синайди. Агар кимнинг қургани охиригача турса, у мукофот олади. Кимнинг қилган иши ёниб кетса, у зиён кўради. Бироқ ўзи нажот топади, лекин олов ичидан қутулгандек бўлади».

Қадимий ҳаворий айтган пойдевор, бу иккаламиз ҳам яхши билиб турганимиздек, инсон учун Унинг шоҳлигига боришнинг ягона йўли бўлмиш, Жейлиннинг ҳокимиятига бўйсунишдир. Биз чин дилдан унга бағишлиланган бўлсак, манашу пойдеворда қуришимиз лозим.

Ҳаётимдаги қадриятларни қадимий Калом билан ўлчаганда, Жейлиннинг ҳақлиқ талабларини оқламадим ва мен таълим берган одамларга таъсири ўтказишида муваффақиятсизликка учрадим. Мен ўз нуфузимдан талабаларни Аффабел шоҳлигига тайёрлаш учун фойдаланмадим ва кўриб турганингдек, ўз мукофотимни қўлдан бой бердим. Буюк устоз Повулнинг, таъсири ўтказиши керак бўлган одамлар ҳақида айтган сўзларини эсла: «Зеро бизнинг умидимиз, қувончимиз ва мақтов тожимиз ким экан? Раббимиз Исо Масиҳнинг келишида, Унинг ҳузурида бўладиган сизлар эмасми? Чунки сизлар бизнинг шуҳратимиз ва қувончимизсиз».

Мен энди таълим беришни бошлаганимда, Жейлиннинг ҳақиқатларини яхши билардим, аммо ўзимнинг қатъиятсизлигим, бошқаларга маъқул келиш истаги ва ниҳоят, мағуррлигим, мени бошқаришига йўл қўйиб бердим. Орадан кўп вақт ўтмай, мен ўз йўналишидан бошқа томонга бурилиб кетдим. Бошида воизлик қилганим бўйича яшардим. Лекин ҳақиқатдан узоқлашган сарим, Жейлиннинг шахсий ҳаётимга оид огоҳлантиришларини кўздан қочирдим. Мен ўзимни алдаб яшадим. Бу шоҳлиқда машҳурлик ва шуҳратга бўлган назар, Энделдагидан бутунлай фарқ қиласди. У ердаги улуғ саналган нарсалар, бу ерда аҳамиятсиз деб ҳисобланади.

Худбин ўта жиддийлик билан сўради:

- Менинг дўстим, Илҳомчи, Жейлин ҳар бир кишига янги исм беради, деди. Сенинг исминг ҳозир нима?



Устоз жилмайди:

- Менинг исмим Мўмин.

Сўнг у бошини хам қилиб, ўз жойига йўл олди. Худбин кўриқчилар бошлиғига бурилиб қаради ва у эшитганларининг бари ҳақиқат эканини билдириб, бошини тебратди.

Худбин таҳт томон юрди. Энди унда бошидаги дадилликдан ҳеч нарса қолмаганини сезди. У ўз ҳаётини эсларди. У қандай ниятлар билан яшаган эди? У Жейлиннинг шарафи учун шаҳарни бошқарганми ёки ўз худбин шуҳратпарастлигидан келиб чиқиб, ҳаёт кечирганми? У ўз ҳаётини қай тарзда яшаб ўтди? Ҳаёти Жейлиннинг сўзларига мосмиди ёки у ҳам ўзини алдаб яшадими? У бошқаларга ўрнак бўлганми ёки шахсий муваффақияти йўлида, улардан фойдаланганми?

## Ҳоким

Худбин Буюк залнинг ўрта қисми орқали ўтди ва у жойда ўтирган кишилар, агар айтиш жоиз бўлса, басавлатроқ кўринишарди. Ҳар бирининг нигоҳида севги ва самимият бор эди. Уларнинг кўзларидаги нур ва юзларидаги меҳрибонлик ифодасидан, у ўзида озроқ юпанч сезди. Бу унга бағоят далда бўлди, негаки олдинда кутиб турган нарсалар ҳақидаги ўйлар, уни буткул иккилантириб қўйганди.

У таҳтга яқинлашгунча, орадан бутун мангулик ўтиб кетгандек, туюлди. Ҳар янги қадамида, Энделдаги ҳаётининг жиҳатлари янада равшанлашиб бораверди. Ҳокимлигида эришган ютуғи туфайли, унга бошқарувчилик лавозимини таклиф этишларига, ҳали ҳам умидвор эди.

Худбин энди шоҳона кийинган, бошларида тожлари бор бошқарувчилар орасида турарди. Ҳар бири қўлида салтантат ҳассасини ушлаб турардилар. Улар ҳақиқатан, бу буюк шаҳарнинг фахрий фуқаролари эди. Худбин бу одамлар нақадар шарафга тўлиб турганини кўриб, лол қолди.

Уларнинг орасида шаҳар кенгаши аъзосининг котибасини кўриб қолди. «Нега у таҳтда ўтирибди?» – деб ҳайрон бўлди, Худбин. У ҳеч қандай катта нарса қилгани йўқ. Қиз ундан бир йил илгари мактабни томомлаганди. Уни яхши танимасди, чунки қиз доимо ўзини вазмин тутарди.

Қиз бир қадам олдинга чиқди, қўриқчилар бошлиғи унга таъзим қилди. У илиқ табассум билан кўришиб, Худбинни қучиб кўйди.

- Худбин, хуш келибсан. Менинг исмим Сабрли. Жейлин, унинг олдига боришингдан аввал, мен сен билан гаплашишмни сўради. Мен Аффабелдаги унинг ҳокимларидан бириман.

- Ҳоким? Сен қандай ҳоким бўлишинг мумкин? Энделда сен ҳеч нарса қилганинг йўқ. – Унинг сўзлари қўпол ва ноўрин чиққанини англаб, ҳижолат тортди.

Сабрли тўғри тушуниб, бошини иргади.

- Ҳижолат бўлма. Шаҳарнинг ушбу Буюк залида ёлғонга ўрин йўқ. Сен ичингдагини гапирдинг. Энделдагилар шу қадар ўз обрў ва сиймоси учун қайғуардиларки, ўзлари сезмаган ҳолда, беихтиёр ёлғон гапирардилар. Бу ерда сўзлар жуда муҳим аҳамиятга эга, қолаверса, ният ва мақсадлар янада қимматлироқ, модомики улар кўриниб туради. Буни ўзинг билиб оласан, бинобарин ҳар бир сўзинг учун ҳукм қилинасан.

- Ҳар бир сўзим учун? – Худбин ҳайқириб юборди. – Сен ҳар бир сұхбатдаги, ҳар битта сўзни назарда тутаяпсанми?

- Ҳа, - жавоб берди Сабрли, - ҳар битта сўзинг учун. Ҳукмдор Жейлиннинг қадимий Каломидаги гаплари ёдингдами: «Лекин сизларга айтаманки, одамлар айтадиган ҳар қандай беҳуда сўзлари учун ҳукм кунида жавоб берадилар. Чунки ўз сўзларинг билан оқланасан, ўз сўзларинг билан ҳукм қилинасан». Беҳуда сўзлар бу Жейлиннинг табиатига зид бўлган фойдасиз, бекорчи ва аҳмоқ сўзлардир.



- Мен доимо йирик ёлғон ёки әзгу ишларимиз ва улкан ютуқларимиз қаторида айтилган ҳақиқат сўзларимиз учун ҳисбот берамиз, деб ўйлардим. – Бир лаҳза жим туриб, давом этди: - Мени нима кутяпти?

Сабрли жавоб берди:

- Қадимий Калом аниқ-равшан қилиб айтган: «Одам ўз оғзининг ҳосилидан әзгуликка тўяди ва одамга қўлларининг ишига қараб қаримта берилади». Шундай қилиб, сен нафақат ишларинг учун, қолаверса, ҳар битта сўзинг учун ҳам суд қилинасан. Буларга яхши ва ҳатто оғзингдан бехосдан чиқиб кетган, беҳуда гапларинг ҳам киради. Лекин фақат сўзларинг ва ишларинг эмас, шунингдек уларнинг ортида турган ниятларинг ҳам ўрганилади. Яна онгингдаги фикрлар учун ҳам суд бўласан. Ёдингда бўлсин, Жейлиннинг суди адолатли «юрак ва онгни синайди»; унинг ўзи шундай деган: «Мен, Жейлин ҳар бир одамнинг йўлига яраша ва унинг ишларининг ҳосилларига яраша унга қаримтасини бериш учун юракнинг ичига синчилаб қарайман ва ичини текшираман». Нафақат ҳар бир ҳаракат ва сўз синовдан ўтади, шунингдек уларнинг ортида турган мақсадлар ҳам.

Мана нима учун мени таҳтда кўрганингда гангиб қолдинг. Сен мени Энделда аҳамиятга эга бўлган ютуқларимга кўра муҳокама қилдинг. Жейлиннинг суди бошқача, сен буни ҳозир кўришни бошлайсан ва тез орада тўла-тўқисликда кўрасан. Азиз биродарим, сен Энделдаги ҳаётинг учун адолатли мукофот оласан.

Худбин ҳеч қачон бу қадар кескин, шу билан бирга, ниҳоятда севги билан айтилган, унга умуман нотаниш бўлган ҳақиқатни эшитмаган эди. Энди у Жейлиннинг севувчи ва шавқатли ҳукмдор эканини билади. У буни ҳозирнинг ўзида, Жейлиннинг ҳокимидан қисман сезди. Бу севги билан амалга оширилган тузатиш эди. У бирдан, севги одамларга ёқишидан иборат эмас, севги – бу ҳақиқат эканини англаб етди.

Сабрли давом этди: «Шоҳинг сени кутмоқда». Шундай деб, у орқага юрди, қўриқчилар бошлиги эса Худбин тахтга яқинлашиши кераклигини кўрсатиб, бош чайқади. Улар Худбинни пастда, бошқарувчиларнинг тахти ёнида кутиб турадилар.

## **Худбин Жейлиннинг қаршисида**

Худбин улуғвор тахт қаршисидаги майдонга зиналадардан, унга ўргаттанидек, эҳтиёткорлик билан кўтарилди. Сўнгра у тепага қараб, шоҳни кўрди. Бу залда ҳеч ким Жейлин каби ажойиб, улуғвор ва шарафли эмас эди. Унинг зиёси одамни ўзига мафтун қиласи ва ҳайратлантиради. Худбин ҳеч қачон бундай одамни учратмаганди. У шу заҳоти, унинг донолиги ва кучига қарши тура олмаслигини тушунди.

Илк бора Жейлиннинг кўзларига қараб, шоҳ Худбин тасавурига сифас даражада, ғоят мулоим ва бениҳоя даҳшатга солувчи эканини кўрди. Унинг нигоҳи Худбинни тешиб ўтарди, у ўзини ялонғоч сезиб, шоҳнинг кўзидан ҳеч нарсани яшириб бўлмаслигини тушунарди. Худбин суддаги илтифотга бўлган ҳар қандай умидини йўқотди, лекин бу уни бошқа қизиқтирмаади. У ҳозир ҳамма нарсадан кўра ҳақиқатни истарди.

- Менинг шоҳлигимга хуш келибсан, Худбин, - деди Жейлин. – Мен бу фурсатни кутгандим. Сен Энделда менинг халқимга ҳокимлик қилдинг. Сен Аффабелда бошқарувчи бўлишга ва тахтлардан бирига ўтиришга сазовормисан?

У одатда ўзига ишонадиган, ҳеч ҳаяжонланмайдиган одам эди, ҳозир эса унинг тили айланмай қолди. Олдинлари у сардор бўлишдек буюк вазифани бажаришга қодирман, деб ҳисобларди, бироқ охирги гап-сўзлардан сўнг, бу фикр ҳам ёлғон бўлиши мумкин деб ўйлади.

Жейлин яқинроқ тахтларда ўтирган бошқарувчилардан бирига мурожаат этди:



- Худбин, шоҳликнинг фойдасига таъсир ўтказган одамларнинг сони қанча?

Бор-йўғи бир нечта исм айтилди. Бу нарсани эшишиб, Худбин қотиб қолди ва сукунат ҳолатида туради. Шоҳ ўша бошқарувчига яна савол берди:

- Сабрли қанча одамга таъсир қилди?

- Беш мингтадан зиёдроқ кишиларга, шоҳим, - деб жавоб берди у.

- Қанақасига? – ғулдиради Худбин. – У оддий котиба, мен бўлсам ҳоким эдим. Қандай қилиб, биз таъсир ўтказган одамлар сонининг фарқи бу қадар катта?

Жейлин жиддий тарзда деди:

- Мен қанча одамга, шунчаки таъсир ўтказдинг деб эмас, шоҳликнинг фойдасига қанча одамга таъсир ўтказдинг деб сўрадим! – Унинг оҳанги озроқ юмшади, лекин қатъийлигича қолди. – Ҳатто энди Мўмин исми остида танишган, собиқ ўқитувчинг Илҳомчи ҳам сендан кўпроқ одамларга таъсир қилган. Бироқ уларнинг камчилиги мақсадга эришидилар. Шу боис у шаҳардаги бошқарувчилар орасидан жой олмади. Мен айтаёттан таъсир, агар у менинг сўзларим ва менинг шоҳлигимга мос бўлса, Ҳукм вақти бардош беради. – Жейлин бир тўхтаб, давом этди: - Мен сенга Сабрли қай тарзда беш мингдан ортиқроқ одамга таъсир қилганини кўрсатмоқчиман. У мактабга сахийлик билан қурбонлик берар ва бошқа ёрдамларни кўрсатарди. Мактабдан ёрдам олганларнинг бариси унинг ҳисобига ўтказилди.

- Лекин мен ҳам мактабга қурбонлик қилганман.

- Сенинг қурбонликларинг виждонингни тинчлантириш, шахсий шуҳратга эришиш ва уни тиклаш учун қилинган. Сабрли эса одамларни ва шоҳликни севгани учун қурбонлик берган. Сабрли Бешафқат исмли одамни хизматга олиб келди. Ҳозир у Ҳаёт залида турибди, ўз навбатида олдимга келади. Унга Хушхабарчи деган исм берилади, не-

гаки у менинг йўлларимни буюк хабарчиси бўлди. У бир ўзи минглаб одамлар ҳаётига таъсир этди. Унинг таъсири остидаги одамлар ҳам Сабрлининг ҳисобига қўшилди, чунки у Бешафқатни хизматта олиб келган, таълим берган ва уни мактабда қўллаб-кувватлаган.

Худбин Бешафқат ҳақида ҳали Энделда эшитган эди. У Бешафқатни ўз эътиқодида ўтакетган ва ашаддий деб ҳисобларди. Бешафқат шаҳар газеталарида тез-тез мақолалар ёзиб турар ва ушбу мақолаларда, фуқароларда шоҳликка нисбатан етарли даражада бағишланиш йўқлиги ҳақидаги ўз фикрлари билан бўлишарди. У мактабни кенгайтириша қўллаб-кувватлашларини сўраб, кўпчилик энделликларга қўнғироқ қилас ва шаҳар кенгашининг аъзоларига электрон почтадан хат юборарди. Худбин, ер мактаб эмас, супермаркет қуришга топширилиши учун овоз берганида, Бешафқат ўз норозилигини ошкора кўрсатди. Бинобарин, Худбин Бешафқатни унчалик ёқтирасди. У Бешафқат нима учун курашган бўлса, уларнинг барини Жейлиннинг қонуни бўйича қилгани ва Аффабелнинг фойдасини кўзлаганини фаҳмлаб, уялиб турарди. Қандай қилиб у бунчалик кўр бўлган экан?

Жейлин Сабрли қай тарзда Энделда шоҳлик йўлида одамларга таъсир ўтказгани тўғрисида сўзлашда давом этди. У қизнинг, бирга қўшганда улкан натижаларга олиб келган, оддий ишларини санаб ўтди. Сабрли ҳамма билан чин юракдан, дўстона муносабатда бўларди. У муҳтоjlарга сахийлик кўrsатарди. У ҳақиқат йўлида матонатли эди.

Сабрли ҳақида айтиб бўлгач, Жейлин Худбиннинг ҳаётини батафсил кўриб чиқди. Сабрли огоҳлантирганидек, ҳар бир сўз, ҳар бир мақсад ва ҳаракат баҳоланди.

Худбин шоҳнинг номи учун қилган бир талай яхши ишларини кўрди, лекин барибир худбин нияtlари орқасидан қувиб, шахсий хавфсизлигини ўйлаб ва обўусини йўқотиб қўйишдан қайғуриб, амалга оширган қанчадан-қанча



ишлиаридан ғамга ботди. Унинг ҳаёти кўздан кечирилиб бўлган заҳоти, у маҳкум эканини сезди.

- Мен ҳаётимнинг охиригача жазога лойиқман, - деб хитоб қилди у. – Мен Лоунга сазоворман. Тасарруфимда менга берилган масъулиятта эга бўла туриб, жуда кўп нарсани сарфладим, лекин жуда кам нарсани қайтара олдим!

У аламдан ёнар, юзлиридан дув-дув ёш тўкиларди. Ушбу Буюк залга дадилликда кирган бўлса, энди эса чўпга суяниб турарди. Унинг охирги умиди бўлмиш, шафқатга кўз тикарди. У шоҳнинг Лоунга сургунлик жазоси ҳақидаги хукмини эшитишга кўниб турарди.

Бир лаҳзалик сукунатдан сўнг, шоҳ ниҳоят деди:

- Худбин, сен менинг қулимсан, нақадар кўп нарсаларни бехуда сарфлаган бўлсангда, сен менга ишониб ва менинг шоҳлигимга бўйсуниб келдинг. Мен сени севаман ва умрингнинг охиригача менинг шоҳлигимда яшашга таклиф этаман.

Худбин тош бўлиб, қотиб қолди. У кўзларини кўтарди ва яна кўз ёшлари дарё бўла бошлади, лекин энди қайгуданмас, хурсандчилигидан йиғларди. Уни буюк шоҳнинг шавқати меҳрибонлиги учун миннатдорлик тўлдиради. Бир зумда, Жейлиннинг табиати ҳақида барча эшитгандари, кутилмаганда буткул тушунарли бўлиб қолди. Борйўти бир сония олдин, у илгари ҳаёлига ҳам келтирмаган, ҳижолат ва аламни ҳис этиб турганди. У сургун ва жазодан бошқа, ҳеч нарсага сазовор эмас – у маҳкум бўлиши керак эди, унинг ҳаёти бунинг очиқ-оидин исботи эди. Мана энди шоҳ, ўзининг улуғвор шахрида уни кутлаганида, эшитиш мумкин бўлган энг мулојим ва яхши сўзларни эшитяпти. Нақадар буюк шафқат! Қандай ажойиб севги!

Худбин унинг қарийб барча ишлари ёниб кетаётганини кўрар, аммо қулоқларида ушбу сўзлар янграрди: «Мен сени севаман ва ўз шахримда қутлайман». У дўсти Мамнун тўғри айтганини тушунди. Шоҳнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар қандай кутилган нарсадан-да юқори экан.

Шоҳ яна деди:

- Худбин, энди сен бошқа бундай исм билан аталмайсан. Мана мен сенга янги исм бераман. Менинг шоҳлигимда сен Қаноатли деб аталасан. Мен сенга адирда уй ҳозирлаб кўйдим, у ерда сен манзара тасвири рассомчилиги билан шуғулланасан. Сен бу шаҳарда бошқарувчи бўлмасангда, менга ташқи ўлкаларни юритишда кўмаклашасан.

- Сен билан ташқи ўлкаларни юритиш? – қайта сўради Худбин.

- Бу шаҳарда яшайдиганларнинг бариси бошқарувчилар ҳисобланади, - деб жавоб берди Жейлин. – Менинг ўлкаларим бошқа сайёralаргача чўзилган, шоҳлигимда яна кўплаб шаҳарлар бор. Бу шаҳарларнинг аҳолиси Афабел фуқаролари сингари, Энделда бундай тайёргарликдан ва суддан ўтмаганлар. Сен Афабелда бошқарувчилик қилмасанг-да, менга дунё миқёсида ташқи ишларни юритишда ёрдам берасан. Сенинг тўғридан-тўғри вазифанг, Бенджилла континентидаги йигирмата шаҳардаги рассомларни манзара чизишга ўргатиш, хизмат қилиш ва уларни бошқариш бўлади.

Қаноатли бошини эгиб, зор йиғларди. Шоҳнинг эзгулиги ақл-бовар қилмас даражада буюк эди.

Шоҳ стол ёнига бориб, у ердан ниманидир олди ва унинг олдига қайтиб келди. Қаноатли турган жойга тушиб, деди:

- Энди бу мевани ол ва егин.

Қаноатли шоҳнинг қўлидан мевани олди ва уни еди. Мева у ҳеч қаҷон татиб кўрмаган таъмга эга эди. У онтни ва юракни ёруғ қилгандек туюлди. Унинг фикрлари буюк муҳаббатга ва хизмат қилиш истагига тўлиб-тошди. У мевани егунича, илтариғи алами ва ёвуз фикрлари уни тарқ этди. У ўзини янгиланган, баҳтиёр, умид ва имонга тўла ҳис этди. Бир зумда, ўқитувчилари олдин айтган ҳаёт дарахтининг мевасидан еганини англашади. Қаноатлининг юзида кенг табассум ёриши, Жейлин эса бажонидил уни кузатиб турарди.



Сўнгра Жейлин деди:

- Орқангга бурилиб, оиласнгга қара.

Қаноатли шу заҳоти қайрилди. У ҳануз у ердагиларнинг барчаси унинг ҳаётидаги икир-чикирларни кўргани ва эшитганидан ҳижолат чекаётганди. У залдагиларга бурилганида, минбарлар олқишилар ва хурсандчилик ҳайқириги билан жаранглади, мусиқа янгради ва шоҳликнинг аҳолиси рақсга туша бошлади. Қаноатли, бу муҳтарам кишилар унга шу қадар севги ва самимий муносабатда бўлганига зўрға ишонарди. Бу нарса уни Энделдаги барча хатоларидан бутунлай шифолади. Энди у буткул тоза.

Орқасига қайрилиб, Жейлиннинг юзида энг шарафли табассумни кўрди. Сўнг у шоҳнинг кўзига эътибор берди. Улар Қаноатлига буюк севги ва илиқлиқ билан қарабарди, у олдин бунақасини ҳеч қачон учратмаган. Энди у Сабрли ва бошқалар сингари, Жейлиннинг фикрларини эшита оларди: мамнунлик, иқрорлик ва кучли даражада севадиган одамлари учун кўпдан-кўп фаровон йилларни исташи ҳақидати фикрларни. Қаноатли тиз чўқди ва шоҳга таъзим қилди. Шоҳ уни оёғига турғизди ва қаттиқ кучиб, табассум билан деди:

- Хуш келибсан, дўстим.

Кейин Қаноатлини залнинг охирги қаторларидан бирига кузатиб қўйиши, у ўша жойдан унга таниш энделликлар устидан бўладиган судни кузатиши мумкин эди. Энди ҳар бир кўз ёши артилди. Ҳеч қандай қайғу, алам ёки азоб қолмади, ҳамма эски нарсалар ўтиб кетди.

### **Саховат ва унинг устидан суд**

Тонг давом этарди ва мана Саховатдан бўлак, ҳамма Суд залига навбат билан чақирилиб бўлиндилар. У бир ўзи қолган эди. Лекин у зерикишга улгурмади, чунки кутиш залида буюк шаҳар муаллифлари томонидан ёзилган бир талай китоблар борлигини кўрди. Қўриқчилар бошлиғи Саховат-

ни олиб кетиш учун келганида, у «Аффабел йилномасининг иккинчи китоби» ни ўқиётган эди.

- Саховат, сени шоҳинг кутяпти.

Унинг юраги севиниб кетди. У ҳозир бутун умр кўришни истаган ва нақадар кучли севган шахсни кўради. У бу фурсатни кўп йиллар кутган эди ва мана хозир бу фурсат келди. Кўриқчи табассум қилди ва улар биргалиқда залга кирдилар.

Залнинг эшиклари очилиши билан, у кўрганларидан лол қолди. Шунга қарамай, уни кириш жойидан узоқда қад кўтариб турган, Жейлиннинг тахти кўпроқ ўзига жалб этарди. Шу дамдан бошлаб, у фақат шоҳга қарабарди. Саховат залдаги Аффабелнинг шоҳона фуқароларига кўз югуртирди. «Оҳ, қандай шарафли одамлар! – деб ўйлади у. – Наҳотки мен ҳам қачондир уларнинг бирига айлансанм?»

Ўтиб кетаётиб, у ҳамма унга таъзим қилаётганини кўриб қолди. Нима учун бу улутвор эркак ва аёллар унга таъзим қиласптилар? У тахтга яқинлашган сари, бу ажойиб одамларнинг кийимлари нур таратарди. Қандай қилиб, бу одамлар унга таъзим қилиши мумкин?


Уларнинг орасида бир нечта Энделдан бўлган танишларини кўрди. Уларнинг табассуми ҳайрат ва севгини акс эттиради. У тўхтаб, ҳар бирини қучоқлагиси келди, аммо у ҳозир бунинг вақти эмаслигини сезди. У Тошбағри кўриб, ўзини йўқотиб қўйди. Югуриб бориб, уни қаттиқ қучоқлади. У ҳам қувончда турарди.

Тошбағр унга таъзим қилиб, деди:

- Янги уйингга хуш келибсан.

- Тошбағр, нега сен менга сажда қиласяпсан? – деб сўради Саховат. – Мен Худо эмасман, менга сажда қилма.

- Сажда қилиш ва ҳурмат билдиришнинг фарқи бор, - жавоб берди, фуқаро Ярашган. – Ёлғиз ҳукмдор сажда қилишларига лойик, лекин бу шоҳликда, Энделда яхши хизмат қилган кишиларга ҳурмат билдиришади. Бундан ташқари ора-



миздаги бошқарувчиларни ҳам эъзозлаймиз. Энделда ҳурмат қилишнинг аҳамиятини тушунмаган эканмиз. Саховат сен Энделда менга хизмат қилган эдинг. Агар сен шоҳга итот ат этмаганингда, мен бу ердан эмас, лаънатланган Лоун еридан маскан топардим. Аввалам бор, мен шоҳдан қарздорман, бироқ сендан ҳам миннатдорман. Мен умримнинг охиригача сенга бажонидил хизматда бўламан ва ҳурмат қиласман. Саховат, менинг исмим энди Тошибағр эмас. Ҳукмдор Жейлин менга янги – Ярашган деб исм берди. Менимча, шоҳнинг энг шафқат кўрсатган инсони, мен бўлсам керак.

- Ярашган, қандай ажойиб исм! – деди Саховат. Азиз биродарим, сен менга хизмат қилишингга лойиқ тарзда, мен сенга Энделда хизмат қилганим йўқ. Мен буни сени севганим, ҳаётинг ва келажақдаги тақдиринг учун қайғурганимдан қилдим.

- Мен сенга хизматда бўлишим ва эъзозлашимнинг сабаби, сенинг мен учун қилган ибодатларинг. Шоҳ сени ўз ҳиммати билан мукофотлайди. Сен Жейлинга бўлган севгинг боис меҳнатда бўлдинг ҳамда ҳеч нарсани таҳсин ва мукофот учун қилмадинг. Жейлин, унинг севгиси билан бошқаларга хизмат қилганларга марҳаматли. Энделда бўлган вақтда, нафақат унинг мақсадини англаш, қолаверса унинг юрагидан ҳам жой олиш муҳим эди. Сен бу иккала вазифанинг ҳам уддасидан чиқдинг, азиз синглим, юрагингдаги ниятлар менга ҳам ўтди. Мана нима учун Энделда қолган охирги бир хафта давомида, бор қалбим билан кўпларга хизмат қилишга интилдим. Бинобарин, меҳнатим қисқа муддатли бўлмасин, мўл-кўл мукофотландим.

Саховат жилмайди.

- Ярашган, мен сен учун жуда ҳам хурсандман. Мен умримнинг охиригача сенга хизмат қиласман.

- Саховат, сен ҳалитдан Аффабелда узоқ яшаган кишига ўхшаб гапиряпсан, - жавоб берди Ярашган. – Чиндан ҳам биз

бу буюк шаҳарда бир-биримизга хизмат қилиш учун яшаймиз. Аслида бизнинг устимииздан қўйилган бошқарувчиларнинг ўзлари, энг катта хизматкорлар ҳисобланади. Бизга энг қийин вазифа берилган ва биз бундан завқланамиз. Бу ерда ҳамма нарса Энделдагидан умуман бошқача. Бошқарувчилар, уларга хизмат қилишларини ўйламайдилар, аксинча бошқаларга хизмат қилиш имконияти берилганидан қувонадилар. Ҳар битта фуқаро учун энг катта шодлик, аввало шоҳга, иккинчидан, ўзимизнинг ҳамфуқароларга, айниқса, Энделда бизга таъсир қилганларга, ниҳоят, ташқи ўлқадагиларга хизмат қилишдир, тез орада сен ҳам, улар ҳақида билб оласан. Азиз синглим, - якунида деди Ярашган, - мен сен билан фахрланаман. Шоҳингнинг олдига бор. У сени кўриши ва унга қилган хизматларинг учун тақдирлашни истайди.

Шу билан улар яна бир марта қучоқлашдилар ва Саховат кўриқчининг ёнига қайтиб, таҳт томонга йўл олди.

### **Саховат Жейлиннинг қаршисида**

Саховат таҳтта яқинлашиб, Жейлиннинг юзини аниқ кўра олди. У кичик таҳтлар ёнидан ўта туриб, у жойдагиларнинг таъзим қилиб турганини сезмай қолди, чунки у шоҳдан кўзларини узмасди. Унинг басавлат зиёси Саховатни аср этди.

Зиналардан майдонга кўтарилиб, шоҳнинг қаршисида юз тубан йиқилди. Жейлин пастга тушиб, уни оёққа кўтарди. У севги билан деди:

- Саховат, менинг азиз қизим, шоҳликка хуш келибсан. Мен сени шахсан кўриш фурсатини кутган эдим.

- Хукмдор, аслида мен бу фурсатни узоқ кутдим, - деб жавоб берди Саховат. – Сен менинг шоҳимсан. Энди ҳаётимнинг охиригача сенга янада кўпроқ хизмат қилиш учун, ҳузурингда бўйламан деб, умид қиласман.



- Шунда Подшоҳ деди: «Кел ва сенга дунё яратилишидан тайёрлаб қўйилган Шоҳликни мерос қилиб ол. Чунки Мен оч эдим, сен Менга овқат бердинг. Мен чанқаган эдим, сен Менга сув бердинг. Мен мусоғир эдим, сен Мени қабул қилдинг. Мен яланғоч эдим, сен Мени кийинтирдинг. Мен касал эдим, сен Мендан хабар олдинг. Мен қамоқхонада эдим, сен Менинг олдимга келдинг.

Саховат ҳайратдан хитоб қилди:

- Ё, Раббий! Қачон мен Сени оч қолганингни кўриб, Сени тўйдирдим, ёки чанқаганингни кўриб, Сенга сув бердим? Қачон мен Сени мусоғир эканингни кўриб, Сени қабул қилдим, ёки яланғочлигингни кўриб, кийинтирдим? Қачон мен Сенинг касал ёки қамоқхонада эканингни кўриб, Сенинг ёнингга келдим?

- Шунда Подшоҳ унга жавоб бериб: «Сенга ростини айтаман, Менинг шу кичик биродарларимдан бирига нимаики қилган бўлсанг, шуни Менга қилдинг!» — деди.

Унинг халқига қилган хизмати ва унинг қонунларига итоат этгани, худди Жейлинга содиқ бўлиб, хизмат қилганини билдиришини айтди. Унинг бутун ҳаёти кўрсатилди; ҳар бир сўз, ҳаракат, фикр ва юрагининг ниятлари ҳаммага ҳавола бўлди. Ҳаммаси очиқ-ойдин эди: хизмати, мактаб учун қурбонликлари, ҳамфуқароларига кўрсатган севгиси, беғам ва одобдан ташқари ишларда иштирок этишдан бош тортгани. Жейлинга бўлган севгиси туфайли қувғинларга чидагани, ресторон орқали бошқаларга қилган хизматининг меҳнати, адашган жонларга тўғри йўлни кўрсатгани, йўқолганлар учун йиги ва ибодат соатлари, Жейлиннинг қонунига бўйсуниш йўлидаги қатъияти, Жейлиннинг жонкуяр издоши экани учун нуфузли одамлар орасидан чиқарип ташлангани, ҳамфуқароларини ёмонлашга ва гийбатларга қўшилмагани... Рўйхат узундан-узоқ эди.

Саховат, унинг ҳаёти бошқаларга қай даражада таъсир этганини кўриб, лол қолди. Жейлиннинг шарафи учун қил-

ган ишларининг кўп қисми, олдиндан ўйлаб қўйилмаган ва режалаштирилмаган эди. У шунчаки, қадимий қаломдан ўргангандан ҳаёт тарзига батартиб риоя қилиб келарди.

Унинг бир нечта ишлари ёниб кетди. Саховат қўлдан бой берилган имконият ва йўл қўйилган хатолар учун афсусланди. Шунга қарамай, ҳаётининг атиги кичик бир қисмини йўқотди, холос.

### **Саховатга берилган мукофот**

Шоҳ унинг охирги фикр, сўз ва ишларига қараб, унинг ёнида ўтирган кичикроқ ҳокимга мурожаат қилди ва ундан сўради:

- Саховат шоҳликнинг фойдасига қанча одамга таъсир қилди?

Ҳоким жавоб берди:

- Ҳукмдорим, 5183 та одамга, аҳолининг олтидан бир қисмидан сал кўпрогига.

Саховат ҳайратда қолди:

- Наҳотки шунча кўп бўлса?

Жейлин деди:

- Қадимий қаломни эсла, мен «экканингизни мўл қиламан ва ҳақлигининг ҳосилларини кўпайтираман» деб ваъда берганман. Саховат, менинг шоҳлигим кўпайиш қоидаси бўйича иш юритади.

Сўнгра, шоҳ у жамиятда раҳбар қилиб тайинланмаган бўлса-да, қай тарзда бир талай кишиларга таъсир қилиб, итоаткорлик ҳаракатлари кўпайганини икир-чикирларигача батафсил кўрсатди. Тарқалиш доирасининг таъсири ҳайратомуз эди. Жейлин қўшиб қўйди:

- Саховатли инсон тарқатиб юборди, камбағалларга бўлишиб берди; унинг ҳақ ишлари, эзгулиги, меҳрибонлиги ва саҳиyllиги абадий туради!» Менга бўйсуниб яшаган инсоннинг ҳаёти тарқалувчи доира таъсирига эга, бу ҳақда менинг су-



дим қаршиисида турмагунча, бирорта ҳам кишининг ақлига келмайди. Аксарият кишилар майда нарсаларда итоат қилмайдилар, лекин кўпинчада аҳамиятсиздек туулган нарсалар бу шоҳлиқда улуғвор ҳосиллар келтиради. Калит, сенинг ҳар қандай вазиятда намоён қилган итоаткорлигингдир.

Шундан сўнг, Жейлин хитоб қилди:

- Саховат, менинг ёнимда турган, чап томонингдаги бўш тахтни кўраяпсанми?

У жавоб берди:

- Ҳа, ҳукмдорим.

- Сен ўша жойда ўтирасан ва бутун умр мен билан биргалиқда бошқарувчилик қиласан.

Саховат бутқул довдираб қолди:

- Ҳукмдорим, мен бошқарувчиликка лойиқ эмасман. Мен шунчаки ресторанинг соҳибаси эдим. Мендан ҳам истеъдодли одамлар бор. Мен сендеқ улуғвор шоҳ билан қандай қилиб биргалиқда бошқарувчилик қилишим мумкин? Худбин яхши раҳбар эди. Балки у бу жойга ўтирад? Илтимос, менга сен ва халқингга хизмат қилишим учун бошқа иш бер.

- Худбин Буюк залнинг охирги қаторларидан бирида ва у адир деб номланадиган шаҳар туманларида манзара чизувчи рассомлик билан шутулланади. Бундан ташқари, у шоҳлиқнинг ташқи ўлкаларида бошқа рассомларга ёрдам беради, - деб жавоб берди Жейлин. – Менга ва менинг халқимга бўлган севгинг туфайли, сен бошқарувчилар орасида бўласан. Сабр-тоқатинг, содиқлигинг ва кўникувчалигинг сенга мана шундай шарафни берди. Наҳотки қадимий каломда ёзилган сўзларимни билмасанг: «Чунки ўзини юксалтирган ҳар бир киши пасайтирилади (эъзозланган ва мукофотланган кишидан паст бўлади), ўзини пасайтирган (ўзи ҳақида камтарона ўйлайдиган ва ўзини шунга яраша тутадиган) эса юксалтирилади (мансаби кўтарилади)»? Сен нафақат мен билан биргалиқда ҳукмронлик қиласан, қола-

верса сен учун шоҳликнинг марказида, менинг қасрим ёнида, Буюк денгиз қирғогида ҳашаматли уй тайёрлаб қўйганман. Сенинг қанчалик сув ва тўлқинлар шовқинини ёқтиришингни билиб, хоҳишингни амалга оширдим. Мен барча садоқатли қулларимнинг хоҳишларини амалга ошираман.

Саховат бир сўз айта олмай, туради.

Шоҳ қўшимча қиласан:

- Сен шаҳарнинг ўнта туманига ҳокимлик қиласан. Афабел шаҳрининг бир юз йигирмата туманини бошқаридиган яна бошқа ўн битта ҳокимлар бор. Сен мен ва ҳозир таҳтларда ўтирган етмиш еттига ҳокимлар билан биргалиқда елкама-елка ишлайсан. Уларга таълим, ишлаб чиқариш, ўйин-кулгу, санъат ва бошқа соҳаларни бошқариш топширилган. Етмиш еттига ҳоким, мен ва Отам, Афабелдаги ҳаётни кузатиб борамиз ва ташкиллаштирамиз. Сен мени ва одамлар билан боғлаб турадиган бўғин ва ишонган маслаҳатчиларимдан бири бўласан.

Сен мен билан нафақат бу шаҳарда, шунингдек, етмиш еттида ҳоким сингари, шоҳликнинг ташқи ўлкалари устидан ҳам раҳбарлик қиласан. Мен сенга Бенджилла қитъасидаги йигирмата шаҳар устидан ҳокимият бераман. Сен ушбу қитъанинг бош вазири бўласан. Бу шаҳарлардаги барча бошқарувчилар ва маҳаллий халқ сенга бўйсунадилар. Сен эса фақат менга бўйсунасан.

Қаноатли Жейлиннинг ушбу сўзларини эшишиб, синфодши учун қувониб, жойидан туриб кетди. Унда ҳам шоҳликнинг фойдасига минглаб одамларга таъсир этиш имконияти бўлгани, лекин у бу имкониятдан фойдаланмаганидан афуссланиб, қувончи узоққа чўзилмади. У тўғридан-тўғри Жейлин билан ишлаш имтиёзига эга ҳокимлардан бири бўлиши мумкин эди. Унга Афабелда яшашга рухсат берганларидан ҳам миннатдор эди, шундай бўлса-да, Энделдаги қисқа муддатли вақтини бекорга ўтказиб юборганини ва бу қолган бутун 130 йиллик ҳаётига таъсир қилганини тушуниб туради.



Шоҳ қўриқчилар бошлиғига мурожаат этди:

- Менга ғолибнинг тожини ва ҳукмроннинг ҳассасини олиб келинглар.

У тож ва ҳассани олиб, тожни Саховатнинг бошига тақиб қўйди.

- Маъқул! – деб ҳайқирди шоҳ. - Сен яхши қул экансан. Кичик ишда содик бўлганинг учун ўнта туман ва йигирмата шаҳар устидан ҳоким бўлгин.

Кейин Жейлин унга шундай сўзлар билан ҳассани тутди:

- Бундан кейин сенинг исминг Саховат бўлмайди, мен сенга янги исм бераман, сенинг исминг – Севикли Голиба. Холбуки Эндел аҳолисини огоҳлантирган эдим: «Ғолиб келадиганга ва Менинг сўзларимга охиригача риоя қиласидиганга мажусийлар устидан ҳокимият бераман. Худди Men Отамдан ҳокимиятни олганимдек, у ҳам уларга темир таёқ билан чўпонлик қиласи».

Жейлин охирги мева турган столнинг ёнига борди. У мевани Севикли Голибага олиб борди ва деди:

- Азиз дўстим ва ҳамкорим, ҳаёт дарахтининг мевасидан ейишинг мумкин.

Мевани татиб кўриб, Севикли Ғолиба бу дунёдаги энг маҳали мевани татиб кўрган ҳар бир киши каби у ҳам қудратли покланишни ҳис этди. Унга нотаниш бўлган, катта севги ва хизмат қилиш муроди, ақл-бовар этмас даражада ўсиб кетди. У эскидан қолган барча аламдан ва жоҳил фикрлардан покланди. Бутун борлиғи янгиланди. У янти куч келаётганини туйди ҳамда баҳтиёрлик ва имонга тўлди. Севикли Голиба Жейлинга қаради ва табассум қилди. Сўнгра ҳеч қандай сабабсиз, биргалиқда шодликда кулдилар. Бу бутун умр давом этадиган дўстликнинг бошланиши эди.

Жейлин уни тахтга кузатиб қўйди ва деди:

- Севикги Ғолиба, орқангта қайрилиб, оилангта қара.

У ортига қайрилганида, унга гулдирос олқишилар ёғилди. Зал қувончли шовқин-сурон ва рақслар билан тўлиб

кетди. Бу бирорта ҳам бошқа байрамга ўхшамасди. Атрофга шод-хуррамлик ва тантана тарқалди. Севикли Фолибанинг юзида табассум порлар ва у бундай севгини кўриб, ҳаяжонда қолди. Шоҳ уни елкасидан қучиб, хитоб қилди:

- Содиқ ва яхши қул, хўжайинингнинг қувончига шерик бўл. Мана шу жойда бизнинг шоҳ, унинг қуллари ва машҳур Аффабел шоҳлиги ҳақидаги ҳикоямиз ўз ниҳоясига етди.

### **Насиҳат ва огоҳлантириш сўзлари**

Юқоридаги бобларда муқаддаслар устидан суд қандай бўлишининг атиги кичик бир шуъласини кўрдик, холос. Мен буни тўлиқ етказиб бера олмайман, бироқ Масиҳ Судининг шарафи, бу ҳикояда таърифлангандан жуда кўп карра ўзиб кетади. Шундай бўлса-да, кинояда Худо Шоҳлигининг кўп ҳақиқатлари ўз аксини топган.

Ҳикоядаги тафсилотлар, уларнинг ҳақиқат эканига даъво тариқасида ёзилмаган, балки улар ҳақиқатга ургу беради ва унинг маъносини чуқурлаштиради. Исо Масиҳ масал айтганда, ҳақиқатга унчалик аҳамиятта эга бўлмаган тафсилотларга диққатингизни қаратиб ўтирумайсиз, фақат У масал орқали етказаётган фикрни кўрасиз.

Мен ҳам Масиҳнинг мангу Шоҳлигига аълоқадор бўлган муҳим нарсаларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилдим. Китобни ўқиб тутатгач, кинояни яна қайта ўқисангиз, ўтган ва кейинги бобларда Каломдан келтирилган таълимотнинг ўта чуқур маъносини кўришингиз мумкин.

## 9 БОБ

# САМО

*Мен эса ҳақликда Сенинг юзингга қарайман,  
уйғонганимдан Сенинг сиймойингга тұяман.*

— Сано 16:15

**К**елинг, энди ҳақ кишиларнинг охирати ҳақида та-  
пирамиз. Имонсизлар учун дүзах деб номланувчи  
вақтінча сақлаб туриладиган жой ва у ердан охирги ман-  
зил бұлған оловли күл мавжуд бўлганидек, ҳақлар учун  
ҳам иккита маскан бор. Ҳозирда уйни кўплар само деб  
атайдилар, аммо аниқроқ айтадиган бўлсақ, Калом уни са-  
мовий Йерусалим деб атайди. Ҳақ кишиларнинг охирги  
маскани ҳам Йерусалим дейилади, у фақат ерда бўлади. Бу  
шаҳар, якуний суддан сўнг, самодан ерга тушади. Унинг  
номи – Янти Йерусалимдир (Ваҳий 21:2 га қаранг).

## Кўқдаги Йерусалим

«Лекин сизлар Сион тоғига, барҳаёт Худонинг шахри – са-  
мовий Йерусалимга, фаришталарнинг тумонатига, қувноқ  
йигинга, осмонда ёзилган тўнгичлар жамоатига, ҳаммани  
ҳукм қилувчи Худога ва баркамолликка эришган ҳақлар-  
нинг руҳларига, Янги Аҳднинг воситачиси – Исога ҳамда Ҳо-  
билинг қонидан кўра аълороқ гапираётган пуркаш қонига  
яқинлашдингизлар» (Ибронийларга 12:22-24).

Самовий Йерусалим ёки кўқдаги Йерусалим (Галатиялик-  
ларга 4:26), - бу бизнинг ҳикоямизда тақдим этилган Аффабел  
шахридир. У Сион тоғида жойлашган. Унда Ота ва Ўғил, мил-

лиардлаб фаришталар билан бирга яшайдылар. У ерда тантана қилаёттан йигин ва осмонда ёзилган Эски Аҳддаги түнгичлар жамоати ҳамда Масихдаги кеттан ҳақ кишилар бор.

Ундан ташқари бу шаҳарда «комилликка эришган ҳақларнинг руҳлари» маскан қурган. Агар муаллиф Эски ва Янги Аҳддаги, ўз мукофотлари ортидан кеттан муқаддаслар ҳақида аллақачон айтиб ўтган бўлса, унда бу одамлар кимлар?

Ёдингиздами, биз юқоридан туғилганда, бутунлай янги ижодга айландик, бизнинг руҳимиз Масих сингари мукаммал ва биз Унда топилганмиз, дедик. Муаллиф Каломнинг ушбу матнида тана ва жон эмас, балки фақат руҳ ҳақида айтган. Шахсан мен, бу оят Исога шу жойда, ерда хизмат қилган муқаддасларга оид деб ишонаман. Мана бу ҳақда ўйлаб кўринг: «Шундай экан, иноят тахтига жасорат билан яқинлашайлик» (Ибронийларга 4:16). Иноят тахти Худо шаҳрининг қоқ ўртасида жойлашган, таклиф эса бизга, ерда яшаётгандарга тегишли. Масихийлар ҳали ерда яшаётган бўлсада, улар ибодатлари орқали тез-тез таҳтига ташриф буориб туришлари боис, уларни у жойда яхши танишади, дейиш мумкинми?

Ҳар биримизда идрок, иродада ва ҳиссиётдан таркиб топган жонимиз бор, ҳозирда эса танада яшайдиган одамлармиз. Исо Худога сажда қилишнинг ягона йўли, бу «руҳда ва ҳақиқатда» сажда қилиш (Юҳанно 4:24), деган. Повул буни алоҳида ажратиб кўрсатяпти: «Мен Ўғлининг Хушхабаридада руҳим билан хизмат қилаётган Худо сизларни тинимсиз эслеётганимга гувоҳдир» (Римликларга 1:9). Руҳимиз Худонинг суръатида яратилгани ва биз қайта туғилганимиз сабабли, энди ҳар қандай вақт биз эҳтиёж сезганимизда ёки Унга сажда қилишни истаганимизда, Исонинг қони ва Муқаддас Руҳнинг кучи орқали Худонинг таҳтига боришимиз учун йўл очиқ.

## **Самога ташриф буюриш**

Шу дамда күкдаги Йерусалим учинчи осмонда жойлашган. Бу жой, ҳаворий Повул ўз ўлимидан аввал бўлиб қайтган, чиндан бор жой. У шундай деб ёзган:

«Раббийдан олган кўринишлар ва ваҳийларга келаман: Масиҳдаги бир одамни биламанки, ўн тўрт йил илгари – танадами ёки танадан ташқаридами билмайман, буни Худо билади – у одам учинчи осмонга олиб чиқилган эди. Бундай одамни биламан – танадами ёки танадан ташқаридами, билмайман, буни Худо билади – у жаннатга олиб чиқилган эди ва инсонга айтиб бериш мумкин бўлмаган, тил билан ифодалаб бўлмайдиган сўзларни эшитди» (2 Коринфликларга 12:1-4).

Библия изоҳчилари, Повул ўзи ҳақида гапиряпти деб, бир тўхтамга келганлар. Ҳа, айтганча, Янги тирик таржимада шундай дейилган: «Мен ўн тўрт йил илгари учинчи осмонга кўтарилганман». Эътибор беринг, Повул танада бўлган ёки бўлмаганини билмаган. Бу нарсани само чиндан ҳам бор ва у жисмоний мавжуд жойлиги билан тушунтириш мумкин. Мен само – бу одамлар руҳлар каби буғланиб юрадиган, кўринмас фазо, деб ҳисоблайдиган одамларнинг фикрига дуч келганман. Йўқ, бу жисмоний жой. У ерда кўчалар, дарахтлар, ҳайвонлар, бинолар, сув ва бошқалар мавжуд.

Мен Повул сингари, самода бўлиб, қайтган бир неча киши билан шахсан танишман, лекин сизга шулардан менга энг ёқадиган бир воқеани айтиб бермоқчиман. Менинг, чўпон Грэг деган дўстим бор. У 1979 йил октябрда ўзининг биринчи хизматидан уйга қайтганида, хотини зинада ўтириб, тўхтовсиз фарёд қилаётганини кўрди. У шу онда – қандайдир жиддий нарса содир бўлганини тушунди. Тез орада, унга маълум бўлишича, ўн ёшли ўғли Жастин ваннахонага телевизорни олиб кириб, бир пайтнинг ўзида ҳам футбол матчини кўриб, ҳам чўмилаётган бўлган. Тўсатдан телеви-

зор сув тўла ваннага тушиб кетган ва болани электр токи урган. Грэг ўғлини юрак уриши тўхтаган, танаси қўкариб кетган, музлаб қолган, миясининг фаолияти тўхтаганини кўрсатиб турган кўзлари катта очиқ ҳолда топган. Грэг Лос-Анжелесдаги полиция министрлигида полиция муовини ловозимида ишлаб, биринчи ёрдам курсларида ўқиган ва кўпларнинг ўлимига гувоҳ бўлган. Агар у ҳозир шунчаки полиция ходими бўлганида, ўлимни рўйхатга олар ва терговчини чақирган бўларди.

Лекин Грэг ибодат кучини биладиган имонли эди. У ибодат қилишни ва ўғлига сунъий нафас юборишни бошлади. Бир неча дақиқа ўтгач, биринчи ёрдам кўрсатишни шифокорларга топшириб, ўзи ибодат қилишда давом этди. Уларнинг Жастинни ҳаётга қайтариш учун қирқ беш дақиқалик уринишлари беҳуда кечди. Кардиограмма график тасвири, фақат битта тўғри чизикни кўрсатарди. Шифокорлар ҳамма уринишларни тўхтатиб, диннинг ишқибози қачон тинчланаркан деб, Грэгни кутиб ўтирадилар.

Ниҳоят Грэг шундай деб ибодат қилишни бошлади: «Ота, менда бошқа имон қолмади. Имоним тугади, аммо Сенинг Сўзинг, яна бошқа имон борлиги ҳақида айтган» (у 1 Коринфликларга 12:9 да ёзилган имонни назарда тутган).

Грэг, ўша пайти, унинг бошига қўл худди тушиб келганини сезган. У шу заҳоти куч ва ҳокимиятни тўйди ҳамда ўғлига: «Исо Масиҳ номи билан, сен ўлмайсан ва яшайсан!», деб бақирган.

Кутилмагандан ЭКГ аппаратидан овоз чиқди ва экранда товушлар пайдо бўлди. Шифокорлар ҳайратдан сакраб тушдилар. Улар Жастин билан зинадан пастга тушганларида, унинг юзлари қизариб, кўзлари ўз ҳолатига келган, танаси эса – илиқ ҳолатига қайтганди.

Грэг лол қолди. Унинг ўғли яна тирик ва соғлом эди. У Худо амалга оширган мўъжизавий гувоҳликни дўстларига айтишига тайёр эди. Ўша онда, у ўғлининг ҳаёти учун кураш энди

бошланганини, англамасди. Шифокорлар бола кома ҳолатида ётганини айтдилар. Уни күриқдан ўтказганда, катетер орқали бўйрак тўқималари оқиб чиқаётганини пайқашди, тибиёт тили билан эмас, оддий қилиб айтганда – унинг танаси эрий бошлади. Улар, бола яшаб кетган тақдирда ҳам, ночор ногирон бўлиб қолишини айтдилар. Кейинчалик, шифокорлар ўз ҳукмини чиқардилар: боланинг онги 0,01 дараражали ақл дараҷаси билан, уч ойлик гўдакнинг фаҳмлашига ўхшаб қолган.

Отасининг етти ойлик чекинмай қилган ибодатларидан сўнг, Жастин комадан чиқди. Бу нарса содир бўлганида, отаси унинг олдида эди, шунинг учун унга саволлар берар ва шу заҳоти ўғлидан жавоб оларди. Жастин аъло баҳолар билан, тўлиқ ўрта таълим мактабини, олийгоҳни, Библия мактабларини тутгаллади. У ҳатто синфида етакчилик қилган. Бугун у уйланган ва иккита фарзандлари бор.

### **«Дадажон, мен Исони кўрдим»**

Шифохонадан чиққач, Грэг ўғлиниң юзи порлаётганини сезиб қолди. У ўғлидан сўради: «Жастин, сенга нима бўлляяпти?»

Бола жавоб берди: «Дадажон, мен Исони кўрдим, Телевизор ваннага тушиб кетганида, мен ҳеч қандай оғриқни сезмадим. Улкан фаришта, мени ўнг қўлимдан ушлаб, танамдан чиқариб кетди. Биз туннел орқали жуда катта тезлиқда учиб кетдик. Самонинг кўчаларига қўнишдан аввал, қуёш тезлигига учдик».

У отасига кўчалар олтин югуртирилган эмас, балки олтиннинг ўзидан ясалганини, у металлнинг орасини кўра олганини айтиб берди. Ерда олтинни самодагидек бу қадар тозалаш имконсиз, лекин ерда кўпинча зарҳаллик бериш мақсадида ойналарга олтин суви югуртирилади (дастлабки фазога учувчиларнинг қалқони ва қалпоқлари, тайёралар бўлмалари, бинолар ва бошқа жойларда шундай услубдан

фойдаланилган). Шундай қилиб, соғ олтин аслида сувдек тиник, шаффо бўлади.

Жастин, биринчи бўлиб, уни ўтиб кетган қариндошлари қарши олганини айтиб берди. У ҳар битталарининг исмларини айтди, ҳатто ҳаётда ҳеч қачон кўрмаган ва билмаган қариндошларини ҳам санаб ўтди, лекин уларни ота-онаси биларди. Самода учрашган одамларнинг орасида Филлис исмли аёл ҳам бор эди. У қўшни аёл бўлиб, Жастин билан мудҳиш ҳодиса рўй беришидан бир ой олдин, онаси у аёлни нажотга олиб келган ва улар унинг соғлиги учун биргаликда ибодат қилганлар. Аёл Исони қабул қилгач, икки ҳафтадан сўнг оламдан ўтган.

Улар самода суҳбатлашиб турганларида, тўсатдан оёқ товушлари эшитилди ва йигилиб турган одамлар йўл очишиди. Боланинг қаршисида Исо турарди.

У Жастинни, унга самони кўрсатиш учун етаклади. У жойда кўплаб кўчалар ва бинолар бўлиб, улар улкан шаҳарни ташкил қиласарди. Гуллар, ўтлар ва ҳатто тошлар ҳам тирик ва улар оҳангдош мусиқа таратиб турадилар. Улар ўз куйлари билан худди Худони улуғлагандек бўларди. Мабодо, у гул ёки ўтни босиб кетса, улар эзилмас ва синмас, балки бирдан қад ростлашарди. Жастин у жойдаги ранглар ердагига қараганда анча тўйинган ва равшан эканини кўрди. У жойда Жастин ҳеч қачон учратмаган ранглар ҳам бор эди. Унга отаси, онаси ва икки акасининг қасрини кўриш имтиёзи берилди.

Шундан сўнг, кутилмаган ҳодиса рўй берди. Исо унга, Жастин сен ерга қайтишинг зарур деди. Унинг самодан кеткиси келмас, бироқ Исо уни парда олдига олиб бориб ва пардани сурганда, Жастин отаси уни орқага чақираётганини кўрди. Исо деди: «У сенинг отанг ва унинг сени орқага чақириши учун ҳаққи бор».

Ўша пайтдан буён, Жастин отасига доимо, агар қачондир яна ўлиб қолса, уни орқага чақирмаслигини айтиб келади.

Дўйстимнинг айтганларини эшитиб, бу ҳикоямизнинг энг кулгули жойи деб ўйладим. Само ердан анча яхшироқ, у ерга борганлар, орқага қайтишни истамайдилар. Повул филиппилик жамоатга ёзганда, худди шунга ўхшаган ички курашни кечирган: «Ердаги ҳаётдан йироқлашиб (бу дунёдан кутублиб), Масиҳ билан бирга бўлишни хоҳдайман, чунки бу бағоят яхши бўлар эди» (Филиппиликларга 1:23, Кенгайтирилган таржима). Шунчаки яхшироқ эмас, бағоят яхши, бағоят яхши! У ўша шаҳарни кўрди ва у жойга қайтишни истар, лекин Шоҳликнинг фойдаси йўлида ерда қолишга қарор қилди.

Кейинроқ, Жастин отасига, у осмонда ўн ёшли бола эмас, балки катта одам бўлганини айтди. Кўплар, шу жумладан Жастин ҳам, биз самодаги янги танамизда ўттиз уч ёшда бўлишимизга ишонадилар. Исо ҳам хочга михланганда шу ёшда бўлган, гарчи Каломда ёзилганидек: «Севганларим, биз энди Худонинг фарзандларимиз, лекин келажақда нима бўлишимиз ҳали тўлиқ очилмаган. Фақат шуни биламизки, Исо Масиҳ зоҳир бўлганида, биз У каби бўламиз, чунки У қандай бўлса, уни шундай ҳолда кўрамиз» (1 Юҳанно 3:2).

Бу мен айтиб бера оладиган, чиндан ҳам содир бўлган воқеаларнинг юздан бири, холос. Шундай бўлса-да, манашу Каломта мос келадиган битта воқеа ҳам, само ҳақиқатдан ҳам борлигини тасдиқлайди. Бу ердан кетган, Исонинг содиқ куллари ўша шаҳарга кирадилар.

### **Рух, жон ва тананинг нажот топиши**

Ҳали айтганимиздек, инсон Исо Масиҳни Раббим деб қабул қилган лаҳзадан бошлаб, унинг руҳи буткул янги ижодга айланади. Кўз юмиб очгунча, одамнинг руҳи Исо-га ўхшаш бўлиб қолади. Бу ҳаворий Юҳанно томонидан тасдиқланган: «Чунки... бу дунёда, Унга ўхшаб» (1 Юҳанно 4:17). Бу оятда равshan кўриниб турибдики, Юҳанно ўз мукофоти ортидан кетганлар эмас, ердаги имонлилар ҳақида айт-

ган. Чиндан ҳам, Худонинг Руҳи орқали юқоридан туғилган инсон, у руҳида ҳозир ва шу ерда комилдир.

Рұхимиз қутқарилгач, жонимизнинг нажот топиш жа-раёни бошланади. Юқорида айтиб ўттанимиздек, жон онг, ирода ва ҳиссиётлардан ташкил топган. Жонимиз Худонинг Сўзи ва унга итоат этишимиз орқали нажот топади ёки ўзгаради. Ҳаворий Ёқуб буни тасдиқлаб, дейди: «Шундай қилиб, севикли биродарларим, ...барча ифлосликни ва ҳаддан ортиқ ёвузликни бир четта йиғишириб қўйинглар. Сизларнинг ичингизга экилаётган ва жонларингизга нажот беришга қодир бўлган Худонинг Сўзини мулоҳимлик билан қабул қилинглар. Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинглар» (Ёқуб 1:19,21,22). Алоҳида қайд этиш жоизки, Ёқуб биродарларга уларнинг жони нажот топиши тўғрисида гапиряпти. У Худо Каломини эшитиш ва унга итоат қилишга урғу беряпти.

Жон, бу инсон нажотининг даражасини аниқлашга замин яратадиган ягона қисми ҳисобланади. Биз Худонинг Сўзини эшитиш ва унга бўйсуниш билан ўзаро ҳаракат қиласиз ва бу нажот топишимиз жараёнини тезлаштиради ёки аксинча, Худонинг айтганларига бепарво бўлсак, уни секинлаштиради. Жоннинг ўзгариши, имонлининг охирати яхши бўлишида, ҳал этувчи нарса ҳисобланади.

Ниҳоят, вуждумизда нажот топиши зарур бўлган яна бир қисм қоляпти: бизнинг танамиз. Повул бу ҳақда ёзганларини диққат билан ўқинг:

«Зеро биз биламизки, бизнинг ердаги уйимиз, шу кулбамиз хароб бўлганида, биз осмонда Худодан бинога, яъни қўл билан қурилмаган абадий уйга эгамиз. Биз самовий масканимизга бурканишни хоҳлаб, оҳ-нола чекиб юрибмиз: фақаттина бизлар кийинган ҳолда ҳам яланғоч бўлиб чиқмайлик. Биз бу кулбада бўлиб, мashaққат остида оҳ-нола қўлмоқдамиз. Чунки биз кийимсиз бўлиб қолишни эмас, балки бурканишни истаймиз, токи ўлимли бўл-

ган нарса ҳаёт томонидан ютиб юборилсин. Зотан Худо бизни айнан шу учун яратди ва бизга Рұхнинг гаровини ато қилди. Шунинг учун биз доимо дадилмиз, чунки биламизки, ҳали бу танада яшар эканмиз, Раббимиздан йироқдамиз. Чунки биз күринарли нарсалар билан эмас, балки имон билан юрибмиз. Ҳа, биз дадил бўлиб, бу танадан йироқлашишни ва Раббийда жо бўлишни хоҳлаймиз» (2 Коринфликларга 5:1-8).

Бу сўзлар бизга буюк умидворлик ҳадя этади ва ҳатто жонимизни поклайди. Повул шунчаки йўл-йўлакай айтиб ўтмаяпти, лекин бизнинг абадий танамиз бўлишини доимо тақрорляяпти. Бошقا жойда у шундай дейди: «Чунки бу чирийдиган нарса чиrimайдиганга, бу ўладиган нарса ўлмайдиганга бурканиши керак» (1 Коринфликларга 15:53). Бизнинг танамиз Исонинг танасидан умуман фарқ қилмайдиган бўлади, бинобарин, Калом дейди: «Агар биз У билан Унинг ўлимининг ўхшашлигида бирлашган бўлсак, унда албатта, Унинг тирилишида ҳам У билан бирлашган бўламиз» (Римликларга 6:5) ва «Севганларим, биз энди Худонинг фарзандларимиз, лекин келажақда нима бўлишимиз ҳали тўлиқ очилмаган. Фақат шуни биламизки, Исо Масиҳ зоҳир бўлганида, биз У каби бўламиз, чунки У қандай бўлса, Уни шундай ҳолда кўрамиз» (1 Юҳанно 3:2).

Келинг, Исо тирилгач, Унинг танаси қандай бўлганини дикқат билан ўрганамиз. Бир кун келиб, танамизнинг нажотига эришганимизда, У эга бўлган сифатларнинг барчasi бизда ҳам бўлади. Келинг, тўғри, У тирилган куннинг тонгида, қабрда нима содир бўлганидан бошлаймиз. Марям қабрни бўш ҳолда топганда, Раббийнинг танасини олиб кетишган деб ўйлаб, йиглашни бошлади.

«У шу сўзларни айтгач, ортга ўтирилиб, нарида турган Исо ни кўрди, аммо Унинг Исо эканлигини танимади. Исо унга: — Аёл, нима учун йиглаяпсан? Кимни излаяпсан? — деди. Марям эса Уни боғбон деб ўйлаб, Унга: — Ҳазрат, агар сен

Уни бу ердан олиб чиққан бўлсанг, Уни қаерга қўйганингни айттин, мен Уни олиб кетаман, — деди» (Юҳанно 20:14,15).

Исо Масиҳ оддий одамдан ҳеч қандай фарқ қилмасди. У конофилмдан келган ёт одамга ўхшамасди. Марям уни танимади, чунки Исони тирик деб, ўйлашга ҳадди ҳам сифмасди. У Исони, ваҳшийларча ўлдирилганини, хоҷдан туширилганини ва кўмилганини ўз кўзлари билан кўрган эди. Исо уни исмини айтмагунча, у чиндан ҳам Раббий унга мурожаат этаётганига ишонмади. Шу аснода, Унинг танаси бизнинг танамизга ўхшаш эканини тушунамиз.

Исонинг танаси оддий одамнинг танасидан фарқ қилмаган, аммо биз ўзимиздан сўрашимиз лозим: Марям Унинг руҳини кўрдими ёки У том маънода танада эдими? Бу саволга сал ўтиб, У Ўз шогирдларига намоён бўлган матндан жавоб топамиз: «Лекин Исо уларга деди: «Нега бунча безовта бўляяпсизлар? Нима учун бундай фикрлар юракларингизга кирмоқда? Кўулларимга ва оёқларимга қаранглар, бу – Мен Ўзимман, Мени ушлаб кўринглар, чунки Менда кўрганларингиздек руҳнинг эту суяги бўлмайди!» (Луқо 24:38-39).

Унинг танаси ва суяклари бор эди! Бизларда ҳам, тана ва суяклар бўлади. Бироқ, қаранг, У қон ҳақида ҳеч нарса айтмади. Сабаби шундаки, Худонинг шавқат тахти Унинг қони билан пуркалган. Ҳозир Исонинг томирларида Худонинг шарафи оқиб турганига, аминман.

Исо жисмоний овқат танаввул қила оларди. Каломда шундай дейилган: «Улар қувончдан ҳали ишонмай, ҳайрон турганларида, Исо улардан: «Бу ерда бирон овқат борми?» – деб сўради. Шогирдлар эса Унга бир бўлак қовурилган балиқ ва мумкатакли асал бердилар. Исо буни олди ва уларнинг олдида еди» (Луқо 24:41-43).

Биргаликда овқат қабул қилиш, камдан-кам учрайдиган ҳолат бўлмаган, Хушхабарларда яна иккита шундай воқеа ёзилган. Бир марта Эммаусга кетиш йўлида учрашган ки-

шининг уйида, бошқаси – У денгиз қирғоғида ўн битта шогирдлари учун нонушта тайёрлаган пайтда. Бинобарин, биз янги танамизда овқатлана оламиз.

Исо ҳам янги танасида биз каби гапирган, куйлаган, юрган, буюмларни қўлига олган ва ҳоказо, қолаверса, У девор орасидан ўта олган ва бир зумда йўқ бўлиб қолиш қобилиятига эга бўлган!

Сиз сўрашингиз мумкин: «Унинг танаси ва суяклари бўла туриб, девор орасидан ўтган ва ғойиб бўла олганми? Эҳ, ҳа, Юҳаннонинг ёзганларига қаранг. «Ўша куни кечқурун, ҳафтанинг биринчи кунида, шогирдлар йигилган уйнинг эшиги яхудийлардан қўрқсанликлари туфайли берк бўлганида, Исо келиб уларнинг ўртасида турди-да, уларга: «Сизларга тинчлик бўлсин», — деди» (Юҳанно 20:19).

Ўша кеча Исо Фомадан Унинг қўллари ва белидаги яраларга қўл солиб, кўришини сўради. Шундай қилиб, Унинг танаси ва суяклари бўлганини аниқ-равшан кўряпмиз. Агар эшиклар қулфланган бўлса, Исо қандай қилиб уларнинг ўртасида пайдо бўлиб қолди? У деворлар орасидан ўтди ва шогирдларга қўринди, шунингдек У осонликча ғойиб бўла оларди, бу ҳақда ҳам ёзилган. У Эммаусга кетиш йўлидаги учрашган одамлар билан нон синдириб ўтирганида, «уларнинг кўзлари очилиб, Уни таниб қолдилар. Лекин Исо уларга кўринмай қолди» (Луқо 24:31).

Янги танамизда, биз ҳам ғойиб бўлиш ва ҳар хил жойларда пайдо бўлиш қобилиятига эга бўламиз. Шу боис биз янги само ва янги ердаги бепоён масофаларни тез босиб ўта оладиган бўламиз. Биз бу қобилиятга муҳтоjmиз, холбуки Худонинг шаҳри – узунлиги ва эни 1400 километрни ташкил қилаади, бошқа қуёш тизимларигача бўлган масофалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бизда ҳам ҳавога кўтарилиш қобилияти бўлади. Эслаб кўринг, Исо шогирдлари билан қирқ кун бирга бўлгач, осмонга кўтарилиди. Жастин отасига у самода юргани,

учгани ёки бир зумда бошқа жойда пайдо бўлиб қолиш қоби-  
лиятига эга бўлгани ҳақидаги тафсилотларни сўзлаб берди.

### **Масиҳнинг минг йиллик шоҳлиги**

Биз Худо шаҳрининг кўчиши ҳақидаги мавзуга қайтиши-  
миз лозим, бироқ, келинг ундан аввал содир бўладиган воқе-  
алар тўғрисида айтиб ўтамиз. Жамоат даври ниҳоясида, етти  
йиллик қайғу келади. Дажжол, қонунбузарнинг юзи очила-  
ди ва у кўпларни йўлдан оздиради. У гердайиб кетади ва ўзи-  
ни ҳамма нарсанинг хўжайини бўлган, Худодан устун қўяди,  
муқаддасларни қувғин қиласди ва аксарият давлатларни Ху-  
дога қаршилик исён зулматига бошлайди.

Ўша мавсумда Раббий Ўз муқаддасларини олиб кетиши  
учун келади. Баъзилар бу нарса етти йиллик қайғу бошлани-  
шидан илгари деб, бошқалар – ўртасида, қолганлар – охири-  
да деб ишонадилар. Мен ушбу китобда бу мавзуни муҳокама  
қилмайман. Муҳими, биз бу кунга тайёр бўлишимиздир.

Повул Янги Аҳдда бир неча марта самога кўтарилиш  
мавзусига тўхталиб ўтган. Шундай оятлардан бирида шун-  
дай деб айтилган:

«Чунки Раббийнинг Ўзи буюк нидо пайтида, бош фаришта-  
нинг садоси ва Худонинг карнайи овози билан осмондан  
тушади, шунда Масиҳда ўлганлар биздан олдин тирилади-  
лар. Кейин эса биз, тирик қолганлар улар билан Раббийни  
ҳавода кутиб олиш учун булувларда олиб кетиламиз. Шун-  
дай қилиб, ҳамиша Раббий билан бирга бўламиз. Шунинг  
учун ана шу сўзлар билан бир-бирингизни юпатинглар»  
(1 Фессалоникикларга 4:16-18).

Бу Масиҳнинг иккинчи маротаба келиши эмас, негаки У  
ерга тушмайди, балки Ўз муқаддаслари билан булувларда  
учрашади. Исонинг қайта келиши етти йиллик қайғунинг  
охирида содир бўлади, ўшанда Исо миллионлаб муқад-  
даслардан ташкил топган самовий жангчиларга сардор бў-  
либ, оқ отда келади (Яхудо 14 га қаранг).

Сохта пайғамбар бўлган Дажжол, жаҳон миқёсидағи раҳбарлар ва барча халқларнинг қуролли кучлари билан биргалиқда Раббий ва Унинг қуролли кучларига қарши жанг учун йигиладилар. Исо жанг куни уларни Ўз қиличи билан қириб ташлайди ва осмонда учувчи қушлар уларнинг мурдаларини чўқийдилар. Бу жангни одатда Армagedдон деб атайдилар, бинобарин, жанг Йерусалимдан жанубий-шарқидаги Кармил тоғи бўйлаб чўзилган Мегиддо водийсида бўлиб ўтади (Ваҳий 16:16; 19:11-21).

Бутун дунё бўйлаб, дажжолга содик бўлишга ваъда бермаган одамлар бўлади, улар бу жангда Раббийга қарши курашмайдилар. Аксарият худошунослар, ўша одамлар, одатда Масихнинг минг йиллик шоҳлиги деб аталадиган, келгуси асрда яшаш учун тирик қоладилар деб ишонишадилар. Улар яшайдилар ва Масихнинг жаҳон бўйлаб ҳукмронлигига бўйсунадилар. Уларнинг таналари табиий бўлади, улар ердаги аҳоли сонини кўпайтиришда давом эта олиши мумкин.

Аниқроғи, ерда икки тоифадаги одамлар яшайди – Армageddon жангидан омон қолганлар ва Исо билан қайтиб келган муқаддаслар. Муқаддасларнинг Шоҳ Исога ўхшаб, танаси янги бўлади. Улар Масих билан бирга ерда ҳукм сурадилар. Бу икки тоифадаги кишилар, Исо тирилганидан сўнг, шогирдлари билан мулоқотда бўлганидек, бир-бирлари билан худди шундай мулоқотда бўлишини, тасаввур этиш қийин эмас. Янги танадаги муқаддаслар оддий танадаги одамлар билан гаплашадилар, юрадилар, озиқланадилар ва сұхбатлашадилар.

Калом, умумий тинчлик келади дейди, чунки шайтон ва унинг издошлари минг йил давомида боғлаб қўйилади. Барча халқлардан буюк оламон Худога имон келтириши туфайли урушлар, сотқинлик, нафрат, бузуқлик, жиноят, қасалликлар бўлмайди. Микаҳ пайғамбар шундай деган:

«Охирги кунларда шундай бўлади: «Раббий уйининг тоғи тоғларнинг боши қилиб қўйилади ва тепаликлар устидан юк-

салади. Халқлар унга оқиб келадилар. Ўшанда кўп халқлар келиб, шундай дейдилар: «Келинглар, Раббийнинг тогига, Ёкубнинг Худосининг ўйига чиқамиз. У бизларга йўз йўлларини ўргатади ва Унинг йўлларидан юрамиз. Зеро қонун Сиондан ва Раббийнинг Сўзи Йерусалимдан чиқади». У кўп халқларни ҳукм қиласди ва узоқ мамлакатлардаги кўп қабилаларни фош қиласди. Шунда улар болғалаб, қиличларидан омоч ва найзалиридан ўроқ ясайдилар. Халқ халқка қарши қилич кўтартмайди ва бошқа жанг қилишни ўрганмайдилар. Лекин ҳар бир киши ўзининг ток новдаси тагида ва ўз анжир дараҳтининг тагида ўтиради, ҳеч ким уларни чўчитмайди, чунки буни Кўшинлар Худовандининг оғзи айтди» (Микаҳ 4:1-4).

Дунё бўйлаб фаровон ва хавфсиз пул тармоғи йўлга қўйилади, барча халқлар Худонинг қонуни бўйича яшашни бошлайдилар. Бу ажойиб вақт бўлади!

### **Буюк оқ тахт Суди**

Кейин шайтон минг йиллик қамоқдан чиқади. Унга одамларни алдашга рухсат берилади. Бу янги танадаги муқаддасларга эмас, балки Армагеддон жангидан омон қолган кишиларга ёки минг йиллик шоҳлик даврида туғилгандарга тегишли.

Исёнкорлар бирга йиғилиб, Йерусалимни қуршаб оладилар ва шунда Худо уларни ютиб юбориши учун осмондан олов ташлайди. Шайтон, асрлардан асрларгача, кеча-ю кундуз қўйноқда умр кечириши учун «оловли кўл»га ташланади ва у кейин ҳеч қачон озодликка чиқмайди (Ваҳий 20:7-10 га қаранг).

Шундан сўнг, бирдан буюк оқ тахт Суди бошланади. Дўзах Одамдан то манашу охирги жанггача тўпланган ўликларни беради. Эски Аҳд давридаги барча Йаҳвөҳ билан аҳдлашмаган ёки Исонинг ҳокимиятига бўйсунмаган одамлар охирги замонда, Шоҳнинг қаршисида туриб, ўз ҳаётла-

ри учун Мустақил, Алданган, Журъатсиз ва Кўш Ҳаёт каби ҳисбот берадилар. Улар шайтон ва унинг издошлари билан биргалиқда оловли кўлга абадийга ташланадилар.

### **Янги само ва янги ер**

Дастлабки ер ва осмонни олов ютиб юборади (2 Пётр 3:10-13 га қаранг) ва янги осмон ва янги ер намоён бўлади. Ҳаворий Юҳанно ёзган: «Сўнгра мен янги осмон ва янги ерни кўрдим, зеро олдинги осмон ва олдинги ер ўтиб кетди, энди денгиз ҳам йўқдир» (Ваҳий 21:1).

Сўнг ҳаворий Юҳанно, янги ерда мангу ўрнашиши учун самодан тушиб келаётган янги Йерусалимни таърифлайди. Оятда хотин ёки келин ва Кўзи ҳақида айтилган. Кўзи Одам Атодан тортиб, Исонинг қайта келишигача, Унинг шарафиға қабул қилинган, Раббий сотиб олган одамларнинг уйидир. Юҳанно янги Йерусалимга батафсил таъриф берган.

«Шунда у мени руҳда буюк ва баланд тоққа кўтариб, менга осмондан, Худодан тушиб келаётган буюк шаҳарни, муқаддас Йерусалимни кўрсатди. У Худонинг шуҳратига эгадир. Унинг ёғдуси жуда қимматбаҳо тошга, билур олмосга ўхшайди. У катта ва баланд деворга эга бўлиб, унда ўн иккита дарвоза ва дарвозалар устида ўн иккита фаришта бор. Дарвозаларда эса Истроил ўгилларининг ўн икки қабиласининг исмлари ёзилган. Шарқда учта дарвоза, шимолда учта дарвоза, жанубда учта дарвоза ва гарбда учта дарвоза бор. Шаҳарнинг девори ўн икки пойдеворга эга ва уларда Кўзининг ўн икки ҳаворийсининг исмлари ёзилган. Мен билан гаплашган фаришта шаҳарни, унинг дарвозаларини ва деворларини ўлчаш учун олтин таёққа эга эди. Шаҳар тўртбурчак шаклида жойлашган. Унинг бўйи эни билан tengdir. Фаришта шаҳарни таёқ билан ўлчади ва у ўн икки минг стадиос чиқди. Унинг бўйи, эни ва баландлиги бир-бираға tengdir. Унинг деворини ҳам ўлчади. У инсон ўлчовида бир юз қирқ тўрт тирсак чиқди. Фариштанинг ўлчови эса инсоннинг ўлчовига tengdir. Унинг девори олмосдан қурилган эди, шаҳарнинг ўзи эса тиник шишага ўхшаш соғ

олтин эди. Шаҳар деворининг пойдеворлари ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Биринчи пойдевор – олмос, иккинчиси – зангори ёқут, учинчиси – ақиқ, тўртингчиси – зумрад, бешинчиси – тарғил ақиқ, олтинчиси – лаъл, етдинчиси – забаржад, саккизинчиси – фируза, тўққизинчиси – топаз, ўнинчиси – яшил ақиқ, ўн биринчиси – ложувард, ўн иккинчиси – сафсар ёқут эди. Ўн иккита дарвоза эса – ўн иккита марвариддир. Ҳар бир дарвоза бир марвариддан иборат эди. Шаҳарнинг кўчалари тиниқ шишадек соғ олтин эди» (Ваҳий 21:10-21).

Шаҳар нақадар жозибадор! Бу биз ерда ҳеч қачон кўрмаган мўъжиза. Ундан бойлиқ, зиё ва нур таралиб туради. Бошқа чириш бўлмайди, чунки у тўла-тўқис пок бўлади.

Юҳанно таърифлашда давом этади:

«У менга ҳаёт сувининг тоза дарёсини кўрсатди. У биллурдек шаффоғ бўлиб, Худо ва Кўзининг тахтидан чиқиб келар эди. Унинг кўчаси ўртасида ва дарёning икки томонида ўн икки марта ҳосил берадиган ҳаёт дарахти бор эди. У ҳар ой ўз мевасини берар эди. Дараҳтнинг барглари халқларнинг шифоланиши учун эди. Бошқа ҳеч қандай лаънат бўлмайди, лекин шаҳарда Худо ва Кўзининг тахти бўлади. Унинг қуллари эса Унга хизмат қиласилар. Улар Унинг юзини кўрадилар ва Унинг номи уларнинг пешаналарида бўлади. У ерда тун бўлмайди. Улар чироққа ҳам, қўёшнинг нурига ҳам муҳтоҷ бўлмайлар, чунки Раббий Худо уларни ёритади, улар эса абадулабад ҳукмронлик қиласилар» (Ваҳий 22:1-5).

Эътибор беринг, Каломда биз Унинг юзини кўришимиз аниқ айтилган. Мусо нақадар истаган ва унга рад этилган нарса, бизга рухсат берилади. Бу қанчалар ажойиб!

Яна ҳаёт дараҳтининг барглари халқларни шифолаш учун белгиланганига эътибор беринг. Бу нарса, бир нечта қизиқ саволларни туғдиради. Бу қайси халқлар, ахир шаҳарда фақат муқаддаслар яшайдику? Улар кимларнинг устидан абудул-абад ҳукмронлик қиласилар? Ўша вақтда оддий та-надаги одамлар бўладими? Ишаъё бунга жавоб беряпти:

«Чунки, мана, Мен янги ер ва янги осмонни яратаяпман, аввалтиси энди эсга олинмайды ва юракка ҳам келмайды. Сизлар Мен ярататтандарим ҳақида тоабад шодланыб қувонасизлар: чунки, мана, Мен Йерусалимни шодлик билан ва унинг халқини қувонч билан яратаяпман. Мен Йерусалим ҳақида қувонаман ва йўз халқим ҳақида шодланаман; унда бошқа фарёд ва йиги товуши эшитилмайди» (Ишаъё 65:17-19).

Ишаъё энди янги Йерусалимдан ташқаридаги одамларга мурожаат этяпти:

«У ерда бошқа ўсмир ва ўз кунларини тўлиқ яшаб ўтмаган қария бўлмайди. Чунки юз яшар одам ёш йигит бўлиб вафот этади, лекин юз яшар гуноҳкор лаънатланадиган бўлади. Уйлар куриб, ўзлари уларда яшайдиган бўладилар; узумзорлар ўтқазиб, ўзлари унинг ҳосилидан ейдилар. Улар бошқалар яшаши учун қурмайдилар, бошқалар ейиши учун экмайдилар. Чунки Менинг халқимнинг кунлари дараҳт кунлари каби бўлади ва Менинг танланганларим ўз қўлларининг ишидан узоқ вақт фойдаланадилар. Улар бехудага меҳнат қилмайдиган ва қайгу учун бола тутмайдиган бўладилар, чунки улар ва улар билан бирга уларнинг авлоди Раббий дуо қилган зурриёт бўлади. Ва шундай бўлади: улар ҳали чақирмасларидан олдин Мен жавоб бераман; улар ҳали гапираётган бўладилар – Мен уларни аллақачон эшитаман. Бўри ва қўзичноқ бирга ўтлайдилар, шер буқа каби пичан ейдиган бўлади, илон учун эса тупроқ озуқа бўлади: улар Менинг бутун муқаддас тогимда ёвузлик қилмайдиган ва шикаст етказмайдиган бўладилар», – дейди Раббий» (Ишаъё 65:20-25).

Кўпчилик бу оятларни Масиҳнинг минг йиллик шохлигидаги ҳукмронлиги даврига йўйиб, нотўри ўйлайдилар, бироқ бу жойда янги осмон ва янги ер пайдо бўлган вақт ҳақида яққол ёзилган. Юҳанно ва Ишаъёнинг мактубларини синчиклаб ўқиб, шаҳар ташқарисида яшайдиган одамлар ҳам бўлишини кўрамиз. Улар мангу умумжоҳон осойишталиги ва фаровонлиги вақтида ўзларига уйлар қуришади. Бу муқаддас шаҳарда яшайдиган, муқаддасларга

тегишли деб бўлмайди, бинобарин улар Исонинг Ўзи қуриб берган уйларда яшайдилар (Юҳанно 14:2-4).

У жойда яна ўша одамлардан туғилган болалар ҳам бор. Бу ҳам янги танага эга бўладиган муқаддаслар ҳақида эмас, чунки Исо янги танада биз оила қурмаслигимиз ва болалар туғмаслигимизни аниқ айтган. Исо шундай деган: «Чунки тирилишда уйланмайдилар ҳам, эрга ҳам тегмайдилар, аммо са-мода Худонинг фаришталари каби бўладилар» (Матто 22:30). Бу Жастин самодан қайтганида тасдиқлаган яна бир омил.

Бу халқлар янги ерларга ишлов бериб, уларни ўзлаштирадилар. Одам Ато гуноҳидан олдин, ерда кўпайиб, уни тўлдириши керак эди-ю, бу амалга ошмади, улар эса бу вазифани амалга оширадилар.

Буларни қай тарзда мантиқан тушунтириш мумкин? Музокара учун битта мавзу, бу минг йиллик шоҳлик бошланиши билан, оддий инсоннинг умри узоқроқ давом этишидир, бинобарин душманимиз, ўлим янчидан ташланади ва яксон қилинади (1 Коринфликларга 15:26 та қаранг). Исо руҳий ва жисмоний ўлим лаънатини барбод этади. Шу боисдан инсон бутун минг йиллик даври мобайнида ўлмай, яшай олиши мумкин.

Шайтон қўйиб юборилганда Худога қарши исён кўтармаганларга, минг йиллик шоҳлик якунида бу инъом абадийга қолдирилади. Саночи шундай деб ёзади: «Халқлар Сени агадул-абад улуглайдилар» (Сано 44:18). Бу имконият қа-ердан келганини тушунишнинг бир йўли – бу халқларни Одам ва Ҳавога ўхшаган деб ҳисоблаш керак. Одам ўлим учун эмас, балки абадий ҳаёт учун яратилган эди. Гуноҳга йиқилишдан сўнг абадий ҳаёт инъоми қўлдан бой берилди ва инсон ўзининг, қолаверса бутун авлодларининг ҳаётига ўлим лаънатини орттириди.

Янги Йерусалимда фақат Масиҳ қайта сотиб олган, янги танадаги муқаддаслар яшай оладилар, шунингдек Каломда, оддий танадаги одамлар ҳам шаҳарга кира олиши, мева-

дан ейиши ва Раббийга сажда қила олиши мумкинлигини кўрамиз. Бу Юҳаннонинг сўзларида акс этган:

«Нажот топган халқлар унинг нурида юрадилар. Ер юзида-ги подшоҳлар ўз шуҳрату иззат-икромини унга олиб кела-дилар. Унинг дарвозалари кун бўйи қулфланмайди, тун эса у ерда бўлмайди. Ушбу шаҳарга халқларнинг шуҳрату из-зат-икромини олиб келадилар» (Ваҳий 21:24-26).

Инсон бошида гуноҳ васвасасига берилди. Гуноҳнинг оқибатида жисмоний ва руҳий ўлим кириб келди ҳамда бу ўз навбатида абадий ўлимга сабаб бўлди. Бунга қарамай, бу Худонинг инсон учун ердаги дастлабки абадий режасидан воз кечишга мажбур эта олмади.

Худо инсониятнинг итоатсилиги туфайли Ўз режасининг касодга учраганига қўниши мумкинми? Йўқ. Бунинг ўрнига инсоннинг мағлубиятини марҳаматта айлантириди, ҳалок бўлган ва охир-оқибат янги ерда инсоният устидан шоҳлик қиласидан Масиҳ томонидан сотиб олинган инсо-ниятдан, шарафли самовий халқ йиғди. Бу бизга Исонинг содиқ иш юритувчига қаратилган сўзларини яхшироқ анг-лашга ёрдам беради: «Маъқул, сен яхши қул экансан. Ки-чик ишда содиқ бўлганинг учун ўнта шаҳар устидан ҳоким бўлгин» (Луқо 19:17). Бу шаҳарлар янги ердаги абадий эра-нинг минг йиллик шоҳлигига бўлиши мумкинми?

Гуноҳга йиқилиш содир бўлмаганда, Худода, Унга ер-юзи ва борлиқ бўйича абадул-абад иш юритадиган шонли тои-фадаги одамлар пайдо бўлмасди. У буни Ўзининг мангудо-нолиги билан олдиндан билган, бинобарин Исо: «Дунё яра-тилишиданоқ сўйилган Қўзи» деб номланган (Ваҳий 13:8).

Минг йиллик шоҳликнинг бошидан ва янги ердаги мангу эрадаги инсонлар абадий яшashi, ер-юзини тўлдириши ҳақидаги Худонинг дастлабки режаси, амалга ошади. Исо-нинг Сўзлари ҳеч муболағасиз бажо бўлади: «Сенинг Шоҳ-лигинг келсин! Осмонда бўлгани каби ерда ҳам Сенинг

ироданг бажо бўлсин!» (Матто 6:10). Жастиннинг гувоҳлиги бўйича ерда, худди самодагидек бўлади. Ажиб янги гуллар, тирик ўтлар ва Худонинг шарафини куйлайдиган тошлар, такомиллашган иншоатлар, тирик сув ва бошқалар. Чиндан ҳам мукаммал дунё!

Ишаъё ўзининг пайғамбарлик китобини янги ер даври ҳақидаги ушбу сўзлар билан тутатган:

«Зеро Мен яратадиган янги осмон ва янги ер доимо Менинг кўз олдимда бўладиганидай, худди шундай, сизларнинг зурриётингиз ва сизларнинг исмингиз доимо Менинг кўз олдимда бўлади, – дейди Раббий. Ўшанда ҳар янги ой чиққанида, ҳар шаббат кунида бор башар сажда қилиш учун Менинг ҳузуримга келадиган бўлади, – дейди Раббий. – Улар чиқиб, Мендан қайттан одамларнинг жасадларини кўрадилар: зеро уларнинг қурти ўлмайди ва уларнинг олови сўнмайди. Ўша жасадлар бор башар учун жирканч бўлади » (Ишаъё 66:22-24).

Одамни ҳушини учирадиган нарса шундаки, бутун абадият давомида, биз шаҳар четига бориб, шайтон, унинг фаришталари ва Раббийга қарши бош кўтарган одамларнинг даҳшатли охиратини кўра олишимиз мумкин. Балки бу ҳам Худонинг бир ҳикмати, токи гуноҳ ва исённинг оқибати доимо мавжудотнинг кўз олдида кўриниб турсин. Мана нима ҳақда ўйлаб кўринг: шайтон, васваса қилувчининг ёрдамисиз Худога қарши бош кўтарди ва Худо жазо ҳақида эслатмани мангу қолдирган бўлса, демак, у Люцифер ва унинг фаришталари йиқилган даҳшатли гуноҳдан огоҳлантириш бўлиб хизмат қилиши зарур.

Илгари айтилганидек, янги танадаги муқаддаслар Худонинг шаҳри бўлмиш, янги Йерусалимда маскан қурадилар. Минг йиллик шоҳлик бошланишидан аввал, Масих Суди вақти, улар ўз мукофотларини ва Мангу Шоҳнинг қаршиисида абадий хизмат ўринларини оладилар, бу ҳақда кейинги бобда батафсил ўрганим чиқамиз.

10 БОБ

## МАСИХ СУДИ

Аммо сен нима учун биродарингни ҳукм қиласан?  
Ёки сен нима учун биродарингни камсистаяпсан? Зеро  
ҳаммамиз ҳам Худонинг ҳукм курсиси олдида ҳозир  
бўламиз-ку. Шундай қилиб, бизнинг ҳар биримиз Худога ўзи  
учун ҳисобот беради.  
— Римликларга 14:10, 12

**Б**арчамиз Масиҳ суди қаршида турамиз. Повул кимга мурожаат этаяпти, имонлиларгами ёки имонсизларгами? Каломдаги ушбу матннинг маъносини, бутун китоб давомида ўргансак, у имонлиларга мурожаат этаётганига ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайди. Повул бизни масиҳийлик мағзи ёки биродарга бехурматлик кўрсатишнинг жиддийлиги ва шундай йўл тутганлар, эртага жавоб беришлари ҳақида ўргатаяпти.

Хуллас, суд қаршида нафақат имонсизлар, қолаверса барча масиҳийлар ҳам Худонинг олдида, ердаги бутун ҳаёти учун ҳисобот берадилар. Бу ўтган бобда ўрганган, Повулнинг коринфликларга ёзган мактубини яна бир марта таъкидлайди:

«Ҳа, биз дадил бўлиб, бу танадан йироқлашишни ва Раббийда жо бўлишни хоҳлаймиз. Шунинг учун жо бўлибми, ёки ҳали жо бўлмасданми, Унга маъқул бўлиш учун жонбозлик қилмоқдамиз. Чунки ҳаммамиз танада яшаган пайтимида қилган яхши ёки ёмон ишларга қараб қаримтамизни олиш учун Масиҳнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак. Шунинг учун Худонинг кўркүвини билган ҳолда, бизлар одамларни ишонтируммоқдамиз. Худога эса биз аёнмиз ва

умид қиласманки, сизларнинг виждонингизга ҳам аёнмиз» (2 Коринфликларга 5:8-11).

Повул гуноҳкорлар устидан эмас, балки масиҳийлар устидан бўладиган суд ҳақида айтгани шак-шубҳасиз. Унинг: «Танадан чиқишини ва Раббийда жо бўлишини истаймиз», ибораси, бу мактуб кимга тегишли эканини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч бир имонсиз ўз танасини қолдириб кетгач, Худо билан бирга бўлмайди, уларнинг барчаси дўзахга тушадилар, уларнинг абадий борадиган жойлари эса – оловли кўл.

Илгари айтганимиздек, бетавфиқлар имонсизларнинг судидан анча кейинроқ бўладиган, буюк оқ тахт деб атала-диган Судда турадилар.

Келинг, ўтган бобда айтганларимизни қисқача такрорлаб ўтамиш. Исо Масих ерга самовий жангчилар билан қайтади, дажжолни енгади, шайтонни қамоққа солади ва минг йил Йерусалимдан туриб, бутун дунё бўйлаб Ўз хукмронлигини ўрнатади. Шундан сўнг шайтон ер қаъридан озодликка чиқарилади ва унга қисқа вақт ердаги халқларни йўлдан оздиришга рухсат берилади. Исёнкорларни осмондан келган олов ютиб юборади ва шайтон абадийга оловли кўлга ташланади. Сўнгра барча имонсизлар ва бетавфиқлар, буюк оқ тахт Суди олдида туриш учун дўзахдан тириладилар. Исо бу воқеани маҳкумлик учун тирилиш, деб айтган (Юҳанно 5:29). Ҳаёт Китобида исмлари ёзилмаганларнинг бари, оловли кўлга ташланадилар.

Бошқа томондан, имонлилар устидан суд, буюк оқ тахт Судидан анча олдин бўлиб ўтади. Каломда аниқ вақт айтилмаган, бироқ бу жамоат булутларда кўтарилиб кетиши ва Масиҳнинг минг йиллик шоҳлиги бошланишидан аввал бўлишини биламиш. Демак, икки судни бир-биридан тахминан минг йил ажратиб туради. (Аффабел киноясида бу нарса келтирилмаган).

Иккинчи Коринфликларга мактубда (5:10) Римликларга мактубдаги сўзларнинг акс садоси ёзилган: «Чунки ҳаммамиз Масихнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак». «Ҳукм» сўзи Римликларга мактубда ҳам ва Коринфликларга мактубда ҳам – юонон тиладаги “бема” сўзи билан ёзилган. Стронгнинг «Симфонияси» ушбу сўзга қуидагича изоҳ беряпти: «зина, супа, минбар». «UBS Commentary» да эса шундай изоҳ келтирилган: «Рим империясидаги шаҳар судидаги ҳукмдорнинг ўриндиги ҳукм деб аталган. Повул бу сўзни Масихнинг судини таърифлашда ишлатган». Ушбу изоҳга асосланиб, имонлилар устидан бўладиган судни Масих ҳукми деб атаймиз.

Масих ҳукми том маънода, Худонинг олий суди ҳисобланади. Калом, Ота бутун судни Ўғлига топширган, дейди (Юханно 5:22). Исо Масих нафақат бизнинг Нажоткоримиз, шунингдек Ҳукмдоримиз ҳамдир ва У тез орада Ўзиникиларни суд қилади. «Суд» сўзининг энг оддий таърифи – бу тергов натижаларига асосланиб, ижобий ёки салбий қарор чиқаришдир.

Жамоатда, ердаги қисқа муддат ичида амалга оширган қилмишлари учун ҳисбот беришларига тўғри келишини англамайдиган одамларнинг сони анча. Кўплар, нажот топган кундан бошлаб, келгусидаги суд бекор қилинган деб, хато ўйлайдилар. Бу ҳақиқатнинг бир қисми, холос: Исонинг қони бизни, Унинг Шоҳлигига киришимизга тўсиқ бўладиган гуноҳлардан поклайди, бироқ у имонли бўлиб, яхши ёки ёмон яшаганимиз учун бўладиган суддан озод этмайди.

## **Мангуму қарорлар**

Масих Ҳукмида Унинг бизга нисбатан қабул қиласидиган қарорлари ёки ҳукми, агадийга бўлади, у кейин бекор қилинмайди ва ўзгартирилмайди.

Бир зумга тўхтанг ва биринчи бобдаги мангумулик тушунчасини фикран ўзлаштиришга уринган мулоҳазалала-

римизни эслаб кўринг. Ёқуб бизнинг ердаги ўткинчи ҳаётимииз буғдек йўқ бўлиб кетади, дейди (Ёқуб 4:14). Бу ердаги саксондан то юз ёшгача бўлган ҳаётимиизни тимсолан таққослашдир. Ёқуб бугун бизга тушунарли, математика бўйича маълумотта эга бўлганда эди, у аниқроқ тенглаштириш келтирган бўларди. Мен математикани ўрганганимда, ҳар қандай катталик чексизликка бўлинганда, нулга тенглигини, бошидан эслаб қолганман.

80 йил : чексизлик (мангулик) = 0

100 йил : чексизлик (мангулик) = 0

Ҳар қандай чекланган сон, чексизликка тенглаштирилганда ёки бўлинганда, нулга тенг. Ерда қанча узоқ яшаганингизнинг аҳамияти йўқ. Сиз ҳатто бир юз эллик йил яшай олсангиз ҳам, абадийлик билан ўлчаганда ердаги ҳаётингиз нулга тенгдир. Бу Исога имон келтиргандан сўнг қилган нулга тенг ишларимиз, мангуликни қандай ўтказишимиизни аниқлайди, дегани. Ёдингизда бўлсин: Исонинг хочига ва Унинг нажот берувчи иноятига бўлган муносабатимиз, мангуликни қаерда ўтказишимиизни белгилайди, бироқ Унинг мангу Шоҳлигида қандай умр кечиришимизни, нажот топганимиздан кейинги ҳаётимииз белгилайди.

Эсингиздами, ҳикоямиздаги Худбин ва унинг танишлари Энделдаги қисқа муддатли вақтини нотўғри ўтказганидан пушаймон бўлдилар? Беш йиллик синов муддатининг кўп қисми Жейлиннинг иродасига тўлиқ бағищланиб яшашнинг ўрнига, шахсий завқ-шавқ билан ўтиб кетди. Улар қолган бутун ҳаёти давомида, қўлдан бой берган нарсадан анча тубанда яшашга мажбурлар, чунки уларнинг ҳар бири Жейлин билан ёнма-ён яшаш ва ишлаш, ҳатто у билан бирга унинг шаҳрида ҳукмронлик қилиш имкониятига эга эдилар. Улар мактаб якунида берилган вақтни кайф-у сафо билан ўтказдими ёки йўқми – ҳар ҳолда, энди

уларнинг келажаги абадийга белгиланди. Уларнинг кейинги 130 йил умри, қисқа беш йиллик синов давридаги ҳаётининг тўғридан-тўғри натижаси бўлди. Бу ҳақда ўйлаб кўринг: 5 йилнинг олдида 130 йил! Бу жуда кўп. Ердаги ҳаётнинг, ҳеч бўлмаганда, энг қисқа маррасига ҳам жуда кам кишилар этиб борадилар. Агар Худбин ва бошқалар, Энделдаги вақтида, бу ҳақда мулоҳаза этиб кўрганларида эди, балки ўтган йилларини бошқача тарзда яшардилар.

Ҳикоямиздаги мисол нақадар кўзни очадиган бўлмасин, булар мулоҳаза қилаётган мавзумизнинг олдида ҳеч нарса эмас. Келинг, бошқача воқеани кўриб чиқамиз. Куйидагиларни тасаввур этишга уриниб кўринг: сизда бир кун бор ва ушбу йигирма тўрт соатни қандай ўтказишингиз, кейинги минг йиллик ҳаётингизни белгилайди. Минг йилни тасаввур этишга ҳаракат қилиб кўринг. Бу сана Қўшма штатлар вужудга келган фурсатдан, Христофор Колумб янги ерни кашф этиш учун елканларини кўтарган санадан анча узокроққа чўзилади. Минг йил – бу жуда узоқ вақт. Совринлар, жамиятдаги ўрин, яшаш жой ва қолган барча нарсалар, атиги бир кунни қандай яшаганингизга қараб, аниқланади.

Сиз буни билгач, бор жон-жаҳд билан уринмаган бўлардингизми? Шу бир кунни қандай яшаб ўтардингиз? Ўша кун ҳозирги ҳаёт тарзингиздан фарқ қиласмиди? Раббийга итоат этиш биринчи ўринни эгалламасмиди? Осмон Шохлигининг фойдасига, одамларнинг ҳаётига таъсир ўтказиш учун барча имкониятларни ишлатмасмидингиз? Одамлар билан бошқача муносабатда бўлмасмидингиз? Саволлар рўйхатини чексиз давом эттириш мумкин. Барibir бу мисол ҳам, биз мулоҳаза юритаётган мавзунинг олдида ҳеч нарса эмас, чунки бир кунни 365 минг кунга бўлсак (минг йилда шунча кун бор), натижаси нулга teng бўлмайди.

Келинг давом этамиз. Олайлик, сиз яшаб ўтган бир кун, кейинги миллион йиллик ҳаётингизни белгилайди! Буни

бир лаҳза кўз олдингизга келтиришга уриниб кўринг. Инсоният ерда бор-йўғи олти минг йил атрофида умр кечирипти. Демак, миллион йил инсониятнинг ердаги ҳаётидан яна 150 марта кўпроқ давом этади. Буни фараз қилиш мушкул. Шундай бўлса-да бу ҳам биз мулоҳаза юритаётган мавзунинг қаршисида ҳеч нарса эмас, негаки бир кунни 365 миллион кунга (миллион йилда айнан шунча кун бор) бўлганда ҳам, бу нулга тенг эмас. Миллиард ёки триллион йилни олсак ҳам, барибир маълум бир рақам келиб чиқади.

Ерда қанча узоқ вақт яшашимизнинг аҳамияти йўқ, бизнинг вақтимиз мангулик билан таққосланганда, нулга тенг. Балки ҳаворий Повул айнан шу сабабдан, мумкин қадар кўпроқ мукофот олишимиз учун ҳаракат қилиб, яшашга ундаётгандир? Унинг Коринфликларга мактубида, мусобақа қатнашчиси, соврин олишга ҳаракат қиласди дейди, сўнгра шундай сўзларни ёзади:

«Наҳотки билмасангизлар, масофага югураётганларнинг ҳаммаси югуради-ю, аммо бир киши мукофот олади. Сизлар ҳам мукофот олиш учун югуринглар. Мусобақада курашадиган ҳар бир одам ўзини ҳамма нарсадан тияди. Улар буни чирийдиган тож олиш учун, биз эса чиrimайдиган тож олиш учун қиласмиш. Шунинг учун мен ҳам мақсадсиз югураётгандай юргумаяпман, ҳавони ураётгандай муштламаяпман, лекин ўз танамни бўйсундириб, ўзимга қул қилаяпман, токи бошқаларга воизлик қилиб, ўзим нолойик деб топилмайин» (1 Коринфликларга (9:24-27).

Повулнинг сўзларига қараганда, бизнинг яшашдан мақсадимиз бор: ҳеч қачон чиrimайдиган, абадий совринни қўлга киритиш. Бу ҳаётда шундай югуриш керакки, токи ғалабага эришайлик. Ғалаба қозониш учун бизга тартиб-интизом, ўзини назорат қилиш ва мақсад зарур.

Мен кўп йиллар давомида спорт билан жиддий шуғулландим. Қўшма Штатларнинг теннис уюшмаси учун ўйна-

ганимда, юриор Дэвис кубогида ва NCAA да теннис бўйича биринчى қисмда қатнашганимда, теннис билан жуда кўп шуғулланганман. Мен мураббийим ва бошқа спортчилар билан, теннис майдончасида баъзида юз марталаб бир хил зарбани деворга уриб, бир кунда олти соатлаб вақт ўтказганман. Теннис майдонида оғир фикрлаш фаолияти тўғрисида китоблар ўқиганман. Майдондаги дарслардан ташқари машқ аппаратларида, вазнни кўтариш, югуриш, аргамчида сакрашда, қўл, кўз ва бошқа кўп нарсаларнинг ҳаракатларини мувофиқлашишини яхшилаш мақсадида, жонглёрликлар билан шуғулланганман. Мен шу қадар кучли мақсадга берилган эдимки, ҳатто онам менга, кроватингни туманимизнинг теннис майдони ёнига олиб бориб қўяман деб, дўқ қиласдилар. Мен буларни нима учун қилганман? Ғалаба қозониш учун. Чемпион бўлиш учун. Ҳаммадан зўр бўлиш учун. Голибга тайинланган совринга эришиш учун.

Осмон Шоҳлигида эса бир оз бошқача. Биз бир-биришимиз билан эмас, балки фақат ўзимиз билан беллашамиз ва бизнинг мақсадимиз, ҳамма ишларимизда Исога маъқул бўлишидир (2 Коринфликларга 5:9). Каломни диққат билан ўқисак, одамлар билан қандай муносабатда бўлишимиз, вақтимизни нимага сарфлашимиз, абадийлик бўсағасида одамларнинг жонига қандай таъсир ўтказишими, Унинг Шоҳлигига кириш учун бошқаларга қандай йўл беришимиз, атрофдагиларни қандай кечиришмизни ва бошқа нарсалар ҳақидаги Исонинг истаклари ёзилган оятларни топамиз. Кейинроқ буларни янада чуқурроқ мулоҳаза қиласмиз. Юқорида айтилганларга хулоса қилиб: ғолиб бўлиш учун яшайлик!

### **Турли хил мукофотлар**

Калом имонлилар қўлга киритадиган соврин ва ўринлар, бир-биридан жуда катта факр қилишини очади. Совринлар

ҳамма нарса ёниб кетишидан тортиб, то бутун мангулик да-вомида Масиҳ билан ёнма-ён ҳукмронлик қилишгача (1 Коринфликларга 3:15; Вахий 3:21 ларга қаранг) ўзаро фарқ қи-лади. Кўплар ҳаёти борасида гап кетганда, йўқотиш ва ёниб кетиши сўзларидан сесканиб кетадилар; самода умуман бун-дай нарса содир бўлишига кўзлари етмайди. Бироқ Каломда бу ҳақда узил-кесил ёзилган. Муқаддас Китобдан мисол кел-тиришдан аввал, Каломда инсоният ҳаёти аксарият ҳоллар-да бино ва баъзи жойларда Жамоат маъбад ёки бино билан таққосланганини, олдиндан айтиб ўтишга, рухсат этинг. Ушбу ўхшатмаларда, шахсий ҳаётимиз, бошқаларнинг ҳаёт жараёнига ва жамоатта таъсир кўрсатадиган, қурувчилар маъносида тасвирланганмиз. Мен ҳам китобнинг қолган қисмида кўп марта ушбу қиёсдан фойдаланаман. Повул аниқ-равshan қилиб, қуидагиларни таъкидлаган:

«...Сизлар ... Худонинг иморатисизлар ...Лекин ҳар ким қандай қураётганига эътибор берсин. Чунки ҳеч ким қўйилган пойдевордан, яъни Исо Масихдан бошқа пойдеворни қўя олмайди. Бу пойдевор устида кимдир олтиндан, кимдир кумуш ва қимматли тошлардан, кимдир эса ёғочу хашак ёки сомондан қурмоқдаки, ҳар бир кишининг иши ошкор бўлади, чунки ўша кун буни кўрсатади. Бу оловда фош бўла-ди ва олов ҳар кимнинг иши қандай эканлигини синайди. Агар кимнинг қургани охиригача турса, у мукофот олади. Кимнинг қилган иши ёниб кетса, у зиён кўради. Бироқ ўзи нажот топади, лекин олов ичидан қутулгандек бўлади» (1 Коринфликларга 3:9-15).

Биз ҳар доим қурилишдаги иккита муҳим йўналишдан бирини танлаган ҳолда, қандай қуриш кераклигини ўзи-миз белгилаймиз. Биринчи йўналиш – ўткинчи нарсаларга мойиллик, танага маъқул бўлиш (тахта, хашак, сомон-дан қуриш). Бошқаси – бу юқоридан туғилган руҳимиз ва Худонинг Сўзи хоҳишлари бўйича яшаш (олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан қуриш). Биз қандай қуришимиз ва

яшашимиз, ишларимиз Унинг олови ҳузурида синалганда, қандай натижага эришганимизни белгилайди.

Нафақат ишларимиз, шунингдек фикрларимиз, ният ва мақсадларимиз ҳам синовдан ўтади. Мана нима учун имонли Худонинг Сўзини эшитиши ва уни юрагида сақлаши ўта муҳим, негаки у «юрак ўйлари ва мақсадларини ҳукм қиласди, элақдан ўтказади, таҳлиллаштиради ва ёритади» (Ибронийларга 4:12, Кенгайтирилган таржима). Бизнинг юрагимизга Унинг Сўзидан бошқа ҳеч нарса бунчалик чуқур кириб бора олмайди.

Агар инсоний мулоҳазаларга, мантиқий хулосаларга ёки билимларга қулоқ тутсак, юрагимиз ва онгимиз билан ўткінчи нарсаларга интиламиз, боз устига худди Худбин Адолат залига бормагунича, бу ҳақда англамагандек, кўп ҳолларда бу нарса бизнинг ҳам ҳаёлимизга келмайди. Бинобарин, Исо огоҳлантиряпти:

«Чунки ошкора бўлмайдиган ҳеч қандай сир йўқ, маълум ва аён бўлмайдиган ҳеч яширин нарса ҳам йўқ. Шунинг учун сизлар қандай тинглаётганингизга эътибор беринглар: чунки кимда бор бўлса, унга берилади. Кимда йўқ бўлса, ундан ҳатто эга бўлишни хаёл қилгани ҳам тортиб олинади» (Луқо 8:17,18).

Исо: биз эшитган ва диққат қаратган нарсалар, юрагимизга тушади, сўнг улар фикр ва ниятларимизни шакллантиради, фикр ва ниятларимиз ўз навбатида ҳаётимизни қандай қурилишини белгилайди, дейди. Худонинг Сўзини эътибор билан эшитишимиш лозим, зеро у ҳаёт нуридир. Унинг Сўзисиз, тунги қоронғуликда йўлидан адашган инсон каби ҳойнаҳой, биз ҳам йўлимиздан адапшамиз. Қанчадир вақт тўғри йўналишдан боришимиз мумкин, аммо охир-оқибат, барибир йўлдан озиб кетамиз.

Тўғри йўлдан йироқлашган заҳоти, қурилишимиз осонликча, қандайдир вақтингачалик нарсаларга оғиб кетади, лекин Худо Сўзининг нури порлаган он бу нарсалар яна кўри-

ниб қолади. Повул дейди: «Фош қилинадиган ҳамма нарса нур томонидан аён қилинади, чунки аён қиладиган ҳамма нарса нурдир» (Эфесликларга 5:13).

Биз йўлимиздан адашганимизда, воқеалар иккита йўналишда давом этиши мумкин. Биринчиси, иккита йўлдан энг яхиси, воизликларда Худонинг Каломини тинглаш, китоб ўқиш жараёнида ёки дўстларимизнинг сўзлари орқали танбеҳ эшитамиз. Мана нима учун Сўз билан мутаносиб равишда озиқланиш, ҳаёт учун зарур. Биз доно бўлсак, тезгина тавба қиласиз ва ўз фикрларимиз, ният ва истакларимиз учун кечирим сўраймиз. Лекин виждонимиз қайта-қайта содир қилинган хатолардан ўтмас бўлиб қолган бўлса, ҳақиқатни эшитиш қийин бўлади, борди-ю виждон қаттиқ ҳолга келган бўлса, ҳақиқатни эшитиш қарийб имконсиз. Бинобарин Калом пок виждонни сақлаш имкони борлиги ҳақида айтган (Ҳикматлар 4:23; 2 Тимотийга 1:3). Виждонимизни софликда сақласак, юрагимизда, Худо Сўзининг фаолиятини ҳис этиш осон бўлади.

Бошқа номаъқул йўл: мақсадларимиз Судда очилади. Агар шу нарса содир бўлса, бизга тегишли совринни йўқотамиз. Хуллас, сиз ўзингиздан сўрашингиз зарур: «Худо Каломи фош қилганда, юракни ёпиш бизга нима беради?» Ҳар гал, танбеҳни қабул қилишдан бош тортганимизда, юрагимиз қаттиқлашиб бораверади, биз эса чуқурроқ адашиб борамиз. Ўзимизнинг асл ҳолатимизни фаҳмламай, буни Судда Унинг шарафи нурида кўриб қоламиз.

### **Абадий келажакка тайёргарлик**

Ҳаётимиздаги ҳеч бир нарса Суднинг назаридан четда қолмайди. Ҳамма нарса равшан ва яққол тарзда очилади. Мана нима учун Повул Суд тахтини «Раббийнинг қўркуви» деб атаган. Судда бизнинг ниятларимиз, хоҳишларимиз,

фикрларимиз, сўзларимиз, ишларимиз ва бошқалар ўрганиб чиқилади. Повулнинг Коринфликларга ёзган биринчи мактубида қурилиш ва суд ҳақидаги сўзларини Message таржимасида ўқиганда, жуда кучли эшитилади:

«Бошқа сўзлар билан айтганда, сиз Худонинг уйисиз... Курниш манбаларини танлаётиб, эътиборли бўлинглар. Курниш якунида текширув ўтказилади. Агар сиз арzon ёки ёмон манбалардан фойдаланган бўлсангиз, бу юзага чиқади. Текширув пухта ва жиддий ўтади. Ҳеч нарса кўздан четда қолмайди. Агар сизнинг ишингиз текширувдан яхши ўтса – бу ажойиб; борди-ю бўндай бўлмаса, сизнинг қурилишдаги қисмингиз бузиб ташланади. Лекин сиз бузилмайсиз, сиз қийинчилик билан тирик қоласиз».

Сизларни билмадим-у, лекин мен Масих Ҳукмидан зўрга тирик қолган одамнинг ўрнида бўлишни истамайман. Ҳозир мангулиқдаги ўз тақдиримиз ҳақида гапиряпмиз. Ўша куни қанчадан-қанча имонлилар ҳайратда тош бўлиб қотиб қолишини фараз қиляпсизми? Тайёргарлик кўрган, атиги битта қаҳрамонимиздан ташқари қолган барча қаҳрамонларимиз учун, ҳамма содир бўлган нарсалар бутунлай кутилмаган ҳолат эди. Улар бошидан билиши керак бўлган, дастлабки таълимотларни жиддий қабул қилмаган эдилар.

Мен ҳар доим келажақдаги ҳаётига тайёрлагарлик кўрадиган, бу дунёнинг доно кишилари билан учрашиб қоламан. Ҳаммаси, мактабдан то муваффақиятли мансабнинг эшиклари очилгунча, ғайрат билан ўқийдилар. Мансабда кўтарилишни бошлагач, улар уй сотиб олишга интиладилар. Келажак учун бир қанча пул йигиб қўядилар. Айримлари маблағининг бир қисмини даромад келтирадиган соҳага сарфлайдилар. Буларнинг бариси келгусига тайёргарлик учун қилинади, чунки одамлар, айниқса нафақа ёшида, муҳтоjлиқда яшашни истамайдилар. Агар улар ҳам, бугун кўпчилик мангулиқка қандай тайёрланса, қа-

рилил чөфига ҳам шундай тайёрлансалар әди, келажакда муаммога учрашишдан ташқари, күп масиҳийлардан фарқли ўлароқ, шундай яшаётганидан жуда ховотирланган ва қўрқкан бўлардилар.

Келинг фараз қилиб кўрайлик. Нафақага чиқаётган кекса кишини кўз олдингизга келтириб кўринг. Биринчидан, давлат нафақа жамғармаси касодга учради ва бу одамга энди ҳар ой нафақа тўлай олмайди. Иккинчидан, унинг барча маблағи сақланиб турган банк ёпилди ва у банқдан бир тийин ҳам ололмайди. У шу кеча тутун ўртасида уйғониб кетди, унинг уйини олов қуршаб олган әди. У ҳеч нарсани олишга ултурмай, кўчага отилиб чиқди. Ҳамма ийққан мулки ёниб кетаётганини, битта тунги куйлақда кузатиб турарди.

Бу кун ўша одамнинг ҳаётидаги мудҳиш кун. Масиҳ Ҳукмида, баъзи масиҳийлар билан нималар содир бўлиши ҳақида айтиб, Повул айнан шу суратни чизяпти. Келинг, унинг сўзларини яна бир марта ўқиимиз: «Кимнинг қилган иши ёниб кетса, у зиён кўради. Бироқ ўзи нажот топади, лекин олов ичидан қутулгандек бўлади» (1 Коринфликларга 3:15). Шоҳликнинг доно имонлилари, биз «қариллик чоғидаги таъминот» учунгина меҳнат қилмаётганимизни тушунадилар. Биз абадийликка тайёрланаяпмиз!

Доно деб, охирати ҳақида қайгурадиган, ердаги ҳаёти келажакдаги тақдирини белгилашини билган ҳолда, яшашдан мақсадларга эга бўлган кишиларни айтаяпман. Бу уларга шунчаки, ҳамма ишлари ёниб, барбод бўлиб кетишини билиб, Осмон Шоҳлигига оёғи тегибгина ўтишдан асрайди ва Үнга кириш учун шарафли йўл очади. Қаранг, Пётр бу ҳақда шундай деган:

«Шунинг учун биродарлар, ўз даъватингизни ва танловингизни мустаҳкам қилиш учун янада астойдил ҳаракат қилинглар: агар шундай қилсангиз, ҳеч қачон қоқинмайсизлар. Шу тариқа, Раббимиз ва Нажоткоримиз Исо Масиҳнинг

абадий Шоҳлигига кириш йўли сизларга кенг очилади» (2 Пётрга 1:10,11).

Кириш йўли кенг очиқ! Бу, Хўжайиннинг: Баракалла, яхши ва содик қул! Сен оз нарсада содик бўлдинг, сени кўп нарса устидан қўяман. Энди, хўжайиннингнинг қувончига киргин» (Матто 25:21), деган сўзларини эшитишни билдиради.

Бир қанча вақт аввал Раббий менга очиқлик берган эди. Мен Худонинг шахри бўйлаб саф тортиб юриб кетаётган шоҳликнинг ғолибларини кўрдим. Улар олтиндан бўлган кўчалардан борар ва кўчанинг икки томонида минглаб аёл ва эркаклар туриб, уларни олқишиларди. Шоҳ Исо шаҳарнинг ҳар бурчагидан кўринадиган минбарда қад кўтариб турарди. Садоқатли жангчилар, зиналардан чиқиб, Исога ҳадялар узатар, буни кўриб, оломон ўйин-кулгу қиласарди. Очиқликда, Раббий жангчиларга «Яхши» деди.

Сўнгра Раббий менинг юрагимга гапирди. «Менга ўрим-терим ҳосилларидан олиб келаётган мана шу аскарлардан бири бўлишни истайсанми ёки четда турганларнинг қаторида бўлишними?» Мен ўз даъватимни бажаришга ва нима учун танланган бўлсам, шу нарсани амалта ошириш учун ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамроқ киришишга қарор қилдим. Раббим ҳаётимни кўриб чиқаётганда, менга берилган имконият қўлдан бой берилгани туфайли, Унинг юзидағи қайғу аломатини эмас, балки ҳеч иккиланишсиз завқли табассумни кўришни истайман.

Шунда мен, ўз давримнинг ҳар битта Худони севадиган кишига бу ҳақда айтишга қарор қилдим, токи улар ҳам мен билан бирга Унинг мафтункор ҳузурига ҳадялар билан кира олсинлар ва Отамизнинг шарафли табассумини кўришга муяссар бўлсинлар. Самога кириш йўли кенг очиқ бўладими ёки йўқми, буни ердаги хизматимиз орқали ўзимиз белгилаймиз. Кейинги бобларда айнан шу ҳақда гап кетади.

## Давомида

Кейинги бобларда ҳаётимиз, ҳукм қилинишимиз ёки мукофотланишимизга жавоб берадиган, муҳим соҳаларини муҳокама этамиз. Ҳамма мавзуни батафсил ўрганиб чиқа олмасақда, энг муҳимларини кўздан кечирамиз. Келгусида, абадийлиқда аҳамиятга эга бўладиган ҳаётни қура олишингизда, яхши пойдевор қўя оламиз.

Якунида, шошилмасдан, Пётрнинг сўзларини ўқиб чиқинг ва ушбу бобда ўқиганларингизга яна бир бора диққат қилинг. Бу оятда ҳамма айтилганларни жонлантиришга қодир, муҳим сўзлар ва ибораларни кўрасиз. Унинг сўзлари бизни, тез орада айтадиган мавзуларимизга ҳам тайёрлайди:

«Худога маъқул ҳаётта олиб борадиган ҳамма нарса, Худога бизни жалб қилганни шахсан ва яқиндан таниб-билиш орқали мўъжизавий тарзда берилган... Шунинг учун, имонингизга яъни хулқ-атвор, руҳий фаҳм, аниқ интизом, иштиёқли сабр-тоқат, эҳтиромли истак, илиқ дўстоналиқ ва бошқаларни қурадиган, ҳимматли севгини қўшиб, сизга берилган нарсада қуришда бир дақиқани ҳам йўқотманглар. Бундай сифатларга эга бўлиб ва уларни кўпайтириб, сиз Раббимиз Исони таниб-билишда вояга етган сари, бир кун ҳам мукофотсиз қолмайсиз... Шундай экан, дўстлар, ўз даъватингизни ва танловингизни мустаҳкам қилиш учун янада астойдил ҳаракат қилинглар; буни кеининга қолдирманглар, ҳозир қилинглар, шундай қилсангиз, ҳеч қачон қоқинмайсиз, зеро шу тариқа Раббимиз ва Нажоткоримиз Исо Масиҳнинг абадий Шоҳлигига кириш йўли сизларга кенг очилади. Шунинг учун бу ҳақда билсангиз ва ҳозирги ҳақиқат билан тасдиқлаётган бўлсангизда, эслатиб туришдан тўхтамайман. Бу фоний танада эканман, сизларга эсалатиб туришниadolатали деб биламан» (2 Пётрга 1:3,5-8,10-13, The Message).

# • МУХОКАМА ҮЧУН САВОЛЛАР •

## 4 БҮЛИМ: 8-10 БОБЛАР

1. Судда Аффабел фуқаролари янги исм олганлари, балки киноянинг энг кучли жойи бўлиши мумкин. Масиҳга келгунча, сиз ким бўлганингиз ва нималар қилганингиз ҳамда Исо қай тарзда ҳаётингизни ўзгартиргани ҳақида фикр юритинг. Нима деб ўйлайсиз, сизга бериладиган янги исм сиз ҳақда нималарни очиб бериши мумкин?
2. Сиз қандай фикрдасиз, имонлилар самога борганида, ердаги нотўғри ҳаёт тарзи туфайли катта йўқотишга учрашига қарамай, у жой Худо кўз ёшларни артадиган, қувонч маскани бўлиши мумкинми?
3. Саховат тенгдошларининг орасида нимаси билан ажраблиб турганини ўз сўзларингиз билан айтиб беринг. Унинг ҳаётидан қандай дарс олишимиз мумкин?
4. Само ҳақидаги, Каломдан олинган таърифлардан бирор таси сизни ҳайратлантиридими? Агар ҳа бўлса, унда нима ҳайратлантириди?
5. Ўнинчи бобда шундай фикрлар келтирилган: «Исонинг қони Унинг Шоҳлигига киришимизга тўсиқ бўладиган гуноҳлардан поклайди, бироқ у имонли бўлганимизда, ёмон ёки яхши яшаганимиз учун суд қилинишдан озод қилмайди». Бу борада сизнинг дастлабки муносабатингиз қандай эди? Энди бу бўлимни ўқиб чиққач, нима деб ўйлайсиз?



# **5 БҮЛИМ**



## 11 БОБ

# ХУДОНИНГ УЙИ

*...Сизлар Худонинг Рұхи орқали... барпо этилмоқдасизлар*  
— Эфесаликларга 2:22

**И**монлилар устидан бўладиган судни икки тоифага ажратамиз. Биринчиси – инъом ва даъватимизга мос равишда Худонинг Шоҳлиги қурилишидаги бизнинг иштирокимиз суд қилинади. Иккинчиси – алоҳида одамларнинг ҳаётини ва шахсий ҳаётимизни қай тарзда қурганимиз борасида бўладиган суд. Бошқаларни қуришга – уларга ўтказган таъсиrimиз киради; шахсий ҳаётимизга – Худонинг иноятини қандай қабул қилганимиз, табиатимизни Масиҳга ўхшаш этиб ривожлантирганимиз киради. Бу тўғридан-тўғри, Худонинг Сўзига бўлган имонимиз, итоатимиз ва муносабатимизга боғлиқ. Судда бизнинг ишларимиз, ҳаракатларимиз, сўзларимиз, фикрларимиз ва ниятларимиз синчиклаб ўрганилади. Бу бобда аввал Унинг Шоҳлигидаги қурувчилик ролимиз устидан бўладиган судни, сўнг шахсий ҳаётимиз қурилишини кўриб чиқамиз.

### «Мен учун нима қиласан?»

Шоҳликдаги қуриш қобилиятимиз батамом Муқаддас Рұхга бўйсунишимиизга боғлиқ, бинобарин, Исо Масиҳнинг иноятисиз, ўзимиз ҳеч қандай қимматга эга бўлган нарсани амалга ошира олмаймиз. Бизга шундай дейилган: «Агар уйни Раббий қурмаса, уни қураётганлар бехуда меҳнат қи-

ладилар. Агар Раббий шаҳарни қўриқламаса, соқчи беҳудага бедор туради» (Сано 126:1). Муқаддас Руҳсиз қуришимиз мумкин, бироқ мангаликнинг қаршисида бизнинг меҳнатларимиз беҳудага чиқади, улар суд куни оловда ёниб кетадилар. Буни тушуниш ҳаётий муҳим.

Худо Эски Аҳддаги, Унга хизмат билан банд бўлган кишиларга мурожаат этган:

«Осмон – Менинг таҳтиmdir, ер эса Менинг оёқларимнинг пояндозидир. Қаерда сизлар Мен учун уй қурасизлар ва Менинг ором топадиган жойим қаерда? Чунки буларнинг ҳаммасини Менинг қўлим яратди, шунинг учун буларнинг ҳаммаси пайдо бўлди, – дейди Раббий, – Лекин мана, Мен кимга назар ташлайман: камтарин ва руҳи эзилган ҳамда Менинг Сўзим олдида титрайдиган одамга» (Ишаъё 66:1,2).

Оддий қилиб айтганда, Раббий дейди: «Мен – Худоман. Мени кимлигимни яхши биласизларми? Сиз Мен учун нишадир қила оламан деб, ўйлајпсизларми?» Худо учун нишадир яратса оламан деган фикрни, чумолининг одамга қараб: «Биз сен учун уй қуриб берамиз», деган сўzlари билан таққослаш мумкин. Қанчалик аҳмоқлик! Биз улуғвор, тенги йўқ ва ажойиб Худоимиз учун, ўз кучимиз билан ҳеч нарса қила олмаймиз. У бизнинг ёрдамишимизга муҳтож эмас.

Бошқа томондан, Худо қандай одам маъқул бўла олиши ва Унга итоат қила олиши мумкинлиниги айтган: қўникувчан, тавба қиладиган, Худодан қўрқадиган ва Унга бўйсунадиган одамлар. Айнан шундай кишилар Унга уй қуришлари мумкин. Улар қандай қилиб, шундай буюк Худога хизмат қилишга қодир? «Қудрат билан эмас ва куч билан эмас, аммо Руҳим билан», – дейди Қўшинлар Худованди» (Закарияҳ 4:6). Муқаддас Руҳ билан итоатда ҳамкорликда ишлаттган киши натижага эришади. Фақат шу тарзда қурувчинг заҳмати беҳуда кетмайди.

## Ҳамкор

Мана, ҳайратомуз ҳақиқат мужассамланган ҳақиқат: улуғвор ва қудратли шахс саналмиш Раббий, ўз хоҳиши билан, ердаги бутун ҳокимиятни инсонга бериб, Ўз ҳаракатларини чегаралади. Бу нарса Худо чегаралангандан бўлиши мумкинлигига олиб келди. Сиз таажжубланишингиз мумкин, лекин бутун Калом бўйлаб бунинг мисолини кўриш мумкин. Иброҳимнинг авлодлари «Худони васвасага солдилар ва Истроилнинг Муқаддасини ҳақоратладилар (чегараладилар)» (Сано 77:41). Исо яна Ўз халқининг раҳбарларига шундай дейди: «Сизларнинг ўзларингиз ўрнатган ўз удумларингиз билан Худонинг Сўзини бекор қиласизлар (йўққа ва бефойдага чиқарасизлар)» (Марк 7:13, Кенгайтирилган таржима). У билан ҳамкорлик қила туриб, энг муҳими, одамларни Масихнинг тимсоли ва суръатига ўхшашиб ёлашга етаклашдан иборат бўлган, Унинг истагини амалга оширишга масъулмиз. Шу боис ҳаммамиз ҳамкорлар, деб номланамиз.

«Чунки биз Худонинг ҳамкорларимиз (ҳамкасларимиз), сизлар эса Худонинг экинзори, Худонинг иморатисизлар» (1 Коринфликларга 3:9, Кенгайтирилган таржима).

Янги Аҳдда, қарийб ҳар сафар, Шоҳликнинг ишчилари ҳақида айтилганда, улар экинзор ёки қурилишдаги ишчилар билан таққосланган. Нима учун экинзор? Чунки ер, Худо Шоҳлиги ҳозирда униб-ўсаётган экинзорни аск эттиради. Муқаддаслар ерда қай тарзда Шоҳликни қураётганини кўриб, бутун само қувонади. Нима учун бино? Чунки Худо доимий яшаш жой қидиряпти, бизлар эса Унга турар жой барпо этадиган, тирик тошлармиз.

Пётр ёзган: «Ўзларингиз ҳам тирик тошлар каби ўзингиздан руҳий бино, муқаддас руҳонийлар барпо этинглар, токи Исо Масих орқали Худога маъқул бўлган руҳий қурбонликлар келтиринглар» (1 Пётр 2:5). Хуллас, ердаги вақтимизнинг

мазмуни, одамларнинг нажот топиши, таълим олиши ва уларга хизматда ўз аксини топган, Унинг шарафли маъбади ёки уйини қуришдан иборат. Бизнинг вазифамиз – соф тирик тошлар бўлиш, шунингдек тирик тошлар бир-бирига мос келиб ва қўшилиб, Худонинг уйини қуриши учун, бошқаларни қуришда иштирок этишдир. Шу аснода, барчамиз шахсий ҳаётимиз ва Шоҳлик қурилиши учун ҳисобот берамиз.

### **Уйнинг қурилиши**

Мен қурувчи бўлганимда, уй қуришни бошлашдан аввал, бино тузилишининг режа ва расмини ўйлаб чиққан бўлардим. Уй қандай қурилиши зарурлиги ва керакли материалларни икир-чикирини қўрсатадиган чизмаларни тайёрлаб чиқардим. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳар бир қурувчи, ишнинг энг муҳим қисми, бу пудратчилар хизмати, қурувчилар, сантехниклар, электриклар, туникачилар ва бошқа мутахассисларнинг ишини ўз вақтида ташкиллаштиришидир. Айнан ўшалар ишнинг тўғридан-тўғри бажарувчилари-дир. Мабодо иш тўғри режалаштирилмаса, тартибсизликка учрашингиз тайин. Жумладан, электр симларини тортишдан ва деворларни совуқ ўтмайдиган қилиб, ёпишдан аввал, гипсокартоннинг тахланишини тузиб қўйиш зарур.

Пудратчилар ўз ишини яхши бажармаса ёки ўз вақтида ишни топширмаса, буюртмачи ишни бажариш учун бошқаларни топади. Бундай ҳолда янги пудратчилар тезлик билан ишга тушиши, балки олдинги ишчиларнинг ёмон ишини тузатиши шарт бўлади. Бир қисм пудратчилар ўз ишини ҳали бажармаган бўлса ҳам, қурулиш бошлиғи буюртмани тугатиш учун ҳамма йўлларни қидиради.

Мен яна бир вақеани кузатганман: қурувчилар бошлиғи шахсий уйини қуриш билан шуғулланган ҳолатни. У пудратчиларни мумкин қадар пухталик билан танлайди ва энг зўр

материалларни сайлаб олади ҳамда пудратчилар ўз ишини тўғри амалга оширишлари учун уларнинг барча шартларини бажаради. У бутун қурилиш жараёнини диққат билан кузатиб боради. Худованд Ўз уйининг Қурувчиси, бироқ Унинг уйи – одамлардан ташкил топган, бутун шаҳар ҳисобланади!

Ердаги маҳсус уйларга кўпинча ном берадилар. Жумладан, Англия қироличасининг уйи Букингемлик қаср деб номланади. Қўшма Штатлардаги президентнинг уйи Оқ уй дейилади. Бошқа уйлар, балки, сизга таниш эмасдир. Филис Кэльверт исмли актрисанинг уйи Адир устидаги уй деб номланади. Актёр ва режиссёр Чарльз Иван Вэнснинг уйи Оук Лодж, романчи Чарльз Дайернинг уйи Олд Моб ва ҳоказо. Худо эса Ўзининг уйини, биздан анча илгари номлаган. Ҳали қурилишда давом этаётган абадий уйни, У Сион деб атади. Каломда айтилган:

«Чунки Раббий Сионни танлади, Ўзига маскан учун уни истади. Бу Менинг тоабад оромим, бунда ўрнашаман, чунки Мен уни истадим» (Сано 131:13,14).

Агар сиз ўз уйингиз режасини тузиш баҳтига эришган бўлсангиз, қанчалик ҳаяжон ва сабрсизлик билан қурилиш тугашини куттансиз. Сиз ўз уйингизда дам олишни истайсиз, чунки у жойда қувонч ва осойишталик бор.

Биз Лиза билан 1990-йилнинг ўрталарида уй қуришга мұяссар бўлдик. Биз Флорида штатининг Орландо шаҳрида яшардик ва бизнинг хизматимизни ёқтириб қолган, бир юқори малакали хусусий уйлар қурувчи Роберт, бизга уй қуриб бериш таклифи билан мурожаат қилди. Ўша вақтда биз шунаقا кичик уйда яшардикки, унинг хизмати бизнинг ҳамёнимизга тўғри келмас эди. Биз маблағ қисмини муҳокама қилаётганимизда, у деди: «Мен сизларга Худонинг нархида уй қуриб бераман». Уйимизни қуриб бўлгач, у биздан бир тийин ҳам олмади.

Унгача бизнинг иккита уйимиз бор эди. Иккаласи ҳам кичик ва оддий бўлиб, бошқача айтганда, уларнинг лойиҳасида ҳеч қандай аҳамиятли жиҳати йўқ эди. Роберт сұхбатимиздан бир неча кундан сўнг келиб, биргалиқда ошхона столи атрофида ўтириб, битта қоғоз чиқариб ва илҳом билан шундай деганини унутмайман: «Орзунгиздаги уйни чизинглар!»

Биз қотиб қолдик. Биз бунинг имкони бор деб ўйламаган ҳам эдик. Рафиқам бирдан ишга тушиб, чизишни бошлади. У бундай имкониятни кўп йиллар давомида кутиб келганди. Сўнгра мен ҳам берилиб, унга ёрдам беришни бошладим. Биз орзуимиздаги уй қандай кўринишини ўйлаганимизда, янада қувончга тўлиб борардик. Биз ўзимизни ҳеч нарсада чегараламадик. Расмни чизиб бўлгач, уни архитектор ва безакчиларга бердик. Бир неча кундан сўнг, Боб бизга чизмаларни кўрсатди ва биз сабрсизлик билан қурилиш бошланишини кутишни бошладик.

Роберtnинг ҳамкор пудратчилари ишни бошлагандан охиригача, биз ҳар куни бир марта, баъзида икки марта, қурилиш бўлаётган ерга бориб турардик. Биз уйнинг битишини бетоқатлик билан куттардик. Янгиликни ва янги уйимизга кўча оладиган кунни кутиб, ўша бир неча ойлар бир неча йилларга, кунлар эса – ҳафталарга чўзилиб кетгандек, туюларди. Биз қоғозга тушурган орзуимиз, кўз олдимизда жонланиши ҳақидаги фикрдан ҳайратланардик.

Бу манзара Худо Ўз орзусидаги уйга нисбатан ҳис қилаётган қувончга ўхшайди, бироқ У бу уйни бир неча ойдан-да анча кўп вақт давомида кутмоқда. У дунёning яратилишидан бошлаб, шу пайтгача, Ўз уйи битишини сабрсизлик билан кутмоқда. Каломда шундай дейилган: «Чунки Раббий Сионни куради» (Сано 101:17) ва «Худо гўзалликнинг мукаммаллиги бўлган Сиондан порлайди» (Сано 49:2).

У Ўз уйи устида бир неча минг йиллардан буён меҳнат қилмоқда. Худо Ўз режаси, мағлубиятга учрашишини би-

либ туриб, уни ерга жойлаштирган одамларга очди, лекин Унинг режасида инсониятнинг мағлубияти йўқ эди. Ҳаммасини олдиндан билиб туриб, У қайта сотиб олинган одамлардан Сион қуришни режалаштириди.

Курилишни пойдевор ва бурчак тоши бўлмиш, Сотиб олувчи – Исо Масихдан бошлаш лозим эди. «Мана, Мен Сионга тош қўймоқдаман – синалган тош, асосий бурчак тоши, мустаҳкам ўрнатилган, қимматбаҳо тош, унга ишонадиган уятда қолмайди» (Ишаъё 28:16). Ота йўз уйини дунёнинг яралишидан олдин ўйлаб топган ва режалаштиргани боис, Исо «дунё яратилишиданоқ сўйилган Қўзи» (Ваҳий 13:8) деб аталган, Пётр эса дейди: «Масих дунё яратилишидан олдин тайинланган» (1 Пётр 1:20).

Исо нафақат бурчак тоши, қолаверса, бош Қурувчи ҳамдир. Исо ўз вазифасини бажарди ва буни аъло даражада бажарди. Хочга михланишидан олдин Отасига мурожаат этиб, шундай сўзларни айтди: «Мен Сени ер юзида улуғладим, Сен Менга бажаришим учун берган ишни амалга оширдим» (Юҳанно 17:4).

Ота Худо Исо учун маҳсус вақт белгилади (Галатияликларга 4:4 га қаранг); сўнгра У қолган барча «пудратчилар» учун вақт белгилади. Бу «пудратчилар» – сиз ва мен. Шу билан бир қаторда, юқорида айтиб ўтганимиздек, бизга нафақат «пудратчилар», шунингдек Унинг уйи учун қурилиш материаллари бўлиш ҳам насиб этган. Повул шундай деб ёзган: «Ўзининг ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишидан аввал бизни Масихда севги билан танлади» (Эфесликларга 1:4). Бу жойда бизлар уй қурилиши учун материал эканимиз ёзилган: биз тирик тошлармиз.

Бундан ташқари Худо бизни ўз ҳамкорлари сифатида танлаган, негаки қўйида ўқиймиз: «Зеро биз Худо азалданоқ тайёрлаган яхши ишларни бажаришимиз учун Исо Масихда яратилган Унинг ижодимиз» (Эфесликларга 2:10). Эътибор беринг, У биз бажаришимиз керак бўлган вазифани

олдиндан режалаштириб қўйган. Каломнинг ҳеч қаерида, дунёниг яратилишиданоқ бизга вазифа берилган дейилмаган, гарчи бу шундай бўлиши ҳам мумкин. Биз буни аниқ билмаймиз, чунки «дунёга асос солинган вақтданоқ Унинг ишлари тамом бўлган» (Ибронийларга 4:3). Қурувчилик вазифамизга келсак, у ҳақда – бизга, туғилишимиздан аввал берилгани ёзилганини кўрамиз, холос. Довуд ёзган: «Сенинг кўзларинг ҳомилалигимда мени кўрган эди, Сенинг китобингта – мен учун белгиланган барча кунлар, ҳали уларнинг бирортаси бўлмаганида ёзилган эди» (Сано 138:16).

Ҳаётимиз учун тайинланган ишлар, онамизнинг қорнида шаклланишимиздан олдин белгилаб қўйилган. Бу ҳақиқат Худонинг Сўзида Йермияҳнинг сўzlари орқали ўз аксини топган: «Мен сени она қорнида шакллантиришимдан олдин таниб билдим. Сен она қорнидан чиқишингдан олдин Мен сени муқаддаслаб, сени халқларга пайғамбар қилиб тайинладим» (Йермияҳ 1:5) Ҳаворий Повул шундай деган: «Лекин Худо мени онамнинг қорнидаёқ танлаб, Ўз инояти билан мени даъват этиб, мажусийлар орасида Унинг Хушхабарини воизлик қилишим учун Ўз Ўғлини менга зоҳир қилишини маъқул кўрди...» (Галатияликларга 1:15,16). Йермияҳ ва Повулнинг гувоҳлиги биз туғилишимиздан аввал, Худонинг аниқ белгиланган ишлари учун ажратилганимиз ҳақидаги Довуднинг сўzlарини тасдиқлайди, холос.

Шу аснода ажойиб ҳақиқат очилади: Худованд дунёга келмасингиздан анча илгари сиз ҳақда китоб ёзган, унда илк кунингиз бошланмасданоқ, бутун умрингиз қайд этилган! Савол мана нимада: биз учун режалаштирилган ҳаётни бажо келтирамизми ёки йўқми? Сураймон шундай деб ёзган:

«Мен англадимки, Худо қилаётган ҳамма нарса абадий туради. Унга ҳеч нимани қўшиб бўлмайди ва ундан ҳеч нимани олиб бўлмайди; одамлар Худодан кўрқишлари учун У шундай қилган. Нима бўлган бўлса, ҳозир ҳам бор ва нима бўла-

диган бўлса, у аллақачон бўлган, зеро Худо ўтмишни қайта-ради» (Воиз:14,15).

Каломдаги бу сўзларда нақадар маъно кўп! Биринчидан, буни Худо режалаштирган. Унинг режасида ёзилганлардан ҳеч нарсани бекор қилиб бўлмайди ва инсон унга ниманидир қўша олмайди. Бироқ Сулаймон давом этиб, барча содир бўлаётганлар, аввал Худонинг фикрларида эди, дейди. Келажакда содир бўладиган нарсалар ҳам, Унинг фикрларида мужассам. Аммо биз улардан амалга оширилганлари бўйича, ҳисобот берамиз! Биз учун мўлжалланган ҳаётни амалга оширидикми? Ёки биз ҳамма нарсани чалкаштириб, вазифамизни қўлдан бой бердикми? Биз бажаришимиз лозим бўлган ишни, У энди бошқаларга топшириши керакми?

Мен энди муҳим гапни айтишим зарур. Ҳар бир киши ҳаётида Худо томонидан берилиган даъватга эга. Ҳар бири-миз Худонинг режасидаги керакли қисм ҳисобланамиз. Шунингдек, яна шу нарсани билингки:

Сизнинг даъватингизга келадиган бўлсак, сиз қилган ишларингиз бўйича эмас, нимага даъват этилган бўлсангиз, шу даъват бўйича суд бўласиз!

Мисол келтирмоқчиман. Исо судда шунга ўхшаш гапни айтиши мумкин:

- Хушхабарчи Андерсон, олдинга чиқ ва Менга олиб келиш топширилган, барча жонлар бўйича ҳисобот бер.

Бу одам Исонинг ёнига бориб, озроқ титроқ ва ҳаяжон билан, дейиши мумкин:

- Раббий, Сен «ҳисобчи Андерсон» демоқчи эдинг, тўғрими? Мен фирма соҳасида ҳисобчи бўлиб ишлаганман. Бу менинг касбим. Мен жамоатлар ва саховат ташкилотларига ёрдам берганман. Сенинг Шоҳлигингта кўп жонларни эса жамоат хизматчилари олиб келдилар. Сен мени ким биландир адаштирумадингми?

Раббий тахминан шундай деб жавоб беради:

- Йўқ, сен туғилмасингдан аввал, сени Мен учун Осиёда мингта жонни қўлга киритишга даъват этганман, улар қаердалиги ҳақида ҳисобот бер. Агар сен менга итоаткор бўлганингда, Менинг Шоҳлигимга олиб келишинг мумкин бўлган ҳосиллар учун мукофотга эришардинг. Энди эса сенинг ишларинг ёниб кетади, негаки улар итоатсизлик билан амалга оширилган.

Сўнгра воқеа шундай давом этиши мумкин. Исо дейди:

- Ҳисобчи Жонс, олдинга чиқ, илтимос, ўз даъватинг бўйича ҳисобот бер.

Бу одам ҳам ҳаяжон ва қўрқувда олдинга чиқиб, дейди:

- Раббий, Сен «чўпон Жонс» демоқчимидинг? Мен 900 кишилик жамоатнинг чўпони бўлганман. Мен бу жамоатни нулдан бошлаб кўтарганинг.

Шунда Раббий унга шундай жавоб бериши мумкин:

- Мен сени молиявий тадбиркорлик билан шугулланишга ва Менинг кўп жамоат ва хизматкорларимга Мен берган вазифани самарали амалга оширишда ёрдам бера оладиган улкан корхона яратишга чақирган эдим. Агар Мени чиндан ҳам излаганингда, сенга буни кўрсатардим. Ўшанда бу хизматкорлар таъсир кўрсатган минглар одамлар, сенинг ҳисобингта ўтган бўларди. Энди эса ўз ишларинг учун мукофотсиз қоласан, чунки уларни итоатсизликда бажарсансан. Сени шаҳарни бошлиқа томонидаги жамоатнинг бош ташкилотчиси бўлишингни истагандим. Агар итоаткор бўлганингда, Мен чорлаган жойда, Танада муҳим вазифани ўтаганинг учун ўша жамоатдаги етти мингта жон ҳам, сенинг ҳисобингта ўтарди. Ўша жамоатда бўлмаганинг учун мукофотингдан қуруқ қоласан.

Мисол келтиришга ижозат беринг. Менинг бир дўстим бор, у АҚШнинг жанубий-шарқий томонида, бир тез ўсаётган жамоатнинг чўпони. У жамоатни 1991 йил йигирма иккита киши билан бошлаган, эндиликда уларнинг сони

тўрт мингтага етди. Бу жамоат – одамларнинг руҳий очлиги боис, воизлик қилиш учун энг енгил жой. Бу жамоатда минглаб одамлар нажот топди ва таълим олдилар.

Бу жамоат кучли ибодат, кучли воизлик ва тиришқоқ меҳнат туфайли шиддат билан ўсмоқда. Улар яқинда кўпроқ одамга мўлжалланган, кўркам жамоат биносини қурдилар. Бир неча йил ўтиб, дўстим йигинлардан бирида, оппоқ сочли хушқомат, ёши катта кишини кўриб қолди. Сўнтра, у ҳар хизматдан сўнг кўз ёш тўкиб ўтирганини, сезиб қолди. Чўпон бу ёшлар, қувонч ёшлари эмаслитини ҳис этди.

Ниҳоят у одам чўпоннинг ёрдамчисига келиб, Худо унга 1981 йилда манашу шаҳарда жамоатга асос солишни буюрганини айтиб берди. Бир неча кундан сўнг тушида, чўпонлик қилиши керак бўлган жамоатнинг биносини кўрди. Туш шу қадар ўнгда бўлгандек эди, ҳатто у малакали архитектордан тушидаги бинони чизиб беришини илтимос қилди. Сўнгра у бир нечта қаршиликларга дуч келди ва жамоат ташкил қилиш фикридан воз кечди. Қанчадир вақт ҳар хил шаҳарларга бориб хизмат қилиб юрди, кейин яна тадбиркорлик соҳасига қайтиб кетди.

У одам 1981 йил чизилган бинонинг расми туширилган қоғозни эҳтиёткорлик билан очди. Чўпоннинг ёрдамчиси чизмага қараб, қотиб қолди. Расмда, дўстим бир неча йил аввал қурган, ҳозир улар ичида турган бинонинг ўзигинаси чизилган эди. Дўстим у одамни юпатишга уринди, бироқ у юпанмасди. Худо бу одам бутун умр маҳқумлиқда яшашини эмас, балки ҳойнаҳой, улғайиши ва ҳаётининг охиригача Раббийга самарали хизмат қилиш йўлини топишини истар эди.

Мен бир неча йил олдин, бир катта анжуманда шу мавзу ҳақида воизлик қилган эдим. Хизматдан сўнг жамоатнинг чўпони ҳаяжонланиб ва довдираб, жамоамизнинг аъзоларидан бирига келиб, деди: «У воизлигида айтган нарсалар, чиндан ҳам шундай эмаску, тўғрими?»

Жамоам аъзоси жавоб берди: «У айтган гаплар, албатта, чиндан ҳам шундай, лекин сени қандай муаммо қийнапти?»

Эллиқдан сал ошган чўпон, деди: «Ёшлигимда, Филиппинада яашшим ва у ердаги одамларга хизмат қилишим кераклиги ҳақида аниқ-тиниқ ваҳий кўрган эдим. Ваҳий шу қадар равshan эдики, мен бир куни у жойга кетишинга самимий ишондим. Лекин бу нарса амалга ошмади, мана ўттиз йилдан зиёд вақтдан бери шу жамоатда чўпонлик қиласман».

Шунда бизнинг хизматкоримиз ундан мулойим сўради: «Энди нима қилмоқчисиз?»

Чўпон жавоб бериш учун сўз топа олмади ва туриб кетди.

Бир йил ўтиб, жамоам аъзоси ўша чўпондан хабар эшилди. У жамоатни ўзининг ёрдамчисига топшириб, ўзи Филиппинага кўчиб кетибди ва у ердагиларни жуда севиб қолибди. У шундай сўзларни айтибди: «Умримда илк бора, нима учун дунёга келган бўлсам, шу нарса билан шуғулланаётгандек ўзимни ҳис этаяпман».

Сизларга бу ҳақиқатнинг исботи сифатида, яна бир воқеани айтиб бераман. Яқинда бир дўстим, денгиз ҳарбий кучларининг маҳсус тайинланган кишилари билан танишиш учун кечлик ташкиллаштириди. Мен китобни ёзаётган чоғда, у ўша ерда хизмат ўтаяпти ва унинг хавфсизлиги учун унинг исмини ўзгартириб – Повул, дейман. Ўша куни икки соат давомида, ҳайратланиб, унинг гувоҳлигини тингладим.

Повул икки йил Библия мактабида ўқиган, уни тутаттганда йигирмадан ошган бўлган ва бирдан ўз жамоатининг ёшлар бўлимида хизмат қила бошлаган. Бир йилдан сўнг унинг жамоатдаги бир қиз билан жинсий алоқада бўлганликда айблашган. Повул деди: «Жон, мен у билан ётганим йўқ. У ҳатто менга ёқмасди ҳам! Лекин раҳбарлар нафақат менга ишонмадилар, қолаверса бошқаларни ҳам шунга ишонтиридилар ва мен ҳамма нарсамни йўқотдим. Улар ме-

нинг обрўйимни булғашди ва (мендан сўрамай) жамоатдан кетишимни сўрашди».

Сўнгра Повул деди: «Мен Худони ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ излашни бошладим. Бир куни ибодатда Худо менга яққол гапирди: «Мен сени хизматкор бўлишга даъват этмаганман. Сени ҳарбий ходим бўлишга чақирганман».

Повул уни ҳарбийлар сафига қабул қилишини сўраб, АҚШ қўшини, денгиз флоти ва ҳаво кучларига мурожаат этди, аммо унга кафил бўладиган одам топилмади. Уни қабул қилиши мумкин бўлган, фақат денгиз ҳарбий флоти қолган эди. Унга ўша жойда ўз номзодини таклиф этиши учун ўринлар рўйхатини кўрсатишганда, Повул ўта кучли хафа бўлди, негаки уларнинг бирортаси ҳам, унинг юрагига ўтирумади ва улар Худонинг даъватига жавоб сифатида кўринмади. Шу билан бирга, янгиларни қабул қилувчи офицер, уни флотга киришини жуда истаётган эди ва унга бир нечта маҳсус дастурларни кўрсатди. У «дengиз мушуклари» деган иборани айтганида, дўстим, бу айнан у учун керак соҳа эканини билди ва шартнома тузди.

Офицер йигитни бу йўлдан қайтаришга уринди, чунки ДҲҚ (Денгиз ҳарбик кучлари) маҳсус тайинланганларини тайёрлаш дастурини жуда кам кишилар муваффақиятли ўтар эдилар. Боз устига, у Повулга, бу соҳа дунёдаги энг оғир ҳарбий тайёргарлик ҳисоблангани туфайли, унгача бўлганларнинг бирортаси дастурни охиригача тугата олмаганини айтди! Лекин Повул Худо томонидан тайёрланган сафар томон биринчи қадам қўйиш учун, ўзида йўқ хурсандчилик билан қарорида қатъий эди.

Бироқ унинг олдида бир нечта жиддий қаршиликлар турарди. Биринчидан, Повул сузишни билмасди. У бу ҳақда ибодат қилди ва натижада сузишни ўрганиб олди. Иккинчидан, ёшлигидан унинг қулогида эшитиш мосламаси бор эди ва у қулоқ найларини очиш бўйича кўплаб жарроҳлик

йўлларидан ўтган эди. Шунинг учун у катта бўлгач, қулоғига ҳатто бир томчи сув кирса ҳам, чидаб бўлмас оғриқни ҳис этар ва одатда кейин унда кучли қулоқ юкумли касаллиги бошланарди. Аммо Повул, агар у даъватига ўз кучи билан эриша олса, демак, у Худодан эмаслитига қаттиқ ишонарди.

У сузишни ўрганишни бошлади ва жон-жаҳди билан қулоқлари тузалиб кетишини сўраб, ибодат қилди. Ҳар кунги машғулотлар унга чидаб бўлмас оғриқ олиб келарди. Лекин бир куни, тўрт ойлик машғулотлар давомида ҳар кунлик жон азобидан сўнг, Повул нафақат суза оладиган бўлди, шунингдек у катта чуқурликка шўнғир ва ҳеч қандай оғриқни сезмасди! У шифо топди ва денгиз мушуклари жамоаси билан сафарга кетишга тайёр эди.

Повул тайёргарлик дастуридан ўтаётуб, ақл-бовар қилмас қийинчилик ва синовни бошидан кечирди, лекин у ҳаммасига дош берди ва у чиниққан ҳарбий йигитлар тўдасига юборилди. Ўн тўрт йил давомида, у ДҲҚ маҳсус тайинланганлар сафида хизмат қилди, шу орада унинг топшириқларида рўй берган, ажойиб илоҳий мўъжизалар шу қадар кўп тўпланиб кетгандики, уларни тинглаб, менинг терим жимиirlаб кетди.

Ўша кеча, даъвати воизлик қилиш бўлмасада, лекин Худонинг буюк кишиси билан ўтирганимни тўла-тўқис тушибундим. У ҳарбий қўшинлардаги одамларни Худога олиб келишга ва у ерда ўз давлатига хизмат қилишга чақирилган эди. Бугун Повул шунчаки маҳсус тайинланган жамоада хизмат ўтамайди, қолаверса денгиз ҳарбий флоти маҳсус тайинланган гуруҳда йўриқчи ҳам ҳисобланади. У ўзи учун белгиланган яхши ишнинг бошидан тутиш учун, Худо унинг йўналишини тўғри йўлга буришига имкон берди.

Повулдан фарқли ўлароқ, ўз тақдирини қўлдан бой берган кишилар ҳақидаги воқеаларни етарли даражада кўп эшитганман. Мен шундай мисолларни ўз кўзим билан ҳам

кўрганман. Йигирма йил хизматим давомида, дунё бўйлаб турли хил жамоатларда, аслида чўпоннинг ёрдамчиси бўлишга чақирилган, лекин чўпонлик қилаётган, тўлиқ хизматга чақирилган, лекин ўзи тадбиркор, тадбиркорлик билан шуғулланиши керак, лекин чўпон бўлиб хизмат қилаётган масиҳийларни кўрганман. Ишбилармонлик соҳасида ўз ўрнини билмайдиган, ўз ишини бошлишдан қўрқиб, бирорлар учун ишлайдиган кишиларга дуч келганман. Яна ўзига-ўзи раҳбар бўлишни истайдиган, бевафо одамларни ҳам биламан.

Худонинг иродасига қарши оила қурган, натижада ўз даъватларидан ажралиб қолган кишиларни кўрганман. Бошқаларини орттирган дўстлари, уларни даъватидан тортиб кетган. Мен спорт, пулсеварлик, ҳокимият ёки яна бошқа нарсаларга – қизиққан, буларнинг барини деб, Худо уйининг қурилиш режасидаги ўз вазифасини бажара олмаган кишиларни учратганман. Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин.

Бу ачинарли фикрлар, лекин Худо биз учун режалаштирган йўлдан, бирортамиз ҳам йироқлашмаслигимиз учун яхши хабар бор. Худо бизнинг ҳаётимиз ҳақидаги ҳикоянинг Муаллифи саналади ва У буни амалга оширишимиз учун бизни етаклай олиши мумкин. Биз ўзимизга савол беришимиз зарур: мен пудратчи сифатида нимага даъват этилганман? Бу муҳим мавзуни кейинги бобда муҳокама этамиз. Шунингдек, сиз дастлабки йўлингиздан адашган бўлсангиз, қандай қилиб, орқага қайтиш тўгрисида бир нечта маслаҳатларни билиб оласиз.



## ХУДО ТОМОНИДАН ДАЪВАТ ЭТИЛГАНЛАР

*Чунки Худонинг инъомлари ва даъвати  
қайтариб олинмасдир  
— Римликларга 11:29*

**К**ўпларга, бир қарашда эзгу ва илоҳий бўлиб кўрин-ган нарсаларга қизиқиб, Худонинг режасидан озиб кетиш мумкинлиги ҳақидаги фикр даҳшатли бўлиб ту-юлади. Бу ҳолатни тушунса бўлади! Ёдингизда бўлсин, биз ийиқилиш ва жазо қўрқувига эмас, балки Худонинг қўрқувига эга бўлиш учун чақирилганмиз. Раббийнинг қўрқуви бизни ушбу сўзларни Таъкидлаганнинг донолигида сақлайди: «Агарда сен ўнгта оғиб кетсанг ёки чапга оғиб кетсанг, қулоқларинг сенинг орқангда: «Мана йўл, ундан бор», – деб айтиаётган сўзни эшигадиган бўлади» (Ишаъё 30:21). Келинг, Худо уйи қурилишида ўз ўрнимизни, қай тарзда билиб олишимиз мумкинлиги ҳақидаги мавзуга қайтамиз.

### **Биринчиси: сиз Худони самимий изляяпсизми?**

Сиздан, ўз тақдирингизни амалга ошираяпсизми деб сўрашса, балки сиз шундай деб жавоб берасиз: «Мен уни амалга оширишни истайман, лекин нимага даъват этилганимни билмайман!» Бунинг бир неча сабаблари бўлиши мумкин. Биринчидан: сиз Худони самимий изляяпсизми? Худони шубҳа-гумонда ёки шунчаки қизиқиш учун эмас,

балки самимий имонда излайдиганлар тақдирланиши айтилган (Ибронийларга 11:6). Агар инсон Худони чин юракдан, жавоб олишни кутиб, изласа унга нима учун бу дунёга келгани очилади.

Мен Пердью олийгоҳидаги талабалардан иборат биродарлар орасида нажот топганимда, шу заҳоти ҳаётим учун Худонинг режасини излай бошладим. Мұхандисликка ўқиб, ҳар ярим йилда IBM (ЭВМ ишлаб чиқарадиган корхона) да ишлардим. Ўз даъватимни билишга мажбурлаган, Худога итоаткор бўлиш истагидан бўлак, яна бир нарса сабаб бўлди. Нажот топгач, бир неча ойдан сўнг, ширкатдаги бир ходимницида ўзларининг ўттиз саккиз йиллик меҳнат муддатини нишонлаётган саккиз-тўққиста муҳандислар орасига тушиб қолдим. Улар шошилмай суҳбат қураётганда, бирдан ўша ходим айтиб қолди: «Мен ҳар куни, ўттиз саккиз йил давомида бу ишдан нафратланиб келганман». У ердаги, мендан бошقا, ҳамма ёки унга қўшилар, ёки қиқирлаб куларди. Мен эса эсанкираб қолдим.

Мен бу тажрибали мутахассисларнинг орасида янги бўлиб, нега бошқалар ҳеч нарса демаганини кўриб, сўрадим: «Унда нега ўттиз саккиз йил давомида шу иш билан шуғулландинглар?»

У менга қаради ва деди: «Бу шунчаки иш».

Бирдан мен ҳам ўз машғулотимдан унчалик ҳам мамнун эмаслигимни ҳис этдим. Менинг отам муҳандис бўлган ва у менга бу яхши ҳамда доимий даромад олиб келадиган касб, деб айтардилар. Ўша муҳандислар билан учрашув, мени ҳамма нарсага бошقا кўз билан қарашга мажбурлади. Мен шундай деб ўйладим: «Пул ҳам, доимийлик ҳам, ҳеч нарса мени, нима учун дунёга келган бўлсам, шу нарсадан ушлаб қололмайди». Ўша ерни ўзида ўз даъватимни излашга қарор қилдим, унга яқинлашиш учун, нималар қилиш кераклиги тўғрисида мулоҳаза юритишни бошладим.

Худо билан ҳаётнинг бошиданоқ, Уни изласанг, У даъватингни умумий суръатини беришини билиб олдим. Бошиба сўзлар билан айтганда, У бошиданоқ, сенга охирини кўрсатади. Худо Юсуфга, у буюк бошқарувчи бўлиши, ҳатто ота-онаси ва ака-укалари ҳам унга хизмат қилишини кўрсатганида, у ҳали ёш бола эди. Ваҳий кўп йиллар ўтиб, амалга ошди. Мусо, ҳеч қурса, белгиланган фурсатдан қирқ йил олдин, Исройлга йўлбоши бўлишини биларди. Довуд ҳали қўй боқиб юрганида, унинг шоҳ бўлиши маълум бўлган эди. Фақат йиллар ўтиб, у Исройлнинг ҳукмдори бўлди. Рўйхатни давом эттириш мумкин.

Менинг режамда олийгоҳда илмий даражага эга бўлиш, кейинчалик Гарвардда ўқиши давом эттириш ва Америка иш бошқарувчилиги тармоғида олий савияга эришиш ниятим бор эди. Мен уйланишни, йилига бир неча марта таътилга чиқишини ва барча даромадимдан ўн фоизини Худога беришни режалаштирган эдим. Мен Худога хизмат қилишини шундай тасаввур этган эдим.

Худони қанча кўп изласам, мен шунча хизматга берила бошладим. Бу менга унчалик ҳам ёқмасди, бироқ Худога итоат этсангина, ҳаётда баҳт ва қувонч топишни тушунишга етарли даражада ақлим етарди. Бир куни ҳеч нарсага қарамай, Унга бўйсунаман деб, ваъда бердим. Шунда У менинг даъватимнинг суръатини бутунлигича кўрсата бошлади.

Саксонинчи йилларнинг бошиданоқ, Худо менга, Унинг Сўзига бўйсунсам, кўп халқларга таъсир кўрсатишими очди. Бу менинг тушунчамга сифас эди ва буни амалга оширишнинг йўлларини кўрмаганимни айтмаса ҳам бўлади, чунки мен кичик шаҳардан келган, бирорта ҳам миллий ёки халқаро хизматкорни билмайдиган йигитча эдим.

Юсуф, Мусо ёки Довуднинг воқеасида бўлганидек, Худо уларга даъватини амалга ошиши учун бирорта ҳам қадамни аниқлаштиrmай, якуний суръатни кўрсатди. Бу йўл

даъватимизга ўз ўй-мулоҳазаларимиз билан эмас, балки имон билан ёндошишимизга замин яратади. Биз У айтган нарсани излашимиз ва унга бўйсунишимиш лозим, шунда мақсадга эришамиз. Одатда, кейинги қадам мақсадга эмас, балки орқага олиб борадигандек, туюлади. Сардор бўлиш орзусини қўлга киритиши билан, ўн йилга қулликка тушиш, унчалик мантиққа тўғри келмайдиган иш. Мана нима учун бизга шундай деб айтилган: «Бор юрагинг билан Раббийга ишон ва ўз ақлингта таянма. Барча йўлларингда Уни таниб-бил ва У сенинг қадамларингни йўналтиради» (Ҳикматлар 3:5-6).

Ўша воқеадан бир неча ой ўтиб, олийгоҳдаги охирги босқичда ўқиётган йилим, барча талабалар Миннатдорчилик куни байрамини нишонлаш вақтида тўрт кунлик таътилга кетгандарида, мен талабалар ётоқхонасида қолдим. Шу кунлар, Худонинг иродасини ва ҳаётим учун Ундан йўналиш излаб, рўза тутдим ва ибодат қилдим. Икки ойлардан сўнг хизматимга олиб борадиган йўналишга умуман зид бўлиб кўринган, кейинги қадам ҳақида жавоб олдим. Мен учун Библия мактабига бориб ўқиши мантиққа тўғри бўларди, аммо Раббий, муҳандислик лавозимида ишга олиши учун сұхбатга бориш лозимлигини кўрсатди. Мана Худо нима учун, биз ўз тушунчамизга таянмаслигимиз кераклигини айтган.

Олийгоҳимизда кўплаб ширкатлар вакиллари билан таниш эдим, лекин қариб дарров Техас штати, Даллас шахридаги «Роквелл» уюшмасида ишлайман деб, қарор қилдим. Бу бемаъни қадам эди, чунки мен Далласда бирорта ҳам Библия мактабини билмасдим. Мен ишлаш учун бошқа ўттизта турли хил шаҳарлардан таклифларга эга эдим. Уларнинг айримларида Библия мактаби ҳам бор эди, боз устига бошқа ширкатларнинг маоши «Роквелл» никидан кўпроқ эди. Бироқ мен шунчаки Худога итоат этдим.

Далласга етиб келиб, жамоатга киришим билан, Раббий, бу жойда чуқур ўрнашишм кераклигини айтди. Мен айнан ўша жамоатда, ҳозир турган жойимгача олиб келган хизматимда улгайдим.

### **Иккинчиси: маҳаллий жамоатда чуқур ўрнашдингизми?**

Кўпчилик ўз ҳаётида Худонинг иродасини тополмаслигининг, иккинчи сабабига яқинлашдик. Улар маҳаллий жамоатга чуқур ўрнашмайдилар. Бизга Худонинг Каломи шундай дейди: «Раббийнинг уйида экилганлар Худойимизнинг ҳовлиларида гуллайдилар» (Сано 91:14).

Бу ҳаётда маҳаллий жамоат ҳисобланмиш, Худонинг уйида ўрнашган киши, Унинг ҳовлиларида гуллайдилар. Худо ҳовлиларининг битта соҳаси, Масих ҳукмидир. Шундан келиб чиқиб, агарда маҳаллий жамоатда мустаҳкам илдиз отсак, биз ҳозир ҳам ва судда ҳам гуллаймиз. Бу Худонинг режаси.

Жамоатни одамлар эмас, балки Раббий ташкиллаштирган ва ўйлаб топган. Исо шундай дейди: Мен сенга айтиман: сен – Пётр, Мен мана шу тош устида Ўз жамоатимни қураман ва дўзахнинг дарвозалари уни енга олмайди» (Матто 16:18). «Қураман» сўзига эътибор беринг. Исо Жамоатда жисмонан бўлмай туриб, қандай қилиб уни қуриши мумкин? Жавоб: Ўз Танаси бўлмиш, биз орқали. Шу боис ҳам бизлар ҳамкор (пудратчи) деб аталамиз. Иноят, қобилиятлар ва инъомлар Ундан келади ҳамда айнан У бизга нотабиий куч беради, лекин Унинг иши амалга ошишида фойдаланиш учун итоаткор идишлар зарур. Масала мана нимада: биз У билан биргалиқда Унинг Жамоатини кўтарамизми ёки биз хизмат остида яширинган, шахсий мақсадларимизнинг ортидан қувиб юрамизми?

Исонинг умумжаҳон Жамоати маҳаллий жамоатларга бўлинган. Кўплаб мисоллардан бирини, Ваҳийда У етти-та маҳаллий жамоатга йўллаган мурожаатида кўришимиз мумкин: Эфес, Смирна, Пергам, Фиатир, Сардис, Филадел-фия ва Лаодикияга.

Бундан ташқари Жамоат Масихнинг Танаси билан қиёсланган. Умумжаҳон Жамоат маҳаллий жамоатларга бўлинганидек, Масихнинг Танаси ҳам маҳаллий таналарга бўлинган.

Ўз одамларини фақат Раббий тақсимлайди. Повул шундай деб ёзган: «Лекин Худо аъзоларнинг ҳар бирини танада Ўзи хоҳлаганидек жойлаштириди» (1 Коринфликларга 12:18). Балки, қайси жамоатга боришимизни бизнинг ўзимиз эмас, балки У танлайди деган гап сизни ҳайратлантиргандир.

Бу ҳақда бир сония ўйлаб кўринг. Жуда кўплар худди ўзига кийим-кечак ёки ресторон танлагандек, Худо уларни қайси жамоатда кўришини сўрашнинг ўрнига, ўзлари жамоат танлайдилар. Агар сен Унинг Танасида ўз жойингда эмас, балки бошқа жойда бўлсанг, ўз тақдирингни қай тарзда то-пасан? Инсон танасининг ҳар бир қисми Худо томонидан ўйлаб чиқилган. Кўл тиззага уланган бўлса эди, у учун бу жуда оғир бўларди. Шундай экан биз бошқа шаҳарга кўчмоқчи ёки бошқа жамоатта ўтмоқчи бўлсак, бу борада Худонинг режасини излашимиз даркор. Маҳаллий жамоатда ҳар биримизнинг ўрнимиз бор. Биз қуидагиларни ўқиймиз:

«Шундай қилиб, сизлар – Масихнинг танасисизлар, ҳар бирингиз алоҳида аъзосизлар. Худо эса баъзиларни жамоатда биринчидан... қўйган» (1 Коринфликларга 12:27,28).

Шундан сўнг Повул маҳаллий жамоатдаги бош вазифаларни санаб ўтган. У хизматлар рўйхатини охиригача ёзмаган бўлса-да, Янги Аҳднинг бошқа оятларидан биламизки, биз жисмоний танамизнинг ҳар қандай аъзосидан камроқ

аҳамиятта эга әмасмиз. Мабодо биз, худди жисмоний аъзоларимиздан бири ёки бир нечтаси (масалан оёқ, кўз ёки буйрак) ўз фаолиятини юритмагандек ёки ўзи алоҳида ишлашга қарор қилгандек, Масиҳнинг Танасида ўз фаолиятимизни юритмасақ, маҳаллий жамоат ҳам азоб тортади.

Энг аянчлиси шундаки, маҳаллий жамоатларнинг фаолияти жиддий бузилишларга юз тутгани туфайли, бизнинг жамоатларимизда Исо Масиҳнинг хизмати кўп жиҳатдан рӯёбга чиқмаяпти. Нега улар оқсаяптилар? Одатда бунинг сабаби бошқарувчиларнинг самара сизлигида әмас, балки мустақил яшайдиган имонлиларда. Менинг оёғим, кўзим ёки танамнинг яна бошқа қандайдир қисми ўзи хоҳлаган ишни қилишта қарор қилганини фараз қила оласизми? Жамоатларимизнинг бундай аҳволига қарамай, Худо Америкада ҳали ҳам нимадир қилаётгани, ажобланарли.

Нега биринчи Жамоат шу қадар шиддатли тарзда ўсади? Келинг, бу нарсани ўрганиб чиқамиз:

«Шундай қилиб, улар доимо ҳаворийларнинг таълимотида, мулоқотда, нон синдиришда ва ибодатларда бўлар эдилар. ...Ҳамма имонлилар бирга бўлиб, ҳамма нарсалари умумий эди. Мол-мулкларини сотиб ҳаммага, ҳар кимнинг муҳтоҷлигига қараб тақсимлар эдилар. Ҳар куни яқдиллик билан маъбадда йиғилиб туришар, уйларда эса нон синдириб, хурсандчилик ва соддадиллик билан овқатланар эдилар. Улар Худони шарафлар ва бутун халқдан илтифот топар эдилар. Раббий эса нажот топғанларни ҳар куни жамоатга қўшар эди» (Ҳаворийлар 2:42-47).

У ердаги имонлилар маҳаллий жамоатга экилган ва ўрнашганини кўряпсизми? Улар биргалиқда сажда қилар, ҳаммаси бир хил воизликни тинглар, битта умумий мақсадга эга ва битта ҳаётда яшар эдилар. Мана шундай тартиб, жамоатнинг соғлом ўсишига таъсир кўрсатган. Одамлар ўзларининг маҳаллий жамоатлари орқали Раббийга хизмат қилгандар ҳамда уларнинг уйдаги ҳаёти ҳам шу қаторга кирган.

Маҳаллий жамоат билан яшаш, дастлабки масиҳийлар ҳаётининг муҳим қисми бўлган. Кейинчалик беваларга овқат етмай қолаверганда, айрим муаммолар бошланди. Шунда ҳаворийлар, Худонинг Сўзини қолдириб, уларнинг овқат тарқатиши яхши эмас, дедилар. «Шунинг учун, биродарлар, яхши таърифга эга бўлган ҳамда Муқаддас Руҳ ва доноликка тўлган етти кишини ораларингиздан танлаб олинглар: уларни бу ишга тайинлаймиз» (Ҳаворийлар 6:3).

Эътибор беринг, бошқарувчилар: «Бизга кўнгиллар керак, кимдир бу аёлларга хизмат қилиш учун вақтини ажратта оладими?» демади. Йўқ, имонлиларнинг барчаси хизматга бағишланган эдилар, чунки улар маҳаллий жамоатга ўрнашган бўлганлар. Мен шахсан, уларнинг ҳар бири, уни хизмат учун танлашига умидвор бўлишган, деб ишонаман. Етти киши танлаб олинди ва шунда:

«Уларни ҳаворийларнинг олдида қўйдилар, ҳаворийлар эса ибодат қилиб, уларнинг бошларига қўлларини қўйдилар. Шу орада, Худонинг Сўзи ўсиб борар ва шогирдларнинг сони Йерусалимда жуда кўпайиб борар эди. Руҳонийлардан ҳам жуда кўпчилиги имонга бўйсундилар» (Ҳаворийлар 6:6,7).

Бу етти кишига минбарга чиқиб хизмат қилиш, уй гуруҳини бошқариш, миссионерлик сафарига бориши учун эмас, балки жамоатдаги беваларга хизмат кўрсатиш учун қўл қўйилган эди. Буни қаранг-а!

Эътибор беринг, улар Танада, бизга аҳамиятсиз бўлиб туюладиган ишига киришган заҳоти, Худонинг Сўзи ўсиб борар ва шогирдларнинг сони Йерусалимда жуда кўпайиб кетди. Бу жойда ҳайратомуз ҳақиқатнинг гувоҳи бўламиз. Ҳаворийлар китобида (1-5) Йерусалимдаги жамоатнинг ўсишини таърифлаш учун бир неча марта «қўшилар, кўпайиб борар» сўзлари ишлатилган. Мана бир нечта мисоллар келтираман (ёзма ҳарфлар билан ёзилган сўзлар муаллифга тегишли):

«...Ўша куни ҳаворийларга уч мингта яқин жон қўшилди» (Ҳаворийлар 2:41).

«...Раббий эса нажот топганларни ҳар куни жамоатта қўшар эди» (Ҳаворийлар 2:47).

«Имон келтирганлар (кўпчилик эркаклару аёллар) эса Раббийга борган сари кўпроқ қўшилар эдилар» (Ҳаворийлар 5:14).

Шу вақтгача маҳаллий жамоатдаги хизмат ишларини фақат ҳаворийлар бажаргани ва ёлғиз Пётр воиз бўлгани айтилган. Бироқ қандайдир вақт ўтгач, имонлилар, ҳар бири иккита асосий соҳада масъул эканини тушуниб етдилар. Биринчиси – бошқаларга Хушхабарни воизлик қилиш ва иккинчиси – маҳаллий жамоатда ўз вазифасини бажаришдир.

Ҳаворийлар китобида (5:42-6:1) ҳар бир имонли Исонинг тирилиши ҳақидаги ажойиб воқеа ҳақида бошқаларга айтиши зарурлиги ёзилган: «Улар ҳар куни маъбадда ҳамда уйларда Исо Масих ҳақида таълим бериш ва Хушхабарни воизлик қилишдан тинмас эдилар. Шогирдларнинг сони қўпайиб бораётган ўша кунларда...» Кўриниб турибдики, ўша замонларда радио, ойнаижаҳон ёки интернет тармоқлари бўлмаган, шундай экан Пётр ҳар бир уйга ўзи бориб, воизлик қилишга имкони йўқ эди. Шунда ҳамма имонлилар ўз қўшниларига Исо Масих Хушхабарини воизлик қилишган. Қаранг, жамоатта шунчаки битта-иккита киши қўшилмаган, балки улар қўпайиб кетган. Қўпайиш тараққиётини биринчи маротаба Ҳаворийлар китобида кўрамиз.

Аммо воқеа шу билан тутамайди. Имонлилар жамоатда ўз хизмат ўрнини эгаллаган заҳоти, шогирдларнинг сони шунчаки қўпайганини эмас, балки жуда қўпайиб кетганинг гувоҳи бўламиз. Жуда қўпайиб кетиш – бу қийматларнинг кўпайишидир!

Қўшиш ва кўпайишнинг (қиймат бўйича кўпайиш) фарқини тушунтиришга, рухсат беринг. Ҳар ой Раббийга 10 мингта одамни олиб келадиган чўпонни фараз қиласиз. Унинг хизмати ўта даражада самарали деб ҳисобласак бўлади, шундай эмасми? У бутун дунёни қамраб олиши учун унга қанча вақт керак бўлади? Жавоб сизни лол қилиради: 50 минг йил. Фақат манашу вақт мобайнида бошқа бирор киши туғилмаслиги ва бирор киши ўлмаслиги шарти билан! Бу инсоният ерда мавжудлик вақтининг, саккиз марта кўпроғи. Бунинг имкони йўқ!

Энди буюк кўпайишга мисол келтираман. Олайлик, сиз Раббийга икки кишини олиб келдингиз ва улар жамоатда қолишиди. Сўнг уларнинг ҳар қайсиси, бир неча ой давомида Раббийга иккитадан киши олиб келишиди. Яна бир неча ой давомида бу тўрт киши ҳам, худди шундай қилишиди, кейинги ойлар бу саккизовлари Раббийга иккитадан киши олиб келишиди ва улар жамоатда ўрнашиб қолдилар. Агар буни давом эттирасак, ердаги бутун аҳолига Хушхабарни етказиш учун қанча вақт кетишини биласизми? Жавоб – ўттиз уч ой! Ҳа, ҳа, уч йилдан камроқ вақт! Мана бу буюк кўпайишга киради.

Муқаддас Китобда ўқиганимизнинг маъносини энди тушундингизми?

«Бу икки йил давом этгани учун Асияда яшовчиларнинг барчаси: яхудийлар ҳам, юононлар ҳам Раббий Исонинг сўзи ни эшитдилар» (Ҳаворийлар 19:10).

Барча яшовчилар. Агар Каломда барча дейилган бўлса, демак, бу у ерда яшайдиган ҳар бир кишини англатади. Гап ҳатто битта шаҳар ҳам эмас, балки бутун минтаقا ҳақида боряпти. Уларда йўлдош алоқа, ойнаижаҳон, радио, машина ва ҳатто велосипед ҳам бўлмаган. У жойда шунчаки ҳақиқий қийматлар кўпайиши рўй берган.

Буюк кўпайиш учун масиҳийлардан иборат бўлган соғлом Тана зарур. Соғлом Тана маҳаллий жамоатда ўрнашган, унда хизмат қиласидиган (жумладан, беваларга хизмат кўрсатиш, ташкиллаштирувчилик, машиналар қўйиладиган жойда қоровуллик, қамоқхоналарга бориш ва болалар хизмати, ҳамма хизматларни санаб ўтишнинг имкони йўқ) имонлилардан ташкил топган бўлади. Улар иш ва яшаш жойларидаги одамларни Раббийга олиб келганлар ва уларга маҳаллий жамоатда ўрнашишга ёрдам берганлар. Ёдингиздами, Исо бизга нафақат барча халқлардан бўлган одамларни нажотга олиб келишни, қолаверса уларни шогирд қилиб тайёрлашни ҳам буюрган. Биз имонга олиб келадиган одамларни, улар жамоатда илдиз отишига кўмаклашибимиз зарур, токи улар Раббийнинг амрларига ўргатилган бўлсинлар (Матто 28:20). Одамлар Масиҳда ўсиши учун, маҳаллий жамоат ва унга берилидиган инъомлар зарур.

Худонинг иродасини таниб-билишнинг калити, маҳаллий жамоатнинг аъзоси бўлишдир. Биз у ерда гуллаймиз. Филипп, беваларга овқат тарқатадиган етти кишидан бири бўлганини, пайқадингизми? Кейинчалик, Ҳаворийлар китобида у хушхабарчи деб номланган. Унинг хизмати кўп шаҳарларга етиб борган. «Эртаси куни Повул ва бизлар, унга ҳамроҳ бўлганлар Кесарияга келдик. Етти жамоа хизматчисидан бири бўлмиш хушхабарчи Филиппнинг уйига кириб, уницида қолдик» (Ҳаворийлар 21:8).

У буюк хушхабарчи бўлиб кеттанида ҳам, Раббий уни бошқа шаҳарга учириб олиб бориб қўйган бўлса ҳам, ҳамма уни еттита хизматкорлардан бири сифатида билишган. Маҳаллий жамоатдаги хизмат, у ҳаётида ўз даъватини тошиши учун ҳал этувчи вазифани бажарди. Мен одамларга шундай дейман: «Сен балки ҳаётда қандайдир буюк иш қилиш даъватига эгадирсан, бироқ бу даъват маҳаллий жамотда ўрнашиш орқали туғилмаса, у амалга ошмайди».

Саночининг сўзларини қайтаришга ижозат беринг: «Раббийнинг уйида экилганлар Худойимизнинг ҳовлиларида гуллайдилар» (Сано 91:14). «Экилганлар» сўзи устидан фикр юритиб кўринг. Шоҳликнинг қоидаларини тушуниш учун, биз экиш ва ўриб олиш қонунини билишимиз зарур. Исо Масих Ўз шогирдларига, уруғ, ер ва ўрим-терим қоидаларини билмай туриб, ҳикматларни тушунмайсизлар деган (Марк 4:13). Қисқа қилиб айтганда, Худо Шоҳлиги бу:

«...бир одамнинг уруғни ерга ташлагани кабидир. У ухлайди, кечаси-ю кундузи туради ва қандай қилиб уруғ униб-ўсиб чиққанини у билмайди. Зеро ер ўз-ўзидан ҳосил келтиради: олдин кўкат, кейин бошоқ, ундан кейин бошоқда тўла дон. Лекин ҳосил етилганида, шу заҳоти ўроқ солади, чунки ўрим вақти келди» (Марк 4:26-29).

Менда бир ҳовуч мевали дараҳтларнинг доnlари бор ва мен умуман уларнинг фарқига бормайман, дейлик. Бу уруғ қайси дараҳтнинг ҳосилидан эканини билишнинг ягона йўли – уни экиб кўриш. Шундай қилиб, вақт ўтгач, ҳар бир уруғнинг табиатини кўра оламан.

Худо ҳар биримизнинг даъватимизни олдиндан белгилаб кўйган ва шу даъватни амалга ошириш учун ичимизга инъомлар жойлаган: «Зеро биз Худо азалданоқ тайёрлаган яхши ишларни бажаришимиз учун Исо Масихда яратилган Унинг ижодимиз» (Эфесликларга 2:10). Чунки Худонинг инъомлари ва даъвати қайтариб олинмасдир» (Римликларга 11:29). Исонинг сўзлари бўйича менинг даъватим ва инъомларим худди уруғлардек бўлиб турибди. Мен ўзимни жамотта «эксаам», шунда Худодан берилган тақдирим очилади. Агар аксинча бўлса, инъомларимдан фойдаланиб, ҳаётда Яратувчидан берилган мақсадни четлаб ўтиб, ўзимнинг бошқа мақсадларимга эришишм мумкин. Дунёвий қадриятлар билан ўлчанадиган муваффакиятга илиниб қолманг. Ўз инъомларин-

гизни ишга солиб, Худонинг иродасига зид бўлган ишларин-гизда муваффакиятга эришишингиз мумкин, бироқ ҳаётингиз Яратувчининг режаси бўйича ўтмайди.

Мен бир нечта мисол келтирмоқчиман. Дунёда, одамларни йиғлатишга қодир, ажойиб овоз соҳиблари анчагина. Бу инъом уларга Худони шарафлаш, одамларни Унинг юрак ва истаклари томон ундаш учун берилган. Улар нажот топмасалар ва жамоат аъзосига айланмасалар, ҳеч қачон ўз даъватини бажара олмайдилар.

Исога ўз юрагини топширган, бироқ жамоатга доимий қатнамайдиган одамлар бор. Улар Шоҳликдаги олий даъватини амалга оширмаяптилар, негаки улар жамоатда эмас. Албатта, балки уларнинг даъвати жамоатдан ташқаридаги одамларга таъсир кўрсатишидир, балки улар буни қандайdir даражада бажараётгандирлар, аммо улар жамоатга экилгандада эди, уларнинг ҳаққоний тақдирни бошқача бўлар эди.

Инсон маҳсус инъомларга эга бўлиши ва улардан имкон қадар фойдаланиши мумкин, бироқ уруғ экилмаса, дарахт қандайлигини (унинг шакли, барглари ва қудрати) билиб бўлмаганидек, инсон жамоатта тегишли бўлмагунча, Худодан берилган ҳаққоний тақдирини билолмайди.

Одамлар жамоатда биринчи қийинчиликка учраган заҳоти, бошқа жамоатга ўтиб кетишни бошлаганда, бошқа муаммо юзага келади. Бугун аёллар ва эркаклар ўз жамоатларида, айниқса бошқарувчиларнинг бирор камчилигини кўрсалар, осонликча уни ташлаб кетадилар. Бунга сабаб, жамоат бошқариш услуби бўлиши мумкин. Балки қурбонлик йиғиш ёки пулларни сарфлаш йўли бўлиши ҳам мумкин. Агар уларга чўпоннинг воизлиги ёқмаса ҳам, улар жамоатдан кетадилар. Жумладан, чўпонни ҳар доим ҳам топиб бўлмаганда ёки у такаллуфсиз воизлик қилганда, улар бирдан жамоатдан кетиб қоладилар. Ёки жамоат аъзолари етарлича эътиборли бўлишмаса ҳам, шундай қиладилар.

Рўйхатни давом эттириш ва яна давом эттириш мумкин. Қийинчиликларга дуч келганда, улардан умид билан ўтишнинг ўрнига, улар зиддиятлар йўқ бўлиб кўринган жойга қочадилар.

Келинг, ҳақиқат кўзига қараймиз: аслида Исо – якка-ю ягона комил чўпон ёки жамоат аъзоси. Нега биз ғарб жамиятимизда, муаммоларни қабул қилиб ва уларни енгиб ўтишнинг ўрнига, қийинчиликлардан қочамиз? Биз шунчаки бекам-кўст чўпон ва жамоат аъзоларини қидириб, жамоатдан жамоатга ўтиб юрамиз.

Ёдингизда бўлсин, шайтон бизга озор беришни ва бизни Худо қўйган жойдан иргитиб юборишни истайди. У бизни, аёлларни ва эркакларни, илдизимиз билан суғуриб ташлашни хоҳлади. Агар шайтон бизни юлиб ташласа – у ғалаба қозонди деяверинг. Агар сен ҳатто катта келишмовчилик чоғида ҳам, жойингдан қимиirlамасанг, унинг режаларини бузган бўласан ва Худонинг режасини амалга оширасан.

Яна бир бор: «Раббийнинг уйида экилганлар Худойимизнинг ҳовлиларида гуллайдилар». Агар ўсимликни ҳар уч ҳафтада бир жойдан бошқа жойга экаверишса, унинг аҳволи нима бўлади? Унинг томир тизими заифлашади ҳамда у тўғри ривожланиш ва гуллаш қобилиятини йўқотади. Агар уни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш давом эттирилса, ўсимлик нобуд бўлади.

Кўп одамлар бир жамоатдан бошқа жамоатта ўтиб юрадилар, шу билан бирга хизматини ривожлантиришни истайдилар. Мабодо уларни Худо томонидан белгиланган жойга қўйишмаса, юракларида бирдан хафагарчилик келиб чиқади. Уларга нимадир ёқмаса, улар хафа бўладилар ва жамоат бошқарувчиларини айблаб, кетиб қоладилар. Ўз хулқ-авторидаги нуқсонларни кўришга ожиз одамлар, Худо босим орқали уларни тозалаёттанини фаҳмлай олмайди-

лар. Бу нафақат хизмат соҳасига, шунингдек иш, оила ва бошқа муносабатлар соҳасига ҳам тегишли).

Келинг, Худо томонидан берилган ўсимлик ва дараҳтлар тимсолидан ўрнак олайлик. Ерга экилган мевали дараҳт, ёмғир, шамол ва жазирама иссиқнинг таъсирида қолиши лозим. Агар кўчат гапира олганда эди, у шундай деган бўларди: «Илтимос, мени бу ердан олинглар! Жазирама иссиқ ва шамол йўқ жойга экинглар!»

Боғбон дараҳтга қулоқ солса, унга ҳақиқий зарар етказиб қўяди. Ерда чуқур илдиз отган дараҳтгина, иссиқликка ва ёмғир билан шамолга чидай олади. Улар дуч келадиган қийинчиликлар, натижада улар мустаҳкам бўлишига хизмат қиласди. Атрофдаги оғир шароитлар уларни ҳаётда чуқурроқ изланишга мажбур этади. Дараҳт бир куни шу ҳолатга етадики, ҳатто кучли шамол ҳам, унинг мева солиш қобилиятига таъсир қила олмайди. Шуни ёдда тутиб, Худо бошимиздан кечиришимизга йўл қўйган нарсаларга қаршилик қилишнинг ҳожати йўқ, ахир бу вазиятлар бизни даъватимизда мустаҳкамлашга қодир.

### **Учинчиси: ташвишингиз кўпми?**

Одамлар ўз даъватини тополмаслиги ва бажара олмаслигининг охирги сабаби – бу уларнинг доимий ташвишлар орасида яшапишидир. Ташвишлар уларга мусобақани мувваффақиятли тугатишга йўл қўймайди.

Повул ўзи ҳақида дейди: «...ўз жонимни қадрламайман, фақатгина масофамни ва Раббий Исодан олган хизматни, яъни Худо иноятининг Хушхабарини воизлик қилишни қувонч билан яқунлайин» (Ҳаворийлар 20:24). У ҳаётидаги ўз вазифасини жиддий англаб етган. У топшириқقا эга ва топшириқ эса ҳали бажарилмаганини билади. У қандай қилиб бу ҳақда билган? Сабаби, у Исони билган, Худони из-

лайдиган, жамоатда ва сабр-тоқатда илдиз отганларнинг ҳаммаси ўз вазифасини нима эканини билиб олиши мумкин, Пётр (2 Пётр 1:14) ҳам ўз вазифасини билган. Худонинг иродаси йўлида ҳаётидан ҳам кечадиган ҳар қандай кишига, Раббий бу билимни очади. Охирги калитимиз ҳам айнан мана шунда – Худонинг режасини тўлиқ бажариш учун ўзимизни бағишлаб, биз ўз даъватимизни нафақат билиб оламиз, қалаверса, уни амалга оширамиз.

Бунинг мисолини Хушхабарларда кўришимиз мумкин. Бир куни Исо бир шаҳардан бошқа шаҳарга борди: «Бундан кейин улар ўз йўлларида кетаётгандариди, кимdir Исола: – Ҳазратим! Сен қаерга бормасанг ҳам, мен Сенга эргашаман, – деди» (Луқо 9:57).

Бу одам интилиш, самимилик ва ҳайратга тўлган эди. У Исонинг ортидан умрининг охиригача боришини истарди. Лекин Исада инсон ғайратининг ортида турган юракдаги асл сабаб ва ниятларини кўра олиш қобилияти бор. Бу одамнинг ҳаётида тақдирини амалга оширишда тўсиқ бўладиган ташвиши бор эди, шунинг учун У деди: «Тулкиларнинг уялари, осмондаги қушларнинг инлари бор. Лекин Инсон Ўғлининг бош қўядиган жойи йўқ» (Луқо 9:58).

Хойнаҳой бу дунёвий бойликлардан завқ-шавқ топиб яшайдиган инсон бўлган. Унинг иши яхши, каттагина уйи ва қарилигида фаровон ҳаётда яшаш учун режаси бўлгани кўриниб турибди. Исо ердаги барқарорликка ўчликини, ушбу сўзлар билан барбод қилди: Унинг бош қўядиган жойи йўқ.

Бу ғайратли йигит ва оломон ичидаги бошқа қўпчилик, се-кин орқага тисарилгани, сўнг умуман кўздан ғойиб бўлганини тасаввур этаяпман. Хойнаҳой бу йигит шундай деган: «Исо, мен Сенинг хизматларингда ташкиллаштирувчилик қиласман, улуғлов хизматида гитара чаламан ёки жамоатдаги ёши катта кишиларга машиналарини қўйишга ёрдам бераман». У

учун Исонинг ортидан бориш жозибаси ўз нурини йўқотди, юрагида Унга хизмат қилишдек эзгу ният тезгина ғойиб бўлди. У ҳам, бошқа кўпчилик сингари Исодан узоқроққа кетди, унда ҳали ҳам хизматларни қўллаб-қувватлаш истаги бор-у, лекин энди ўзини тўлиқ бағишилаш нияти йўқ.

Сўнгра Исо бошқа кишига қараб, деди:

«Менинг ортимдан эргаш! У эса жавобан: – Ҳазрат! Олдин бориб, отамни кўмиб келишга ижозат бер, – деди. Исо унга: – Ўликларга ўз ўликларини кўмишларини қўйиб бер. Сен эса бориб, Худонинг Шоҳлигини воизлик қилгин, – деди» (Луқо 9:59-60).

Мана буни чуқур фикр деса бўлади! Кимгадир, Исо бироз купол ва туйғусиз бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ўша замондаги маданий одатлар бошқача бўлганини билишимиз керак. Олимлар, Исо яшаган даврларда, одатта кўра инсоннинг отаси оламдан ўтса ва тўнғич ўғил ўз бурчи бўйича, отасини кўмса, у икки ҳисса меросга эгалик қилган, қолган бошқа фарзандлар эса фақат бир ҳиссага эга бўлганлар дейди. Мабодо катта ўғил отасини кўмиш бурчини бажармаса, унинг икка ҳисса мероси иккинчи ўтилга ўтган.

Бу инсон пулни ўйлагани аниқ. Менимча у бекам-кўст ҳаёт кечиришни севган ва натижада бу хоҳиши Исонинг ортидан боришга тўсик бўлган. У Худонинг режасига эмас, балки пулга асосланиб қарор чиқарган. Мен юз фоиз аминманки, у Раббийнинг бу ўйтларини эшитиб, қочиб кетган. У тахминан шундай деб жавоб берган: «Исо мен Сенинг анжу-манларингда хизмат қилиб юрибман. Мен хорда куйлашим ёки барабан чалишим мумкин. Бу менинг қўлимдан келади. Мен буни Сен учун бутунлай бепул қиласман». Кўплар сингари унда ҳам Исонинг ортидан бориш иштиёқи сўнди.

Эътибор беринг, у одам Исонинг ортидан бормайман демади. Лекин «ижозат бер, олдин бориб» деган сўзларида,

унинг юрагидаги асл ҳолат очилади. У ўзи хоҳлаган меросни олишига, амин бўлишни истади.

Биз ҳаётимизда Худонинг режасини топишни ва уни амалга оширишни истасак, ҳеч нарса Худодан юқори ўринни эгалламаслиги лозим. Мен ўзи учун биринчи даражада бўлган ишларини амалга ошириш ниятида, итоаткорликни қолдирган бир талай имонлиларни биламан. Афсуски, улар ўз даъватини қўлдан бой бердилар; энди уларнинг ўрнига бошқа киши туриши ва уларнинг вазифасини бажариши лозим. Улар Судда ўзларини қандай оқлайдилар?

Хушхабардаги воқеаага қайтамиз. Оломон тобора камайиб борарди, аммо бирдан яна бир кўнгилли пайдо бўлди.

«Кейин яна бошқаси: – Ҳазратим! Мен Сенга эргашаман. Фақат олдин бориб, уйдагилар билан хайрлашишимга ижозат бер, – деди. Исо эса унга: – Кўллари билан омочни тутиб, орқасига қараган ҳеч ким Худонинг Шоҳлигига лойиқ эмасдир, – деди» (Луқо 9:61,62).

Яна «олдин бориб» сўзи турибди. Бу одам оиласи, дўстлари билан илиқ ва яқин муносабатларга эга экани ёки Галилиялик Инсонга эргашиб қарорини, аввал уйда қолган ёқтирган қизи билан муҳокама қилишни истагани кўриниб турибди. Унинг яқинлари билан муносабати, Исога қай даражада хизмат қилишини белгилайдиган омил бўлди. Бинобарин Раббий тўғридан-тўғри, бундай киши Шоҳликда хизмат қилишга ярамаслигини айтди.

Бу одам ҳам бошқа кўплар каби орқага чекинганини тасаввур этиш мумкин. Мен ҳатто унинг овозини ҳам эшитишим мумкин: «Исо мен оммавий ахборот соҳаси бўйича мутахассисман, Сенинг хизматингда маслаҳатчи бўлиб ишлашим ва Сен учун яхши ишчиларни топишм мумкин. Бундан ташқари шаҳримизда бўладиган кейинги анжуманинг учун яхши анжуман-маркази топишда ёрдамим тегади. Шаҳримизга яна келганингда, хизматларингни олиб бо-

радиган ташкиллаштирувчиларга бош-қош бўламан, агар керак бўлса. Бу соҳада менга умид қилишинг мумкин!»

Хойнаҳой, шу пайт Исо ғайратли издошларнинг улкан оломони етмиш кишигача қисқариб кетганининг гувоҳи бўлган. Эҳтимол, улар унгача минг кишини ташкил қилгандир, лекин У халқни, ўз тақдирини амалга оширишига тўсиқ бўладиган учта асосий юкни, очиқчасига қўрсатишни бошлиди: хавфсизлик, пул ва муносабатлар. (Бундан ташқари айшишрат ёки Худонинг мақсадларига тўғри келмайдиган нарсаларга эга бўлишни исташ каби бошқа соҳалар ҳам мавжуд).

Аксарият кишилар Хушхабарни ўқигандা, матн иккига бўлингани боис Луқонинг қуидаги муҳим сўзларига эътибор бермай ўтиб кетадилар. Даставвал Луқо битта узун хат ёзгани, кейинчалик керакли оятни топишга қулай бўлиши учун жамоат уни бобларга бўлиб чиққанини хабар қилишига ижозат беринг. Луқо нима деганига қулоқ солинг:

«Шундан сўнг, Раббий бошқа етмишта шогирдни ҳам танлади ва Ўзи бормоқчи бўлган ҳар бир шаҳарга, ҳар бир жойга уларни Ўзидан олдин иккитадан юбориб, уларга деди: «Ҳақиқатан ҳам ҳосил кўп, бироқ ишчилар оз. «Ўз йигим теримингга ишчиларни юбор», – деб ҳосил Эгасига ибодат қилинглар» (Луқо 10:1-2).

Бу оятлар нақадар кўп маънога эга. Даставвал «шундан сўнг» деган сўзларга эътибор беринг. Биз ўзимиздан «нимадан сўнг?» деб сўрашимиз лозим. Жавоб: буюк оломон, кўп ўтмай, «Унинг ортидан бориш йўлида нимадан ажралишимнинг аҳамияти йўқ. Мен Унга эргашишни истайман ва шундай қиласман!» деган ва ўша ерда қолган кичик тўдага айланиб қолгандан сўнг. Улар Исонинг хавфсизлик, пул ва муносабатлар ҳақида айтганларини эшитдилар ва Худодаги ўз тақдирини амалга оширишдан, уларни ҳеч нарса ушлаб қолмаслигини қарор қилдилар.

Шундан сўнг, Исо жамоанинг янги аъзоларини танлади, менимча қолган одамларнинг сони шунча бўлган. Танланган ва тайинланган сўzlари Янги Аҳдда синонимлар сифатида ишлатилади. Тайинланган одам, танланган, танланган одам эса – тайинланган ҳисобланади. Исо Матто Хушхабарида бу ҳақда икки марта айтган. Агар у бир хил гапни битта Хушхабарнинг турли хил жойида такроран айтган бўлса, биз унга жиддий эътибор беришимиз зарур. Мана ушбу оятлар: «чунки чақирилганлар кўп, аммо танланганлар оздир» (Матто 20:16; 22:14).

Даъват этилганлар кўп. Қанчалик кўп? Аниқроғини айтсак, ҳар бир киши даъват этилган. Ҳар бир имонли ҳаётида даъватга ва уни амалга ошириш учун инъомларга эга. Аммо фақат бир нечта танланганлар бу даъватни бажаришидан, сиз лол бўлиб қолишингиз мумкин. Нега танланганлар кам? Негаки ўз даъватини амалга ошириш йўлида, жуда кам киши шахсий истаклари, хавфсизлиги, пулга бўлган севгиси, одамлар билан муносабатлари ва шунга ўхшаш нарсалардан воз кечади.

Исонинг сўzlарига қаранг: «Ҳосил кўп, аммо ишчилар оз» (Матто 9:37). Бизнинг авлод Худо учун забт этилмаган бўлса, бунда Худо айбдор эмас, ахир У «барча инсонлар ҳақиқатни билиб олишларини ва нажот топишларини хоҳлайди» (1 Тимотийга 2:4). Аслида Унинг Суди қаршида туриб, бизнинг авлод қўлдан бой берилгани учун биз ҳисобот берамиз. Биз ўз даъватимизни амалга оширсак, маҳкум бўлмаймиз, лекин ташвишлар бизни ушлаб туришига йўл қўйисак, Судда кўзларимиз мощдек очилади.

Сиз: «Мен ҳам, ҳамма қатори йўл тутяпман» дерсиз. Мабодо буйрагингиз: «Мен кичик бир аъзоман, ҳеч ким менинг фаолиятимни кўрмайди ва сезмайди, шунинг учун менга белгиланган вазифани қўйиб, шахсий ишларим билан шуғуллансанмикин» деса, нима бўлади? Сиз буйрак фаоли-

ятисиз, тана жиддий хавф остида қолишини яхши биласиз. Ўпкалар, оёқлар, товоонлар ёки бошқа аъзолар ҳам шундай дейишса, нима бўлади? Тананинг ҳар бир аъзоси муҳим бўлганидек, жамоатнинг ҳар бир аъзоси ҳам шундай муҳим.

Энди хушга келтирадиган хабарни айтаман. Исо, Худо уйининг қурилишидаги ишчилар сифатида, атиги айримларгини ўз тақдирини бажарадилар деган. Ҳар бир имонли қуриш даъватига эга, лекин фақат айримлар уни амалга оширадилар. Эртага Судда турадиган имонлиларнинг аксарияти зиён кўрадилар ва шарафли мукофотдан қуруқ қоладилар.

Бу фожиали хабар эканини биламан. Шу билан бирга яхши хабар ҳам бор: даъватимизни амалга оширишни ҳозир бошлишимиз мумкин. Тиз чўкинг ва Худодан, сизни Унинг иродасига бўйсунишдан ушлаб турган нарсалар учун кечирим сўранг, сўнг қадамма-қадам олдинга ҳаракат қилинг. Йигирманчи асрнинг буюк хушхабарчиси Смит Вигглсворт ўз хизматини эллик ёшида бошлаган. Сизга ҳам ҳали кеч эмас.

Ёдингизда бўлсин: бунинг калити, биринчидан, Худони излаш, иккинчидан, Худо кўрсатган маҳаллий жамоатта тегишли бўлиш, у жойдаги сизнинг устингиздан қўйилган бошқарувчиларга итоат қилиш ва бўйсуниш; учинчидан, ҳар қандай ташвишдан ўзингизни халос этиш. Худо сизни ушлаб турган нарсани кўрсатганда, жонингиз ёки танангиздаги ташвишларни, Унинг қиличи чопиб ташлашини сўранг. Унинг тўкин-сочин инояти сизга очиқ.

## Тўлиқ мукофот

Кейинги бобга ўтишдан аввал, якуний сўзни айтаман. Кўплар ҳалигача Худонинг уйини қуришни бошламадилар, бошқалар эса бошлаб, тамомламадилар. Улар бир куни сўнадиган шуҳратга берилдилар. Улар бу дунёning бойлиги, обрў, ҳокимияти ва завқ-шавқига интилдилар, одамлар-

нинг мақтовини изладилар. Буларнинг бари вақтингчалик бўлган нарсалардир. Ўзингизни алдаманг, сизни йўлдан уришига йўл қўйманг, Худонинг иродасидан четга чиқманг. Диққатингизни бир жойга жамланг. Сиз Масиҳда вазифага эгасиз. Сиз ишингизни якунлашингиз зарур.

Мавсумий ва ҳатто бутун ҳаётининг меҳнати касодга учрайдиган одамлар бўлади. Унинг меҳнати яхсон бўлади ва шунинг учун бу инсон Худонинг абадий уйига тегишли бўлмайди. Буни тасаввур этаяпсизми?

Аниқлик киритиш учун, уйимизнинг қурилиши тарихидан мисол келтиришга, ижозат беринг. У ерга ҳар куни борганим сабаб, қурувчилар мени яхши билишарди. Улар мени «воиз» деб атардилар.

Ҳар сафар қурилиш жойига етиб келганимда, уйнинг ичидан оғир рокнинг овози эшитилиб турарди. Мени кўриб, қурувчиларнинг бири, ўзининг бумбоксини ўчириш учун пастга югуриб кетарди. Ичимда, улардаги Худонинг ишларига бўлган ҳурматини кўриб, хурсанд бўлардим. Сўнг биз биргалиқда бироз суҳбатлашардик. Бу йигитлар билан баъзида гапимиз қизиб кетар, гоҳида уларга хизмат қилишнинг ажойиб имконияти туғилиб қоларди.

Бир куни қурувчилар менга, ўзлари иштирок этган гўзал уйлар ҳақида сўзлаб беришгани, ёдимда. Ўз ишлари ҳақида гапиргранларида, уларнинг юzlари порлаб кетди. Улар бундай шуҳратли ишда қатнашиш имкониятидан мамнунлик ва қувонч олгани кўриниб турарди. Уйнинг соҳиби олдида ҳам ва у уйни кўрганлар олдида ҳам, бундай фойдали ишдан ҳеч қандай ҳижолат сезмайсиз, фақат мамнуниятни ҳис этасиз.

Келинг, янада фикрлаб кўрамиз, Вашингтондаги Оқ уйни қурган қурувчи нималарни ҳис этганини фараз қилиб кўринг. Тасаввур этинг, қачондир унинг болалари мактабдан қайтгач, улар мактаб ўқувчилари билан давлатдаги

энг машхур уйларидан бирини томоша қилишга борганларини ҳайрат билан айтиб берадилар.

Отаси нақадар завқ билан, ўша уйнинг қурилишида иштирок этганини фарзандига сўзлаб беришини, фараз қилинг. Ота фарзандининг бутун синфи билан биргаликда, Пенсильвания-авеню, 1600 экспурсиясига боргандаги туйғуларини, фараз қилинг. Ҳамма синфдошлари, унинг отаси Кўшма Штатлар президентни яшайдиган ва ишлайдиган уйни қуришда ёрдам берганини билганида, фарзандининг юзидағи фаҳр ва қувончни кўриш, нақадар ёқимлик бўлишини, фараз қилинг.

Биз ҳам тахмиман шундай ҳолатни бошимиздан кечирамиз. Бироқ биз ўша қурувчидан фарқли ўлароқ, бир куни бузиб ташланиб, ўрнига янгиси қуриладиган уйнинг устида меҳнат қилмаяпмиз. Биз абадий бутун борлиқнинг дикқат марказида бўладиган уй устида ишлайпмиз. Худди шундай! Микаҳ пайғамбарнинг ёзғанларини эсланг: «Ўшанда кўп халқлар келиб, шундай дейдилар: «Келинглар, Раббийнинг тоғига, Ёқубнинг Худосининг уйига чиқамиз. У бизларга Ўз йўлларини ўргатади ва Унинг йўлларидан юрамиз. Зеро қонун Сиондан ва Раббийнинг Сўзи Йерусалимдан чиқади» (Микаҳ 4:2).

Бутун дунёнинг ишлари манашу уйда ҳал этилади. Борлиқни идора қиладиган донолик ва қонунлар, шу уйдан чиқади. Унинг бетакрорлиги шундаки, ўн триллион йилдан кейин ҳам, у худди қуриб битирилган кундагидек, гўзал бўлиб тураверади.

Хушхабарнинг ажойиб бир хизматчиси умрининг охиригача содиқ қолди, олтмиш йил давомида самарали хизмат қилди ва қарийб янги минг йилликнинг остонасида ўз мукофотига қараб йўл олди. У кетгач, бир йилдан сўнг, мен Яқин Шарқдаги бир катта жамоатда бўлдим, у жойдаги сажда хизматининг раҳбари, Худо унга нақадар гўзал очик-

лик бергани ҳақида сўзлаб берди. Очиқлиқда у самога борган ва у жойда ўша буюк хизматчини учратган. Хизматчи юзида кенг табассум билан ўша ёш ҳамду-сано раҳбарига деган: «Бу ерда мен ўйлаганимдан ҳам яхшироқ экан».

Улар кўп ҳақиқатлар ва воқеалар ҳақида гаплашганлар, сўнг ўша хизматчи орқасига қайрилиб, унга Сион ишидаги ўз ҳиссасини кўрсатган. Унинг ҳиссаси бошни айлантирадиган даражада катта бўлган. Бу садоқатли хизматчининг ўтказган таъсири у орзу қилгандан кўра анча узунроқ ва кенгроқ бўлиб, энди буни ўша жойда томоша қилиш мумкин эди. Менга ўzlари қурган уйлари ҳақида сўзлаб берган курувчилар каби, у ҳам бошқаларга ўз ишини кўрсата оларди. Қандай ажойиб мангу мукофот-а!

Бутун мангулик давомида нафақат ўз авлодларингизга, қолаверса, Сион деб номланадиган Худонинг шарафли уйига келадиган барча халқларга, Унинг қурилишидаги ўз қисмингизни кўрсата олишингизни, тасаввур этоласизми?

Энди бошқа жиҳатни кўриб чиқамиз. Сиз ўз йўлингизни яхши тугатмаганингиз туфайли, меҳнатларингиздан бирорта ҳам из қолмаслигини кўз олдингизга келтириб кўринг. Сизнинг аждод ва авлодларингиз, сиз амалга оширган ишларни кўришга келганда, сизда эса уларга кўрсатадиган ҳеч нарса бўлмаслигини, тасаввур эта оласизми? Бутун халқлар сизнинг ишларингизни кўришга келсалар-у, сизнинг қурилишингизнинг бир қисми ёниб кетган ва унинг ўrniga бошқа нарса қурилгани учун, уларга ҳеч нарса кўрсата олмаслигинизни, фараз қилиб кўринг. Повул шундай деб ёзган:

«Агар қурилиш синовдан ўтса, бу яхши; ўтмаса, сизнинг қурганларингиз йўқ қилинади ва ўrniga бошқаси қурилади» (1 Коринфликларга 3:14,15, The Messege).

Бу чиндан ҳам абадий йўқотиш. Афсуски, бу ҳақиқат. Бироқ, азиз дўстим, мен сизга бундай қисматни тиламайман.

Худо ҳам сизга буни тиламайди. Сиз билан бу нарса содир бўлмайди деб, ҳозир қатъий қарор қилишингиз мумкин. Худо сизга Сионни қуриш учун иноят бермоқда. Ҳаворий Юҳанно ёзган:

«Ўзларингизга эътибор беринглар, токи бизлар қилган меҳнатимизни йўқотмайлик, балки тўлиқ мукофотни олайлик» (2 Юҳанно 8).

Раббийнинг Ўзи, ҳар бир фарзанди Унинг уйи қурилишидаги иштироки учун тўлиқ мукофот олиш имконини репжалаштириб қўйган. Сизнинг меҳнатингиз сўнмас, эскирмас ва алмаштиришга муҳтож бўлмаслиги мумкин. Худонинг иноятига таянсангиз ва яхшилаб қурсангиз, сизнинг ҳиссангизни миллиардлаб фаришталар ва одамлар абадул-абад кўриб, Худога тасаннолар айтадилар.

# • МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР •

## 5 БҮЛИМ: 11, 12 БОБЛАР

1. Худованд биз У учун нимадир қилишимизга муҳтож эмаслигини, шу билан бирга, биз У билан бирга меҳнат қилишимизни исташини биламиз. Бу нарса Уни қандай тавсифлайди? Уни Шоҳлигини? Бизничи?
2. 136:16 Санода, Худо биз тугилмасидан аввал, ҳаётимизнинг ҳар бир сонияси таърифланган китоб ёзигб қўйгани айтилган. Бизнинг ўзига хос тақдиримизга Худо нималарни белгилаб қўйганини, қай тарзда билиб олишимиз мумкин?
3. Эҳтимол ва ҳойнаҳой, ўз даъватимизни амалга оширишнинг ўрнига, ҳаётимизни бизга яхшидек туюлган ишлар билан шуғулланиб, ўtkазиш жуда осон. Ҳаётингизда қўрқув ёки умидсизлик орқали киришга йўл қўйган ва Худо янгилашини истайдиган соҳалар борми?
4. Ўн иккинчи бобда Худонинг иродасини бажариб яшашнинг учта калитини муҳокама қилдик: Уни самимий излаш, ўзимизни Унинг уйида ўрнаштириш ва ташвишдан халос бўлиш. Буларнинг қайси бири сиз учун шахсий имкониятлар соҳасини тақдим этади? Қай тарзда буларни ўзингизда ўстиришингиз мумкин?
5. Абадийликда, биз тўлиқ, қисман мукофотга сазовор бўлишимиз ёки умумаман мукофотдан қуруқ қолишимиз мумкин. Сиз учун тўлиқ мукофот бу нима?

# **6 БҮЛИМ**



## 13 БОБ

# КҮПАЙИШ

*Ўрувчи мукофот олади ва абадий ҳаётга ҳосил тўплайди.*

*Шундай экан, экувчи ҳам, ўрувчи ҳам биргаликда  
қувонадилар. Бу вазиятда: «Бири экади, бошқаси ўриб  
олади», – деган сўз тўғридирип  
— Юҳанно 4:36,37*

*Экувчининг ва суғорувчининг иккаласи ҳам бирдири, лекин  
ҳар бири ўзининг меҳнатига яраша ўз мукофотини олади.*

*— 1 Коринфликларга 3:8*

Худо уйининг қурилиши билан шуғулланиб, Шоҳлик-да содиқ хизмат қилган киши, ажойиб абадий мукофотга эга бўлади. Ҳар биримиз ўз меҳнатимизга муносиб равишда алоҳида мукофотланамиз. Ҳар биттамиз ўзимизга тегишли масъулиятта эгамиз: турли хил даъватлар, одамларнинг ҳаётига абадият таъсирини ўтказишдек, битта натижани келтириб чиқаради.

Кўпчилик самода энг юқори даражадаги мукофотларни олиш учун, фақат минглаб инсонларнинг ҳаётига таъсир кўрсатган хизматкорлар турадилар деб ўйлайди. Аммо ҳақиқат бундай эмас. Худо инсон қолиблари билан эмас, балки итоаткорликнинг ҳақ ишлари билан ўлчайди. Агар шундай бўлмагандга эди, хизматнинг маркази ютуқларга эришиш бўлиб қоларди. Охирги бобда, Худо даъватимиз бўйича қилинган ишларимизга қараб, ҳукм қулиши ва мукофотлашини кўрдик.

## **Иноят орқали келадиган куч**

Милоддан кейинги 56 йил, ўз фаолиятининг якунидан тахминан ўн йиллар аввал, Повул ўзи ҳақида, «ҳаворийлар орасида энг кичиги» (1 Коринфликларга 15:9) эканини ёзган. Жамоат тарихини ўрганадиган одамлар учун бу сўзлар ғалати туюлиши мумкин. Повул ўша вақтда маълум бўлган бутун дунёга таъсир кўрсатди ва ўз замондошларидан анча кўпроқ ишларни амалга оширди. У ҳаворийларнинг орасида энг буюги эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Унда қандай қилиб бунинг аксини гапирмоқда? Эҳтимол, у муболага қилаётгандир? Бундай бўлиши мумкин эмас, Муқаддас Китобнинг ёзилишида ёлғон ишлатилишнинг имкони йўқ. Муқаддас Рух фақат бир сабабга кўра ушбу мисраларга йўл кўйган – Повул ўзини чиндан ҳам шундай деб ҳисоблаган.

Жавобни унинг мактубидаги қуидаги сўзларида топамиз: «Лекин Худонинг инояти билан ким бўлсан, ўшаман. Менга берган Унинг инояти эса беҳуда бўлмади, чунки мен уларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ меҳнат қилдим; бироқ меҳнат қилган мен эмас, балки мен билан бўлган Худонинг иноятидир» (1 Коринфликлар 15:10).

Қизиқ, Повул ўз ютуқларини бошқа ҳаворийларнидан кўпроқ деб тан олган, шу билан бирга ўзини энг кичик деб ҳисоблаган. Бундай зиддиятнинг ечими «Худонинг инояти билан ким бўлсан, ўшаман» деган сўзларда ўз аксини топган. Повул ўзини, Худо у орқали амалга оширган барча ишлардан ажратса олган. У Худонинг даъватига нимадир қўша олмаслигини ёки бир сўз билан айтганда «иноят» деб аталувчи, унга берилган имкониятдан ўзиб кетадиган нарсани амалга ошира олмаслигини тўлиқ англаган. Имонлиларнинг даъвати ҳақида гап кетганда, унинг бу сўзлари ҳаммага тегишлидир.

Буни хизматимдаги шахсий тажрибамдан изоҳлаб беришга рухсат беринг. Мен ёзган китоблар дунёning тўқсон-

дан ортиқ тилларига таржима қилинганды. Босиб чиқарылған китобларнинг сони миллионларга етады, бу китоблар орқали одамларнинг ҳаёти қай тарзда ўзгаргани ҳақидаги гувоҳликлар эса беҳисобдир.

Одамлар тез-тез менинг олдымга келиб, китоб ёзишмадаги сирларни сўрайдилар. Мактабда инглиз тилидан қандай ўқиганим ва Худонинг инояти ҳаётимда намоён бўлишидан олдин, қандай ёзувчи бўлганимни эсласам, кўлгим келади. Инглиз тилида икки саҳифа ёзиш учун менга бир неча соат керак бўлар эди. Энди эса, китоб ёзаётганимда, сўзлар мендан шунчаки оқиб чиқади. Бу китобларни, ҳақиқитан ким ёзаётганини, мен ҳаммадан ҳам яхшироқ биламан. Аслида, уларни биринчи бўлиб, мен ўқийман.

Бир куни мени ойнаижажондан узатиладиган машхур сұхбатга таклиф этишди, у ерда китобларимнинг мавзуси ҳақида гап борди. Сұхбат жараёнида олиб борувчи китобларимдаги мавзулар ҳақида гапиришнинг ўрнига, ҳамманинг нигоҳини мен ва менинг ютуқларимга қаратди. Мен ўзимни ноқулай сезишни бошладим ва гапни яна дастлабки мавзуга қайтариш учун, ичимда Муқаддас Рухнинг ёрдамини излашни бошладим.

Бир неча сониядан сўнг, Муқаддас Рухдан олган изоҳни айтиш учун яхши фурсат тутғилиб қолди. Мен Сулаймоннинг сўзларини келтирдим: «Мен англадимки, Худо қилаётган ҳамма нарса абадий туради. Унга ҳеч нимани қўшиб бўлмайди ва ундан ҳеч нимани олиб бўлмайди; одамлар Худодан қўрқишилари учун У шундай қилган. Нима бўлган бўлса, ҳозир ҳам бор ва нима бўладиган бўлса, у аллақачон бўлган, зеро Худо ўтмишни қайтаради» (Воиз 3:14,15).

Шундан сўнг дедим: «Худодан олган даъватини бажараётган, меҳнат қилаётган хизматкор ва чўпонларнинг сон-саноғи йўқ. Улардан айримлари қишлоқ жойларида уч юзта кишилик жамоатларни бошқарадилар. Кимдир ривож-

ланынг давлатлардаги ҳалок бўлаётган ва ҳеч кимга кеп рак бўлмаган одамларга хизмат қиласидилар, улар ўз ҳаётларини миссионерлар даласига бағишлаган. Яна кимдир жамият учун аҳамиятсиз ҳисобланган одамларга кундалик ёрдам кўрсатиб, шаҳарларда меҳнат қиляпти. Бошқалар ўз иш жойларида содик хизмат кўрсатмоқдалар. Бу рўйхатнинг охири йўқ. Ҳойнаҳой бу дастурда ўша хизматкорларнинг бирортасини ҳам кўрсатишмайди, бироқ уларнинг кўпчилиги самода олдинги қаторларда турадилар, чунки улар ўз даъватларига итоаткор бўлдилар ва ўз ишларини пок ниятлар билан амалга оширилар.

Мен ўз нутқимда давом этдим: «Менга келсақ, Худомени, мен орқали кўп одамларнинг ҳаётига кириб боришини истайдиган, аниқ белгиланган ишни бажаришга чақирган. Айнан шунинг учун сиз мени шу кўрсатувга таклиф этдингиз. Бироқ мен ўзимдан У чорлаган топшириқдан бўлак, бошқа ҳеч нарсани қўша олмайман. Ўз кучим билан ҳеч нарсани кенгайтиришга ҳам, олдинга суришга ҳам қодирмасман. Менинг қўлимдан келадиган ягона нарса, ҳам масини бузиб қўйиш, холос, лекин мен бундай қилишдан жуда қўрқаман!»

Студиядаги муҳит бирдан ўзгарди. Халқаро аҳамиятга эга хизматни бошқарадиган, кўрсатув олиб борувчиси, мен ҳозиргина айтган сўзларни шу заҳоти англаб етди ва суҳбатнинг охиригача одамларга хизмат қилиш мавзусига диққатни қаратди.

Бу ҳақиқат ҳаммага тегишли. Агар сиз рафиқа, она, жамоатингизнинг болалар боғчасида тарбиячи ёки яширин хонада шафоатчи сифатида хизмат қилишга чақирилган бўлсангиз ва ўз даъватингизни садоқат билан бажарсангиз, итоаткорлигинги учун сахий тарзда мукофотланасиз. Агар сиз жамоатингизнинг қамоқҳоналардаги хизматига, ишбильармонлик дунёсига таъсир кўрсатишга ёки хизмат ишига

катта-кatta қурбонлик қилишга чорланган бўлсангиз ва буни Раббий учун қилгандек, чин юракдан бажарсангиз, Исо учун минглаб одамларни забт этган Хушхабарчиникидек мукофотга эришасиз.

Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Шахсан мен, самодаги биринчи қаторларда, Раббийдан кутганимиздан кўра улугворроқ мукофотларни оладиган кишилар оналар, ишбилармонлар ва оддий ишчилар бўлади, деб ишонаман.

### **Худонинг ердаги ҳарбий қўшини**

Исо Масиҳнинг жамоати – Худонинг ердаги ҳарбий қўшини. Биз ҳар биримиз бизга берилган топшириқни бажариш учун керакли ўринга ва инъомларга эгамиз. Кўп йиллар олдин Раббий рафиқамни уйқудан уйғотиб, Руҳ орқали буюк ҳарбий қўшинни кўрсатган. Соат тонгти тўртлар эди, лекин у мени шу заҳоти уйғотиб, кўрган ваҳийини айтиб берди.

«Жон бу ҳар бир киши ўз ўрнини, мансабини ва масъулиятини билган одамлардан иборат ҳарбий қўшин эди. Улар бутунлай бир текисда қадам қўяр ва ҳар битта сафда бўш жойлар бор эди, ўша жойларга бошқа одамлар келиб, турардилар. Мен ва сени хизматимизнинг икки хил жойида олға бораётганимизни кўрдим. Ҳаракатланаётган йўналишини билиш учун, ҳеч ким бошқасига қарамасди; ҳамма мутлақо яқдиллиқда ҳаракат қиласарди, негаки уларнинг нигоҳлари Раббийга қараган эди».

Сўнгра у тобора диққатимни тортган нарсани қўшиб қўйди. «Ҳеч ким бошқанинг жойига ҳасад қилмас ва эришишга интилмас эди. Ҳар бири Раббий у учун тайёрлаб қўйган жойда хизмат қилишдан мамнун эди». Тушуняпсизми? Бу ҳарбий қўшиндаги бирорта киши бошқанинг ўрнинг ҳасад қилмаган. Ҳамма ўз жойида хизмат қилишдан баҳтиёр ва мамнун бўлган.

Буни онгимиизда сақлаган ҳолда, келинг, уй ҳақидаги мисолимизни эслаймиз: «Уй донолик билан қурилади» (Хикматлар 24:3). Биз қуришда фойдалана оладига икки хил донолик мавжуд. Бири юқоридан, бошқаси эса юқоридан бўлмаган донолик.

«Орангизда ким доно ва ақлли бўлса, у буни ҳатти-ҳарачатларида яхши хулқ ҳамда доно мулоиймлик билан амалда кўрсатсан. Агарда юрагингизда сизлар аччиқ ҳасадга ва рақобатга эга бўлсангиз, унда мақтандонманглар ва ҳақиқатта қарши ёлғон гапирманглар. Бу юқоридан тушаётган донолик эмас, балки дунёвий, шайтоний, жонга оид донолиқдир. Чунки қаерда ҳасадгўйлик ва рақобат бўлса, ўша ерда тарбисизлик ва ҳар хил ёмонлик бўлади» (Ёқуб 3:13-16).

Қилаётган ишимиз қанчалик яхши кўринмасин, агар у ҳасад ёки шахсий шуҳратпарастлиқдан келиб чиқиб, амалга оширилса, ишимиз ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Демак, биз танавий, шайтоний сабабларга кўра қурганимиз учун, ҳеч қандай мукофотга эга бўлмаслигимиз тайин.

Вебстор Лўғати «ҳасад» сўзига қуийдагича таъриф берган: «Норозилик ҳисси ёки бошқанинг муваффақияти, мулки ва равнақига ўчлик». Агар биз Худодан берилган даъватга дунёвий кўз билан қарасак, унда ҳасаддан қочиб қутулиб бўлмайди. Повулнинг даъватига ҳасад қилган воизлар ҳам бўлган. У шундай деб ёзган: «Бироқ баъзилар ҳасад ва рақобат билан, бошқалар эса эзгу ният билан Масиҳни воизлик қилмоқдалар. Баъзилар менинг кишланбандлигимдаги қийинчилигимни орттиришни ўйлаб, нопок юракдан рақобат билан, бошқалар эса севги билан Масиҳни воизлик қилмоқдалар. Чунки улар менинг Хушхабарни ҳимоя қилишга тайин қилинганлигимни биладилар» (Филиппиликларга 1:15-17).

Бу хизматкорлар Худо уларнинг ҳаётида жойлаштирган даъватдан мамнун бўлишнинг ўrniga, Повулнинг равнақига кўз олайтирганлар. Бу ҳасад уларнинг шахсий шуҳратпа-

растлигидан келиб чиққан. Шұхратпаратлик – бу ниманидир оташин ва кучли тарзда исташдир. Агар истакларимиз танавий бўлса, диққат марказимиз одамларнинг фойдасини кўзлашда эмас, балки ўзимизга қаратилган бўлади. Бундай ниятлар тартибсизлик ва жанжалларга сабаб бўлади ва турли-туман ёвузликларга эшик очади.

Худонинг донолиги эса, аксинча, худбин манфаатлардан озиқланмайди, балки Осмон Шоҳлигига интилади. Бундай қурилиш Раббийнинг хоҳишларига мос келади. Бундай донолик ҳақида қўйидагилар ёзилган: «Аммо юқоридан келаётган донолик эса, биринчидан пок, кейин тинчликсевар, камтар, итоатли, меҳр-шафқатли, яхши ҳосилларга тўла, бегараз ва риёсиздир» (Ёқуб 3:17).

Худонинг донолиги, биринчидан покдир. Бошқа сўзлар билан айтганда, у иккисизламачи, художўйликни ниқоб қилган, ичида ҳасад ёки худбин ниятларга эга эмас. Унинг истаги – Хўжайнинг содиқ бўлиш, Унинг топширигини қувонч билан бажаришдир. Унинг мақсади буюк бўлиш эмас, балки ўз даъватига содиқ қолишдир. У Осмон Шоҳлигининг ютуқларидан шодланади ва унга бу ютуқлар биз орқали амалга ошайптими ёки бошқалар орқалими, аҳамияти йўқ.

Худонинг донолиги ўз манфаатини эмас, балки доимо бошқаларнинг фойдасини кўзлайди. У тинчликсевар, камтар, сабр-тоқатли ва танқидчи эмас. У учун энг муҳим истак, бошқаларнинг диёнатли ҳаёт кечириши ва ўз тақдирини амалга оширишини кўриш ҳисобланади. Хизматни севадиган, лекин одамларга зўрга чидалиган кишилар бор, одамларни севадиган, хизматга эса уларга ёрдам беришда қурол деб қарайдиган кишилар ҳам бор. Иккинчи тоифадаги кишилар илоҳий доноликлик билан бошқариладиганлардир.

Самовий доноликнинг бошқа қирраси бўйсунишда на-моён бўлади. Ўз даъватимиздан мамнун бўлганимизда, Худонинг бошқарувига ва ҳокимиятига бўйсунамиз. Архи-

тектори, Рассоми ва Бөш Қурувчиси ягона бўлган, Худо уйи қурилишининг суръатини тўлиқликда кўришни бошлаймиз. У Жамоатидаги ҳар бир одамни Ўз ҳокимият ва қобилиятлари билан таъминлайди. Устидан қўйилган ҳокимиятта бўйсунган кишилар, Судда саҳийлик билан тақдирланадилар. Жамоатга бўлиниш олиб келадиган чўпоннинг ёрдамчилари, уйда эрининг ҳокимиятига қарши чиқадиган хотинлар, иш берувчидан маош олиб туриб, кўтарилишни кўзлаб, шахсий ишини қурадиган хизматчилар, ишчилар ва бошқалар – исёнда юриб, балки буюк натижаларга эришган бўлсалар ҳам, Судда катта зарар кўрадилар.

Самаралар сизни адаштиришига йўл қўйманг. Худонинг ҳокимиятига қарши бориб, шу билан бир вақтда катта ютуқларга эришиш ҳам мумкин. Мусо ҳақида эслаб кўринг. Раббий унга, мўъжизавий равишда сув чиқиши учун қояга буюришини айтди. У бўйсунмади ва бунинг ўрнига қояга жаҳл билан урди. Сув чўлдаги уч миллионта киши қонадиган даражада мўл-сероб бўлиб оқиб чиқди. Эҳтимол улар сувга қониб, бир-бирига шундай дейишган: «Буни қара-я, Худо ҳақиқатдан ҳам Мусони эшитди. Бу нақадар кучли!»

Ҳамма сувга қониб бўлгач, Худо Мусони четга чақирди ва у ўз итоатсизлиги туфайли ваъда қилинган ерга энди кирмаслигини айтди. Мусо чиндан ҳам ажойиб натижаларга эришганди. Бироқ натижани кўрсаткичи муваффақият эмас, балки итоаткорлиқдир. Илоҳий донолик, Худони барчадан ва ҳамма нарсадан устун қўядиган, Раббийнинг қўрқувидан бошланади. Худо қўрқувига эга бўлган киши, Унга тўлиқ бўйсунади.

Келинг, рафиқамнинг кўрган ваҳийига қайтамиз. Ўша тонгда у менга деди: «Жон, барча ҳарбийларнинг юз кўриниши бутунлай бир-бирига ўхшаш эди». Бошқа сўзлар билан айтганда, бу Худода алоҳида юлдузлар йўқлигидан дарак берувчи, бир-биридан фарқ қилмайдиган қўшинли-

гини билдиради. Бу түшүнчө бизни, жамоатда бошқа киши-ни жойига күз олайтириш ниятидан ёки юқори мансабга эришиш мақсадида, ҳокимиятта қарши исөн күтаришдан сақлайди. Биз жамоатда ўрнашсаккина, ҳаётимизга юқори-дан күтарилиш келади.

## Турли хил даражалар

Хушхабарларда иккита бир-бирига ўхшаш масалларни учратамиз, уларнинг ҳар бирида, Хукм ҳақида турли хил ҳақиқатлар ўз аксини топган. Бу талант ва мина ҳақидаги масаллардир. Биринчиси – талантлар ҳақида масал – ҳамма имонлига ҳар хил даражадаги даъват ва инъомлар берилишига урғу берган:

«Зеро бу худди ўзга юрга кетишидан олдин ўз қулларини чақириб, уларга ўз мол-мулкини топширган одамга ўхшайди. У қулларнинг ҳар бирининг кучига яраша бирига беш, бирига икки, яна бирига бир талант бериб, шу заҳотиёқ жўнаб кетди» (Матто 25:14,15).

Узоқ мамлакатга жўнаб кетаётган хўжайин, бу Исо, хизматкорлар эса бизнинг тимсолимиз. Талант – бу пул бирлиги, аммо масалда талант бошқа нарсани касб этади.

Масалнинг битта маъноси, шахсан мен, бу бизнинг даъват ва инъомларимизнинг даражаси деб ишонаман. Маълум бир одамларга, бутун халқларни ўз ичига оладиган, бошқаларга – шаҳар даражасидаги, учинчиларга – жамоатдаги уй гурухи даражасидаги хизматлар берилган. Бунга ўз китоблари билан миллионлаб, бошқалари – минглаб, қолганлари – юзлаб одамларни забт этган муаллифлар ҳам мисол бўла олади. Яна бир мисол, бир киши бошқариш инъоми билан хизматини йирик жамоат даражасига етказса, бошқаси эса фақат ўртача ёки кичик сонли жамоатлар-

ни эплай олади. Тадбиркорлик билан шугулланиб, ишбильармонлик қобилияти Худо Шоҳлигига юз минглаб одамларни жалб қилиш даражасидаги корхоналар кўтаришига қобилияти етадиган кишилар бор. Бошқалари эса миллионлаб қурбонлик қилса, учинчилари бир неча корхонани йўлга қўйиб, Шоҳлик фаолияти учун миллион ва миллиардлаб берадиганлар ҳам бор.

Масалга қайтамиз. Бу масалдаги иккита муҳим жиҳатга эътибор беринг. биринчи жиҳати ҳар бир хизматкорга нимадир ишониб топширилди. Бу жамоатда, даъватга ва уни амалга ошириш учун инъомларга эга бўлмаган киши йўқлигини билдиради. Иккинчидан, ҳар бир хизматкорга унинг қобилиятларига қараб, турли даражадаги масъулиятлар топширилди. Аммо бизнинг қобилиятларимиз Худодан берилганини ёдимииздан чиқармаслигимиз зарур. Ўзимиз, бизга берилган нарсалардан ташқари, ҳеч қандай қимматли нарсага эга эмасмиз, бинобарин Каломда ёзилган: «Ким сени бошқадан фарқлаяпти? Сен олмаган қандай нарсаларга эгасан? Агар олган бўлсанг, нима учун олмагандай мақтана япсан?» (1 Коринфликларга 4:7).

Бу масалда беш даражали даъват ва инъом олган инсон, ўз кучини икки ҳисса кўпайтирди. Икки талант олган киши ҳам шундай қилди. Худо бизга У истаган натижаларга эришишимиз учун инъомлар беришига қарамай, биз ҳам меҳнат қилиш учун бел боғлашимиз лозим.

Лекин бир даражали даъват ва инъомли киши, ҳойнаҳой, ундаги бор нарсалар умуман аҳамиятсиз деб уйлаган бўлиши мумкин. У ўз хўжайниниadolatciz, мантиқсиз ва қаттиққўл инсон деб ҳисоблаган. У қуидагича уйлаган бўлиши мумкин: «Нега менга бошқалардан кам беришди? Нима учун бошқаларга шаҳар ёки ҳатто миллатларга таъсири кўрсатиш даражаси топширилди? Нега воизлик қилиш, куйлаш ёки китоб ёзиш қобилияти менга эмас, уларга берилди? Нимага

бошқалардек қурбонлик беришим учун, менинг ҳам корхонам күтариlmаяпти?» Рўйхатни давом эттириш мумкин. Ўша одам ўз талантини яшириб қўйди ва даъватини бажармади, ўз инъомини на ўзи учун, на Шоҳлик учун ҳеч қандай фойда келтирмайдиган соҳаларга сарфлади.

Узоқ вақт ўтиб, ўз хизматкорларидан ҳисобот олиш мақсадида, хўжайин қайтиб келди. Улардан ўз талантларини икки ҳисса кўпайтирган иккитаси қуйидаги сўзлар билан тақдирланди: «Баракалла, яхши ва содиқ қул! Сен оз нарсада содиқ бўлдинг, сени кўп нарса устидан қўяман. Энди, хўжайнингнинг қувончига киргин» (Матто 25:21). Беш даражали инъомга эга бўлган, икки даражали инъомга эга бўлгандан кўпроқ мукофотга эга бўлмади, чунки уларнинг иккиси ҳам содиқ ва қунтли эдилар. Бу сўзлар Худо бизга ишониб топширган нарса содиқ бўлишни талаб қилаётгани ҳақидаги фикрни тасдиqlайди.

Битта талант олган киши шафқатсизларча танбеҳ әшитди ва хўжайин унга топширилган талантни ундан олиб бошқага беришларини буюрди. Содиқ хизматкорлар янада кўпрогига эришган бир пайтда, талантини кўмиб қўйган катта зарар кўрди.

Ушбу масални тинглаб, 1992 йил, Худо менга китоб ёзишни буюрганини эслайман. Ибодат вақти юрагимга айтилган нарсани әшитганимда, унга ишонмай, қарийб кулиб юбордим. Мен инглиз тилидан нафратланардим! Агар мактаб йилларим кимdir менга, китоб ёзасан деганда, унинг юзига қараб қотиб кулган бўлардим.

Лекин ўн ой ўтиб, икки ҳафтанинг ичида, ёнимга икки аёл бирин-кетин, бир хил башорат билан келдилар: «Жон, мабодо Худо сенга бераётган ваҳийларни ёзмасанг, У бу ишни бошқа кишига беради, сен эса Худонинг иродасини рад этганинг учун маҳкум бўласан». Мен титраб, биринчи имон қадамини қўйдим, қолган нарсалар ҳақида бошқа са-

фар гаплашамиз. Мен итоат этмаганимда эди, бу китобларни бошқа киши ёзган бўларди, мен эса менга топширилган талантларни йўқотардим.

### **Бизга берилган талантларнинг кўпайиши**

Биз ўз даъват ёки инъомларингизга ҳеч нарса қўша ол-маслигимизни муҳокама этдик. Энди, келинг, ҳар битта имонлига берилган нарсаларнинг кўпайишига даққатимизни қаратамиз. Бу ҳақиқат биринчи масалга ўхшаш бошқа масалда очиб берилган:

«Бир зоти баланд одам ўзига салтанат олиш учун узоқ мамлакатта жўнаб кетаётган экан. У ўзининг ўнта қулини чақирди ва уларга ўн мина пул бериб: «Мен қайтиб келгунимча, пулни ишга солинглар», — деди» (Луқо 19:12,13).

Мина ҳам, талант сингари, пул бирлигидир. Лекин бу масалда ҳар бир кишига бир хил миқдорда пул берилди, ҳар бири бир минадан олишди. Мина талант каби даъват ёки инъомлар даражасини билдирамайди. У Худо Сўзининг ҳақиқати, имонимизнинг асоси, юрагимизга қуйилган Худонинг севгиси ва ҳар биримизга берилган аҳднинг баракаларини ўзида акс эттиради. Ҳаммамизга бир хил нарса берилган ва ҳеч ким бошқадан кўра кўпроқ олмаган.

Бу масал, ҳар битта имонли Масихда нималарга эга экани ҳақидаги масал. Ёзув шундай дейди: «Ҳеч ким инсоний нарса билан мақтамасин, чунки ҳаммаси сизларницидир» (1 Коринфликларга 3:21) ва яна: «Раббимиз Исо Масихнинг Отаси – Худо муборак бўлсин! У самода бизга барча руҳий баракаларни Масихда ато этган» (Эфесликларга 1:3). Ушбу баракалар Масихдадир, лекин уларни фақат имонимиз олади ва уни ерда намоён қиласди, итоаткорлигимиз, ибодат ва курбонликларимиз эса уларни кўпайишга мажбур этади.

Мана нима учун Исони тасвиirlайдиган бу зоти баланд инсон, ўз хизматкорларига, яъни бизларга деди: «Мен қайтиб келгунимча, пулни ишга солинглар». Бизга берилган нарсаларни олиб, Худонинг шарафи учун кўпайтиришимиз зарур.

Натижаларни ўрганиб чиқамиз:

«Шундан сўнг у салтанатни олиб, ўз ватанига қайтиб келганида, берган пулидан ким қанча даромад қилганини билиш учун, ўша қулларини ёнига чақиришни буюрди. Биринчиси келиб: — Хўжайн, сизнинг минангиз ўн мина даромад келтирди, — деди. Хўжайн унга: — Маъқул, сен яхши қул экансан. Кичик ишда содиқ бўлганинг учун ўнта шаҳар устидан ҳоким бўлгин, — деди. Иккинчиси келиб: — Хўжайн, сизнинг минангиз беш мина даромад келтирди, — деди. У эса унга деди: — Сен ҳам бешта шаҳар устидан бўлгин. Учинчи-си ҳам келиб: — Хўжайн, мана сизнинг минангиз. Мен уни рўмолнчага тушиб асрарим» (Луқо 19:15-20).

Хўжайн учинчи хизматкорни яхшилаб койиди, унинг минасини эса ўз минасини ўн ҳисса кўпайтирганга берди. Хўжайн деди: «Сизларга айтаманки, кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ бўлса, ундан ҳатто бори ҳам тортиб олинади» (26 оят).

Бу масалда Исо ўнта хизматкордан атиги учтасига мурожаат этяпти. Қайтараман, бу масалдаги муҳим фарқ шундаки, ҳар бир хизматкор бир хил миқдордаги пул билан бошлаган, аммо бири ўз пулини ўн ҳисси, бошқаси – беш ҳиссага кўпайтирди, учинчиси эса умуман ҳеч нарса ортирамади.

Мукофотлар ҳам, ҳар бирининг натижасига қараб, бир-биридан фарқ қилганини кўрамиз. Бошқариш учун кўлга киритилган шаҳарлар сонини, тўғридан-тўғри уларнинг муваффақияти белгилади.

Бизга топширилган нарсаларни кўпайтирганимизга қараб, минг йиллик шоҳликдаги янги ер ва янги осмонда

қандай ҳокимиятга эга бўлишимиз аниқланади. Содиқлар Масих билан ҳукмронлик қиласидилар, бироқ ҳамманинг ҳокимияти ҳар хил даражада бўлади. Бу ердаги уринишларимиз абадийликда У билан кечадиган ҳукмронлигимизнинг меъёрини белгилайди. Қаранг, бу масал ҳаммамиз бир хил нарсадан бошлишимизни кўрсатади, уларнинг ҳар бирида мина бор эди. Шундай қилиб, жамоатда тиришқоқлик билан хизмат қиласидиган садоқатли хотин ва она, юз минглаб одамларни қўлга киритган хушхабарчи билан бир хил имкониятларга эга.

Бу масал, ҳар бир киши ўз минасини кўп ҳисса орттира олишга қурби етиши ҳақида айтади. Бизнинг шахсий ҳаётимизга келсак, Худо Шоҳлигини, ўзимиз хоҳлагандек, кўп ёки кам қуришга қодирмиз: буни биз танлаймиз. Аслида, маълум маънода оладиган бўлсак, бизда ҳеч қандай чегара йўқ. Сиз бу фикрга қўшилмаслигингиз мумкин, лекин буни мисол билан изоҳлашимга руҳсат этинг. Мен кўп нарса беришм мумкин, бироқ фақат айримлар бу руҳий қонун учун юракларини очадилар. Келинг, аввал ҳаворий Пётринг сўзларини ўқиймиз:

«Худони ва Раббимиз Исони таниб-билишингиз учун сизларга иноят ...кўпайсин. ...Унинг илоҳий куч-қудратидан Уни таниб-билишимиз орқали бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинди» (2 Пётрга 1:2,3).

Иноят ҳаётимизда кўпайиш қобилиятига эга. Ёқуб шундай дейди: «Лекин У янада кўпроқ иноят ато қиласи» (Ёқуб 4:6). Фақат иноят орқали Шоҳлиқда қимматга эга бўлган нарсани қила олишга қодирмиз. Бу қобилият Худони яқиндан таниб-билиш орқали кўпайиб боради. Мана нима учун ҳар бир имонли У билан мулоқотда вақт ўтказиши зарур. Биз ибодат қилишимиз, Каломни ўқишимиз, Руҳ билан

руҳлантирилган китобларни ўқишимиз ва Муқаддас Рұхға қулоқ солишимиз мухим. Биз шундай қылсақ, ҳәётимизда янада күпроқ ҳаракат қилишга қобилият берадиган иноят күпаяди.

Мен Уни ва Унинг йўлларини қанча яқиндан билиб борсам, шунча самарадор бўлиб боришмни англаб етдим. Учи ўтмас болта билан битта дарахтни чопиш учун бир кун кетади. Лекин уни ўткирласам, бир кунда бешта дарахтни чопиб ташлашим мумкин. Иноят ҳәётимизда қўпайганда, худди шу нарса содир бўлади. Биз янада самаралироқ меҳнат қилишни бошлаймиз.

Бир неча йиллар олдин Далласдаги бесоқолбозлар на-  
мойиши вақтида, кўчада ўтказилган бир хушхабар хизматини эслайман. Мен икки соат давомида бу адашган жон-  
ларга Исо ҳақида гапирдим, улар эса менга ўзга сайёралик-  
ка қарагандек, шунчаки қараб турардилар. Мен сўзларни  
айтган заҳотим, ўзимга қайтиб келарди ва ўзимни бошим-  
ни деворга ураётгандек ҳис этардим. Бу худди уруғни бетон-  
га сепаётгандек кўринарди.

Шундан сўнг Раббий менга шивирлади: «Менга қара,  
Мен сенга нима қилишинг кераклигини кўрсатаман». Ке-  
йинги ўттиз дақиқа У мени одамларнинг олдига олиб борди  
ва айтишим жоиз бўлган, керакли сўзларни берди. Менинг  
сўзларим, энди юракка бориб тегарди ва уч киши ҳәётини  
Исо Масиҳга бағишлади. Муқаддас Рұхға нигоҳимни қа-  
раттганимда ва юрагимда У айтган сўзларга диққат қилга-  
нимда, менинг уринишларимнинг натижаси кўпайди.

Мен буни ҳәётимнинг барча соҳаларида кўрганман. Ху-  
донинг Сўзида ўсиб борган сарим, қисқа вақт ичида кўпроқ  
нарса қилиш қобилияти пайдо бўла бошлади. Менинг соат-  
лар, кунлар ва ҳатто ойларимни асраб қолган, ҳақиқат йўл-  
ларини топдим. Ибодатларим янада кучлироқ, Худонинг  
хузури янада яққолроқ, одамларнинг ҳаётига таъсир ўтка-

зиш қобилиятим янада ойдинроқ бўла бошлади. Ёзув шундай деб ваъда берган:

«Доноликнинг боши – Раббийдан қўрқишидир, Муқаддасни таниб-билиш – ақлдир. Чунки мен орқали ҳаёт кунларинг кўпаяди ва умрингта йиллар қўшилади» (Ҳикматлар 9:10,11).

Иккита нарса ваъда берилган: узоқ умр қўриш, яъни ҳаётимизузаяди ва кунларимизнинг кўпайиши, яъни илгариги шунча вақтнинг ичида кўпроқ нарсага улгuriш. Бошқа жойда кунларнинг кўпайиши, кунларнингузайиши деб ёзилган. «Чунки улар сенгаузун кунлар, узоқ умр ва тинчлик қўшиб беради» (Ҳикматлар 3:2). МуаллифХудонинг Сўзига итоат этиш ҳақида айтган. Эътибор беринг, нафақат узоқ умр, қолаверсаузун кунлар ҳам бериляпти. Бу вақтимизнинг кўпайишидир.

### **Қурбонлик орқали кўпайиш**

Худони яқиндан таниб-билган ҳар бир киши, кундан кунга хурсанд ва саҳий бўлиб боради, негаки Худо энг саҳий марҳаматловчи ҳисобланади. Унинг энг қимматли ҳадяси бўлмиш – Ўзининг ягона Ўғлини берди. Исодан кўра қимматлироқ инъом йўқ эди. Раббий ҳеч қачон аҳамиятсиз ва кераксиз совга бермайди. Исони бераркан, кўп ўғиллар ва қизлар Унинг оиласига киришини англатадиган, ҳосил кўпайишини кутган.

Имон билан берган қурбонликларимиз – Ота Ўғлини берганидек, одамларнинг ҳаётига абадий таъсир кўрсатиб, биз эга бўлган нарсаларни кўпайтиришнинг яна бир йўли. Исо шундай деб таъкидлаган: «Мен ҳам сизларга айтаманки, ўзингизга ноҳақ бойлиқдан дўст орттиинглар, токи бу бойлик тугагач, сизларни абадий маконларга қабул қилсинлар» (Луқо 16:9). Тўғри ишлатилган пулларимиз,

улар сарфлангандан анчадан сўнг, самодаги ва Янги Йерусалимдаги ҳаётимизнинг сифатини белгилаши мумкин. «Ёзилганидек: «(Курбонлик берадиган киши) сарфлаб, камбағалларга берди; унинг ҳақлиги абадий туради» (2 Коринфликларга 9:9, Кенгайтирилган таржима).

Камбағал киши деб нафақат моддий жиҳатдан, шунингдек руҳий камбағал бўлганни ҳам айтиш мумкин. Одам миллионлаб долларларга эга, бироқ руҳий қашшоқ бўлиши мумкин. Мисоллардан бири – Закхей исмли киши. Исо Ўз вазифасини таърифлаб, деди: «Раббийнинг Руҳи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, У Мени мойлаб юборди» (Луқо 4:18). Сал ўтиб, У шаҳарга чиқди, энг бой кишини топди ва катта оломон қарписида унга шундай сўзлар билан мурожаат этди: «Бугун Мен сенинг уйингда бўлишим лозим». Закхей шаҳардаги энг бадавлат одам бўлса-да, лекин у афтидан, энг қашшоқ бўлган. Бошқа сўзлар билан айтганда, у Худога бошқалардан кўра кўпроқ муҳтожлигини билган. Исо хизмат қиласан кўпчилик бойлар, Худонинг Сўзига муҳтож бўлишган.

Хизматчилар, Исонинг ишларини амалга оширишга, камбағалларга Худонинг Сўзини эълон қилишга ва уларга таълим беришга юборилган. Пулларимизни Худонинг фоалияти учун бериб, камбағалларга экамиз ва бизнинг қилган ишларимиз мангу туради. Пулларингиз кўп ёки камлигининг аҳамияти йўқ. Худо экувчига беришга ваъда берган уруғингиз бўлса, сиз Унинг Қурилишидаги уринишларингизни кўпайтира оласиз.

Инъомингизнинг кўпайиши қандай содир бўлади? Олма уругини фараз қилиб кўринг. Уни экиб, олма ҳосилини йигиб оласиз. Аммо энг муҳими, етилган олмаларнинг ичидаги уруғлар экилган уруғлардан янада кўпроқ бўлади. Агар ўша барча уруғларни эксангиз, янада кўпроқ олма йигиб оласиз ва бу чексиз давом этиши мумкин. Пулларимиз би-

лан ҳам худди шу нарса содир бўлади. Повул Коринфликларга қурбонлик ҳақида нима деганига, қаранг:

«Шуни айтиб қўяйки, хасислик билан экадиган хасислик билан ўриб олади: сахийлик билан экадиган эса сахийлик билан ўриб олади. Ҳар ким қайғу ёки мажбурият билан эмас, балки юрак ҳоҳиши билан берсин, чунки Худо қувониб берувчини севади» (2 Коринфликларга 9:6,7).

Ҳосилимизнинг кўпайиши тўғридан-тўғри қанча экканимизга мутаносиб. Бу Худонинг эмас, бизнинг қароримиз эканига, эътибор беринг. Агар биз имон ва севги билан сахий бўлишга қарор қиласак, бағишловларимиз кўпаяди: «Уруғ экувчига уруғ, озуқа учун эса нон берадиган Худо сизларнинг экканингизни ҳам мўл қиласди ва ҳақлигингизнинг ҳосилларини кўпайтиради» (2 Коринфликларга 9:10).

Раббий экилган нарсани, олма уруги мисолида кўрганимиздек, кўпайтиради. Агар урутларни эксак, бир неча карра кўпроқ ҳосил ўриб оламиз. Бу жараён, бошқаларни дуо қилиш қобилиятивиз янада кўпайганини кўрмагунимизча, давом этаверади.

Худо қурбонликларимиз орқали ҳақлигимизнинг ҳосилларини орттиради. Айнан манашу нарса кўпроқ қувонтиради. Бу оятда, биз ўз қурбонликларимиз билан таъсир кўрсатган одамларнинг ҳаёти эвазига кўпаядиган, абадий мукофотлар ҳақида айтилган. Моҳиятан, юқорида келтирилган масалга ўхшаб, қурбонлик қилиб, биз ўз миналаримизни кўпайтирамиз.

## Ҳамкорлик

Бизнинг, айниқса, бизга қайтара олмайдиган одамларга қилган қурбонликларимиз, бу ҳаётда ҳам, Судда ҳам мукофот келтиради. Шоҳлик қурилишидаги сай-ҳаракатлари-

мизга келсақ, биз буни хушхабардаги ҳамкорлик орқали амалга оширишимиз мумкин. Повул унинг хизматини молиявий қўллаб-қувватлаган Филиппидаги имонлиларга нима деганига, қаранг:

«Бироқ менинг қайғуларимда иштирок этиб, сизлар яхши иш қилдингизлар. Филиппиликлар, сизлар биласизларки, мен Хушхабарни воизлик қилишни бошлаб Македониядан чиққанимда, сизлардан бошқа ҳеч қайси жамоат менга эҳсон ва меҳмондўстлик билан хизмат қилмаган (менга ҳамкорлик қилмаган) эди. Сизлар Салоника шаҳрига ҳам бир-икки марта менинг муҳтожликларимни қондириш учун менга ёрдам юборган эдингизлар» (Филиппиликларга 4:14-16, Кенгайтирилган таржима).

Эътибор беринг, Повул Филиппидаги имонлиларни ўз хизматининг ҳамкорлари деб атаган. Ҳамкорлик – бу шахслар ёки гуруҳлар орасидаги, аниқ мақсадга эришиш йўлида ўзаро хизмат кўрсатиш ва масъулият олиш муносабатларидир. Худодан берилган соғлом ҳамкорлик, ҳамкорликка кирган томонларга, шахсларга, улар якка ҳолда уддалай оладиган ишдан, кўпроғини амалга оширишга имкон беради.

Исо бизга бутун дунё бўйлаб боришни ва барча халқлардан шогирдлар орттиришни буюрганини юқорида айтиб ўтдим. Бироқ, агар ҳамма имонлилар топшириқни бажариш мақсадида миссионерлик даласига чиқсалар, ким бу фаолиятни молиявий таъминлайди? (Бу ҳам, Худо ҳаммага ҳар хил инъом ва даъватларни беришининг яна бир сабаби). Раббий ҳеч қачон, хизматчилар керакли моддий ёрдамни, фаришталар ёки самодан пул ёғилиши орқали олишини режалаштиргмаган. У Ўз Танасига қурбонлик қилиш имтиёзини берган ва бу ҳамкорликни юзага келтиради.

Халқларни қўлга киритиш учун, Худо хизмат инъомларини берган ва уларни тайинлаган. Юқорида айтганимиз-

дек, бу мақсадни амалга ошириш учун У маҳсус инъомлар, қобилиятлар ва мойланиш беради. Бу вазифа жамоатдаги ҳаммага эмас, балки фақат айримларга берилади (Эфесликтарга 4:11). Жамоатнинг қолган аъзоларига У бошқа зарурый соҳаларни буюради ва ишониб топширади. Бу ўз доирангиздаги одамлар устида ишлаш ва уларга эришишдир. Агар сиз кун бўйи ишда бўлсангиз, қай тарзда оммани нажотта олиб келасиз? Жавоб ҳамкорликда мужассамлашган.

Сиз ҳаётни ўзгартирадиган маҳсулотга эга бўлсангиз-у, лекин уни бир ойда атиги икки дона ишлаб чиқаришга имконингиз етса, унда маҳсулотингизни бутун шаҳар, давлат ёки дунё миқёсида тарқатиб бўлмайди. Бироқ ойига минглаб нусха ишлаб чиқариш ва тарқатишга қодир керакли жиҳозларга эга корхона бўлса, сиз у билан ҳамкорликка киришардингиз. Шундай қилиб, сиз ўз маҳсулотингиз (шахсий гувоҳлик) билан икки кишини эмас, балки минг кишини таъминлайсиз. Оддий ҳамкорлик йўли билан ўз талантларингизни самарали равишда кўпайтирасиз.

Айнан манашу оддий қоида Повулнинг филиппиликларга берган таърифига мос келади. У давом этади: «Мен ҳадяни изламаяпман, лекин сизларнинг ҳисобингизга кўпаядиган ҳосилни излаяпман» (Филиппиликларга 4:17).

«Сизларнинг ҳисобингизга кўпаядиган ҳосил» иборасига эътибор қилинг. Филиппидаги имонлилар кўп жонларни зabit этиш ва уларга таълим беришдаги ўз кучларини, Повулнинг хизматига моддий ёрдам юбориш орқали кўпайтирдилар. Вақтинча бўлган нарсалардан фойдаланиб, улар уни абадий нарсаларга айлантирасар ва кўпайтирасиз.

Сиз шу турдаги ҳамкорликка киришсангиз, сизнинг ҳисобингизга йиғиладиган ҳосилнинг баракасига эга бўласиз. Бу сизнинг самовий ҳисобингиз. Масих Ҳукми қарписида турганда, нафақат иш жойда, қўшниларга, мактабда ва бошқа жойларда кўрсатган шахсий хизматингиз учун, қола-

верса ўз ҳиссангизни қўшган бошқа хизматчиларнинг хизматидаги минглаб ва миллионлаб эришган жонлари учун ҳам тақдирланасиз. Шу боис Калом бизга дейди: «Саҳийлик билан бер, бинобарин сенинг инъомларинг келгусида ўзингга қайтади. Кўплар билан ўз инъомларингни бўлиш» (Воиз 11:1,2, инглизчадан таржима).

Худо томонидан тайинланган хизматларни (шу жумладан маҳаллий жамоатингиз топширган хизматларни) бирин-кетин бажараверсангиз, шундай қилиб одамларни нажотга олиб келишга ҳиссангизни қўшасиз. Бошқа хизматкорларнинг ишларида, ўз улушингизга эга бўласиз, негаки сиз ҳамкорсиз. Энг қувончлиси шундаки: қанча кўп ҳисса қўшсангиз, мукофотингиз ҳам шунча ортиб бораверади. Билиш муҳимки, Худо сизнинг инъомингизни қурбонлигингиз миқдорига қараб эмас, балки уни содиқлик билан берганингизга қараб баҳолайди. Ота Худо юрақдан чиққан самимий ҳадяларга қарайди. У қурбонликнинг миқдорини эмас, айнан самимийликни севади ва уни дуо қиласди. Жумладан, бир киши, шахсий эҳтиёжлари бўлишига қарамай, ўз ҳадясини содиқлик билан, хизмат учун ҳар ой ўттиз доллардан бериши мумкин. Худо бундай ҳадяни, пулларнинг ўзидан кўра кўпроқ қадрлайди, чунки унда инсон ҳаётининг бир қисми бор. Бошқа киши эса ойига минг доллар келтириши, лекин унда ошиб-тошгани учун шунча бериши мумкин. Худонинг кўзида иккаласи ҳам ажойиб, бироқ У ўттиз долларлик ҳадяни кўпроқ деб ҳисоблайди. Бу ҳақиқат, қурбонликка икки танга олиб келган бева аёл воқеасида ўз аксини топган (Марк 12:41-44 га қаранг).

Худо ҳадяларимизни ердаги ҳаётимизда ҳам кўпайтиришини унутмаслигимиз керак. Бу оқим биз янада кўпроқ беришимизга имкон яратади. Калом шундай деб таъкидлайди: «Баъзи одам сахийлик билан экади ва унга яна бойлик қўшилади, бошқаси эса керагидан ортиқ тежайди, бироқ

қашшоқлашади» (Ҳикматлар 11:24). Ўйлаб кўринг: сизнинг қурбонликларингиз нафақат мангуликда кўпаяди, шунингдек бу ўсиш табиий дунёда ҳам намоён бўлади ва бу нарса яна кўпроқ беришга замин яратади. Бу доира доимо янгилашиб ва кўпайиб туради.

Йигирма икки йил олдин, мен таниган ишбилармонлар бир грух бўлиб йигилдилар ва ўз даромадларидан бир қисмини Хушхабар ёйилиши учун ажратишга ваъда бердилар. Бошланиш миқдори кам эди, лекин ҳар йил ошиб бораарди. Улар ўз багишлов ва ҳамкорлигига доимий бўлиб қолишиди. Биринчи йигирма йил уларнинг имкониятлари шу даражагача кенгайиб кетдики, улар Хушхабар учун ҳар йил 120 миллиондан кўпроқ ҳам бера олардилар. Ўз минасини Шоҳлик мақсадида кўпайтирган бу одамлар, келгусида буюк мукофотга эришадилар.

Жамоатда иши яхши бўлган, беҳисоб эркан ва аёл тадбиркорлар бор, аммо уларнинг кўпчилиги даромадидан озгина қисмини Шоҳлик учун қурбонлик қиласидилар. Улар жамиат кўзида муваффақиятли кўринса-да, уларнинг ўзларига олиб қолган пулларига Раббий қандай нигоҳ билан қарар экан? Ҳатто миллионлаб даромад қилган бўлсалар ҳам, ўша битта минага эга бўлган хизматкорга ўхшаб, улар ҳам суд бўлишармикан? Улар Шоҳлик учун берилган пулларни кўпайтирудилар. Бундай йўл тутадиганлар абадият томонидан ҳаракатланмаётган кишилардир.

Мен яқинда, бизнинг хизматимизга вақти-вақти билан қурбонлик қилиб турадиган ишбилармон билан голф ўйнадим. Ўйиндан сўнг у мени меҳмонхонага олиб борди. У йўлда деди: «Жон, мен қарийб эллик ёшга кирдим. Мен жон-жаҳдим билан ишладим ва ҳисобида тўққиз миллион долларлик ширкат барпо қилдим. Ҳаммаси зўр, ишнинг ўзи мустақил фаолият кўрсатмоқда, оиласмининг ҳаётида ҳамма нарса жойига қўйилган. Ўзимни қийнаб ва яна шир-

катим ҳисобини ўттиз ёки қирқ миллионга кўтариш учун ўн йилимни ишга сарфлаб, нима қиласман?»

У Худо уйининг қурилишидаги ўзининг қисмини кўрмаслигини англадим. У менга Шоҳлиқда муҳим аҳамиятга эга киши сифатида қарап, лекин тадбиркор сифатидаги ўз қийматини кўрмасди.

Мен шу заҳоти саволига савол билан жавоб бердим: «Фараз қилиб кўр, агар мен сенга “Мен жон-жаҳдим билан ишладим, ўн еттита китоб ёздим, етти миллион километр босиб ўтдим, минглаб воизликлар айтдим. Ишлар жойида, хизматимнинг ўзи мустақил равишда ривожланяпти, биз хотиним ва фарзандларим билан яхши ҳаёт кечирмоқдамиз. Ўзимни қийнаб ва яна янги китоблар ёзиб, хизмат сафарларига бориб ва воизликлар қилишимнинг нима кераги бор?” дейман. Нима деб ўйлайсан, менинг шу саволимга Исо нима деб жавоб берган бўларди?»

У кулиб юборди ва деди: «Шу гапларни айтиш учун У билан учрашганингда, мен сенинг ўрнингда бўлишни истамасдим».

Мен тезгина жавоб берим: «Сен айнан шундай деяпсан!»

Мен унга ўйлаб қўриш учун вақт бердим ва сўнг давом этдим: «Исо Унинг Шоҳлигини қуришим учун инъомлар берди – воизлик қилиш ва китоблар ёзиш. Сенга эса Исо, Унинг Шоҳлиги қурилишида иштирок этишинг учун – пул ишлаб, Шоҳликни молиявий қўллаб-куватлаш инъомини берди. Сен ҳақиқатни бутунлигича кўрмаяпсан. Мен Раббий учун амалга оширишим керак бўлган ишларимда, сенинг итоатинг ёки итоатсизлигинга боғлиқман. Бу худди, одамларга воизлик қилишим учун оғзим чегараланган, воизликка борадиган оёқларим ҳаракат қилишдан тўхташни қарор қилганга ўхшайди». Сухбатдошим қотиб қолди.

Ярим йилдан сўнг унга қўнгироқ қилдим ва ишлари қандайлигини сўрадим. У жавоб берди: «Жон, ярим йил

олдин айтган сўзларинг, яхши маънода, мени ҳар куни таъқиб қилди. Шу вақт ичида ҳар куни кўпроқ қурбонлик қилиш учун, янада кўпроқ даромад қилай деб, бор кучим билан ишлайпман». Менга бу одамнинг кўникувчанлиги ёқди.

Бошқа томондан, биз хотиним билан, маҳаллий жамоатимиздаги қаерда керак бўлса, ҳамма жойда фаол хизмат қиладиган бир кишини таниймиз. У ўзининг хизмати тўлиқ хизматда эмас, балки тадбиркорликда эканини билади. У даромадининг ўн фоизига яшашни, тўқсон фоизини эса Худога беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Танишимиз ўз мақсадига эришди. Бор-йўғи ўн фоизга яшаб, у жуда қиммат машинада юради ва ҳашаматли уйи ҳам бор. Ҳамкорлик унинг ишига ривож келтирди, натижада унга қоладиган ўн фоиз етарли даражада ўсиб кетди. У Исонинг қонунини қўллади: камига содик, кўпига ҳам содик бўлади.

Ҳамкорликка киришишнинг яна бир сабаби – бу йўл билан бизга хизмат қилган хизматкорларни дуо қилиш имкониятини қўлга киритамиз. Повул айтган: «Токи сизлар ҳар қандай сахийлик учун ҳамма нарсада бой бўлинглар. Сахийлигингиз эса биз орқали Худога миннатдорчилик келтиради. Чунки бу хизматнинг ижро этилиши нафақат муқадасларнинг эҳтиёжларини қондиради, балки кўпчиликда Худога мўл-кўл миннатдорчиликни келтириб чиқарди» (1 Коринфликларга 9:11-12).

Бу табиий ҳолат. Дўстингиздан совға олиб, бошқа кишига миннатдорлик хатини юбормайсиз. Сизни дуо қилган кишига раҳмат айтасиз, шу билан ўзаро муносабатларингизни мустаҳкамлайсиз. Худо ҳамма нарсани белгиланган мақсад билан яратди. Имонга келган одамларнинг сони қанча ортса ва хизматлар кўпайса, шунча кўп моддий эҳтиёжлар юзага келади. Шундай қилиб, агар хизматдаги ҳар бир киши қурбонлик қилса (ҳатто икки танга бўлса ҳам),

хизматнинг давом этиши ва кенгайишидаги барча сарф-харажатлар қопланади.

Филиппиликларга айтилганларга якун ясаб, Повул шундай ёзган:

«Мен ҳамма нарсага эгаман ва мўлчилиқда яшамоқдаман. Сизларнинг хушбўй тутатқингизни, яъни Эпафрорит орқали юборган Худога маъқул бўлган ёқимли курбонлингизни олиб, мен тўқ бўлиб юрибман. Менинг Худойим эса Исо Масиҳ орқали сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни йўз шуҳратининг бойлиги билан қондиради» (Филиппиликларга 4:18,19).

Ҳар қандай муҳтожлик Худонинг бойлиги билан қондирилиши ҳақидаги ваъда, хизматдаги ҳамкорларга қаратилган. Сиз ўнлик берсангиз ва хизматда ҳамкор бўлсангиз, шунда Худонинг ушбу ваъдасида қаттиқ туришингиз мумкин. Шунда сизда ҳеч қачон муҳтожлик бўлмайди.

### **Ибодат орқали кўпайиш**

Кўпайишнинг яна бир йўли – бу ибодат. Алоҳида одамлар, оилалар, жамоатлар, шаҳарлар ва халқлар учун ибодат қилиб, бағищлов орқали содир бўлганидек, одамларнинг ҳаётига абадийга таъсир кўрсатишимиш мумкин ва улар билан фақат самода учрашамиш. Хизматчилар учун ибодат қилганда ҳам, одамларнинг ҳаётига таъсир кўрсатамиш. Бизнинг хизматимизда молиявий ҳамкорларимиз бўлгани каби ибодатчи ҳамкорларимиз ҳам бор. Ибодат ҳамкорлари «Халқаро миссионер» хизмати учун ҳар куни ўзларини ибодатта бағишлади.

Кўпинча одамлар келиб, менга дейдилар: «Мен сизлар учун ҳар куни ибодат қиласман». Мен ҳар сафар, улар чиндан ҳам ибодат қиласяптими ёки шунчаки шундай деяптими, аниқ айта оламан. Самимий ибодатдаги кишиларга,

қүйидаги жавоб бераман: «Сизнинг ибодатингиз хизматимиз учун энг катта ёрдам!» Бу ҳақиқат! Кимдир ибодат қилганда, кўпроқ одамларнинг ҳаёти ўзгариши мумкин. Худо ибодат орқали Унинг хизматига қурбонлик қилиш учун, одамларни руҳлантиради ва юракларини очади, бинобарин молиявий ҳамкор ва ибодат ҳамкорининг бирини танлаш зарур бўлса, мен аввал ибодат ҳамкорни танлаган бўлардим. Лекин униси ҳам, буниси ҳам керак.

### **Кўмакчилик хизмати орқали қўпайиш**

Миналарни қўпайтиришнинг бошқа йўли – бу кўмакчилик хизмати. Биз Лиза билан доим ташкилотимизнинг кўпчилик ёрдамчи ва ҳамкасларини, бизнинг хизматимиз орқали ҳар битта ўзгарган ҳаёт учун улкан мукофотга эришадиган кишилар сифатида эслаймиз.

Бу сўзлар, Довуд жанг майдонидан қайтган одамларга қарата айтган сўзларидан олинганини биламан. Биринчи Шоҳлик китоби, 30-бобида, Довуд унинг ҳарбийлари қароргоҳидан ўғирланган ва асрга олингандарни қайтариш учун Амаликларни изидан қувгани тўғрисида ўқиймиз. Жангда қатнашиб, Довуд билан сафга қайтганларнинг айримлари, қўлга киритилган ўлжани қароргоҳни қўриқлаб қолгандар билан бўлишишни исташмадилар. Шундан сўнг, Довуд нима деб жавоб берганини тингланг:

«Урушга боргандар билан анжомлар ёнида қолганларнинг улуши бир хил бўлади, ҳаммага тенг бўлиш керак. Ўша кундан бошлаб кейинга, ҳатто бутунги кунларгача Довуд бу тартибни Исроилда қонун ва қоида қилиб ўрнатди» (1 Шоҳлар 30:24-25).

Довуд – Исонинг тимсоли. Шунинг учун «ўша кундан бошлаб кейинги, ҳатто бутунги кунларгача Довуд бу тартибни

Исроилда қонун ва қоида қилиб ўрнатди» ибораси менга бутун ҳам, Исо ва Унинг Жамоати учун амал қилишини билдиради. Хизмат орқали амалга оширилган ҳамма нарса учун, нафақат бошқарувчи, қолаверса барча содиқ хизмат қилган, моддий ёрдам берган ва ибодат қилганилар ҳам тақдирланади, гарчи улар жанг майдонида кўринмаган бўлсалар ҳам.

### **Муносабатнинг муҳимлиги**

Юқорида хизматта бўлган муносабатимиз ҳақидағи ҳақиқатлар, бизнинг мукофотимизни белгилайдиган муҳим жиҳат ҳисобланади. Нафақат ишларимиз, қолаверса, ўша ишларни қай сабабга кўра амалга оширганимиз ва истакларимизнинг ортида турган муносабатимиз ҳам ҳисобга ўтади. Худо дейди: «Агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар, ернинг эзгуликларидан ейсизлар» (Ишаъё 1:19).

Мен Худо билан муносабатларимда қурғоқчилик кечирган давримни эслайман. Ўша пайт, жамоатдаги хизматлардан, айниқса, чўпонимнинг воизликларидан ҳеч нима олмаёттандек, туюларди. Ҳаётимда сезиларли даражада олдинга силжиш йўқ эди.

Саккиз мингталик жамоатда, бевосита чўпоннинг бошқарувида доимий хизматда бўлиб, кундан-кунга унга нисбатан танқидий муносабатда бўла бошладим. Бир куни тонгдаги ибодатимда Худо менга деди: «Муаммо чўпонда эмас, муаммо сенда».

Мен тургун жойимда қотиб қолдим: «Менинг муаммом нимада?»

Раббий мендан Ишаъё пайгамбар Китобида (1:19) нима деб ёзилгани ҳақида сўради. Мен бу оятни ёддан билганим учун уни қайтариб айтим. Сўнг У деди: «Сенинг муам-

монг мана шунда. Сен доимо, озиқ олмаяпман дейсан ва бу түфри, чунки сен ернинг эзгуликларидан емаяпсан».

Мен шу заҳоти эътиroz билдиридим: «Мен итоаткорман, чўпон нима буюrsa, барини бажараман!»

Раббий жавоб берди: «Мен, агар сен итоаткор бўлсанг – ернинг эзгуликларидан ейсизлар, демадим. Мен: «Агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар...», дедим.

У яна деди: «Итоаткорлик сенинг ҳаракатларингга, хоҳиш эса – муносабатингга боғлиқ, сенинг муносабатингдан эса, қўланса ҳид келяпти!»

Раббий, мен кўринишдан итоатли ва кўнувчан бўлганим, шу билан бирга муносабатим танқидий ва ҳукм қи́лувчи бўлиб қолавергани ва бу хизмат қилишимга таъсир қилишини очишни бошлади.

Мен шу заҳоти тавба қилдим ва кейинги хизматда мен учун само очилди, мен яна самонинг хузурини ҳис эта бошладим. Чўпоннинг воизлигини тинглаб, ўз муносабатим туфайли қанча кўп нарсани ўтказиб юборганимни ўйлаб, кўз ёшларим дарё бўлиб оқарди. Шундан сўнг тез орада Повулнинг Муқаддас Рух билан руҳлантирилган сўзларини тушуниб етдим: «Мен буни сизларга муносабатингизни синаш ва синовдан ўта олишингизни, итоатингизни ҳамда ҳаммангиз (менинг йўл-йўриғимга риоя қилиб) ҳамма нарсадан мамнун ёки йўқлигингизни кўриш учун ёздим» (2 Коринфликларга 2:9, Кенгайтирилган таржима).

Худо биз учун белгиланган иродасига бўйсунишимииздаги муносабатимизни синаб кўришини англаб етдим. Мен ҳозир, шайтон бизга сингдиришга ҳаракат қиласиган, чидағ юриш ҳақида айтмаяпман. Бундай муносабатдан озод бўлишимиз учун Исо ҳақ тўлади. Биз ибодат, имон ва Худонинг Сўзини эътироф этиш орқали шайтонга қатъийлик билан қарши туришимиз лозим. Худо истаган йўлдан борганимизда намоён бўладиган муносабатимиз ҳақида гапираман.

Повул шундай деб ёзган: «Чунки Исо Масиҳда бўлган фикр юритиши сизларда ҳам бўлиши керак» (Филиппиликларга 2:5). Исо Отаси Унга тайёрлаб қўйган идишдан нафақат ичди, шунингдек У буни сидқидилдан бажарди. Бинобарин Повул бизга дейди: «доимо (онг ва руҳнинг янгиланган муносабатига эга бўлиб) онгингизнинг руҳи билан янгиланнинглар» (Эфесликларга 4:23, Кенгайтирилган таржима).

Нега? Чунки муносабат ниятларимизга таъсир кўрсатади, судда эса нафақат ишларимиз учун, қолаверса, уларнинг ортида турган ниятларимиз учун ҳам тақдирланамиз. Келинг, Повулнинг сўзларини яна бир марта ўқиймиз:

«...Чунки ҳаммамиз танада яшаган пайтимиизда қилган яхши ёки ёмон ишларимизга қараб (мақсад, ният ва ютуқлар, шунингдек бу ютуқларга эришиш йўлидаги ишлар, нималарга эътибор берганимиз ва ўзимизни нималарга бағишлиганимизни ҳисобга олиб) қаримтамизни олиш учун Масиҳнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак» (2 Коринфликларга 5:10, Кенгайтирилган таржима).

Худога хизмат қила туриб, алам билан тўлган одамларни кўриб, эзилиб кетаман. Бундайлар ҳолдан тойган ҳолатда, ҳаракатланишда давом этиб, абадийликдаги келажакни кўздан қочириб қўядилар ҳамда ҳasad ва шахсий манфаат юзасидан хизмат қилиб юрадилар. Менимча, бошида Худога самимий интилишга тўлган одамлар, охирида ёмон ҳолатта тушиб қолишининг сабаби ҳам айнан шунда деб биламан. Мана нима учун бизга ушбу огоҳлантириш берилган: «Диққат қилинглар, токи ҳеч ким Худонинг иноятидан маҳрум бўлиб қолмасин, токи бирор аччиқ илдиз пайдо бўлиб, зарар етказмасин ва у орқали кўплар ҳаром бўлмасинлар» (Ибронийларга 12:15).

«Кўплар» ҳаром бўлиши мумкин деган сўзларга, эътибор беринг. Йигирма йил давомидаги хизматимда, қай тарзда

аччиқ илдиз тарқалишини қайта ва қайта гувоҳи бўлганман ва бу ҳар доим менинг юрагимни эзган. Муқаддас Китобнинг Кенгайтирилган таржимасида қуйидагича илҳомланган сўзлар бор: «Башоратингизда машқ қилинглар ва (бир-бирингизга) эътиборли бўлинглар». Биз бир-бirimизга вазиятни олдини олиш мақсадида ушбу сўзларни айтишимиз жоиз, токи вақтида олиб ташланмаган аччиқ илдиз туфайли, севикли биродарларимиз йиқилмасин ёки тўлиқ мукофотини ололмай, мағлубиятга учрамасин.

Биз хотиним билан биринчи навбатда, ўз фарзандларимиз ва ҳамкасларимизга диққат қиласмиз. Биз доимо сафарларда бўлишга даъват этилганимиз боис фарзандларимизда буни кўтара олишига иноят бор. Аммо биз улар бу иноятни йўқотиб кўйишларини истамаймиз. Биз уларга далда сўзларини айтамиз, уларнинг муносабатларини қўриқлаймиз ва кучли қилиб ўстирамиз.

Бир куни тўртала ўғилларимга айтган гапларимни эслайман: «Болалар, мен ҳар ой кўп кунларга сафарга кетишимни ва ойингиз ҳам бир неча кун уйда бўлмаслигини яхши биласизлар. Кетишимизнинг сабаби, бу Худонинг биз учун белгилаган даъвати. Айнан шу тарзда У Ўз шарафи ва Шоҳлиги қурилиши йўлида кўп одамларнинг ҳаётига биз орқали кириб келишни истади».

Сўнгра мен уларга дедим: «Бу даъватга турли хил тарзда ёндошиш мумкин. Сиз бунга, ўзларингизни худди ота-онангизни сизлардан олиб қўйган ва бошқаларнидек оиласиий ҳаётдан маҳрумдек, сезишларингиз мумкин. Ёки бунга нафақат ота-онангизнинг, шунингдек сизнинг ҳам шахсий даъватингиз деб қарашингиз мумкин. Худо мақсадларининг кўпайиши учун, ота-онангизни минглаб одамлар томон юбориб, уларни «экиш» хизмати билан шуғулланишингиз мумкин. Агар сизнинг муносабатингиз шундай бўлса, биз таъсир кўрсатган ҳар битта жонлар учун Ҳукм куни

сиз ҳам мукофотга эга бўласиз. Мабодо бунга худди ота-онангизни сиздан олиб қўйгандек қарасангиз, ўша одамлар учун бериладиган мукофотдан ажраласизлар. Хуллас, йи-гитлар, ҳаммаси биргина сўз: «муносабатга» боғлиқ.

Улар мен айтган сўзни маҳкам ушлаб олдилар, натижада бошقا бирор марта бизнинг сафарларимиздан нолиганлари йўқ. Аксинча, Лиза билан навбатдаги кишининг таклифини қабул қилиш ҳақида бош қотириб турганимизда, улар кўп марта бизни таклифга рози бўлишга руҳлантиришган. Бизнинг ҳар бир ўғлимиз билан муносабатлари-миз аъло даражада ва улар Худони севади ҳамда уларнинг ҳаммаси биз билан Унга хизмат қиласиди. Унинг ажойиб инояти учун Унга шараф бўлсин. Улар кичиклик чоғидан бошлаб, ўз миналарини кўпайтиряптилар.

Ўз ишчиларимга ҳам худди шундай дедим: «Сиз бу ердаги ишга, шунчаки оддий иш деб қарашингиз ва охир оқибат чарчаб, аламга тўлиб, ҳукм куни мукофотингиздан куруқ қолишингиз мумкин. Ёки бу ердаги ишга, миллионлаб кишиларнинг ҳаётига таъсир қилиш имконияти деб қарашингиз мумкин. Сиз юборган ҳар битта китоб, сиз жавоб юборган ҳар битта хат, ижтимоий тармоқлар орқали забт этган ҳар бир киши, сиз ташкиллаштирган ҳар битта йиғилиш, буларнинг бари сизга, Худо амалга ошираётган ишнинг муҳим қисми бўлиш имконини беради. Сиз Довуднинг қароргоҳини қўриқладиган ҳарбийлар кабисизлар». Ишчиларимиз билан муносабатларимиз ҳам аъло даражада, чунки улар менинг сўзларимни қабул қилдилар. Менинг руҳий раҳбар сифатидаги ишим – тўғри муносабатни сақлашга ёрдам берадиган сўзларни эълон қилишдан иборат, бунинг амалга ошиши учун жавобгарлик эса уларнинг бўйнида.

Тўғри муносабатга эга бўлиб, биз ўз миналаримизни кўпайтирамиз ва ўзгача якуний натижаларга эришамиз.

Худо Ўз уйини қураяпти ва бизда Унинг ҳамкаслари бўлиш имтиёзи бор. Шундай қилиб, ишдаги вазифангиз қанчалик аҳамиятсиз кўринмасин, ҳар бир аъзо муҳимлигини унутманг, самарали ёки самарасиз бўлишни эса – ўзингиз танлайсиз. Мен сизлар ҳақдаги умидимни ҳаворий Юҳаннонинг сўзлари билан ифодалайман: «Ўзларингизга эътибор беринглар, токи бизлар қилган меҳнатимизни йўқотмайлик, балки тўлиқ мукофотни олайлик» (2 Юҳанно 8).

## ШАХСИЙ ТАЪСИР КҮРСАТИШ

*Бироқ сен менинг юриши-туришимни ва ҳаётдаги  
мақсадимни биласан. Сен менинг имоним ва  
уринишларимни биласан. Севгимни ва  
сабр-тоқатимни биласан.*

— 1 Тимотийга 3:10, инглизчадан таржима

**М**унгулиқда, биз одамларнинг ҳаётига кўрсатган таъсири мизга қараб, тақдирланамиз ёки зарар кўрамиз. Бу нафақат хизматчиларга, қолаверса, бизнинг шахсий муносабатимиз, ҳаёт тарзимиз ва одамлар билан муносабатимизга ҳам боғлиқ.

Бизнинг одамларга нисбатан барпо этадиган ёки бузадиган муносабатимиз, одамларни қай тарзда қабул қилишимизни кўрсатади. Агар уларга паст назарда қарасак, унда шунга мос равища муносабат билдирамиз, сўзларимиз билан уларни ерга урамиз ва уларнинг муҳтожликларига эътибор бермаймиз. Агар шахсни севсак, чин юракдан севги ва раҳмдиллик билан инсон ҳаётини қуриш ва мустаҳкамлаш имкониятларини излаймиз.

Одамларга восита деб қарасак, шахсий истакларимиз ва эҳтиёжларимизни одамларнинг ўзидан устун қўйиб, улардан ўз мақсадларимиз йўлида фойдаланамиз. Агар одамларга Худонинг суръатида яратилган, ақл-бовар этмас қадр-қимматтга эга шахс сифатида қарасак, биз уларни дуо қилишга уринамиз, ҳатто бу нарса баъзида ўзимизга зарар келтирса ҳам. Бу масиҳий ҳаракат.

## **Худбинлик қотмалари**

Исони қабул қылгунимча, мен ўта даражада бутун эътиборим ўзимда бўлган одам эдим. 1979 йил имонга келганимдан сўнг, Муқаддас Руҳ менинг одатий юриш-туришмидаги худбинлик қотмаларига ҳужум қилишига тўғри келди. Масиҳдаги биринчи ўн йиллик кучли қарама-қаршилик даври бўлганини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ҳаётимдаги шундай қотмалардан бири шахвоний ҳирс эди. Бузук расмларни кўришга мойил бўлиб, бу васвасага қарши туриш жуда қийин иш деб ҳисоблардим. Олти йиллик курашдан сўнг 1985 йил, рўзамнинг тўртинчи куни озодлик олдим. Халос бўлган сониядан бошлаб, менинг онгимда янгиланиш жараёни бошланди.

Кейинги бир неча йилда ҳирснинг илдизини топдим. Худонинг севгиси юрагимда ўсишда давом этарди ва Худо яратган шахс қадри мен учун тобора ойдинлашиб борарди. Мен жинсий ҳирс боғлиқлигининг сабаби, юз тубан худбинлик эканини фаҳмлаб етдим. Аёлга ҳирс билан қарап, уни бир бўлак гўшт қадар ерга урушни билдиради, бундай муносабат эса менинг юрагимга кун сайин жирканчли бўлиб борарди.

Аёл киши Худонинг тимсолида яратилгани, шуҳрат ва ҳурмат билан тақдирлангани ҳақидаги ваҳий менда ўрнашишни бошлади. Мен бу нарсани олдиндан билардим, аммо билимим онг даражаси қадар бўлиб, борлигимнинг бир қисми эмасди. Бир қанча вақт ўтиб, Худонинг қайта шакллантирадиган жараёни ҳақиқат эканини бошимдан кечирдим. Қаршимда reklamada, журнallарнинг юзида ва ойнаижаҳонда бузук аёлларнинг суръатлари пайдо бўлганида, ўзимда нафратни сезардим ва Исо Ўз қонини тўккан бу шахнинг нархи бир бўлак гўштчалик экани учун эзилардим. Аёл кишининг аҳамияти ҳақидаги ваҳий кўпайган сари, менинг бу нарсага бўлган муносабатим ўзгариб борарди.

Мен жамоатда ҳам эркакларнинг аёлларга бўлган муносабатидан лол қоламан. Бундайлар аёлларга тепадан пастга қараб, уларнинг фикрини пастроқ ва ҳатто манфур деб ҳисоблайдилар. Бу бемаънилик. Эркаклар ва аёллар – Худо Шоҳлигига тенг ҳуқуқли меросхўрлардир. Кучлироқ (қалб ва юрак кучи эмас, балки жисмоний куч назарда тутилган) идишлар ҳисобланган эркаклар, аёлларни ўзларидан юқори даражада ҳурмат қилишлари лозим. Эркаклар аёлларни ҳурмат этиш, қадрлаш, ҳимоя қилиш ва ҳар доим уларни қуришга имкон топишлари лозим. Эрлар – сиз иттифоқнинг бошилизлар, бироқ Шоҳлиқдаги бошчилик, оила учун жонини беришни, ўз рафиқаси ва фарзандлари устидан ҳоким бўлиш эмас, балки уларга хизмат қилишни англатади. Сиз ўз ҳокимиятингизни хотинингиздан, ўзингизни устун қўйишда кўрсангиз, сизнинг муносабатингиз уни жароҳатлайди ва бузади. Ҳукм куни сиз бу учун жавоб берасиз.

### **Одамларнинг кўзида яхши бўлишни излаш**

Худо менга худбинликнинг яна бир алдайдиган қиррасини кўрсатди. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида, тахминан тўрт юзта ишчилардан иборат жамоатда хизмат қилдим. Бизнинг жамоатимизда эса саккиз мингдан зиёд одам бўлиб, фаолиятимиз бутун давлат бўйлаб, бошқа минглаб жамоатларни ўз ичига оларди.

Ўша вақтда келишмовчиликларнинг ҳар қандай туридан нафратланар ва бор кучим билан улардан узоқроқда юардим. Мен одамлар билан ҳаддан зиёд хушмуомала ва илтифотли эдим. Имкон туғилди дегунча, одамларга ёқимили сўзлар айтардим, ҳатто улар ҳақиқат бўлмаса ҳам. Мен оғисимизда ишлайдиган энг ёқимили инсонлардан бири бўлиш шарафига эришдим. Ўзим ҳақимда, менга ҳузур бағишлайдиган ёқимили сўзларни эшитиб турардим.

Бир куни ибодатда Худо мендан сўради: «1 Коринфликларга, 13-бобнинг қаерида, Мен «севги ёқимли» деб айтганман?»

Мен тутилиб қолдим, сўнг жавоб бердим: «Ҳеч қаерида».

Сўнгра У деди: «Ўғлим, сен одамларга, ёлғондан бўлса ҳам, фақат ёқимли сўзлар айтиб юришингнинг асл сабабини биласанми?»

Мен жавоб бердим: «Билмайман. Мен бу ҳақда ҳеч қачон ўйлаб кўрмаганман».

У шу заҳоти жавоб берди: «Одамлар сени қабул қилмай қўйишидан қўрқасан. Сен кимни кўпроқ ўйлайсан – ўзингними ёки одамларними? Сен уларни чиндан ҳам севганингда, уларга ёқадими, йўқми, ҳақиқатни айтардинг. Одамлар сендан юз угириши хавфидан кўра уларнинг баҳт-соадати учун кўпроқ қайғурган бўлардинг».

Мен хушмуомала ниқобим остидаги бадбашара худбин-литимни кўрдим ва бу аччиқ ҳақиқатдан ўзимни йўқотиб кўйдим. Мен одамлар кўзида, яхши кўриниш истагини қондириш йўлида, улардан фойдаландим. Мен учун муҳими одамларга ёрдам бериш эмасди, лекин ўз ишончсизлигимни ёпиш учун бошқалардан мақтос олишни кўзладим. Мен шунчаки, одамларга яхши кўринишни истардим.

Айнан шу сабабга кўра сон-саноқсиз воизлар насиҳат, тузатиш ёки танбеҳдан четлашиб, Худо Сўзининг фақат «ижобий» томонлари ҳақида гапирадилар. Улар одамларни ҳақиқатдан ҳам севишининг ўрнига, жамоат аъзоларини хафа қилишдан ва уларнинг сонини йўқотищдан хавотирланадилар.

Севингнинг маркази ким: сенми ёки одамларми? Мулоҳазасизларча, жарга қараб кетаётган одамни кўриб, наҳотки у ўз йўлидан тўхташи учун, қичқирмайсиз? Мен бир нечта шунга ўхшаш «севувчи хизматкорларни», одамлар кўрмаган пайтларда ўзини қандай тутишининг гу-

воҳи бўлганман. Уларнинг одамларга бўлган муносабати, кўрқинчли. Чунки улар официант, меҳмонхона ишчилари ва бошқа хизмат кўрсатувчиларга паст назар билан қарайдилар. Бундай имонлилар шахсий ҳаётида бошқа одамларга қандай ўrnак бўлайтилар? Эртага улар йўлидан чиққан ҳар битта кишига, қандай намуна бўлгани учун биттама-битта ҳисоб беришига тўғри келади.

### **Мулоимдан қаттиқўлга айланниш**

Бу ваҳийни олгач, машъал бошқа томонга қараб силкинишни бошлади. Мен қаттиқўл воизга айландим. Ўша пайтларда юрагимда, одамларга нисбатан Худонинг севгиси ҳали ёнмаганди. Мен одамларнинг абадий баҳт-саодатига эмас, балки мумкин қадар тўғри бўлишга эътибор қаратардим. Баъзида воизликларимда бақириб, одамларни безор қилиб юборардим. Чунки ҳали-ҳануз ўзимни ўйлардим, худбинлигим фақат энди бошқача тусда намоён бўларди. Менинг ҳатти-ҳаракатларим Каломдаги ушбу мисолнинг анъанавий мисоли эди: «Сиз, барча сизнинг комил билимингизни маъқуллаши шарт деб ўйлайсизми. Билим мағурулантиради, ҳақиқий севги эса жамоатни барпо этади» (1 Коринфликларга 8:1,2, инглизчадан таржима).

Хизматимизнинг илк йилларига қайрилиб қараб, кўп чўпонлар, мен келиб кетгач, орқамдан жамоатини «тартибга келтирганини» ўйлаб, уялиб кетаман. Агар ўша вақтларда ўзим чўпон бўлганимда, Жон Биверни жамоатимга воизлик қилгани аниқ таклиф қилмасдим. Ҳали кўп нарсаларда ўсишим кераклигига қарамай, мендаги Худога ва Унинг халқига чин кўнгилдан хизмат қилиш истагини кўрган чўпонлардан мингдан-минг миннатдорман.

Одамларнинг маъқуллашига эришиш ёки рад этилишдан қочишга уриниб, олдин одамларга тилёғламалик қил-

ган бўлсам, ҳали ҳам яширин худбин истаклар билан бошқарилиб, энди ҳақиқатни кескин тарзда айтардим, Худомени бу нарсадан ҳам поклади.

Бир неча йилдан сўнг, машҳур хизматкор ўта нуфузли чўпонлар олдида мени танқид қилди, у мен ҳақда айтган гапларни учта ҳар хил қитъа вакилларидан эшитдим. Бошида мен жуда аччиқландим ва тушкунликка тушдим, бироқ хафагарчилик мени Худодан янада узоқлаштиришини билардим. Ниҳоят бу одамнинг мен томонга айтган маломатлари, Худога Унинг севгисини сўраб, ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ фарёд қилишимга мажбур этди. Худодан биринчи навбатда, жон-жаҳдим билан ўз ҳаётим учун раҳмшавқат сўраб, вақт ўтган сари Худо юрагимда, Унинг қимматли одамларига нисбатан севгини ўстирганини пайқамай қолибман.

Бу жараён вақтида Раббий менга, бутун хизматимни ўзгартириб юборган ваҳий берди. Ҳозир қандайдир теран ва яширин бўлган нарсани эшитаман, деб ўйлайсизми? Аслида ҳаммаси жуда оддий. Агар сўзларимни чуқур ўйлаб қарамагунингизгача, улар ҳатто аҳмоқона бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Ваҳий шундан иборат эди: «Бир қошиқ шакар дорининг таркибини бузиб юбормайди». Дорини ширинроқ нарса билан аралаштириб берса, унинг самарадорлиги камайиб қолмайди. Шундай қилинса, уни ютиш шунчаки осонроқ бўлади, аксарият ҳолларда эса уни қўшиш ёқимли таъм беради.

Ҳозир кўп хизматчилар менга шундай дейдилар: «Жон, сен қандай қилиб, Худонинг Сўзидан поклайдиган сўзларни айта туриб, бизни кулдиришни уddaлаганингдан ҳайратдаман. Сен жиддий мавзууни ҳаёт билан тўлдирдинг». Мен Худонинг инояти билан улғайганимни тушуниб етдим. Бунинг учун Ундан миннатдорман!

Ўша чўпон ўз танқидлари билан мени умуман дуо қилишни истамаган бўлса-да, аслида бу нарса менинг ҳа-

ётиmdа буюк баракага айланди. Ёдингизда бўлсин, Худо баъзида ҳаётингизда Унинг иродаси амалга ошиши учун, одамларнинг сизга нисбатан қилган ёмонликларидан фойдаланади. У Яҳудонинг сотқинлигидан, Исонинг Унга белгиланган – хочта бориши учун фойдаланди. У Юсуф ака-укаларининг ёвуз ниятларидан, унинг Худодан берилган туши амалга ошиши учун фойдаланди. Яна қўплаб бошқа мисоллар келтириш мумкин.

### **Мақсад – Худонинг севгиси**

Ҳамма нарса бизнинг одамларга бўлган муносабатимиздан бошланади. Агар бизда Худонинг севгиси ва раҳмдиллиги ўсишига имкон берсак, биз одамларга юқоридан қарамаймиз. Одамларга бундай назар билан қараш, бизда манманлик, ҳукм қиласиган муносабат, ҳаракатларимизда қўйполлик ва бошқаларни келтириб чиқаради. Повулнинг Римдаги имонлиларга ёзган сўзларига эътибор беринг:

«Аммо сен нима учун биродарингни ҳукм қиласпсан? Ёки сен нима учун биродарингни камситаяпсан? Зоро ҳаммамиз ҳам Худонинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўламиз-ку. Шундай қилиб, бизнинг ҳар биримиз Худога ўзи учун ҳисобот беради» (Римликларга 14:10,12).

Биз имонли бўлиб туриб, иккинчи муҳим бўлган – яқиннингни сев амрини унугтиб қўйсак, унда Повул айтган қопқонга тушиб қолишимииз турган гап. Биз атрофдагиларга димоғдорлик билан муносабатда бўлишни бошлаймиз. Бундай муносабатлар, Каломдан билимга эга-ю, руҳий ҳосиллар йўқ жойда янада гуллаб-яшнайди.

Муқаддас Калом Худо севгидир дейди. Севги эса Худо эмаслигини билиш, муҳим. Бу ерда катта фарқ бор. Худонинг табиати, Унинг йўллари ва мақсадлари бизнинг севгига берган таърифимизга тенг эмас, чунки Исони таниб-билмагун-

ча, ҳеч ким севги нималигини билмайди. Фақат Исо севги-нинг ҳаққоний моҳиятидир.

Мұқаддас Каломда бирор марта, Худода севги бор, дейилмаган. Үнда қуч бор, Үнда инъомлар бор, Үнда ҳокимият ва бошқалар бор. Бироқ Исонинг Ўзи севгидир. Шундай экан, биз Үнга ўхшаш бўлишимиз лозим, негаки биз Унинг табиатидан қайта туғилдик. Мана нима учун Повул ёзган:

«Мен инсонларнинг ва фаришталарнинг тилларида гапирсам-у, лекин севгига эта бўлмасам, жаранглайдиган мис ёки янграйдиган кимвалдирман. Агар пайғамбарчилик инъомига эта бўлсан-у, бор билимларни ва бор сирларни тушунсанам, агар тоғларни кўчирадиган бор имонга эта бўлсан-у, лекин севгига эта бўлмасам, мен ҳеч нарса эмасдирман. Агар бор мол-мулкимни тарқатиб юборсанам, ҳатто танамни ёндиришга топширсан-у, лекин севгига эта бўлмасам, бундан менга ҳеч қандай фойда йўқдир» (1 Коринфликларга 13:1-3).

Севги сўзлар билан ўлчанмайди, чунки севаман дейишимиз, бироқ ишларимиз билан эса бунинг аксини кўрсатишимиз мумкин. Севги ҳаракатларимиздан ҳам бошланмайди. Повул юқорида келтирилган оятда, буюк севги кўринишига эта бўлган ишларни амалга ошириш – одам бор мол-мулкини камбағалларга бўлиб бериши ёки ўз ҳаётини қурбонликка топшириши, бироқ уларни севгисиз қилиши мумкин дейди. Чинакам севги юрақдан бошланади.

Биз севсак, одамларга сабр-тоқатли ва эзгу бўламиз. Бегоналинг муваффақиятига ҳасад қилмаймиз, бинобарин бор юрагимиз билан бошқаларнинг ғалабасини кўришни истаймиз. Ўзимизни мақтамаймиз ҳамда такаббурлик ва мағрурликнинг ҳар қандай кўринишидан қочамиз. Ўз фикримизни ўтказиш учун оёқ тираб олмаймиз, жаҳулланмаймиз, бетоқатлик қилмаймиз. Бизни хафа қилганларнинг сонини санаб юрмаймиз, балки кечиримли бўлишни танлаймиз, адолатсизликка қувонмаймиз, шавқат ва ҳақиқатга инти-

ламиз. Одамлар бизни ҳафсаламизни пир қила олмайдилар ва бизлар ҳам уларга нисбатан ишончимизни йўқотмаймиз, чунки доим фақат яхши нарсага умид қиласмиш. Одамнинг айби исботланмагунча, уни айбиз деб ҳисоблаймиз, айби исботланган тақдирда ҳам, унинг тавба қилишига ва тикла-нишигига ишонамиш. Биз умидга тўлганмиз ва Шоҳликнинг ёки яқинимизнинг фойдаси йўлида қийинчиликларга чи-дай оламиш. Якун ясаймиз: биз одамларнинг диёнатли ҳаёти-ни барпо қилиш пайида яшаймиз, бу эса Масихнинг иродадини бажариш орқали, Унда имконлидир, холос.

### **Кўпларнинг ҳаётига шахсан таъсир қилган бошқарувчи**

Бир неча йил илгари, яқин дўстим, Мичиган штати, Детройт шаҳрида Халқаро Детройт миссиясининг асосчиси Жек Уоллеснинг дағн маросимида қатнашдим. Унинг кўп миллатли жамоати ўн йилнинг ичида тўрт минг кишига-ча ўсиб кетди. Дўстим Зимбабведаги анжуманда воизлик қилишига борган, бироқ тайёрадан чиққан заҳоти унда ин-фаркт содир бўлган.

Дағн маросимида минглаб одамлар йиғилдилар – бутун Кўшма штатдаги турли хизматлар раҳбарлари, жамоатлар бошқарувчилари, йирик уюшма президент ўринbosарлари, оддий ишчилар, кўча дайдилари ва уйбекалари. Унинг жа-моати манашу одамлардан ташкил топган эди. Маросимга Исо билан шахсан таниш бўлмаган кишилар ҳам келишди, жумладан меҳмонхона ва ресторонлардаги хизмат кўрса-тuvчилар – дўстим уларга улкан таъсир кўрсатган.

Маросимдаги жамоатга мансуб бўлмаган одамларни кўриб, ҳеч ҳайрон қолмадим, негаки биз Жек билан жамоат-дан ташқарида жуда кўп вақт ўтказганмиз ва унинг йўлида учраган одамларга бўлган муносабатини кўриб, кўп ўрнак

олганман. У ҳар бир кишига қимматли шахс сифатида ёндошарди. Официант ва меҳмонхона хизматчилариға, Жек доимо саҳиийлик билан чой-чақа берарди. Мен баъзида бундай бачканаликнинг ҳожати йўқ деб, ўзимни тортиб турардим, бироқ у бир куни, бу одамлар Худонинг қаршисида қанчалик қимматли экани ҳақида сўзлаб, менинг бундай аҳмоқона тафаккуримни тузатди. Жек ёнидагиларни, нафақат дунёдаги энг муҳим одамдек ҳис этишга мажбур этар, балки сиз ҳақиқатдан ҳам у учун энг муҳим одамга айланардингиз.

Маросим тўрт ярим соат давом этди. У билан шахсан таниш бўлган раҳбарлардан минбарга чиқиб, бир оғиз сўз айтишини сўрадилар. Тўртта ёки бешта сўзга чиққанларнинг, Жек билан қанчалик яқин бўлганлари ва у улар учун нақадар аҳамиятга эга эканини тинглаб, бир жуда таниқли хизматчи чиқиб деди: «Мен эса, ўзимни унинг энг яқин дўстиман деб ҳисоблаб юрган эдим!» деди. Ҳамма кулиб юборди.

Жек ҳар биримиз билан энг яқин дўстдек муносабатда бўлишини билардик. Бу буюк бошқарувчи, нафақат хушхабар йиғинлари ва ойнаижажондан узатилган дастурлар орқали бутун халқларга хизмат қилди, шунингдек йўлида учраган ҳар бир кишига таъсир кўрсата олди. Жек учун инсон, у улкан уюшманинг раҳбарими ёки давлат нафақасига яшаётган кишиими, ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди, у ҳар бир кишининг юрагига йўл топишни, севишни ва шахс сифатида қадрлашни билар эди. Жек нафақат ўз даъватига содик киши эди, қолаверса, у миналарини барча соҳаларда кўпайтиришга эриша олди.

### **Минглаб инсонларнинг ҳаётига таъсир кўрсатган қоровул**

Менинг ҳаётимга катта таъсир кўрсатган кишиларнинг айримлари ҳеч қачон саҳнада турмаган одамлардир. Улар-

дан бири «Роквелл Интернэшнл» ширкатининг молиявий соҳасида ишлар эди. Унинг исми Майк. Мен масиҳий бўлганимдан атиги икки йилдан сўнг, у билан танищдим. Бизнинг ишчи жойларимиз ёнма-ён эди ва одатда дам олиш дақиқаларида у билан Худо ҳақида гаплашардик. Кейинчалик шу қадар дўстлашиб кетдикки, бир-биримизнига меҳмонга бориб ва жамоатда соатлаб бирга вақт ўтказадиган бўлдик. Менга кўпроқ Майкнинг яхлитлиги ва Каломдан амалий олган донолиги таъсир қилди. У рафиқасини, фарзандларини ва ҳаёт йўлида учраган ҳар бир кишини қанчалик эъзозлаши, севиши ва ҳурмат қилиши мени лол қолдиарди.

Бир қанча вақт ўтиб, мен «Роквеллдан» кетдим ва хизматкор бўлдим. Тез орада у ҳам ширкатдан кетиб, ҳозиргача ишлаётган, шахсий молиявий ташкилотини очди. Майк солиқ масалаларида ўн икки мингдан зиёд кишига ёрдам кўрсатди, улардан беш мингтаси эса унинг ташкилотидаги доимий мижозларга айланди. Улар Майкнинг ҳалоллиги ва обрўси туфайли кўп йиллар бирга ҳамкорлик қиласарди.

Яқинда мен ундан, қанча мижозларига Худонинг Сўзини айтганини сўрадим. Майк деди: «Жон, тахминан ҳисоблаганда, тўқсон фоиз мижозларга». Бу ўн мингдан зиёдроқ одамни билдиради.

Мен қотиб қолдим. Сўнг қанча одамни имонга келтирганини сўрадим. У жавоб берди: «Юзлаб кишиларни. Ўтган ҳафта бир кубалик кишини нажотта олиб келдим ва у ракдан шифо топиши учун ибодат қилдим».

Бундан ташқари у кўпчилик хизматкорларга ҳисоб-китоб бўлимини тартибга келтиришга кўмаклашди. Бизнинг ҳисоб-китоб бўлимимиз ҳам бошида шундайлар сафида эди. Майк менинг даъватим нима эканини биларди ва бир неча йиллар давомида солиқ ҳисботлари билан боғлиқ ҳамма нарсада бепул ёрдам кўрсатди. Унинг ҳаёти кўпларнинг ҳаётига турли хил йўллар билан таъсир кўрсатди.

Майк билан узоқ вақт, унинг ҳаётига кучли таъсир қилган бир қоровул ҳақидағи сұхбатимизни эслаб, яқында ҳам мен унга құнғироқ қилдім ва ўша одам ҳақида қайта сұрадым. У гүшакни ушлаб йиғлашни бошлади.

У деди: «Жон, түккізта хола ва тоғаларимдан олтитаси руҳий қасаллар уйида оламдан ўтдилар. Менинг онам ҳам ўша ерда вафот этди. Иккала буваларим ҳам қамалдилар. Оиламиз бутунлай алғов-далғов бўлиб кетган ва мени ҳам шундай тақдир кутиб турғанди. Моддий етишмовчилик туфайли онам менга ғамхўрлик қилишлари учун бошқа оила-га бердилар. Мен улар билан етти йил яшадим. Оила бошлиғи кичик қоғоз фабрикасида қоровул бўлиб ишлар эди. Унинг исми Чарли эди. Унинг покдиллиги, Исога бағишланғанлити ва одамларга бўлган севгиси ҳаётимдаги лаънатни барбод қилди. Ҳар ҳафта у мени жамоатта олиб борар ва Худонинг йўлларини ўргатарди. Мен ҳозир ким бўлсам, шундай бўлишимга Чарлининг таъсири сабаб бўлди. Бир куни қизим расм чизди ва суръатнинг тагига «Мен ҳеч қақон кўрмаган Буюк Кишига аталади» деб ёзиб қўйди, бу сўзлар Чарлига бағишланган эди».

Бу дунёда Чарли ҳақида ҳойнаҳой ҳеч нарса эшитмайсиз. Лекин унинг таъсири Майк хизмат қилган ўша минглаб одамларгача етиб борди. Бу таъсир менга ҳам тегди. Шунингдек мен хизмат қиладиган минглаб одамлар ҳам билвосита Чарлининг таъсирини ҳис этишди. Бир қоровул ўз миналарини қанчалик кўпайтира олгани ва бир куни ўз мукофотини олишини, кўряпсизми?

### **Меросга таъсир кўрсатиши**

Ҳамкасларимдан бири яқында ўқиб чиққан, Макс Жукс исмли, Худони рад этадиган киши ва диёнатли Жонатан Эдвардслар ҳақида бўлган воқеани эслайман. Воқеа шундай бўлган:

Макс Жукс, Худога ишонмайдиган одам, бетавфиқ ҳаётда яшаган. У имонсиз қызга уйланган. Уларнинг жуфтлигидан тутылган 310 та авлоди жамоатга кирмай ўлиб кетдилар, улардан 150 таси жиноятчи, 7 таси қотил, 100 таси ароқхўр, аёлларнинг ярмидан кўпі фоҳиша эдилар. Унинг 540 та авлоди учун давлат бир юз йигирма беш миллион доллар сарфлади.

Бироқ, Худога шукрки, Жонатан Эдвардсдек, ажойиб американлик ҳақида ҳам гувоҳлик бор. У Макс Жукс билан замондош бўлиб, имонли қизга уйланди. Тадқиқодлар шуни кўрсатдики, Жонатан Эдвардснинг бизгача маълум 1394 та авлодидан 13 таси олийгоҳлар президенти, 65 таси олийгоҳ профессорлари, 3 таси АҚШ сенаторлари, 30 таси ҳакамлар, 100 таси ҳимоячилар, 60 таси шифокорлар, 75 таси зобитлар, 100 таси воизхонлар ва 60 таси таниқли ёзувчилар, биттаси АҚШ президенти-ўринбосари, 80 таси жамият арбоблари, 295 таси турли олийгоҳлар битирувчилари бўлишган, уларнинг орасида штатлар ҳокимлари ва хориж әлчилари ҳам бўлган. Унинг авлодлари учун Штатлар бир цент ҳам сарфламаган.

Бу ўз минангизни кўпайтиришнинг яна бир йўли. Чарли, Майк ва Жонатан Эдвардслар кўп сонли кишиларга таъсири кўрсатдилар. Уларнинг буюк меросга сабаб бўлган таъсири, оммавий хизмат орқали эмас, балки шахсий намунали ҳаёти орқали келди.

Бундай имтиёзни Худо ҳар биримизга беряпти. Полиция ходимига қай тарзда жавоб қайтаришингиз, чўпонингиз ҳақида айтган сўзларингиз, молиявий ишларингизни қандай юритипшингиз, одамларга айтадиган гапларингиз ва бошқа кўп нарсалар, атрофингиздаги одамларга таъсири кўрсатади. Сиз қурувчиликни танлайсизми ёки тўсиқ тош бўлишними?

Шундай қилиб, бизнинг ҳар биримиз Худога ўзимиз учун ҳисобот берамиз. «Энди бир-биримизни бошқа ҳукм қилмайлик, яхшиси, биродарингизга васваса ёки тўсиқ қўймаслик ҳақида мулоҳаза қилинглар. Тинчликка ва бир-бирини

барпо қилишга хизмат қиласынан нарсаларга интилайлик» (Римликларга 14:12,13,19).

Повул түғридан-түғри, бизни ўраб турган одамларга күрсаттан таъсиirimизнинг ҳар бир лаҳзаси дикқат билан текшириладын Суд ҳақида гапирияпты. Мана нима учун доимо бу ҳақда ўйлаб юриш лозим. Шунда биз фақат ўзимиз билан машғул бўлмасдан, одамларни Худога олиб келишга интиламиш.

Йитирманчи асрда яшаб ўтган, Ребекка Ратер Спринжер, самога батамом ўз мукофоти сари кетишидан аввал, кўп ма-ротаба у ерда бўлиб қайтди. У самога ташрифларидан сўнг, «Само дарвозалари ортида» номли классик кичик ҳикоялар тўпламини ёзди. Унда узоқ вақт самода умр кечирган қариндошининг сўзларини ёзиб қолдирди. Унинг айтишича, ўша қариндоши, эрининг акаси бўлиб, Раббийга яқин одам бўлган экан. Мана унинг Ребеккага айтган сўзлари:

«Биз ерда бўлганимизда, кундан-кунга абадиятимизни қураётганимизни англағанимизда эди, ҳаётимиз кўп соҳаларда умуман бошқача тус оларди! Ҳар битта эзгу сўз, ҳар битта сахий фикр, ҳар битта беғараз ишимиз келгусидаги ҳаётда абадий гўзаллик устунларига айланарди».

### **Одамларни Исога олиб келиш**

Инсонга энг катта кўрсата оладиган таъсиirimиз, бу уни Масиҳга олиб келиштир. Сиз абадий ҳукмлар ҳақида түғри тушунчага эга бўлсангиз, танишларингизга нажот режаси тўғрисида сўзлаб беришни истайсиз. Биз шундай деб ўқиймиз: «Доно одам жонларни (балиқчи каби, уларни Худога абадийлик учун йигади) қўлга киритади (овлайди)» (Ҳикматлар 11:30, Кенгайтирилган таржима).

Ёш масиҳий бўлганимда, йўллимдан чиққан ҳар бир кишига Хушхабарни воизлик қилишга мажбурман деб билар-

дим. Лекин кейинроқ, Муқаддас Рухдан қачон ва нима гапириш кераклигини ўргандим. Мен Исо ҳам фақат Отасида кўрган нарсанигина қилганини англадим. Худо билан яшаганимизда, хизматимизда одамларни биздан итарадиган зўрлаш эмас, балки оқим бўлади.

Аммо уйга олиб кетилмагунимизча, бизда одамларни абадий ҳаётта олиб келиш хоҳиши доимо сақланиб қолади. Худонинг севгиси тўхтовсиз бу истакни туғдириб туради. Инсоннинг Масиҳни қабул қилиши, Худо ва барча фариштальарда ақл-бовар қилмас қувонч уйғотади. Бу хизмат маҳсус мукофот олиб келади. Исо дейди: «Ўрувчи мукофот олади ва абадий ҳаётта ҳосил тўплайди. Шундай экан, экувчи ҳам, ўрувчи ҳам биргалиқда қувонадилар» (Юҳанно 4:36).

Мен хотинимни, бизнинг биринчи учрашувимизда Раббийга олиб келишга мұяссар бўлганман. Нажот топганимдан сўнг, Худо менга ўзимнинг хотинимни учратмагунчча, қизлар билан учрашмайман деб ваъда берганман. Агар Худо Одамга Ҳавони берган бўлса, мен учун ҳам худди шундай қила олишга қодир деб ўйлаганман.

Масиҳий бўлгунимга қадар, бир нечта қизлар билан, кейинчалик бир нечта масиҳий қизлар билан танишганман, бироқ бу муносабатлар Худо билан муносабатларимга халақит бераётганини сезиб қолдим. Ҳар сафар навбатдаги узилишдан сўнг, қалбларимизда чандиқ ва кўз ёшлар қолиб кетарди. Бу бефойда нарса эканини фаҳмлаб етгунимча, кўп вақт керак бўлди. Хуллас, ким биландир учрашишдан аввал ибодат қилишга ваъда бердим.

Ўша вақтларда хотиним шўх қиз эди. Бир йигит, Лиза олийгоҳдаги энг тантис қиз бўлганини айтди. Унинг сўзлари қанчалик тўғри эканини билмасдим, аммо уни ўзим ҳам шунаقا қиз деб тахмин қиласдим. Ўша вақтгача, бир ярим йилдан бери қизлар билан учрашмаган эдим, негаки ҳар сафар бирор қизни учрашувга таклиф этмоқчи бўлганимда,

Худо ибодатда бундай қилма дерди. Бу сафар эса Муқаддас Рух уни очиқ ҳовада Муқаддас Китоб ўқиш тўгарагига таклиф этишга ундади. У таклифимни қабул қилди.

Тўгаракдан сўнг суҳбатимизни у билан олийгоҳ ҳовлисида давом эттиридик ва соат 1.30 да унга Хушхабар айтдим. У гапимни бўлиб, шу заҳоти нажотни қабул қилишни истади. Тез орада иккимиз ҳам, бизнинг оила қуришимиз Худонинг иродаси эканини тушундик. Ростини айтганда, мен катта ютуқни кўлга киритдим. Агар у ҳаётимда бўлмаганди, мен бугун бу нарсаларга эришмасдим.

Лиза миллионлаб одамларнинг ҳаётига таъсир кўрсатди. У ажойиб ёзувчи, китоблар муаллифи ва адолатсизлик қурбонларининг ҳимоячиси, у бутун дунё бўйлаб анжуманларда воизлик қиласди. Унга Худо ҳақида айтиш имкониятидан фойдаланмаганимда, нима бўларди? Устимдан кулишларидан қўрқиб, унга Исо ҳақида айтмаганимдачи? Мен ишонаман, Худо унга бошқа кишини юборарди, мен эса Худонинг мен учун тайинлаган энг яхши яримтадан қуруқ қолардим ва хотиним абадият учун хизмат қилган барча одамларнинг нажотига дахлдор бўлмасдим. Худонинг инъоми учун Унга шараф!

Ёдингиздами, уруг кўпаяди, бироқ унинг ўзи арзимас бўлиб кўринади. Ҳеч қачон Муқаддас Рұҳнинг бошқарувини асоссиз деб ўйламанг, боз устига унга эътиборсизлик қилманг. У мени ундаган энг кичик нарсалар, ҳаётимдаги энг улкан кўпайиш омилларига айланган. Худованд сизнинг кўпайишингизни истайди. Худованд кўпайишингизни тақдирлашни истайди.

## Якуний насиҳатлар

Харитага нақадар кўп нарса қўйилган. Бизга ерда ишониб топширилган вақтга енгилтаклик билан қарай олмаймиз. Одамларнинг абадийликдаги тақдири, биз Худонинг режасига бўйсунишимизга боғлиқ. Унинг иродаси, ҳамма

нажот топиши ва Исонинг тимсолига ўхшаш бўлишидир. У кимдир қолиб кетишини истамайди.

Мисрдан чиқсан бутун бошли авлод чўлда ҳалок бўлди. Улар барча замонларнинг энг буюк раҳнамосига эга эдилар, бироқ барибир мағлубиятта юз тутдилар. Биз машҳур раҳбарларга эга бўлишимиз мумкин, лекин Бош Курувчининг режа ва олдиндан ўйлаб қўйилган мақсадларини омалга оширишга фақат биз масъулмиз. У шундай деган: «Шоҳлик Хушхабари барча ҳалқларга гувоҳлик учун бутун ер юзида воизлик қилинади, шунда охири келади» (Матто 24:14). Келинг, ўз вазифамизни қўлдан бой бермайлик! Айни фурсат ва У эшик олдида турибди! Мабодо ўз тақдиримизни бажармасак, Ёшуванинг авлоди билан қилганидек, Худо бошқа авлодни қўтади, негаки У аллақачон, Унинг уйи тўлишини эълон қилди.

Бизга топширилган нарсани кўпайтириб, Худо режасидаги ўз қисмимизни бажарамиз. Ҳафсалангиз пир бўлмасин. Сизга берилган вазифани аҳамиятсиз деб ҳисобламанг. Интилишни йўқотманг. Янги Аҳдда равшан таърифланган самовий очиқликни кўздан қочирманг, аслида ушбу китобда айнан шу нарсалар ҳақида гапирдик. Сизга ўз замондошларингиз орасидаги, нафақат Исо ҳақида айтишингизга муштоқлик билан кутиб турганлар, қолаверса сиз орқали Унинг далда ва кучини олишга муҳтожлар ҳам умид қилмоқдалар. Сизни мангу тақдир кутмоқда! Сиз Унинг иноятига бутунлай таяниб, муваффақиятга эга бўлишингиз мумкин. У содиқ Худо!

Мен сизга Шоҳлик ҳамюрлари сифатида мурожаат этяпман. Ўз даъватгизни амалга оширинг, танловингизни мустаҳкам қилинг ва ўз масоғангизни охирига етказинг. Ўн милион йилдан сўнг манашу вақтга қараб, сиз шундай йўл туттанингиздан баҳтиёр бўласиз. Худонинг иродасига бағишланишда муккасидан кетган бўлишнинг имкони йўқ. Шундай экан, ғалаба қозонай деб, югуринг!

Яқуний насиҳат сифатида сизга Повулнинг барча муқаддасларга бағишлаган ибодатини қолдираман:

«Биз сизларга нисбатан севги билан тўлганимиздай, Раббий сизларни ҳам бир-бирингизга ва ҳамма одамларга нисбатан севги билан тўлдирсинг, тўлдириб тоширсинг ва Раббимиз Исо Масих Ўзининг барча муқаддаслари билан келишига сизларнинг юракларингизни Отамиз Худо хузурида муқаддасликда бенуқсон қилиб мустаҳкамласин» (1 Фессалоникийларга 3:12,13).



*Каломда абадийликда бериладиган мукофотлар ҳақида  
ёзилган ояtlар кўп, ушбу китоб ўзига*

*сифдира олишидан анча кўпроқ.*

*DrivenByEternity/EternalRewards сайтида*

*Каломдан абадий ҳукм ва мукофотлар мавзусини  
ёритадиган ояtlар рўйхатини топасиз.*

# • МУХОКАМА ҮЧУН САВОЛЛАР •

## 6 БҮЛИМ: 13, 14 БОБЛАР

1. Сизда арзимас ва унчалик аҳамиятта эга әмасдек туюладиган саволлар борми? Улар ҳақда само нүқтаи назаридан мулоҳаза юритиб кўринг. Нега ушбу аҳамиятсиз туюлган масалалар, Худо учун катта аҳамиятта эга бўлиши мумкин?
2. Кўпчилигимиз рақобат ва ўзимизни бошқалар билан тақослаш ҳиссига эгамиз. Ўзимизни бошқа одамлар замрида ўлчашни тўхтатганимизда Худонинг Шоҳлигига бўлган нигоҳимизда нималар ўзгаради?
3. Ҳаётингиз қўпайишлар билан бойми? Сиз ўз вақт, ибодат, қобилияtlар ва манбаларингизни қай тарзда яхшироқ идора эта олишингиз мумкин?
4. Китобнинг бошида Юҳаннонинг биринчи мактуби 4:7 оядидан, биз Масиҳ Ҳукми қаршисида дадилликка эга бўла олишимиз ҳақида муҳокама юритдик. Энди янги билимларга эга бўлгач, бунинг сабабини тушунтиринг.
5. Абадийликда из қолдирадиган ҳаёт қуришни қандай бошлишингиз мумкин?



ИЛОВА

**НАЖОТГА**

**ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН**

Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан  
эътироф этсанг ва Худо Уни ўлликлардан тирилтирганига  
ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон  
ҳақлика эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот  
топиш учун оғзи билан эътироф этади.

— Римликларга 10:9, 10

**Х**удо ҳаётингизда абадий турадиган муваффақиятлар-  
ни кўришни истайди. У сизга иштиёқманд ва ҳаётин-  
гиз учун режага эга. Ўз тақдирингизга олиб борувчи йўлни  
фақат – Худонинг Ўғли, Исо Масиҳ орқали нажот қабул қи-  
лиш тариқасида танлашингиз мумкин.

Исонинг ўлими ва тирилиши орқали Худо сиздек, Ўз се-  
викли ўғли ва севикли қизи учун Ўз шоҳлиги томон йўл  
очди. Масиҳнинг хоҷдаги қурбонлиги туфайли сизга аба-  
дий фаровон ҳаёт берилди. Нажот – бу сиз учун Худонинг  
инъоми, уни сотиб олиш ёки унга сазовор бўлишнинг им-  
кони йўқ.

Бу қимматбаҳо инъомга эришиш учун, Яратувчидан мус-  
тақил равишда ҳаёт кечирганингиз учун (негаки бу сиз  
садир қилган барча гуноҳларнинг илдизи ҳисобланади)  
гуноҳингизни тан олишингиз зарур. Тавба қилиш – нажот-  
ни қабул қилишдаги энг муҳим қисм. Пётр бу ҳақда Ҳаво-  
рийлар китобида беш минг киши нажотга келган кун аниқ  
айтган: «Шунинг учун, гуноҳларингиз ўчириб ташланиши

учун тавба қилинглар ва Худога ўгирилинглар» (Ҳаворий-лар 3:19). Калом ҳар биримиз гуноҳнинг қули бўлиб түфилганимизни маълум қиласди. Бу қулликнинг ўзати ўзбошимчалик ва итоатсизликка асос солган Одамнинг гуноҳига бориб тақалади. Тавба қилиш – бу ўзингизга ва ёлғоннинг отаси шайтонга бўйсунишни бас қилиш ва сиз учун Ўз ҳаётини берган – янги Хўжайин, Исо Масиҳга итоат этишни қарор қилишни англашади.

Сиз ўзингизни Масиҳга бўйсундиришингиз, Уни Хўжайним деб қабул қилишингиз, ҳаётингиз устидан ҳокимиятни, ўзингизни (руҳингизни, жонингизни ва танангизни) ва борингизни Унга топширишингиз лозим. У ҳаётингиз устидан мутлақ ҳокимиятга эга бўлади. Сиз ўлимдан ҳаётга ўтасиз ва Унинг фарзандига айланасиз!

Агар сиз Исо Масиҳ орқали нажот қабул қилишни истасангиз, шундай сўзлар билан ибодат қилинг:

*Самодаги Худо, мен гуноҳкорлигимни ва Сенинг ҳақлигинг талабларига мос равишда яшай олмаслигимни тан оламан. Гуноҳларим эвазига абадий жазога лойишман. Сен мени шундай аҳволда ташлаб кўймаслигинг учун миннатдорман, чунки Сен мен учун ўлган ва менинг гуноҳларим учун хоч жазосидан ўтган, бокира Марямдан туғилган, Ўзингнинг Ягона Ўғлинг, Исо Масиҳни юборганингга ишонаман. Унинг учинчи кун тирилгани ва ҳозир Сенинг ўнг томонингда ўтирганига ишонаман. У Менинг Раббим ва Нажоткорим. Бугун Сендан мустақил равишда яшаб келганим учун тавба қиласман ва ҳаётимни тўлиқлигича Раббий Исога топшираман.*

*Исо, Сенинг Раббим ва Нажоткорим деб эълон қиласман. Ўз Руҳинг билан ҳаётимга кириб кел ва мени Худонинг фарзандига айлантириб, ўзгартир. Мен шу пайтгача яшаган зулматдан воз кечаман ва бугундан бошлиб ўзим учун яшашни бас қиласман, лекин Сенинг иноятинг билан Сен учун яшайман, чунки Сен мен абадий яшашим учун Ўзингни бердинг.*

*Раббий, раҳмат Сенга. Энди менинг ҳаётим Сенинг қўлларингда ва Сўзингда айтилганидек, мен уятда қолмайман.*

Оиламизга хуш келибсиз! Сизни ҳозиргина бошингиздан кечиргандарингиз ҳақида бошқалар билан бўлишишига чорлайман. Энди Муқаддас Каломга ишонадиган, бирорта маҳаллий жамоатта боришни ва сизни имонда руҳлантирадиган имонлилар билан мулоқот қилишни бошлаш зарур.

Сиз энг ажойиб саёҳатнинг бошида турибсиз. Сиз ҳар куни Уни таниб-билишда, иноятда ва У билан дўстликда ўсиб-улғайишингиз учун Худо сизни марҳаматласин!



“Мессенжер Интернэшыл” одамларга, оиласларга, жамоатларга ва халқларга Худо Каломининг ўзгарирадиган кучида яшашга ва уни амалга оширишга ёрдам бериш билан шуғулланади.

Бу ўзгаришлар одамларнинг ҳаёти куч билан тўлишига, жамият ўзгача тарзда шакллашишига, дунёдаги адолатсизликларнинг ечими юзага келишига олиб келади.

---

**Cloud Library** – бу бутун дунё бўйлаб, хизматкорлар ўз она тилида цифрали манбаларга эга бўлишига имкон яратадиган онлайн-платформа ҳисобланади.

**CloudLibrary.org** сайтида сиз Жон ва Лиза Биверларнинг 80 дан ортиқ тиллардаги манбаларини топишингиз ва уларни осонлик билан юклаб олишингиз мумкин.

Электрон китоблар, видео ва аудио таълимотлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб...



Кўпроқ истайсизми? Сканер қилинг



# ЯХШИЛИК ЁКИ ХУДО?

НИМА УЧУН ХУДОСИЗ ЯХШИЛИК ЕТАРЛИ ЭМАС?



Агар бу яхши бўлса, демак Худодан, шундайми?

Хозирги кунларда «яхши» ва «Худо» сўзи қариб синоним бўлиб қолди. Бизлар агар жамият бирор нарсани яхши деб хисобласа, демак, албатта бу Худога маъқул бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Сахилик, бўйсунувчанлик ва адолат – бу яхши. Худбинлик, манманлик, шафқатсизлик – бу ёмон. Уларни фарқлаш осондек туюлади.

Лекин ҳаммаси шуми? Агар яхшилик шу қадар аниқ бўлса, нима учун Муқаддас Ёзувда бизлар яхшилик ва ёмонликни фарқлашни ўрганишимиз лозимлигини ёзилган?

“Яхшилик ёки Худо?” – бу янги, ёрдамчи китоб эмас. Бу китоб сиздан феъл – авторингизни ўзгаришишни сўрашдан кўра кўпроқ иш қиласи. У сизнинг хаётингизнинг ҳар бир соҳасини ўзгарирадиган даражада Худо билан бирлашишга сизга куч беради.

Жон ва Лиза Бивернинг шу ва бошқа манбаларини ўзбек тилида куйидаги сайтдан юклаб олишингиз мумкин:



[CloudLibrary.org](#)

# СИЗНИ ҚАНДАЙ АБАДИЯТ КУТМОҚДА?

Агар кейинги 24 соат ҳаётингизнинг қолган вақти қандай бўлишини белгилайдиган тажрибанинг бир қисми эканингизни билиб қолсангиз нима килган бўлар эдингиз? Иш жойингиздан тортиб, яшайдиган туманингиз ва уйингизгача, ҳамма нарса шу кунни қандай яшаб ўтишингизга боғлик. Ушбу 24 саотда нималар килган бўлар эдингиз? Жон-жаҳдингиз билан ҳаракатда бўлармидингиз ёки яхши қунлар келишига умид килиб, шунчаки кутиш билан шу кунни ўтказармидингиз?

Балки, бу мисол ҳақиқатдан жуда узоқда туюлиши мумкин, аммо бу бундай эмас. Аслида, бу мисол бугунги карорларимиз абадийликдаги тақдиризимизга таъсир кўрсатишини билдиради.

*“Абадият томонидан бошқарилаётганлар”* китобида, муаллиф Жон Бивер нихоятда ажойиб киноя ва Библия матни ёрдамида, қандай қилиб ердаги ҳаётимиз абадийликдаги ҳаётимизни шакллантиришининг тирик суръатини чизади.

Охириги нафасимиздан сўнгги ҳаётимиз, унинг бошланишидан кўра анча мухимроқ. Жуда кеч бўлиб қолишини кутманг. Ҳаётингизни шу ерда ва абадийликда қандай тўлақонли тарзда ўтказишни хозирдан ўйланг.



Жон Бивер ва унинг рафиқаси Лиза – Messenger International ташкилотининг таъсисчилари. Хизматкор ва оммабоп китоблар муаллифи Жон, дадиллик ва иштиёқ билан чекинмас ҳақиқатни воизлик киласди. Унинг юраги маҳаллий жамоатларга ёрдам беришга интилади ва хизматкорларга, уларнинг яшаш жойи, тили ва иқтисодий ҳолатидан қатъий назар қўлланмаларни ҳадя этади. Бугунги кунгача унинг китоблари ва видео дарслари дунёнинг 90 дан ортиқ тилларига таржима қилинган, миллионлаб нусхалари бутун дунё бўйлаб чўпонлар ва хизматкорлар ўртасида тарқатилган.



Мана шу ва босха  
манбаларни қўйидаги сайтдан  
юқлаб олишингиз мумкин:  
[CloudLibrary.org](http://CloudLibrary.org)



**MESSENGER**  
INTERNATIONAL  
[MessengerInternational.org](http://MessengerInternational.org)

Бу китоб – муаллифдан тухфа.  
Сотиш ман этилади.



Кўпроқ жотайсанми?  
Сотиш киминг?